

2/97

ЁШЛИК



ЁШ ОЛИМЛАР -
ПРЕЗИДЕНТ
СТИПЕНДИАТЛАРИ

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЕНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
"Камолот" жамғармаси

Бош муҳаррир:

Собир ҲНАР

Бош муҳаррир муовинлари:

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Масъул котиб:

Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:

Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муқимжон КИРҒИЗБОЕВ
Гоффор ҲОТАМОВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Ҳамроқул АСҚАР
Муҳаммад ИСМОИЛ
Жамол КАМОЛ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Тўра МИРЗО
Камол НОРҚОБИЛОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 2 (155) 1997 й.

Муқоваларимизда:

1-бет. Президент стипендиатлари - ёш
олимлар.
4-бет. Мусаввир Жўра АСРАНОВ
ижодидан намуналар

МУНДАРИЖА

ИЖТИМОЙ ОНГ, ДУНЁКАРАШ, ЁШЛАР Абдулла ТУРСУНОВ. Децентрализация нима?	3
МАЪНАВИЯТ - ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ Абдуллаазиз ОРТИҚБОЕВ. Гўзалликни кўра билимизми?..	7
ИКТИСОД САБОКЛАРИ Рустам АШУРОВ. Тижоратчи билимли бўлсин	10
ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН Маъруф ЙЎЛДОШЕВ. Насрдаги сўз вазни.	11
НАСР Назар ЭШОНҚУЛ. Қора китоб. Қисса Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ. Катта ўйин: Қисса Музаффар АҲМАД. Сарагул. Шеъринг хикоя	14 47 39
НАЗМ Муҳаммад ИСМОИЛ. Олам ёруғ Усмон АЗИМ. Жон ҳаёт! Гулларинг менда очилди Ҳамроқул АСҚАР. Кетдим юрагимни ўтларга ёқиб Минҳожиддин МИРЗО. "Қайғу гули"	13 5 9 32
БЕВАҚТ СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР Музаффар АНДИЖОНИЙ. Энди турналарнинг тушига киринг	29
ЖУРНАЛИСТ ҲАҚИДА ЖУРНАЛИСТ БЎЛМАГАНЛАР СЎЗИ Матбуотимиз ва матбуотчиларимиз мукамаллиги йўлида	30
САНЪАТ Низомиддин ИКРОМОВ. Санъаткор маънавияти - ёшлар маънавияти Ҳилола РЎЗИМЕТОВА. Мусиқа -нафосат тарбияси	43 43
МУВОЗАНАТ Саҳобиддин ХЎЖАНОВ. Ҳаёт қадар узун йўл	62
АНГЛАШ Ҳалим САЙИД. Изтироб билан ёзилган мақола...	44
МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор	60
МУҚОВАМИЗДА Абдул Ғани ЖУМА. Ёш олимлар - Президент стипендиатлари	63

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаб
Неру, 1-уй Телефон: 33-40-83.

Босишга 11.03.97 йилда рухсат берилди. Қоғоз
формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0 Буюртма № 1156

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик" дан
олинди деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарк" нашриёт-
матбаа концернининг босмаҳонаси, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Абдулла ТУРСУНОВ

ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИЯ



НИМА?

Давлат тараққиётида номарказлаштиришнинг аҳамияти нимадан иборат?

Номарказлаштиришнинг асосий сабаби:

- биринчидан, кенг оммани бошқарувга жалб этиш ва жамоатчиликка кўпроқ жавобгарликни бериш;
- иккинчидан, самарали бошқарув асосини яратиш.

Бошқарув қанчалик пастки органларда амалга оширилса, унинг самардорлик натижаси юқори бўлади. Одамлар маҳаллий ҳокимият органлари билан мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлади.

Номарказлаштириш жараёнида одамлар бевосита бирон бир масалада қарор қабул қилган ва бунинг учун жавобгарликни ўз зиммасига олган шахсга мурожаат қилишади.

Худудий масалаларни ҳал қилишда ташқи таъсир камаяди, худуд аҳолисининг яшаш даражаси учун жавобгарлик маҳаллий бошқарув зиммасида бўлади. Қарор қабул қилишда худудий муаммолар ечимига асосланади ва бунда ҳар бир яшаётган одам бошқарувда иштирок этаётганини ҳис этади. Бу албатта етук ва малакали муҳаллий кадрларни тайёрлашни тақозо этади.

Номарказлаштириш жараёнида бошқарув самардорлигини таъминлаш куйидаги тамойилларга асосланади:

- биринчидан, марказ билан маҳаллий органлар ўртасидаги ялоқани яратиш учун янги тизимни аниқлаш, яъни марказий ва маҳаллий органларнинг алоҳида ваколатларини аниқлаш ҳамда улар ўртасида алоқа тизимини яратиш.

- иккинчидан, молиявий масалаларни ўз моҳиятига асосан аниқлаш, яъни давлат ва маҳаллий худуднинг молиявий аҳоли, муаммонинг давлат ёки худуд миқёсида аҳамиятга эгаллиги асосида яниқлаш.

- учинчидан, мониторинг асосида жойларда кузатиш, таҳлил қилиш натижасида ижтимоий-иқтисодий масалаларни, кадрлар тайёргарлигини баҳолаш.

Номарказлаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатга қараб алоҳида хизматни (фаолиятни) мамлакат миқёсида алоҳида худудларда номарказлаштириш, бир неча тур хизматлар бўйича номарказлаштириш, бирон хизмат турлари бўйича худудий бирликда номарказлаштиришга қараб алоҳида «модел» танланади.

Хизматлар дейилганда уй-жой ҳўжалиги, транспорт, медицина хизмати, маориф ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар кўзда тутилади.

Албатта, номарказлаштириш бўйича қарор қабул қилиш ва унинг қайси йўл билан, қандай модел асосида жорий этилиши ҳар бир давлатда унинг тарихий ва миллий кадриятлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига асосланади.

Номарказлаштириш бўйича қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш бир кунда ёки бир неча йилда амалга оширилиши мумкин эмас.

Шунинг учун бу ҳар бир давлат учун ўз халқи ҳаётининг барча жабҳаларини, манфаатларини ва келажагини ҳисобга олган ҳолда, чуқур изланишлар, таҳлиллар асосида, жаҳон ва ўз тажрибаларига таянган ҳолда ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий замин яратилишини талаб қиладиган мураккаб жараёндр.

Францияда номарказлаштириш

Франция - Президент бошчилигидаги парламент Республикаси бўлиб, ўз Конституциясига биноан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган.

Франция давлати - улкан давлатчилик тажрибасига эга, иқтисодий ривожланган давлат бўлса-да, номарказлаштириш бўйича биринчи бош қонуни 1982 йил 2 мартда қабул қилган.

Франция халқи ва давлати номарказлаштириш зарурлигини англаб етганидан то уни амалга оширганга қадар 30 йил вақт ўтди, яъни 1968, 1969, 1972, 1978, 1980 йилларда бошқарув тизимини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар натижа бермади ва фақат 1981 йил июлда Парламент бу ҳақдаги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Хабарингиз бўлса, Оврупа ҳамжамиятининг Халқаро ТАСИС фонди дастури лойиҳаси бўйича Оврупа, Ўзбекистон экспертлари иштирокида Франция, Англия ва Голландия давлатларида бошқарув тизими ҳамда шу асосда «Сирдарё вилоят бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш» дастурига кўра бир йилдан ортиқроқ муддат мобайнида вакиллар иш олиб бордилар. Иш якунида қатнашган Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академияси тингловчиси Абдулла Турсунов ТАСИСнинг номарказлаштириш сиёсати моҳияти, характерли хусусиятлари, биз учун аҳамиятли жиҳатлари тўғрисида сўз юртади.

Авалло шунинг айтиши лозимки, муаллифнинг фикрлари унинг ҳам, тахририятнинг ҳам ҳукми эмас. Номарказлаштириш сиёсатини юритган мамлакатлар, жумладан, Франция қандай ютуқларга эришгани, шу асосда бизнинг Республикамызда ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган жиҳатлар эътироф этилади. Бу ҳақда барчамиз ҳам боши қотириб, бир фикрларга келсак, чакки бўлмасди. Мулоҳазалар битилган мактубларингизни кутамиз.

Тахририят

Децентрализациянинг луғавий маъноси «номарказлаштириш» бўлиб, бошқарувнинг марказдан маҳаллий идораларга аста-секин ўтишини билдиради.

Давлат бошқарувини марказлаштириш асосида унинг ягона бирлиги таъмин этилади. Бироқ бошқарувда барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этиш ваколати фақат Марказий ҳокимиятга берилганлиги маҳаллий ҳокимиятда ташаббускорликнинг йўқолиб бориши ва жавобгарликни тўла ўз зиммасига олмаглигига олиб келади.

Ер қуррасида мавжуд 200 дан зиёд давлатда бошқарув тизими асрлар оша ўз анъанавий услубларига асосланади ва давлат тузумига қараб халқ иродасини ва манфаатларини ёки ҳукмрон синф, табақа ва шахслар манфаатини ифода этади.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар тарихи шундан далolat берадики, ҳар бир давлат ўз ривожини учун жуда узоқ ва машаққатли йўлларни босиб ўтган ҳамда бор қудратини сафарбар этган. Давлат бошқаруви тизими самардорлиги жамият тараққиёти учун энг муҳим аҳамиятга эга. Номарказлашган бошқарувнинг хозирги даврда Швеция, Япония, Исландиядаги бошқарув тизими юқори даражадалиги тан олинмоқда. Булар қаторида Франциядаги номарказлашган бошқарув тизимининг ўзига хос томонлари мавжуд.

Хозирча номарказлашган бошқарувни жорий этган давлатлар асосан уч хил йўл тутишмоқда:

биринчи йўл - сиёсий даражада ўзгаришлар, яъни сиёсий ҳокимиятни юқоридан пастга бериш.

Бу йўл жуда кам ҳолларда қўлланилади, чунки сиёсий ҳокимиятнинг маҳаллий даражага берилишида жамиятдаги барча ҳолатлар тўла ҳисобга олинмаса бу давлатнинг сиёсий суверенитетига путур етказиб давлатни барбод қилиши мумкин.

Бу йўл Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияда қўлланилмоқда, яъни АКШдаги 50 та штат, Буюк Британиядаги 4 та мамлакат (Шотландия, Шимолий Ирландия, Англия ва Бирлашган Қироллик) маълум сиёсий аҳамиятга эга, лекин асосий сиёсий масалаларнинг марказга берилганлиги бу давлатларнинг ягона ахлитлигини таъминлайди.

иккинчи йўл: бунда сиёсий қарорлар умумдавлат миқёсида қабул қилинади, ижро эса ҳокимиятнинг қуйи қисмида амалга оширилади. Бу йўл кўп қўлланилади, чунки сиёсий қарорларнинг умумдавлат миқёсида қабул қилиниши кўпчилик фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқади.

учинчи йўл: бунда марказий орган маслаҳат учун бошқа органга мурожаат қилади, маслаҳат берувчи орган марказий орган томонидан назорат қилинмайди. Бу номарказлашган бошқарувни жорий этишнинг энг суёт йўли.

Бундан ташқари тўртинчи йўл ҳам қўлланиладики, бунда марказий орган бўлимларга бўлинади. Бу йўл марказдан кучли сиёсий ёки молиявий назорат ўрнатилган ҳолларда амалга оширилади.

Францияда номарказлашган бошқарув бўйича 140 та қонунлар мажмуаси мавжуд бўлиб, булар бошқарувнинг ҳар бир босқич ваколати ва фаолиятини белгилиб беради. Чунки бошқарувнинг номарказлашган усули ҳар бир бўғин ваколотларини аниқ белгилашни тақозо этади. Яъни Францияда ваколат тақсимотини амалга ошириш 1983-1988 йиллар давомида амалга оширилди.

Давлат бошқаруви Францияда 5 бўғиндан иборат: 37 минг Коммуна (Муниципалитет) 99 та Бўлим (Департамент), 22 та регион (вилоят), марказ ҳамда энг юқорида Европа Хамжамияти туради.

Коммуна - асосий маҳаллий ҳокимият бўлиб, 34 мингтасида аҳоли сони 1000 кишигача. Коммуна - умум сайлов йўли билан сайланадиган ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга Муниципал Кенгаш томонидан бошқарилади.

Кенгаш Коммуналарнинг катта-кичиклигига қараб 6 тадан 69 тагача маслаҳатчилардан иборат. Кенгаш аъзолари ижро раҳбари бўлган Мэрни сайлайди.

Муниципал кенгаш қонун доирасида қабул қилган қарори қаршиликларсиз бажарилади. Давлат, ҳеч қандай назорат қилиш ҳокимиятига эга эмас, лекин қонуний кенгаш қарор қабул қилиши ва ҳаракатлар қилиши мумкин.

Хезирда Коммуналнинг роли, мажбурияти, ваколати охиб бормокда, у ўз худудида ҳамма масалаларга аралашши мумкин.

Коммуналнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: фуқаролик ҳолати, сайловлари қайд этиш ва ташкиллаштириш, маҳаллий полиция (давлат вакили ҳокимияти остида), ижтимоий ёрдам, маҳаллий йўлларга қараш, бошланғич мактаб (бино, хизмат кўрсатиш, ўқитувчиларни жойлаштириш, ошхоналар), маданий тадбирлар, ердан фойдаланиш, қурилишларга рухсат бериш, шаҳарлар ривожини, архитектура ёдгорликлари ва атроф-муҳит ҳимояси.

Кейинчалик Коммуналнинг умумий ривожланиш ва ердан фойдаланиш режаларини тузиш ҳамда маданий ва маориф соҳасида ваколат ва мажбуриятлари оширилган.

Департамент - маҳаллий ҳокимият бўғини бўлиб, аҳоли томонидан сайланган Кенгаш ва Ижроя Кенгаши раиси томонидан бошқарилади. Департамент ўз худудида тулик бошқарув ҳуқуқига эга.

Департамент вазифалари Коммунага нисбатан чегараланган бўлиб, асосан ижтимоий соҳани ўз ичига олади: соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлиги, ижтимоий таъминот, йўлларга қараш.

Регионлар - 1982 йилда ташкил этилган бўлиб, Европа Иттифоқига киришда маҳаллий бошқарувнинг жуда майдалашганлиги учун бошқа давлатларда мавжуд маъмурий худудлар даражасида йириклаштирилган.

Бунда ҳам сайланган Регион Кенгаши ва ижроя кенгаши бўлиб, Регион кенгаши ва Бошқарув Қумитаси президенти томонидан бошқарилади.

Регионнинг асосий вазифаси иқтисодий соҳага қаратилган бўлиб:

- регионда режалаштириш,
- иқтисодий ривожланиш, илмий ва маданий соҳа ва соғлиқни сақлаш ривожини ўз зиммасига олади. Шунингдек, Регионнинг иқтисодий ривожланиши бўйича давлат билан «Контракт-режа» тузади ва бунда томонлар мажбуриятлари ўз аксини топади.

Давлат-қўшлаб вазифаларни маҳаллий ҳокимиятларга бериши билан унда давлат бирлиги, мамлакат тараққиёти, миллий мудоффа, халқаро муносабатлар, каби давлат миқёсидаги сиёсий ва иқтисодий вазифалар билан шўғуланади. Шу билан бирга маҳаллий давлат ҳокимиятлари устидан маъмурий, молиявий ва ҳуқуқий назорат олиб боради. Яъни ҳар бир маҳаллий ҳокимиятда қабул қилинаётган қарорлар қонунийлиги жойлардаги давлат вакиллари, Давлат Аудит идоралари орқали назорат қилинади. Лекин булар маҳаллий ҳокимият устидан ҳукмронлик қилмайди.

Албатта маҳаллий органларга бошқарув ҳокимияти ҳуқуқларининг берилиши уларнинг молиявий масалаларни ҳам ўзлари ҳал этишини тақозо этади.

Францияда бошқа давлатлардаги каби бюджет даромадининг асосини ҳар хил солиқ тушумлари ташкил этади. Маҳаллий ҳокимиятлар ўз бюджетининг - 51,6 фоизини маҳаллий солиқлар, 23 фоизини давлат дотацияси, 11,7 фоизини давлат банки қарзлари ва 13,7 фоизини кўрсатилган хизматлар ҳисобидан қоплайди.

Маҳаллий ҳокимиятлар бюджет харажатларини мустақил ҳал қилади, фақат давлат дотациясининг 30 фоизини белгиланган мақсадга мувофиқ сарфлаши зарур.

Франция давлат бюджетининг ўтган йилги ҳокимият бўғинлари бўйича тақсимоти: Давлатга - 221, Регионларга - 9, Департаментларга - 32 ва Коммуналарга - 62 миллиард ЭКЮни ташкил этади. Бундан кўришиб турибдики, маҳаллий ҳокимиятлар бюджетиде Коммуналнинг ҳиссаси 60 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда бошқаришни номарказлаштириш тамойили нималарга асосланади?

Тамойили, шакли

Ўзбекистон халқи Мустақилликка эришгунга қадар Амир Темур давлатининг вужудга келгунча қадар Араблар ва Мўғиллар истилосида, Темур давлати парчаланиши билан яна майда хонликларга ва охири Рус империясига қарамликда яшади.

Мустақиллик шарофати билангина эндиликда шу ўтган қисқа даврда Ўзбекистон ўз давлатчилиқ усули ва ривожланиш йўлини яратди. Ўзбекистоннинг 5 йилда давлатчилиқнинг ҳуқуқий асосларини яратишда, бозор иқтисодиётига ўтишда, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий ва маънавий соҳаларда қилинган ишлари учун жаҳонда кўплаб давлатлар юз йиллаб вақт сарфлаган.

Шу сабабли ҳокимиятда номарказлашган бошқарув тизимини жорий этиш тўғрисида фикр юритганда аввало шу ўтган даврда қилинган ишлар, яратилган қонунларга, иқтисодий ривожланиш йўлимизга асосланишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Қонституциясида давлат ҳокимияти тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланганлиги белгиланган ҳамда халқ-давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб, давлат-қонун чиқарувчи ягона Олий Мажлис, вакиллик органига эга.

Ижро ҳокимияти бўйича давлат бошқаруви уч бўғинли бўлиб, марказ, давлат ва вилоят, туман (шаҳар)ларда маҳаллий ҳокимиятларга эга.

Бундан ташқари ўз-ўзини бошқарув органи-маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд.

Ўзбекистонда номарказлаштириш тўғрисида қонун ёки қарор қабул қилинмаса-да, бунга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқдаки, бу номарказлаштиришнинг ўзига хос моделини яратишга замин яратади.

Яъни бу аввало иқтисодиётда: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодий эркинликларини ошириш, бошқарувда маҳаллий бошқарув тизимининг ролини ва ваколатларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, шулар жумласидандир.

Жаҳонда бошқаруви номарказлаштириш бўйича ҳар хил давлатларда тутилган йўлни мутоқ муқамал тизим дейиш мумкин эмас, бундай бўлишига ҳали эрта.

Бас, шундай экан, Ўзбекистон бошқаруви номарказлаштиришда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётда ўз самарасини кўрсатаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг беш тамойилига асосланиши лозим.

Маҳаллий ҳокимият бошқаруви ролини ошириш ва уларга ваколатни бериш учун:

- биринчидан, давлат миқёсида иқтисодий барқарорликка эришиш ва тараққиёт йўлига ўтиш;
- иккинчидан, ҳар бир бошқарув бўғини ваколатлари ва мажбуриятларини аниқ белгиладиган қонунлар мажмуасини яратиш;
- учинчидан, жойларда барча маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир етук ва билимдон мутахассисларни тайёрлаш зарур бўлади.

Бу шундай шароит яратишни кутиш керак деган гап эмас албатта, бу жараён маълум вақтни талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда бу йўналишдаги ишни босқичма-босқич амалга ошириш мумкин.

Яъни маҳаллий бошқарув ҳокимиятларига: уй-жой қурилиши, қонунал-хизматлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший хизмат ва бошқа маҳаллий худуд аҳамиятига молик ижтимоий масалаларни босқичма-босқич вилоят ва туман бўғинлари маъсулиятига юклаш мумкин, чунки жойларда кўп ҳолларда ҳар бир масала бўйича марказдан кўрсатма кутиш тушунчасидан холи бўлмаганлар ишга ижодий ёндашмайдилар.

Маҳаллий бошқарув ҳокимиятининг туман ва шаҳар бўғини, ўз-ўзини бошқарув органлари, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси фаолиятини кўриб чиқиш, улар ўртасидаги муносабат қандай бўлиши кераклигига аниқлик киритиш, шу асосда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинига маҳаллий ҳокимият мақомини бериб, улардаги ҳозир мавжуд нотариал, ер участкалари бериш, оилавий ҳолатларни қайд этиш ваколатларини кенгайтириб, давлат бошқаруви тизимига киритилиши мумкин.

Албатта, бу тадбирни амалга оширишда маҳаллаларни айрим ҳолларда бирлаштириш, уларга бериладиган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ваколатларни аниқ белгилаш масалаларини ҳал этишини тақозо этади.



Усмон АЗИМ



ЖОН ҲАЁТ!

ГУЛЛАРИНГ МЕНДА ОЧИЛДИ

* * *

Ёлғизлик элтди ботин сеҳрга,
Ёхуд дилга етди баҳорги олам -
Яшил навдаларга боқиб меҳрда,
Баҳорни аввайлаб - йиғлади одам.

Дунёни бузмасдан йиғлади беун,
Бетитроқ - кўнгилга бериб ихтиёр:
«Худойим, ижодинг бунчалар бутун,
Бирга нафас олган юрак бахтиёр.

Гоҳи ўзим билан, ўзга билан гоҳ -
Дунёгни билмасдан - бахшлашдим ўжар.
Кўзим очиқ чоғда, парвардигоро,
Заррамни қолдирмай олсанг-чи ўлжа.

Яратган дунёнинг ташвишларида
Мен сени кўрмасдан яшадим. Бирок
Боғларнинг ям-яшил ёнишларидан
Бугун уфурасан руҳимга титроқ.

Кўрсата олмайман (ўзинг чексиз кўз!)
Адашган умрнинг сарсон изини.
Келаётган кунларга айтиб ширин хўш,
Сенга қўшиламан ҳозир узилиб...»

Ўтлар кўз олдида титранар ўсиб,
Булуғлар томчида етар бошига -
О, яна қанчадир айтмаган сўзи,
О, қанча сўзлари кўзин ёшида:

Дераза ортида баҳор - муқаммал.
Инсон Яралмишнинг энг чала жойи
Худди бутун каби турар бу маҳал -
Баҳорга боқару йиғлар: «Худойим!...»

* * *

Қандай майда ёмғир, қандай илиқ кун! -
Қалбимда барг очар қуртаклар - сездим.
Анҳор бўйларида бахтиёр кездим,
Ёнимда югандай бир дўсту туйгун
Майсада юролган шамолдай эсдим -
Дўстликдан юрагим топгандай афсун.

Боғда музлаган Вакт етдингми мартга?
Ёмғирнинг сийнаси бунчалар майин.
Рух майин - юзимни босганим сайин.
Бу нозик тортиқдан юрагим қатта,
Дуч келдим, о, қандай бахтиёр дардга -
Сипқордим - ҳаводай - мангулик майин.

Қандай чўзса бўлар бутун умрга
Бу бахтни... Ёзимга тушаркан сим-сим,

Ҳатто йиғласам ҳам билмайди ҳеч ким...
Беминнат, улуғ дўст шарпасин бетин
Ҳис қилиб, учади руҳим бир нурда.

Ўрдадан Хадрага пиёда кетдим.
Теграмдаги турмиш кўринди мўъжаз.
Эй, ёмғир фалақдан келаётган сас -
Мен бугун дунёдан зиёда кетдим.
Заминдан қай майин дунёга етдим? -
Сен - сочқин қалб билан яшаб ҳамнафас...

* * *

Баҳорда юмшайди кўнги ва тупроқ.
Баҳорги эркида йиғларкан кўнглим,
Мен яшил ҳисларга кўмилдим - тўлдим.
Ҳамма қуртакларим очаркан япроқ,
Олис бир эртакка ўхшайди ўлим.

Жон, Ҳаёт! Гулларинг менда очилди!
Гуллаган дарахтдир руҳим бу кунлар.
Шамоллар сочилар бир эрка унлар -
Қаҳратон аёзнинг захри янчилди,
Қалбимда ечилди барча тугунлар.

Жон, Ҳаёт! Кўксинга бошимни қўйдим,
Бошимни ишондим сенга, бошимни.
Баҳор эритгандир жаъми тошингни,
Мен сени онам деб ўртаниб суйдим,
Ёмғирли меҳрда айтдим розимни.

Сархушман! Сипқордим: умрим - буюк май,
Жонимдан чекинди азалий фироқ.
Лаҳзаларни санаб титранма, япроқ!
Ерга кириш бўлса, ахир, қочмагай -
Баҳорда тупроқ ҳам юмшоқдир, юмшоқ...

* * *

Ўрик гулбарглари
Шамолда тўқди.
Сени ўйлай десам
Ўйимдан кўрқдим.

Шундоқ ҳам аччиқ ёш
Босди кўзимни.
Сенга қақар ғамда
Жоним чўзилди.

Суқунат ичда
Ўлтирдим тошдай -
Сиримни бермасдан
Кўздаги ёшга.

Соғинч тошлигимга
Ёшимни тўқди...



Сени ўйлай десам,
Ўзимдан кўрқдим.

* * *

Шовуллаган баҳорги дунё
Дил боғига ташлайди салқин -
Менинг қирк минг томиримда жо
Оғриқларим тортади салқини.

О, ўтдими ёвнинг қаҳри - қиш,
Куз - дўстларнинг доғи ўтдими?
Фақат баҳор - тангрига хос иш -
Кўкартирди мени - ўтинни.

Хатлардаги жонимни сўраб,
Сўзлар етди - тақдирларга тенг.
Хамма мени унутди... Ёраб!
Унутмадинг фақат сен, сен, сен...

* * *

Тоғларни ваҳима булутлар босди.
Сойларда
Сел окди
Ўйнаб тошларни.
Боғлар
Гулли бағрин
Оламга ёзди -
Орзулар чўлғади
Телба бошларни.
Юракнинг тўлғонган мамлакатида
Майсалар кўкарди
Рухимни ўраб...
Сен ҳамон севгининг ҳалокатида
Турибсан -
Кузакдан жонимни сўраб.

КИЗГАЛДОҚЗОР

Тунда пари ўтлоқда чопди,
Тиканларда товони қонаб...
Паризодим, қай чакмоқ чопди -
Даштда қонинг донаю дона.

О, қонингда ари - болрежа!
О, капалак! - уғри - гулпараст!
Паризодим, ўзингни тежа -
Вужудингни сарфламагин маст.

Паризодим, ачин ўзингга,
Дунё учун қон тўқмоқ бекор.
Умринг бунча гўзал тўзинган...
Наҳот, сени ўлдирар баҳор?

* * *

Офтобдан елканг исиди,
Олам аро баҳор хандаси -
Бегонадай турма қисиниб,
Банд-бандингдан тамом узилиб-
Эй, оллоҳнинг содиқ бандаси!

Бу дунёнинг жаъми гурури
Қалбу ақлинг, қўлинг коридир.
Сен ташвишга тушма суруниб -
Ким яшаса ҳар он уруниб,
Худованднинг қутлуг ёридир.

Оғир... Оғир фалакнинг юки! -
Қиргазди оқибат ерга.
Фалакни даст кўтарган телба,
Бу захматнинг - қалбингнинг юки -
Олий мадад - қолажак элга.

Улуғ Хаёт иморатига
Қоришаркан - тупроқдай - тафтинг,
Шиддатингу меҳнатинг, фаҳминг -
Эзгуликнинг ибодатига
Имом тургай раҳму шафқатинг.

Сен дунёнинг асл ғояси,
Банда, фалак каломидирсан
Оҳ, эҳтимол султонидирсан -
Кўрқмагин, бу оллоҳ сояси,
Сен оллоҳнинг давомидирсан.

* * *

Ҳар кузакда ўлдим, ҳар кўклам ўлдим,
Ҳар соатда ўлдим, ҳар бир дам ўлдим -
Ўлимдан чекиниб дилга жам ўлдим.
Тангрим! Тирилмадим! Наҳот, кам ўлдим?

Булутдай тўзгинман - чакмоғим йўқдир,
Нурингга қўшилиб окмоғим йўқдир.
Дунёнинг ғамига тошмасман ҳануз,
Сенга сингмоқликка ёшмасман ҳануз.

* * *

Менинг кўзим қуп-қуруқдир,
Йиғламас кўзим.
Кўнглим йиғлар қунлар келди -
Тангрим, бер тўзим.

Менинг лабим қимирламас -
Йўқдир овозим.
«Хайр» дейман - ич-ичимга
Оғриқни босиб.

Юрак сени сезмас, гарчи
Ўша-ўшаман.
Марҳумларнинг қаторига
Сени қўшаман.

Юрагимдан, борар жойинг
Йўқликларга тенг...
Йўқликда ҳам энди сенсан.
Йўқликлар ҳам сен...

* * *


Икки юрак ўртасида армон бордир,
Топишганлар орасида хижрон бордир.
Кетган билан қолганларнинг ўртасида
Хаёт яна ўлим - икки даврон бордир.

Сўфийликка борай десам, шухрат - девор,
Илҳом сари юрмоқликка меҳнат - девор,
Юрак сенга бўзлаб-бўзлаб юрай десам,
Шодмонликка ўрганганман: захмат - девор.

Ҳақиқатга йўлни тортсам - хорлик турар,
Кўнглимга бир дўст изласам - зорлик турар.
Аразим бор - «оғажон» деб қучолмайман,
Кечирмоққа бу дунёни торлик турар.

Қоғоз ва қалб ўртасида дард турадир,
Бу дардларга чидамоққа мард турадир.
Гар истадим, эй, шох, сенга дўст бўлмадим,
Чунки бизнинг орамизда халқ турадир.

Бу не бало, қандай тубсиз гуноҳқорман?
Васлингни бир кўрмоқликка, тангрим, зорман.
Йўл юраман, уринаман, етолмайман... -
Ўртамизда чексиз даҳшат - ўзим борман.



ГЎЗАЛЛИКНИ КЎРА БИЛАМИЗМИ?..



Сухбатдошимиз, профессор Абдуллаазиз ОРТИҚБОЕВ 1950 йили Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилган. Ўттиздан ортик илмий-услубий ишлар муаллифи. 1993 йили «Ярим евклид фазоларида тўла геометрия масалалари» мавзuida докторлик диссертациясини химоя қилган. Аини кунларда ТошДУ механика-математика факультетининг «Геометрия ва математика тарихи» кафедраси мудир.

- Хурматли Абдуллаазиз ака. Сиз суҳбатлардан бирида санъат асарларига хандасавий, яъни геометрик ёндошув ҳақида гапириб қолдингиз. Айтайлик, мактабларда ҳам ёлчитиб ўқитилмайдиган, математиканинг унчалик муҳим бўлмаган соҳаси сифатида қараладиган, асосий вазифаси турмушда, маиший ҳаётда у-бу нарсаларни ўлчаши учунгина ишлатиладигандек туюладиган хандаса фани билан, таъбир жоиз бўлса, илоҳий тарзда яратилган санъат асарлари ўртасида қандай боғланиш бўлиши мумкин? Сизнинг мулоҳазангиз ўрганмаган қулоққа инсон танасига анатомик ёндошув деганга ўхшаб эришмоқ эшитилмайдими?

- Асло. Сиз ҳам, афтидан, «геометрия» атамаси аслида юнон тилида «ер ўлчаши» маъносини англатишидан бохабар бўлганингиз учун шундай фикрга боргандирсиз. Холбуки, хандаса қадим-қадимдан етти эркин санъат турининг бири бўлиб келган, «санъатни хандасадан кидиринг», деган шиор ҳам айнан ўша вақтлардан қолган.

Энди бу фаннинг мактабларда ёлчитиб ўқитилмаслигига келсак, бунинг учун айбни ўзимиздан кидиришимиз керак. Зеро, сўнгги чорак аср атрофида бу соҳадаги дарсликлар икки мартаба алмашди, бир адабиётга ўқиб-ўрганиб улгурмаган авлод кетидан янги йўналишдаги кўлланмалар таълим тизимизга кириб келди. Бу эса ўз-ўзидан мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида оқсашликлар юз беришига олиб келди.

Эътибор беринг, дастлаб, математиканинг бошқа бўлимларидан аввал Евклиднинг «Негизлар» китобида хандаса мустақил фан сифатида ўз ифодасини топди. Бу эраמידан аввалги учинчи асрда рўй берган. Ўша замонлардан бошлаб хандасага эътибор жуда кучайган. Илм билан машғул бўлишни истаган, умуман ўзини

зиёли, маданиятли санаган ҳар бир фуқаро борки, албатта хандасани билиши шарт бўлган. Афлотундек улуг одам ҳам ўз академиясининг пештокига бежиз: «Бу даргоҳга хандасани билмаганлар қадам босмасин!» деб ёзиб қўймаган ахир!

Бора-бора заминдаги ўлчовлар билан чекланиб қолмаган бани башар ўз нигоҳини коинотга ҳам тиккан. Бу эса, ўз-ўзидан аёнки, хандаса илмининг аҳамияти ва мавқеини янада ошириб юборган.

Энди бевосита санъат асарларига хандасанинг алоқасига келсак, назаримда бу икки тушунча бир-бири билан беҳад чоғишиб кетган. Мисол излаб сал узокроққа борайлик. Сиз Ўзбекистон санъат музейида турган, эрамизга қадар III асрда (!) мармардан ишланган «Венера билан дельфин» асарига ҳеч синчиклаб разм солганмисиз? Эътибор беринг, асарда нақадар ажойиб мутаносиблик, кўзни қувнатадиган, дилни яшнатадиган гўзаллик бор. Илло, гўзлик ўзининг ҳақиқий математик ифодасини топгандагина, умумий қонуниятларга тўла бўйсунгандагина ҳамма-ҳаммага ёқадиган санъат асарига айланади. Шундай экан, ҳар бир ҳақиқий санъаткор - энг аввало хандасани, мутаносиблик қонуниятларини пухта эгаллаган ижодкор, деган хулоса келиб чиқиши тайин. Ёки худди шу музейдаги мусаввир А. Беллолининг «Чўмилиувчи аёл» асарини олинг. Вужудидан покизалик, ҳаё, соғломлик эпкини уфуриб турган аёлнинг қўллари, ҳатто юз унсурлари хандасанинг устивор қонунларидан бўлган $1/2$ мутаносиблиги асосида чизилганлиги учун ҳам шу қадар гўзал ва бетакрор кўринаётганлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз...

Энди нигоҳингизни ўзимизнинг кўҳна Шарққа хос сирли ва сеҳрли, маҳобатли ва афсунқор меъморчилик обидаларига қаратинг. Самарқанддаги

Регистонни оласизми, Туркистондаги Яссавий мақбарасиними (суратга қаранг), боя айтганимдек, энг аввало хандасавий шаклларнинг ўзаро мутаносиб жойлашиб туришигина гўзаллики, кишининг ақлини лол этиб, руҳиятини кўкларга кўтарувчи чиройни яратган...

Фикримизни янада теранроқ исботлашга ҳаракат қилиш учун масаланинг бошқа томонидан ёндошишга ҳам уриниб кўрайлик. Сиз суратда «Бельвадер» деб номланган бино тархини кўриб турибсиз (Бельвадер - Нидерландиядаги машҳур симметрияларни ўрганиш халқаро Маркази). Шундай бир кўз ташлашда бино жуда чиройли бўлиб кўриниши мумкин, аслида эса, нечоғлик уринманг бундай кошонани ҳеч қачон бунёд эта олмайсиз. Энди расмга синчиклаб қаранг. Хандасавий мутаносиблик қонунлари бузилгани шундоқ кўринади-қолади. Пайқамадингизми? Мана биринчи қаватда ёнма-ён жойлашган уч устуннинг ҳеч бўлмаса биттаси мутлақо ақл бовар қилмайдиган даражада турганига, шунингдек, нарвон биринчи қават ичкарисидан... иккинчи қават пешайвонига чиқиб қолганига эътибор беринг...

- Демак, Инсон, айниқса ёшлар маънавияти шаклланишида хандаса илмининг аҳамияти қатта экан-да. Бу ҳолат ўз-ўзидан мактабларда, олий ўқув юртларида бу фанга нисбатан муносабатни ўзгартириши заруратини тақозо этмайдими?

- Инсон санъат асарларидан маънавий озуқа олиши учун ўзи ҳам маънан етук бўлмоғи жоиз. Инчунун, тасаввурга оид тушунчалардан ҳам бохабар бўлишлик талаб этилади. Бу тушунчалар асосида хандаса ётади. Демак мактаб, олий ўқув юртлари ёшларга аввало тасаввур қилишни ўргатиши ва, имкон бўлса, ушбу тасаввурни чиройли тарзда ифода эта

билишга (калам, бўёқ, сўз воситасида...) рағбат уйғота олиши лозим.

Маълумки, ҳар қандай фан аслини олганда инсон аклини чархлайди, лекин хандаса инсон тасаввур қудратини ошира билиши билан бошқа фанлардан фарк қилади ва қадрли. Хандаса Инсонга гўзалликдан завқлана билишни ўргатади...

Хандаса фанига совуққон муносабатда бўлиш ёшларни ижодкорлик туйғусидан айри этмак ҳамдир. Бу ҳолатни балки кўпчилик англаб етган бўлса керакки, айни кунларда хандаса бўйича мактабларда дарс соатлари узайтирилди, ўзбек тилида ўз миллий хусусиятларимиз, тарихимиз ҳисобга олинган ҳолда дарсликлар яратилаяпти...

- *Ота-боболаримиз, хусусан улуғ аждодларимиз хандасага қандай муносабатда бўлишган? Zero, биз фақат ал-Хоразмийнинг ал-жабр, алгоритми кашф этганини-ю, Умар Хайёмнинг тақвими деярли мукаммал ҳолатга келганлигидан сал-пал вофиқмиз, холос.*

- Ўзингиз айтгандек, кўҳна Турон, Мовароуннахр салтанати илм-фан ривожланишида, умуман инсоният аклий фаолияти тараққиётида муҳим ўрин эгаллаганлиги ҳаммамизга маълум.

Бошқа алломаларни кўйиб туриб, сиз айтган зотларни назарда тутсак ҳам, мисол учун, Умар Хайём фақат май куйчиси бўлибгина қолмай, балки хандасага оид тадқиқотлар, хусусан параллеллик аксиомаси билан шугулланган. Шу аксиома ҳақида икки оғиз маълумот бериб ўтай. Евклид назариясига кўра, текисликдаги нуктадан берилган тўғри чизикдан битта параллел тўғри чизик ўтказиш мумкин. Бу фикр Евклиднинг бешинчи постулати, яъни исбот талаб қилмайдиган тушунчаси сифатида қўлланиб келинган. Ўша Евклид давридан бери қанчадан-қанча олиму ҳаваскорлар уриниб кўришса-да, ушбу фикрнинг осонроқ йўсинда исботлаб беришнинг сира илҳоми топилмаган. Биз улуғ табиб сифатида биладиган Ибн Сино эса Евклид хандасасидан фарқли хандаса мавжуд деганга яқин мулоҳазаларни илгари сурган.

Фақат XIX аср охирига келиб рус олими Н.И.Лобачевский томонидан ноевклид хандасасининг очилишигина Ибн Синопдек улуғ юртдошимиз фикри нақадар ҳақ бўлганлиги исботлади. Бундан ташқари, Беруний, Улуғбек сингари алломаларимиз ҳам сферик хандасага доир маълумотлардан фойдаланишган. Демак, улар Евклид хандасасидан бошқа хандасалардан ҳам хабардор бўлишган.

- *Бугун, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтилаётган айни кунларда кўплаб ёшлар ўзларини отчопоргаю тижорат дўконларига*



уришди. Айтайлик, «америкача орзу»нинг асосида бойиб кетиб, миллионер бўлиш истаги ётгани сингари, бир кўп ёшларимиз иқтисодий фаровонлик - бахт калити, деган тушунчага маҳкам ёпишиб олдилар. Сизнинг бу қарашларга муносабатингиз.

- Турмушимизга энди-энди сингиб келаётган бозор иқтисоди муносабатлари кўпчилигимиз учун янги, ўрганилмаган дунёга ўхшаб кўринмоқда. Ваҳоланки, ривожланган давлатларнинг барчаси ўз тараққиёт жараёнида шундай босқични босиб ўтгани, уларнинг баъзиларида ҳаттоки бу давр узоқ давом этгани ҳам маълум.

Шу билан бир қаторда, аста-секинлик билан бўлса-да, бозор ҳуқумронлигини таъминлаб турувчи асосий омиллардан бири бўлган рақобатбардошлик нима эканини тушуниб бормоқдамиз. Рақобатга лойиқ маҳсулот, илм, санъат асари, адабиёт асари соҳиби бўлиш учун аввало билим керак. Илм эса фақат ёшликда олинади. Биз тилга олиб ўтган Лобачевский ҳам ноевклид хандасасини яратганда ҳали ўттизга тўлмаганди. Ҳолбуки, ушбу назария инсоният дунёқарашига жуда кескин бурилиш ясади.

Албатта, бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо бир нарса аниқ: барча буюк кашфиётлар, барча доҳиёна назариялар 15 ёшдан ўттиз-ўттиз беш ёшгача бўлган ораликда яратилади, кейин эса улар сайқалланади, холос. Демак, ёшларнинг ўз вақтида ва тўғри тарбия олиши жуда катта аҳамиятга эга.

Мен иқтисодий фаровонликни бахт калити деб билган ёшларни умуман қўллаган ҳолда, айнан шу фаровонликка эришиш йўлларини

нотўғри тасаввур этишаётганларини таъкидлаб ўтмоқчийдим. Яъни, иқтисодий фаровонликка эришиш учун моддий база билан бир қаторда маънавий пойдевор ҳам бўлиши жоиз!

Тўғри, илмга чанқок ёшлар сафи сўнгги йилларда сезиларли даражада сийрақлашди. Бу ҳол айниқса аниқ фанларда яққол намоён бўлди. Бирок баъзи иқтисодий қийинчиликларга қарамай, республикамизда илм била шугулланаман деган ёшлар учун етарли шароитлар бор. Чунончи, фақат бизнинг соҳамизда республика ФАга қарашли Романовский номидаги математика институти, ТошДУ, кибернетика институти, вилоятлар университетлари тўла фаолият кўрсатиб турганини санаб ўтишни ўзи етар деб ўйлайман.

- *Сиз жон куйдириб ҳимоя қилаётган хандаса фани ўз мавқеига мос даражага кўтарилиши учун қандай ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?*

- Юқорида таъкидлаб ўтганимдай, дарс соатларининг кўпайтирилиши, шунингдек илмий дарсликлар яратилиши, ўқитувчи кадрларнинг малакаси оширилаётганлиги ўз самарасини кўрсатмасдан қолмайди.

Дорилфунумизда эса келгусида хандаса фани бўйича магистратура очишни мўлжалламоқдамиз.

Кафедрамызда иқтидорли ёшларга мўлжалланган семинар мунтазам ишлаб турибди. Унда турли вилоятлардан келган аспирантлар, стажёрлар илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Педагогика фанлар доктори, профессор Наим ака Ғайбуллаев билан биргаликда ўзбек тилида дарсликлар тайёрламоқдамиз. Уларнинг дастлабкиси яқиндагина китоб ҳолида чоп этилди.

Етақчи доцентларимиздан Абдуғаффор Нармонов ва Насриддин Жабборов дорилфунунлар учун хандаса дарслиги устида иш олиб боришмоқда...

- *«Ёшлик» ўқувчиларига тилақларингиз.*

- Ишончим комил: халқимиз орасида танилиб қолган журналингизни ёшлар қатори катталар ҳам севиб мутолаа қилишади. Шундай бўлса-да, менинг тилагим асосан бизнинг эртамыз, келажагимиз бўлган ёшлар учун: ёшликда олиш мумкин бўлган илмга бефарқ бўлмаган, бефарқлик Шахсни разолатга олиб боради. Сиз илмга эҳтиром ва муҳаббат билан ёндошинг, охир-оқибат илм Сизнинг ҳам маънавий, ҳам моддий бақувват бўлишингизни таъминлайди...

*Абдуқаюм Йўлдош
сўхбатлашди.*



Хамроқул АСҚАР



КЕЎНДИМ ЮРАГИМНИ
ҲАМЛАРГА ЁҚИБ...

Бир тутам сочларинг қўлда ўйнарман,
Хар толим сочингга умрим сочай мен.
Қаро сочларингдай қорайса умрим,
Қаро кечмишимдан қайга қочай мен.

Кора сочларингдай қорайса умрим,
Сунбул сочларингни кимлар тарайди?
Сен ўзинг қаргардинг вафосизларни,
Энди қарғишларинг сени қарғайди.

Сен ўзинг қаргардинг вафосизларни,
Бул кун қарғишларинг сени қийнайди.
Хар толим сочингга умрим сочай деб,
Энди сочларингни кимлар ўйнайди?..

Кеча келган эдим, бугун ҳам келдим,
Кетдим юрагимни ўтларда ёқиб.
Кеча кетган эдим, бугун ҳам кетдим,
Бу ғам дарёсида хас каби оқиб.

Мен биламан бу чўлпон кўзлар,
Қайтиб мени кўрмаслар ортик.
Лабдан учган аламли сўзлар,
Севгимиздан абдий тортик.

Мен кетаман. Қолар бу боғлар,
Япроқлар ҳам ташлайди ларзон.
Тақдирдошим шу соков тоғлар,
Сирдошимдир шу фасли хазон.

Бу кизча кулмайди,
Кулганида ҳам -
Йиғлаганга ўхшар ғалати...
Эгнида уялиб хилвирар шўрлик
Кўсақлар юлқиган халати.

Мактаб боради-ю мудраб ўтирар
Китобга тикилса оғрийди боши.
Аҳвол сўрасангиз, яхшиман дейди -
Бирам хаёли у,
Бирам бардошли.

Уйга келади-ю супурги олиб
Чиннидек тозалар ҳовли саҳнини
Сўнгра хамир қорар, мол-ҳолга қарар
Ишга бағишлаган жажжи зехнини.

Отанинг юзига тик қараганмас
Қонун онасининг хар айтган сўзи.
Минг хил назоратлар қилгандай камлик
Яна тергаб турар ўзини ўзи...

2

Бултур борганимда уни кўргандим
Савол сўрагандим ийманиб қочди.
Хабар бергандирки, бир фурсат ўтиб
Темир дарвозани момомиз очди:

- Корангни кўрсатмай келиб кетасан
(Бир оз нолигандай бўлди кампиршо)
Синглинг бўйи етиб, унашиб қўйдик
Келаси кўкламда тўйдир иншолло...

Сўрида ўлтириб, нон-чой устида
Бир оз гурунглашдик, дардлашган бўлдик
Бир дилбар бўй таралиб турар ховлидан
Тол чивик қафасда сайрайди каклик...

Вужудим недандир жунжикиб кетди,
Хира тош кўзгуда қўриб аксини.
Унинг кўзларини бир алам босган,
Мунг истило этган нафис кўксини.
Номаялум бир зарбдан юрагим идраб
Секин хайрлашдим кетдим бўшашиб.
Ғалат мустарликда турар эди у
Момомиз кузатди хайр-хўшлашиб...

- 3 -

Бу йил борганимда йўқ эди шўрлик
Жонига қасд кипти тўй арафасида.
Бир нигоҳ санчилди қароқларимга
Боқсам каклик экан тўр қафасида.

Барча суратларни ёқибди аввал
Сўнг...

Сўнгги дам ўйига билмам не келган?
Бир хат қолдирибди бор-йўқ бир сатр:
«Мендан хафа бўлмаг, онажон!» -деган.

КўНГЛИ КЕНГЛАРИМ...

1

Кўзлар ичра кўзларинг акси,
Юрак ичра юрак дупури...
Эҳ, ўн саккиз ёшлигим менинг!

2

Турмага ташлайсизми?
Дўзахгами? .. Барибир -
Фақат одамлар бўлса бас!

3

Сен осмонга чиқиб кетибсан-ку?!
Осмонга-я?!
Ахир у кўёшнинг жойи-ку...

4

Менинг юрагимдай сиқилган шаҳар,
Болалик дамларин қўмсайдди гўё
У шўрлик ҳам мусофирмикин?

5

Хали биз кўп яшаймиз
Тасанно айтаемиз хали кўп марта
Кўпдан-кўп синалган иродамизга...

9

6

Бир тасодиф учратди бизни
Топишолмай юргандик гўё,
Бизга яна битта тасодиф керак...

7

Кўзимиз тинади,
Тошдек қотамиз
Дийдор кўришамиз бир куни қайта...

8

Қийнасинлар... Майли урсинлар,
Фақат, фақат -
Жимгина, сўзсиз урсинлар...

9

Шинамгина хона, липиллар чирок
Деворда суратлар, бурчакда эса -
Ғижимланиб ётар бир мактуб.

10

Осмон ҳамда ер учун
Жуда оғир изтиробдир у -
Ёғмай ўтиб кетган ёмғирлар...

11

Истак йўқдир асло суҳбатга,
Кўзлар билан танишган эдик.
Кўзлар билан айтдик «алвидо».

12

Бир лаҳза азалдир, бир лаҳза аввал
Бир лаҳза остона... Сўнгра бир қадам
Бошимга етади худди шу лаҳза...

13

Гўё, сенинг бошка ишинг йўқдай,
Сени севишибди, тагин анчаси
Эҳ, сен шўрлик...

14

Эй, сен!
Менинг ўзимни кўрсатсанг-чи
Кўзгу.

15

Барибир ёзолмайман
Барибир -
Уялиб кетаман оппоқ қоғоздан...



Рустам АШУРОВ

ТИЖОРАТЧИ БИЛИМЛИ БЎЛСИН

Бугунги кунга келиб юртимизда рўй берган улкан ўзгаришларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳеч шак-шубҳасиз шуни эътироф қилиш керакки, истиқлол туфайли халқимиз ва мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Мустақиллик даврининг улкан тарихий аҳамиятларидан бири шундаки, нисбатан бениҳоя қисқа давр оралиғида жамиятимиз ҳаётида, халқ дунёқарашида, маданияти ва онгида туб ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатимизда эришилган катта ютуқлар, маълумки, авваламбор ижтимоий ҳимояни ўзида мужассам этган, эркин бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуришдек йўл танлаб олинганлиги ва шу мақсадда амалга ошириш учун тинмай олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан изоҳланади.

Айниқса мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидаги улкан одимлар ҳақида гап кетганда биринчи навбатда иқтисодий ислохотларимизнинг илмий асосланган стратегияси ишлаб чиқилиши ва муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилаётганлигини зўр мамнуният билан эътироф этиш зарур.

Мустақиллик туфайли халқимиз, мамлакатимиз тарихида бошланган янги даврнинг хилма-хил жиҳатларини, унинг энг долзарб вазифаларини ҳар томонлама чуқур англаб етишлик ва ушбу жараёнда фаол иштирок қилишлик бугунги кунда жамиятимиз барча аъзоларининг, айниқса ёшларнинг муқаддас бурчига айланди. Чунки даврнинг моҳиятини англаш, уни чуқур тушуниш миллий тараққиёт негизи, миллатимиз раванқининг асосидир. Республикаимиз Президенти И. А. Каримов Халқ Депутатлари Бўхоро вилояти сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек: «Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёқараши кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлганлар, энг муҳими жамоат манфаатларини ўзининг шахсий манфаатларидан устун кўядиганлар, қатъиятли, ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди» («Халқ сўзи», 17 декабр 1996 йил).

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ҳозирги даврда халқимиз фаровонлигини оширишнинг ва умуман мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг етакчи омилларидан бири бўлиб турган кичик тадбиркорликнинг барча сир-асрорларини юқори савияда ўрганиш, англаб етишлик, унинг назарий томонлари устида чуқурроқ бош қотиришлик долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Ушбу масалага эътибор, бизнинг назаримизда, кичик тадбиркорликнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган жиҳатдир.

Кичик тадбиркорликнинг жамият тараққиёти учун улкан аҳамияти жаҳон мамлакатлари, айниқса, ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан яққол равишда исботланганлиги ва умуман кичик бизнес муҳим умуминсоний иқтисодий кадриятга айланганлиги ҳолатидан

келиб чиқадиган бўлсак, мазкур мавзунинг қанчалик долзарблигини янада чуқурроқ англаймиз.

Кичик тадбиркорликнинг кун сайин ўсиб бораётган аҳамиятини эркин бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар иқтисодий сиёсатида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора марказий ўринни эгаллаб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Мазкур мамлакатларда кичик тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг асосий муҳим бўлақларидан бири деб ҳисобланади. Жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда бақувват мамлакатлари бўлмиш АҚШ, Англия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи махсус ташкилотлар, дастурлар ва Қонуний асослар мавжуд бўлиб, улар кичик бизнеснинг муаммосиз ривожланишига кенг имкониятлар беради. Мазкур давлатлар ҳукуматлари сиёсатида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг аниқ йўналишлари ва мақсадлари белгилаб олинган. Молия-кредит, солиқ тўловлари соҳасидаги ҳамда бошқариш, техникавий ва технологик ёрдамлар шулар жумласига кироди. Бундан ташқари кўп манбалардан бизга маълумки, ривожланган мамлакатларда давлат кичик корхоналар учун тенг ҳуқуқли иқтисодий-рақобатчиликни таъминлабгина қолмай, уларга йирик фирмалар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузишига раҳнамолик қилади. Бу билан кичик тадбиркорларни рақобат остида синиб қолмасдан тараққий қилишига имкониятлар яратиб берилади.

Умуминсоний прогрессив кадриятларга содиқ бўлган мустақил Ўзбекистонимизда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки даврларидаёқ кичик тадбиркорликка катта эътибор берилди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтилганда кичик бизнесга ва хусусий тадбиркорликка иқтисодиётимизни тангликдан олиб чиқишга қодир лоқоматив сифатида қаралди.

Мамлакатимизда инқилобий сакрашларсиз бозор муносабатларини шакллантириш даврида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби кичик тадбиркорликнинг ҳам ривожланишига имкон берувчи кучли ҳуқуқий асослар вужудга келтирилди. Шу билан биргаликда Республикаимиз Президентининг кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча фармонларининг қабул қилиниши улкан аҳамиятга молик воқеалар бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикаимиз ҳукумати кичик бизнес тараққиётига бўлган эътиборни доимий равишда ошириб бориш йўлидан бормоқдалар. Бу ўринда Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 январда қабул қилган «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармони жамиятимиз ҳаётида улкан воқеа бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Маъруф ЙЎЛДОШЕВ

НАСРДАГИ СЎЗ НАЗМИ

Мазкур фармон мамлакатимизда кичик бизнес фаолиятида янги даврни очиб беришга қаратилгандир. Унга кўра кичик ва ўрта тадбиркорлик олдига илгари мисли кўрилмаган имкониятлар очилмоқда.

Фармонга кўра кичик ва ўрта тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадларини кўзлаб уни замонавий хорижий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида хорижий кредит линияларини жалб қилиш кўзда тутилган.

Маълумки, бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралда қабул қилинган «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши Президентимиз Фармонини тезлик билан ҳаётга татбиқ қилина бошланганидан далолат берувчи қувончли воқеадир.

Демак, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик тадбиркорлик гарчанд у «кичик» деб аталса ҳам ўзининг туб моҳиятига кўра жамиятимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларига ўзининг катта таъсирини ўтказди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, кичик тадбиркорликда жамиятимиз аъзоларининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий манфаатлари нисбатан яққолроқ намоён бўлади ва рўёбга чиқади. Жаҳон тажрибаси далолат бериб турганидек кичик тадбиркор ва жумладан ўрта тадбиркорлик ҳар бир инсонга ўз истеъдоди ва имкониятлари даражасида фаолият кўрсатиш уни ўстириб бориш ва шу билан жамият тараққиётига ҳисса қўшишнинг энг мақбул имкониятларидан биридир. Кичик тадбиркорлик ўзининг фаолияти кўлами ва тизимига кўра, яъни нисбатан катта сармоя сарф қилмасдан ҳам, ихчам технология ҳисобига рақобатга бердошли маҳсулот ишлаб чиқара олишлиги ва бу билан нафақат ички бозорни тўлдириши, балки янгидан-янги ишчи ўринларини ташкил қила олодики, бу жамиятга иқтисодий муносабатларни демократиялашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, шу йилнинг 6 феврал кuni пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ва мазкур кенгашда бошқа масалалар билан бир қаторда 1997 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ бўлган етакчи масалалар муҳокама қилинди. Мажлисида Республикаимиз Президенти 1997 йил иқтисодий тараққиётида ўзига хос босқич бўлишлиги ҳақида фикр билдириб, энг асосий катта вазифа бу Республикаимиз ҳақиқий мулкдор синфини шакллантиришдан иборат бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мазкур мажлисида Президентимиз жамиятимизда аҳолининг кескин равишда ижтимоий табақалашувиغا йўл қўйилмаслиги ва ўртача мулкдорлар синфини қарор топтириш бош мақсадимиз бўлиб қолишлиги тўғрисида фикр юритиб, айна шу ўрта синф иқтисодиётда, қолаверса мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутиши ва асосий таянч бўлишлигини таъкидлаб ўтди.

Бу ўринда айнан кичик ва ўрта тадбиркорликнинг кенг ривожланиши мазкур вазифаларни амалга оширилишининг муҳим омили бўлишлигини ҳар биримиз чуқур англаб етишимиз лозимдир деб ўйлайман. Бунда юртимиз ёш йигит ва қизларининг алоҳида катта масъулияти бор, бундан доимо ҳис қилиб туришимиз, ҳар биримиз ана шу йўлда бор имкониятларимизни ишга солишимиз зарур.

Фикримизча, эндиликда тадбиркорликнинг назарий жиҳатларига ҳам чуқурроқ ва кўпроқ эътибор бериш вақти келди. Яхши назарий билимларимиз мамлакатимизда яратилган ва келгусида янада кенгайтирилиши кўзда тутилётган кенг имкониятлардан иқтисодий тараққиётимиз йўлида унумли равишда фойдаланишга хизмат қилади.

Оҳанг инсоннинг рангини руҳига ойдин алла айтувчи қиёссиз қудрат эканлиги азалий ва абадий ҳақиқатдир. Сўз оҳанг отлиғ оламнинг оғушига эрк ва эрвалик-ла кираркан, бу илоҳий ёруғлик - сўз ва оҳангнинг қатъиятли қовушуви руҳнинг эзгин оғрикларига малҳам, ҳуш парвозларига қанот бўлади. Эҳтимолки, инсоннинг инсон бўлиб ўз қавдошига айтган илк каломи ҳам оҳанг оғушидаги сўз шамойилида бўлгандир. Бу озода оғушни назм деймиз.

Назм - сўз ўзининг бутун имкониятларини, рақсини ҳам, овозини ҳам, мусикасини ҳам, инжо ҳаракатларини ҳам намоиш эта олувчи синоатли сахнадир. Бу сахнанинг моҳир меъморлари бизнинг минг йиллик адабиётимизда беҳисоб бўлиб, уларни кўхна Мовароуннахрнинг покиза осмондаги мангу ярқирок юлдузларга менгаш мумкин. Бу юлдузлар силсиласида Чўлпоннинг алоҳида ўрни бор. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон шеъриятда сўзга фавқуллода ранг ва оҳанг берган, сўзни айрича назокат ва санъат-ла юкунтира билган шоирдир. Чўлпон шеърятининг тили ўзига хос бир бетакдор дунёки, унда ҳар бир сўз мунтазам маъно ва бадиат учун фаол яшайди.

Айтиш жоизки, назмда сўз ва оҳанг рақси учун имконлар сўнгсиз. Аммо насрда бу имкониятлар у қадар катта эмас. Лекин Чўлпон насрда ҳам айна имкониятларини мукамал ва мунтазам топа олган ўлкан сўз санъаткоридир. Бу фикрнинг гўзал далили адибнинг «Кеча ва кундуз» романидир.

«Кеча ва кундуз» романи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, замонлар суронидан саломат ўтиб келаётган гулдай тилимизнинг гулдай обидасидир. Асарни туркий сўз имконларини муфассал инкишоф қилган насрий сўз назми дейиш мумкин.

«Ҳар йил бир келадиган баҳор секинчи яна кўнгиларни қитиклай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илик қон югурди...»

Асар айна одми, лекин баҳорга ҳамшиша интиқ дилингизга таниш ҳаяжон билан бошланади.

«Биринчи кўринган кўклам қуши биринчи ёрилган бодрок нашьасини беради». Тиним билмаган соғинчнинг соф ойнасида болаликнинг сеҳрли дунёси аксланади. Биринчи кўринган кўклам қуши билан биринчи ёрилган бодрок нашьаси ўртасидаги ажиб мувофиқликни тиник таҳайюлнинг маҳсули дейиш мумкин. Чунки бу мувофиқлик эскидан ошно манзаранинг тақаррури эмас, янги сезим билан, янги ҳис билан, янги тасаввур билан тўйинган секинч.

Чўлпоннинг сўз танлаш салоҳияти ҳайратланарли бўлганидек тиниш белгиларига муносабати ҳам диққатга шойнади. Эътибор қилинг-а: «Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдиридан яна бош кўтариб чиқди... Мулойим кўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан бу кўкат!»

Киройи манзаранинг киройи ифодаси. Бу парчадаги тиниш белгилари сизни адиб руҳининг ижодхонасига етаклаши шубҳасиз. Кўп нукта сирли ҳаёл уфқининг тилсими равоти. Бу муҳайял манзилга қадар сўзлар-ла келинади. Аммо «равот» қошида сўз жимиб, руҳ сўйланади. Табиийки кейинги тасвирлардаги зарифликка-да суқланасиз. Ва ихтиёрсиз «гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлаган» ўсманинг мавқеидан рашкланасиз. Уша рашк туфайли ўсмани «кўкат» деб ҳақир кўрмакка чоғланасиз. Бу ҳолатни гоят теран ҳис қилган адиб ифодадаги ҳар бир унсурга эстетик бутунлиқнинг бир парчаси сифатида қарайди. Жумладан, ундов белгиси ҳам ўша бутунлиқнинг ажралмас узвидир. Чўлпоннинг ҳолат тасвиридаги маҳорати ҳам таҳминга лойик. Айниқса, ҳолат ва ифодадаги нафислик қаҳрамон руҳидаги кечинмалар билан уйғунлашганда сизга тамоман ўзгача бир сурур бағишлайди:

«Бир оёғи тиздан қуйиси букилиб, сўричадан пастга осилибди, бир оёғи унисини қувлаб бориб

сўричанинг кирғоғида ухлаб қолибди. Узун кўйлаги бутун баданини кам-кўстисиз ёпиб турарди. Фақат бир ёнги тирсакача шимарилиб қолган... Оппок қўллари ва билаклари ўз ёнида-ўз онасининг тўқлисидай-бир чиройли ухлайди».

Ха, чўлпонона ифодалар ана шундай оҳанжамасиз-содда ва самимий... Айнан ўша самимияти билан китобхонни сеҳрлай олади. Унинг қаҳрамонлари сизнинг мавжудиятингиз қадар намоён бўлади, кўз ўнгингизда. Агар, Зеби кўшиқ айтса, унинг «тиник, ғуборсиз жонон пиёладек жаранглаб чиқадиган чиройли ва ўткир овозини» сиз ҳам қалбан тинглайсиз. Зеби дутор чертса сизнинг дунёингизда ҳам садо бериши шакси.

Чўлпон сўзга нисбатан ғоят эҳтиёткорона, таъбир жоиз бўлса, эстетик андиша билан ёндашади. Сўз маъносининг қайси қирраси қайси иқлима зухур этиши лозимлигини теран англайди. Адиб, Зебининг ҳовли супуриш эпизодини тасвирлар экан супурги сўзига қайта-қайта мурожаат қилади. Масалан: «...эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди. Бир кўлида супургиси, бир кўли тиззасида-ерга эгилган қуйи эшик томонга тикилиб қолди». «Иккаласи қувона-қувона кўришдилар. Супурги етган жойидан нарига ўтмасдан ерга ёнбошлади...»

Шу ўринда жонлантиришнинг гўзал намунасини кузатиш ва ҳузурланиш мумкин. Супургининг жонлантирилиши натижасида тасвирда нафислик, нозик бир эркалик намоён бўлади. Айниқса бу эркаликни икки дугонанинг ўша пайтдаги руҳиятига мувофиқлаштириш орқали ифодада хиссийлик, ҳаётийлик ва тиникликка тўла эришилган.

«Зебининг у сўзига жавоб ҳам бериб ўтирмасдан бирданига унинг кўлидан супургига ёпишди». Хуллас, «...сахни супуриш ўрнига бу икки ўртоқ бутун ҳовлини бошларига кўтариб, шовкинлар ва кийкириқлар билан дунёни бузиб бир-бирларини қувалашиб» кетадилар. Раззоқ сўфининг «Бу нима қиёмат?!»-деган қиёматидан сўнг «иккала ёш киз чакмоқ теккан даратдек қотиб қолишди.» Ва улар кайфиятидаги эфиробни, тушқонликни ифодалаш жараёнида, адиб бизга супургининг «маймоқ ва туллаган» эканлигини ҳам айтиб ўтишни лозим топади: «Ўйдан «бир зумда бориб келаман» деб чиқан Салти ҳам берган ваъдасини, уйини ва ота-онасини унутиб-кўлида маймоқ ва туллаган бир супурги билан!-қолиб кетмаганмиди?»

Аваллиги ўринларда тасвирдаги психологик омиллар ижоби супургининг эстетик қиймати ошқор этилмаган эди. Унинг маймоқ ва туллаганлиги таъкидлангач, супурги тамоман бадийликка дахлдаор унсур сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шундайки, маймоқ ва туллаган супурги детали орқали Зебилар хонадонининг фақирлиги, ночорлиги янада бўрттирилади.

Адибнинг ҳаёл уфқи биз кўниккан оддий меъёрлардан ошган, у мафтунок ҳаёл ҳосиласини меъёр усти лисон билан қаршиламоқ эҳтиёжини сезади. У асл маъноси ўзаро номувофик бўлган сўзлардан яхлит ва мустасно ифодалар яратади. Мисол учун :«рухоний грамафон», «оғзи билан тингламоқ», «гўзал махлук», «мулоим махлук», «телба қадамлар», «нафаси мунча мазалик» ва шу каби бирикмалардаги муғлақо бемантик бўлиб туюлади. Аммо улар бадий асар тилини объектив бирлик ҳодисалари билан конкрет муганосиблиги нуқтаи назардан баҳолаш асосиз ва нотўғридир (Х. Абдурахмонов, Н. Махмудов. Сўз эстетикаси, Тош. «Фан» нашриёти. 1989 йил).

Бундай гайриодатий брикмалар бадий хижатдан пишк характерлар яратишда қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ойдинлатишда бениҳоя зарурдир. Масалан, шаҳардан берилган таълимотга мувофиқ одамларни «тинч тирикчилик билан шугўлланишга ва ҳар хил фиғна-фасодларга берилмасликка» чақирив шифаси масжид имомларига юклатилади. Шунга кўра домла жума номоздан сўнг маҳсус «ваъз»қилади. «Бош кизиб,гап қозони қайнагандан сўнг домламиз алжий бошладилар. Гаплар пойма-пой кела бошлади. Энди бу рухоний грамафонни тўхтатиш қийин эди».

Бу ерда «рухоний грамафон» брикмасидан: юмор ҳосил қилишда, домланинг характерини ойдинлатишда ва муҳими баъза масжид домлаларнинг ҳам чор ҳукуматининг «Грамофонига» айланиб қолганлигини таъкидлашда фойдаланмоқда.

«Хамманинг кўзи унинг оғзига тикилган эди, ундан кейин ҳамма кўзлар бирданига мингбоши томонга бурилиб, унинг оғзига осиддилар. Кўплар оғзилари билан ҳам тинглар эдилар». Оғзилари очилиб, анграйиб тинглаётган одамларнинг руҳий ҳолатини-да бу қадар аниқ тасвирлаш, ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган туғма, илхомий истеъдод натижасидир.

«Тинглаш» қулоқ билан боғлиқ тушунча. Лекин адиб «оғизлари билан ҳам тинглар эдилар» деркан кўз ўнгимизда «қулоқлари том битган» оломон гавдаланади. Ҳа, айнан топиб айтилган таъбир! Юрт яғмоланиб, шаърият топталганда ҳам, ҳақиқий ватанпарварлар қораланиб, хоинлар макталганда ҳам, элнинг бор-буди таланиб, миллат ҳақоратланганда ҳам ўша, айнан ўша оломон «қулоқлари том битган» ҳолда, оғизлари билан тинглаган, тинглайверган.

Адиб персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда ҳам ўз маҳоратини намоиш эта олган. Ҳар бир персонаж нутқида унинг дунёқараши, маънавий олами, ақл-фаросати билан боғлиқ ишоралар тугал ва нозик ақс этади. Асардаги етакчи қаҳрамонлардан бири Раззоқ сўфи мисолида буни кўриб чиқайлик. Муаллиф бизга Раззоқ сўфини «камгап, индамас, дамини ичига солган, зикна одам» деб таништиради. Унинг жоҳиллигини «ўзидан улуғ ва кучлилар гапирса «ҳовва-ховва» демак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса «йўк-йўк» деган маънода бош чайқаш бўларди» ибораси билан янада бўрттиради. Раззоқ сўфининг камгаплиги бежиз эмас, унинг ўзига ҳос «принципи», ўзига мос «фалсафаси» бор эди: «Бу тил, - дейди сўфи, - доим худонинг зикрига очилади. Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар. Улар хотин кишидай паст махлук олдида хор қилинадими? Бўлмаса, ҳақ таолонинг бандалари ит билан ҳам гаплаша берсин! Йўк, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, у тоифа билан зарурат юзасидагина гаплашилади. Вассалом!»

Раззоқ сўфининг овозини дастлаб, Зеби дугонаси билан кичкиришиб-қувлашаётган пайтда эшитамиз. Шовқинни кўнгли хушламайдиган сўфи эшикдан кирар-кирмас овозининг борича: «Бу нима қиёмат!!!» деб бақиради. Жимжитликка кўниккан сўфи назарида қаҳларнинг шўхликлари «қиёмат» бўлиб туюлади. Айни ўринда қиёмат сўзи ёзувчининг эстетик мақсадини юзага чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Муаллиф «қиёмат» сўзининг ўрнига «шовқин» ёки «тўполон» сўзларидан фойдаланиши мумкинми? Албатта! Лекин шундай қилинганда мазкур нутқда экспрессивликдан, образилликдан асар ҳам қолмаган бўлар эди. Чунки «қиёмат» сўзида «совуқ сўфи»нинг характерига оид муҳим ишора мавжуд. Айни сўз бошқа бир муҳитда, бошқа бир киши томонидан қуйидагича қўлланилади: «-овозига (Зебининг) нима дейсиз, чинакам қиёмат-а? - деди Холматга».

Бу ерда қиёмат сўзи фақат кўчма маънодагина қўлланган. Ошиқ йигитнинг ҳайратини ифодалашга хизмат қиляпти ҳолос. Бу сўз йигитнинг характерини ойдинлатишда у қадр аҳамият касб этаётгани йўк. Лекин авваллиги ҳолатда «қиёмат» сўзи сўфининг диндорлигига, совуқдан-совуқ феъл-атворига очик ишора қилади.

Чўлпон у ёки бу ҳолатни очиб беришда сўзининг ҳолат билан қайдаража уйғунлаша олишига диққат кўрсатади. Масалан: «Зуннун хўжайиннинг соғлигига кўтарди. Қадахларнинг жаранглашидан муқаммал бир симфония ҳосил бўлди». «Симфония» сўзи шу жойда жуда ўринли ва сирли жозоба қозонган. Чунки «зиёфатда» Зуннун, Мирёқуб, нойиб тўранинг хоними Валя ва онаси ўтиришибди. Демак, хонимларнинг ҳам даврада иштирок этиши кечага айрича сирлилик бағишламоқда-ки, бунга қадахларнинг жананги қўшилиб, ажиб симфония яралмоқда. Бундан ташқари мазкур сўз даврадаги Европача руҳга, Европача «маданият»га ҳам ишора қилмоқда.

Абдулхамид Сулаймон Чўлпон асарларининг лисоний хусуслари муқаммал тарзда ўрганилмоғи, таҳлил қилинмоғи лозим. Зеро, О. Шарофиддинов ёзганидек, «Чўлпонни англаш уни мактаб кўкларга кўтариш эмас, уни идеаллаштириш эмас, унинг номига кўчалару, санъат қошоналарни қўйиш эмас. Чўлпонни англаш - сўз санъатининг ботиний қонуниятларини теран англаш, уларнинг шоир ижодида қандай зоҳир топишини англашдир».



Муҳаммад ИСМОИЛ

ОЛАМ ЁРУҒ



ЮЛДУЗЛАР ЭГАСИ

Юлдузлар ёнганда мисоли гулхан
Пайгамбар кўксига тўлганди исён:
- Шундай юлдузларни яратиб қўйган
Оллоҳга не учун ишонмас инсон!

Бугун ҳам самода юлдузлар ёнар,
Кўнгил тунларининг юлдузлари йўк.
Улар - ўк. Ўкинчдан йилт-йилт тўлғонар,
Улар ўкинтириб ўлдиргали ўк.

Ҳамонки самода юлдузлар ёнар.
Дилнинг минг иқрорли нуфузлари йўк.
Самода кўк ёнар, офтоб тўлғонар,
Олам ёруғ, иймон кундузлари йўк.

Фофилга берилган ҳар лаҳза, ҳар он
Сомон йўлларидай узун муҳлатдир.
Юлдузлар эгасин билмаган инсон -
Бу ёруғ дунёда юрган зулматдир.

СОҒИНЧ

Дилимни билмасдим, дилмасдим.
У сенга ўхшаркан - аксинг у.
Шахсинг у, у сенсан - дилхасмим,
расминг у, дилайшим - аслинг у.

ЮРАККА ЭЪТИРОЗИМ

Курбинг кургур ўлармон
Ҳар туйғуси серуйку.
Кўзғар на ишқ, на армон
На кулгу-ю, на қайғу.

Сўнгсиз иштиёқ учун
Шиддат қайда қайдасан?
Ҳаёт очса қулочин,
Сен совуққон қарайсан...

Сен само меҳварида
Зеро, мангу ўлмайсан.
Икки дунё бағрида
Сенинг билан йўқдайман.



Вақт домида ерилиб, эшитилмас фарёдим,
Биз маънисин билганча тушлар учиб кетади.
Дунё баҳорларида кўкармоқда ҳаётим,
Охиратни ўйласам, хушлар учиб кетади.

Икки йўл айрилган жойда биз қолдик,
Юрган юриб кетди, лойда биз қолдик.
Умримиз бир мазмун топай деганда,
Ғафлат сари учган ёйда биз қолдик.

Умримни бағишлай деб
чоғлангандим неча бор.
Сен изн берганингда
бўлармидим бахтиёр?!
Бугун неки омадим
юришмаса сезгайман,
кулфат сари адашиб
умрим борар энқайган.
Сен томонга қайтмоққа
журъатим ҳам йўқ бўлган.
Журъатимни вақт деган
қаламушлар еб қўйган.
Ўз умрингни авайлаб
севганингга бермасанг,
минг йил яшасанг, минг йил
қаламушлар ер экан.
Кошки бор-бутни бериб
тўлай олсайдик товон.
Севги алданмас экан,
Умр сўрар ёки жон.
Букун неки омадим
юришмаса сезгайман.
Кулфат сари адашиб
умрим борар энқайган..



Марина Цветаевадан

Иситмани ишқ дедилар, ташвиқ қилдилар
Менга эса тазийқ келгай, танбех келгай.
Қабиҳ билан дўст эдилар,
дахрий бўлдилар,
Эл йиғлагай. Дил ўкингай
Мен не қилай?!


Мен не қилай, ич-ичимдан куйласам гар
Янғроқ само қошлаб олса бор самони
Ҳар садони тутиб олиб ўлчасалар
Мен не қилай,
чеклайдиган бу дунёни.

Мен не қилай, шоир эдим ва шоҳ эдим.
Тўрт тарафда зулмат увлар, кулфат кулар.
Кенг дунёга доир эрким, илоҳ эрким.
Бунда эрқни доим маҳбус
этар улар.

Оқни қароданда ажратиб бўлмас,
ажратиб бўлмайдим чинни риёдан,
ва инсон ўлса ҳам ҳаётга тўймас,
айри этсалар гар динни дунёдан.

Иложсизман дея яшайди тушқун,
Ўзга чорам йўқ деб, юпанар холос.
Билади бу юпанч, тобутдир бугун.
Ўлгач, азоб учун бўлади асос.

Назар ЭШОНКУЛ



ЖУРНАЛ ЖИТОВ



Кисса

Биродар, яхши одам бўлсангиз керак, кўзларингиз айтиб турибди. Сиз ҳам бу чархи дуннинг кўп надоматларини бошдан кечирганга ўхшайсиз. Негадир сиз билан жуда суҳбатлашгим келаяпти, тўғриси айтсам, ҳозир кимгадир кўнглимни бўшатмасам, «тарс» ёрилиб кетадигандайман. Ичганга ўхшайсиз дейсизми? Нега секин айтасиз, бакириб айтинг. Ичганман, тўйиб ичганман, беш йилдан бери тўйиб ичаман. Буни юзимга қарасангиз, дарров сезасиз. Куйган чарм дейсиз. Юзим эмас, юрагим куйиб кетган, куйган ковушга ўхшаб қолган. Ўзим ҳам мисоли гижимлаб ташланган қоғозман. Ҳаёт мени гижимлаб ташлади, биродар. Гижимлаб-гижимлаб, сўнг мана шу хиёбона отиб юборди. Кўнглим куйганидан ичаман, ҳаётим несту забун бўлганидан ичаман. Кўлларимга қаранг, кимнинг кўлларига ўхшайди? Зиёли одамнинг дейсизми? Тополмадингиз, биродар. Қотилнинг кўлига ўхшайди. Бу кўллар қотил кўллар, ўз фарзандини бўғиб ўлдирган кўллар. Нега юзингиз оқариб кетди, кўрқиб кетдингизми? Афтидан, тагли-тугли одамга бўлсангиз керак, келинг, сизга тақсирим деб муурожаат қилай. Олис замонларда яхши одамлар бир-бирларига тақсир деб муомала қилишаркан. Сизга ёқдими? Хурсандман. Шундай, тақсир, бу қотил кўллар. Сизга мана шу қотиллик ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Бўшман дейсизми? Жуда яхши. Ҳаёт, сизга айтсам, тақсирим, тавки-лаънат тўшагидир. Момоҳаво билан Одам отанинг гуноҳи нимада биласизми? Олма ўғирлаганликда? Билмасиз, тақсирим, иккаласининг айби шундаки, улар ер-юзида гуноҳкорлар, тавки-лаънатга учраганлар наслини пайдо қилди. Мана шу уларнинг катта гуноҳи. Одамзотни яратмаслик керак эди. Парвардигор одам билан бирга гуноҳни ҳам ер юзига экиб қўйди. Биз ҳаммамиз лаънатга маҳқум этилганлармиз.

Ёмғир ёгаяпти?. Ўтиб кетади. Ёмғир барибир гуноҳларимизни ювиб кетолмайди. Қаранг, ер ҳиди келиб қолди. Мен ёмғирдан кейин шу ҳидни яхши кўраман. Тақсирим, кечалари менинг тушимга жалалар кириб чиқади. У ойлаб, йиллаб ёғаятган бўлади - ҳаммаёқ сувга тўлиб кетади, шаҳарлар сел остида қолади, ер юзи ғарқоб бўлади. Бу гуноҳ селлари, тақсирим, гуноҳ ёмғирлари, бу ёмғир ҳар кеча мени бир марта чўктириб ўлдиради ва мен яратган олда тавба қила бошлайман. Ул олий хилқатнинг жамолини кўриш учун ўзимни ҳозирлайман, айрилик пардалари кўтарилгунча, кўзларимни висол юлдузлари қамаштиргунча уйғониб кетаман ва шунда дунё яратгандан бери уни жизганак қиламан деб, ҳар тонг аҳд қилиб чиқадиган, лекин ҳар кечкурун умидсиз сўнадиган куёш кўзларимни қамаштириб турган бўлади. Мен шундай пайтда кўзларим кўр бўлиб қолишини истайман. Биласизми, тақсирим, ўша олис тушимда бир куни узокларда кизгиш туман қоплаган окшом пайти сел гирдобига чўкиб кетган бир одамни кўриб қолдим, чўқаркан, у жон ҳолатда кичкириди - унинг кичкиригидан тушимнинг деворлари зириллаб кетди, сўнг у кўпириб оқаётган тим қора лойка остида кўринмай қолди. Мен унинг абадий чўкиб кетганини анладим - ўша чўкиб кетган одам мен эдим, тақсирим, сиз кўриб турган ва ҳар куни гуноҳкор куёшни олқишлаб уйғонадиган шунчаки жасад, ўша чўкиб кетган одамнинг кичкириги, холос. Йўқ, мен эмас, бугун одамзот нафрат тўла кичкирик. Сизга кўнглимни очаяпман, тақсирим, фақат сизга. Гапларим эриш туюлаётгандир, бироқ мен одамзотнинг анови чурқун ҳазонлардай чириб бўлганини сизга айтиб қўймоқчиман. Унда на ният қолди, на истикбол. Гапларим китоблардагига ўхшаб кетаяптими? Демак, ўша китоблар башорат қилиб ёзилган экан. Мен ҳам сиздай навқирон пайтларимда ҳаёт нақадар гўзал деб ўйлардим. Энди эса, ҳаёт захар бўктирилган чиройли кулчадан бошқа нарса эмас, дейман, тақсирим.

Бир ойча олдин мачитга бордим, тавба қилдим, энди ҳаётимни тоат-ибодатга бағишлай, қилган гуноҳларимга икром бўлай дегандим. Бугун эса, яна гуноҳга ботдим. Ўз қизимни бўғиб ўлдирдим. Нега дейсизми? Ўзим ҳам билмайман. Аммо бошқа тоқатим қолмади. Мени бу қисмат хўрлаб ташлади, мен гуноҳлардан бира тўла қутилиш учун шундай қилдим. Энди анча енгилман. Қизим эса ҳозир кеча қандай ухлаган бўлса шундай абадий уйқуда ётибди. Мен ўзимни босиб олиш, икромим осонроқ бўлиш учун қалламни қизитиб олишга келдим. Албатта. Ўзим бораман, ҳаммасини айтиб бераман. Энди менга ҳеч қизик жойи йўқ. Кўрқув орқада қолди. Ҳаёт ҳар куни кийиб юрадиган либосдай оддийлашди. Бир кекса одамман. Мени нима ҳам қилиша оларди. Берилажак жазо, ҳар қалай, виждон жазосидан енгилроқдир? Шундай эмасми? Мени ҳеч ким ўзимдек суд қилолмайди. Мен

ўзим устимдан ўқиган ҳукм олдида бошқа ҳукмлар бургут олдида пашшадай гап. Менинг ҳукмим ўзим ҳақимдаги ҳар қандай ҳукмдан захматлироқдир. Мана, кеча жиноятчи мен, жабрдийда мен ва ҳакам мен бир жойга тўпландик. Жиноятчи мен ҳар бахоналар қилди, ўзини ҳар томонга ташлади, терговни қалғитмоқчи бўлди. Жабрдийда мен жимгина ўтирди, у хатто сўз айтишга ҳам қодир эмас эди. Ҳакам жиноятчи менинг найранглари фаш қилиб ташлади, уни олий жазога ҳукм этди. Бундай жараёни ҳали тарих кўрмаган, бу марта ҳакам иккиланиш ва журъатсизликлардан буткул қутилиб, қатъий қилиб «ўлим» деди: Жиноятчи мен йиғлаб юборди - кўнглим супасида шундай улуғ суд бўлиб ўтди. Бу ҳукми энди ҳеч ким қила олмайди. Сиз яна жазодан кўрмайсизми деб сўраб ўтирибсиз. Жазо нима у? Шунчаки расмий маросим. Ҳакамлар ва терговчиларнинг кун кечирishi учун ўйлаб топишган маросим. Аслида, энг олий жазони кўнглининг ўзи чиқаради. Достоевскийни ўқиганмисиз? Балли, ўзим ҳам сизни ўқимишли одам деб ўйлаган эдим. Раскалниковни бир эслаб кўринг? Унга берилган қайси жазо кучлироқ эди? Шундай, тақсирим, мен туғилмасимдан олдинроқ тақдирим ҳал этилган. Кўнглим мен учун жазони чиқариб қўйган. Бу жазодан энди қутулдим. Жазонинг тугашини ўттиз йил қутдим, тинимсиз қутдим. Менга бошимдан кечирган жазо олдида башарти ҳакамлар чиқарадиган жазо ҳеч гап эмас. Менга кўнгли ҳаками ўттиз йил олдин жазо белгиланган эди. Мен ўттиз йил маҳбусликда яшадим, фақат деворлари орасида яшадим. Қизимни ўлдиришим билан жазо даври тугади, мен озодликка чиқдим. Бугун озодлигимнинг биринчи куни. Қаранг, ер ҳиди қандай ёқимли. Ўттиз йил шу ҳиддан бебахра яшадим, ўттиз йил одамларнинг юзидан, ўзидан ўзимни яшириб яшадим. Бугун озодлигимнинг биринчи куни бўлгани учун ҳам сиз билан ёйилиб гаплашаяпман. Озодликка чиққандан сўнг биринчи бор учратган одамим ҳам сизсиз. Шу сабабли сизга ҳамма нарсани гапириб бермоқчиман. Қора ҳаёл қутқуси ва кўнгли зиндониди яшар эканман, қачон бу ҳибсдан қутилиб чиқсам, ҳаммасини бирон одамга гапириб бераман, сўнг хўн-хўн йиғлайман, чеккан азобларим, хўрликларим, кўрган мусибатларим учун йиғлайман. Йиғлай-йиғлай кўнглимни ёзаман деб ўйлардим. Ўша кунлар ҳатто кўчага чиқишга ҳам кўрқар, назаримда ҳамма мени қўлини биғиз қилиб кўрсатаётгандек туюларди. Озодлик қандай тотли. Агар озодлик ёмғир аралаш ер ҳидини ҳам олиб келса, бу фоят гўзал. Менинг ҳисларимни тўғри тушунарсиз, деб умид қиламан. Ўттиз йил гўзал ва тотли нарсалар ҳақида ўйлашга вақтим бўлмади. Менинг ҳолатим аҳлатига ағанаб тушиб, эгни бошидаги нажасларни қандай ювишни билмай лол қотган кишининг ҳолатига ўхшарди, - ўттиз йил шундай кечди, ўттиз йил қон ва нажаса беланиб яшадим. Агар баданимни ҳидласангиз нажас ва қон ҳидини туюсиз. Бу ҳид вужудимга ўтиришиб қолган. Одам ҳайвонлар ичида яшаса, ҳайвонга, ҳашоратлар ичида яшаса, ҳашоратга айланади, деган ҳикмат бор. Тақсирим, биз ҳаммамиз ақл идрокдан маҳрум, телба, ёвуз маҳлуқлар ичида яшаб келдик, шунинг учун ҳам руҳимизда ҳайвоний ҳирс, ҳайвоний қайфият бор. Атрофга бир қаранг. Одамзотдан дарак берадиган нима қолди, қайси фазилатимизни одамийлик деб атаёмиз, қайси ҳислатимиз одамникига ўхшайди. Тақсирим, озми-кўпми ҳаммамиз бир ҳашоратмиз, Одамзотдан умид қиладиган нарсанинг ҳаммаси ўлган. Ҳаммаси ҳалок бўлган. Ҳамма нарсани бой берганмиз. Энди буни ҳеч нарса қўқара олмайди. На гўзаллик, на ишонч, на эзулик. Биз ҳар қандай гўзалликни ҳам ҳирсимизни қондирувчи восита сифатида баҳолашга кўникиб қолдик. Динми? Диндорларми? Ахир уларнинг ҳар бири «Худо бизники» деб бир-бирининг юзига балчиқ чаплашдан нарига ўтишмайди. Наҳотки, дин фақат одоб-ахлоқ бўлса? Ҳозир қайси такводор билан сўзлашманг, худо фақат ўзиникидай, ўзидан ва ўқиганларидан ўзгани тан олмайди. Тақсирим, бу гапларни шунчаки гапини чиройли қилиш, унга салобат бағишлаш учун айтаётганим йўқ. Мен жавоб изловчи бир одамман. Лекин етмишга яқинлашдим ҳамки, жавоб топа ололганим йўқ. Тополганим фақат савол, жавобни эса кўмиб ташлашган, одам ҳам кўмилгандан сўнг ўша жавобни топади - жавоб излаб юриб, мана шу ерларга келиб қолдим. Мен инсоннинг улуғлиги, эзгу ва гўзал фазилатлар, ота ва фарзанд бурчи, оила тотувлиги, жамяят ва инсон муносабати, ахлоқ ва муҳаббат ҳақида қирқ икки йил маъруза ўқидим, энди ўйласам, қирқ икки йил одамларни алдабман. Маърузаларим жонли ва ҳаётга яқин эди, шу сабабли менинг

субхатимни эшитувчилар ҳамиша ҳам топиларди. Мен ўз тингловчиларимни эргаштириб, энг қадим авлодлари яшаётган, ҳали ҳайвондан жуда ҳам фарқ қиладиган, ҳаё ва номус, муҳаббат ва садоқат деган тушунчалар ҳали тафаккурдан жой олмаган, уятли жойларини фақат табиат берган ўт-ўланларгина яшириб турадиган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаётган илк аждодлар маконигача етиб борардик. Саёҳатимиздан мақсад, миллион йиллардан бери адашиб юрган одамзотга бир ахлоқий бошпана топиб бериш эди. Лекин қанчалик ҳаракат қилмайлик, одамзот бу тугун босган бошпанага киришни истамас, у ердан ўрмонларга, ҳайвонлар орасига, чўлу-биёбонларга, денгизларга, тоғларга, хуллас, қаерда чегарасиз, ҳудудсиз яшаш мумкин бўлса, ўша ерларга қочиб кетарди - одамзот аввалданок назоратсиз ва тийиксиз яшашга ўрганган эди. Биз яна иймон ва ёлгон курашаётган муқаддас суҳуфлар тушган шаҳарга ҳам кириб борардик. Бирок, саҳифалар Қуддусликлар тугул бизни шубҳага соларди, шундан сўнг биз Отанинг ўлини қандай осийлаётганини тамоша қилар, кейин йиллар оша машаққат билан иймонга қўнғироқлар ўрнатила бошлаган ва инсонни ҳайвондан ажратиб олиш учун ялпи ҳаракат бошланган саҳродан чиқиб қолар ва Улуғ элчи билан ғорларда тунаб қолар, бошқа шаҳарларга бадарға қилинар ва зўр бериб, Искандар ўрнатолмаган деворни инсониятга биз ўрнатиб бермоқчи бўлардик. Аммо ҳамма ҳаракатларимиз зое кетди. У элчи ўрнатган девор кулаб тушди. Энди биз у деворнинг қолган-қутган қисмини кўтариш билан овора эдик. Менинг маърузаларим комил инсон ва комил фарзандлар ҳақида бўларди. Тақсирим, мана шу камтарона ақлим билан мен инсоннинг чинакам гўзал хулқли ва одобли бўлишини истардим. Маърузаларимни берилиб тинлашгаётганини кўриб, гапларим беҳуда кетмаётганлигидан хурсанд бўлардим. Ахир мен айтаётган нарсалар ҳаёл мевалари эди. Гўзал келажак эди. Мен одамзотни ўраб олган ёввойи ва ёвуз мухитни сўзларим ва орзуларим билан тор-мор қилмоқчи эдим. Адолат одамларнинг яшаш тарзига айланмоғи, одамзот гуноҳ бўйинтиригидан, тавқи-лаънатдан буткул ҳолос бўлмоғи керак эди.

Мен сўзларим ва орзуларим билан аянчлашган, ёлғонлашган мухитга, ахлоққа қарши кураш очдим. Одамни муқаррар таназзулдан ҳаё ва орзу кутқаради, гўзаллик қалбга чўксагина инсон ҳолос бўлади, деб ўйлардим. Тақсирим, сўз ва орзу билан дунёни кутқариб бўлмас экан. Энг гўзал сўз ҳам инсониятга эмас, ёвузлик кўлидаги ўйинчоққа айланди. Бунга мендан исбот талаб қилмай, атрофга боқинг. Улуғ даҳолар ва улар яратган улуғ ғоялар, улуғ асарлар, улуғ мусиқалар кимга хизмат қилаяпти. Бу асарлар Ёлгон ва Ёвузликни ниқоблаш, уни улуғворлаш учун хизмат қилмаяптими? Ёлгон Кўрғони юзидаги салобатли ва инсонпарвар бўлиб туюлувчи ниқоб шу даҳоларнинг истезодиди билан тўсилмаган, деб айтингчи? Ёвузликни шу даҳоларнинг улуғ ғоялари ортига яширмаган, деб айтингчи? Қайси ёвуз кучли бўлса, санъат асарлари ҳам ўшаники эмасми? Ҳақиқат кучда эмасми? Ёвузлик ўлади, санъат қолади деб жар солишганлари эсингиздами? Ҳа, тақсир, олдингисидан ёвузроқ кучга хизмат қилиш учун санъат қолади, абдий қолади. Бизнинг пешонамизга ёзилгани шу, инсоннинг яратгани шу. Инсониятнинг яратгани шу. Бошқасига ярамайди. Инсон ёвузликнинг ижодкори. Баъзан инсон ижод этган ёвузликлар яратгани ҳам лол қолдирса керак деган шубҳага бораман. Инсон ёвузликни улуғ санъат асари даражасига кўтарувчи бирдан-бир жонзот.

Мен бунга англаб қолган қуниёк, ўғлимнинг совуқ кўзларини ҳис этган куним умрим ҳибсага ҳукм этилди. Ўзимни ўзим ҳибсе этдим. Асли ҳозир сизга сўзлаб бермоқчи бўлган нарсалар ана шу ҳибсада тутилган саволлар. Булар менинг юрагимнинг яралари, булар менинг ҳибсе ҳаёлларим. Тақсирим, мен бир фақир одамнинг ортиқча ҳаяжонларини кечиринг, лекин бир умр ишониб келганим бир кунда йўққа чиқса, ҳар бир одам ҳам менга ўхшаб вайсаки бўлиб қоларди. Вайсакилик қобилият эмас, одам ўз бахтсизлигини яшириш учун қиладиган ниқоб. Одамзот қанча вайсаса, билингки, у шунча бахтсиздир. Нега ўқитувчилар вайсаки бўлишади. Биласизми? Чунки улар энг бахтсиз тоифадир. Улар ўзлари тарбия берган нарсаларга ҳеч қачон ўзлари ишонмайдилар. Ишонмаганликлари туфайли ҳам ҳамиша вайсайдилар. Сизга шуни алоҳида эътибор билан айтмоқчиманки, мен кўп йиллик тажрибамдан шундай хулосага келдимки, гўзал нарсаларнинг ҳаммаси ҳалокатдир. Ҳар қандай гўзаллик ортида ваҳшийлик

яширинган бўлади, гўзаллик ваҳшийликнинг ювoshi кўринишидир. Ана у аёл ғоят гўзал, деб айтишимиз билан ҳар қандай одамда у аёлга нисбатан ваҳшийлик уйғонади. Мана бу гул қандай нафис дейишингиз билан кўнглингизда шу гулни узиб олиш истаги пайдо бўлади. Гўзалликка эришиш учун ваҳшийлик қилишингиз шарт бўлади. Шу пайтгача гўзалликка берилган таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси одамларни йўлдан оздирувчи тавсифлар бўлган, ҳолос. Биз насларимизга куриб берган иморатлар қандай иморатлар эканлигини энди тасаввур қилгандирсиз, тақсирим. Бу иморатлар таназзул иморатларидир, жаҳолат иморатларидир. Ҳатто гўзалликда ҳам жаҳолат бақийди. Ахлоқ иморатларимизни эса аллақачон наҳс ҳиди тутиб кетган. У ерда сиғинадиган меҳроб, у ерда сиғинадиган саждагоҳ қолмаган. Биз болаларимизга комил ҳаёт эмас, жаҳолат ва фахш қайнаган ўчоқ куриб бердик. Фарзандларимиз мана шу ўчоқда пишиб, етилиб чикдилар, булар фарзандлар эмас - бизнинг қилмишимизнинг ҳосилаларидир. Бу иморатда бирон ақл соҳиби туғилишига бутун ҳеч бир ишонмайман, мабодо, тасодифан туғилган тақдирда ҳам, ундан ҳам фахш иси анкиб туради. Биз фарзандларимиз яшайдиган иморатлар пойдеворини фосиклик ва хиёнат гиштидан бунёд қилганмиз ва энди бу иморатда туғилажак ҳар бир гўдак йиллар ва оилар ўтиб, фосиклик, хаёнат, жаҳолат уруғини урчитадиган авлодлар бўлиб етишади ва тангрининг ғазабига яна ҳам кўпроқ дучор бўлаверади. Тақсирим, тавқи-лаънат бўйинтуруғини бўйнидан олиб ташлашга одамзотнинг ўзининг кучи етмайди, қанча кўп яшасак, наслимиз ер юзида қанчалик кўп қолаверса, одамзот қанчалик кўпаяверса, гуноҳларимиз шунчалик ошиб бораверади. Мачитга борганимда мен энг даҳриёна иш қилдим. Худонинг уйда туриб худодан жонимни ол, ҳар қадамда оёғимга сўқилаётган гуноҳ тиконларини суғириб ташлашга қодир эмасман, ёвузлик ва хиёнат олдида ожизман, одамзотнинг гуноҳлари олдида ҳатто сенинг суҳуфларинг ҳам ожиз, деб ёлвордим. Шундай тақсирим, энди гуноҳни тўхтатишинг, наслимизни тоза ва соф сақлашнинг энг одил ва улуғ йўли ўлимдир. Кимки, бепушт ва фарзандсиз бўлса, мен унга ҳавас қиламан. Ахир яратган олдида пок ва мағрур боришга не етсин. Ёмғир кучайди. Эсингиздами «ердаги ҳар бир нарсани менинг раъзуларимдир». Ёз пайти ёмғир бундай жаҳл билан ёғишини сўнгги ўн йилларда биринчи бор кўришим. Бу ҳам бир рамз. Юринг, панарок жойга ўтайлик. Фикрларингиз даҳриёна дайсизми? Рост гап, ҳамиша одамнинг қулоғига даҳриёна бўлиб эшитилади. Мен ҳикоямни энди бошладим. Йўқ, мен сизга юрагимни очмоқчи эмасман, тавба-тазарру қилмоқчиман. Одам сифатида одамзотга келтирган зарарларим учун одамзот олдидаги гуноҳларим учун тазарру қилмоқчиман. Мен улуғ гуноҳкорман, Тақсир. Ёшлигимда бир китоб ўқиганман, кейин умр бўйи шу китобнинг таъсирида яшадим. Бу китоб умримни бошқарди. У мен учун муқаддас китоб бўлиб қолди. Фожеларнинг боши ана шу китобда. Бутун ўша китоб китобимди ёки менинг ёзганимди деб ўйлайман. Ёдимда йўқ, бу китоб йўлига қачон кирдим, қачон унинг асири бўлиб қолдим. Балки бу дунёга шу китоб асири бўлиш учун келгандирман. Хуллас, тақсирим, китоб менинг қалбимга жойлашиб олди. Эсингиздами, оятларда айтиладики, «шайтон қалбига жойлашиб олган» деб, шундай жойлашиб олди қалбимга. Ҳаётда ниманики, яратган бўлсам, шу китоб таъсирида яратдим, шу китоб ҳукмида ҳукм қилдим. Болаларимни ҳам шу китоб билан тарбия қилдим, уларнинг ҳам қалбига сингирдим бу китобни, сўзма-сўз, сатрма-сатр, ёд олдиртирдим. Умримни китоб қўлига худди товада қуйдирилган пиёздек ковуриб бердим. Шу сабабли ҳам умримни «ўтган умр» деб айттолмайман, «қоврилган умр» дейман. Эсимда, болалигимда туш кўриб эдим: қандайдир муз тоғига чиқиб қолибман, қайдан пайдо бўлди бу муз тоғи, қай маҳал юксала қолди, билмайман, билганим шуки, мен турган тоғ тобора юксаларди, уни эритиб бўлмайди дея ўйлангандим ўшанда. Ростдан ҳам, энди англасам бу муз тоғини эритишга инсоният қодир эмас экан. Биз ҳам муз тоғида - офтоб ва кўклардан холи бўлиб яшаймиз. Тоғ эса кундан кун юксалмоқда - у энди юракларимизни ҳам забт эта бошлади, тақсирим. Музликдан иборат дунё. Муз дунё! Уни бошқача аташ мумкин эмас. Бошқача аталмайди ҳам у. Мен ўша тушимда кўрган муз парчасини биринчи марта катта ўғлимнинг юрагида кўргандим. Ўшанда у эндигина мўйлов қўйган буй йипит эди: унга нимадир деб насихат қилдим - у менга тикилиб қаради - унинг чиройли кўзлари орқали боқиб турган муз парчасини кўрдим. Ўшанда музлик салтанати

хаммани секин-аста ўзиники қилиб олаётганини сездим. Бу дунё ўзи музлик салтанати эмасми? Сиз ҳеч одамларнинг қалбига қўл солиб кўрганмисиз ва у ердаги муздан қўлларингиз қалтираб кетмагани? Музлаб қолмаганими қўлларингиз? Музлаб қолган шаҳарларга, кишлоқларга қараб, ҳеч йиғлаганмисиз ёхуд бақирганмисиз бунда тирик жон борми дея? Шундай бақирганингизда бирон киши мен тирикман, дея қаршингизга келганими ёки бирон тирик жонзотга кўзингиз тушганими? Шундай, таксирим, ер юзи марҳумлар, ўликлар диёри, ўликлар салтанати. Бу шаҳарлар шаҳар эмас, улкан қабристон; фарқи шуки, бунда ҳар ким ўз қабрини ўзи қазийди. Фикрларим телбаворми? Яқинда қизим ҳам шундай деди: «Сизнинг рост гапларингизнинг кимга кераги бор? Қорин тўйғизадими ёки бахтли қиладими?» Мен унга ҳеч нарса дея олмадим. У тўғри айтган эди. Рост гап фақат фалокат келтиради. Баъзида ўзим ҳам ўйлаб қоламан. Шунчалар уқубат, ситам ва ғамга дучор қилар экан, мени уйғотиб не қиларди? Ўша ғафлат ҳолида бахтлироқ эдим-ку? Нега мени уйғотди? Мана шу тубанликларни, ёлғонларни, ясама жимжималарни, маҳкумлик ва алдовларни кўриш, азоб чекиш учунми? Менга не керак эди булар? Кўриб бахтсиз бўлгандан, кўрмай бахтли бўлганим яхши эмасмиди? Аввал кўзимни очиб, сўнг масҳара қилиш шартмиди? Ўша ғафлат ҳолида бахтли эдим, ўз кунимдан мамнун эдим, ҳаётим ҳам мазмунли эди.

Хуллас, таксир, сизга ўз ҳаётимни гапириб бермоқчи эдим. Унчалик қизиқ тарих эмас, лекин кимгадир гапиришим керак-ку? Мен ҳам оддийгина иштончан кўча чангитиб юрган бола эдим. Киш кунларининг бирида кўшни кўчада, бузилган уйлар орасида чўкки соқол кишини учратиб қолдим. Уни бу кўчада илгари кўрган эмасман, у тўсатдан пайдо бўлиб қолди, бу одам ўзининг маймоқлиги, ҳаддан ташқари қилтириқлиги билан эмас, кўзларида дўниб қолган қаҳр ва мунг билан мени лол қолдирди. У пайтлари ҳамма нарсага қизиқувчан ва ичимга нима солишса ўша билан тўладиган ёшда эдим. Мен уни ҳар кунни бу овлоқ ва кўпдан буён одам қадами тегмас кўчада учратар, тўё у менинг қайтишимни пойлаб ўтиргандай, мени кўргач, шу кўчадаги қизил эшикли ҳовлига кириб кетарди. Негадир у доим кўчада ҳеч ким йўқ пайти пайдо бўлар ва доимо эшик олдига чиқиб ўтирар, мени кўриши билан ичкари кириб кетарди. У ёлғиз ва мағрур эди, ёлғизлик унга кўр бериб турарди. Балки шу туфайли у мени лол қилгандир. Бир кунни унинг изидан ҳовлига кирдим. Ҳовли нақ юз йилдан бери йиғиштирилмагандай, нақ юз йиллик уруш бўлиб ўтгандай хароба тусда эди. Ҳовлида чиркин, яна қандайдир сасиган гўштининг ҳидига ўхшаш ҳид димоқни хиппа бўғарди. Бу ерда тик қолган иморат йўқ эди, ҳаммаси ярим вайрона ҳолатда, несту-забун бўлиб ётарди. Чўкки соқолни шу вайрона ичидаги қулаб тушишига сал қолган бир хужра ичидан топдим. Энди-энди ўйлаб, менга наъша қилади: қандай қилиб ўша вайронага кирдим экан? Нега ваҳм қоплони мени ютиб юбормади экан деб. Хирагина шам ёруғида у қандайдир китоб ўқиб ўтирар, сўнг хўнг-хўнг йиғлар ва тинимсиз сажда қиларди. Хужра шип-шийдон эди, фақат қозикда узун хирқа осилиб турар, чўкки соқол шундоқ ернинг ўзига чўкка тушганди - унинг товуши, алами, мунги, мусибати мени маҳлиё қилди. Назаримда, у буюқ ва адасиз мусибат сохибидай туюлди, унинг қироатли овози дилимни шайдо-ошuftа қилди-қўйди - қироат ерники эмас, бу сўзлар одамники эмас эди: қироатда ҳам, унинг ёлғизлигида ҳам, саждасида ҳам қандайдир илоҳият мужассам эди. Мен айнан шу ҳолатга гувоҳ бўлиш учун ҳовлига даярли ҳар кунни қатнай бошладим ва ҳар кунни уни китоб устига муқ тушганча йиғлаб, сажда қилиб ўтирган ҳолатда учратардим: бу йиғилар орасида кимгадир хитоб, тазарру аралаш қироат эшитилиб қоларди. Мен киш чикқунча ҳовлига келиб турдим. Баҳор бошланиб ёмғир қучайгач, ҳовлига кириб чиқишининг ўзи азоб бўлиб қолди. Аммо одатимни қанда қилмадим ва шу пайтгача бирон кишига бу ҳақда гапирмаган ҳам эдим. Унинг ёлғизлиги, йиғиси, саждаси, қироатидан сўнг менинг танамда бошланадиган ҳиссиётни ҳеч ким билан баҳам кўргим келмасди, ўша болалик ақлим биланок бу ерда бир умр сифиниб, интилиб яшаса бўладиган нелардир борлигини ҳис этгандим. Бир кунни ёмғирдан сўнг ҳовлига кирдим: хужрадан товуш келмас, ёмғир ҳовлидаги қолган тик деворларни ҳам қулатиб бўлганди - хужрага кириб, у ерда ҳеч кимни учратмадим, хужра ҳам қулаб кетиш арафасида турар, деворлари ёмғир билан қўшилиб шувиллаб кўчиб тушарди. Ҳовлида ҳеч зог йўқлиги энди маълум эди - энди

изимга қайтмоқчи бўлиб бурилаётганимда кўзим тоқчада турган китобга тушди - бу ўша чўкки соқол қироат қиладиган китоб эди. Атрофга кўз югуртирдим, ҳеч ким кўринмасди, Китоб қироати менинг ақлимни жодулаб қўйганми ва мен, таксир, кейинчалик улуғ гуноҳ бўлажак иш қилдим: китобни тоқчадан олдим, ҳовлидан чиқиб кетдим. Кўчада қўлмақларга тойганиб чопиб борар эканман, назаримда, кимдир изимдан кузатиб тургандай туюларди. Муюлишга етгач, изимга қарадим ва юрагим тарс ёрилиб кетгандай бўлди. Ким билади, менга шундай туюлгандир, ҳозиргина китоб ўғирлаб чиққан ҳовли деразасида чўкки соқол менга қараб турарди ва ажабланарлиси шундаки, у менга жилмайиб қўйганга ўхшади. Китобни қўлтиқлаганча ўз уйимизга югуриб кирдим ва тўғри ертўлага кириб, китобни эски латта-пугта орасига яширдим. Сўнг бир ҳафтача кутдим, ҳеч ким китобни сўраб келмагач, аста ертўлага тушдим ва мен ҳам чўкки соқолга таклид қилиб қироат билан ўқий бошладим: аввал сўзларни талаффуз қилишим кийин бўлди, шу сабабли қироатим ҳам пашша ғинғиллашига ўхшаб чиққан бўлса ажаб эмас, бироқ бу қора муқовали китоб менинг умримнинг бир қисмига айланди ва аста-секин куннинг тенг ярмини шу китоб устида ўтказадиган бўлдим, тезда қироатни ҳам, саждани ҳам ўзлаштириб олдим, энди менинг товушим, сўзим чўкки соқолниқидан фарқ қилмасди ва ҳар бир сўз-жумла қалбимга қулфланиб қоларди. Китоб мени жодулади қўйди. Ундан бош кўтаролмай қолдим. У менинг ҳамдамимга, ҳабибимга, маслаҳатгўйимга айланди. Фақат ўзим эмас, китобни тунлари сандал бошида бутун оила аъзоларимизга ўқиб бера бошладим. Кейин уларнинг сафига тенгдошларим, ўртоқларим, кўшнилари қўшилди. Аста-секин улар ҳам китобсиз туролмайдиган бўлиб қолишди. Тасаввур қилинг, таксирим, бутун умрим ўша кечки пайт китобдан бир варақ ўқиб беришимни кутиб кун ўтказишар, ўй-хаёллари китоб бўлиб қолганди. Мен эса уни қайта-қайта ўқиб беришдан чарчамасдим, аксинча, ўқиганим сайин қандайдир куч юрагимга оқиб қирар ва танамда ғойибона қудрат пайдо бўларди. Бутун кўча болалари ана шу китоб таъсирида балоғатга етишди, шу китоб таъсирида ҳаёт йўлларини танлашди, шу китоб таъсирида яшашмоқда. Шундай таксирим, ўша китоб бутун ҳам уларнинг ақлу шуурида, бутун ҳам улар китобмонанд яшашга урнишади - ҳамманинг қалбини у китоб ўғирлаган. Мен ҳам аслида ҳаётимни шу китоб йўлида қурганман. Ў-ў, сиз билмайсиз, таксирим, китоб мени қанчалар телба қилди, қанчалар жунунваш қилди, у мени болаликнинг тор кўчаларидан ақл-ҳидроқнинг чўкқилари сари етаклаб ўтди, сўнг мана қаршингизда тургандай, несту-забун ҳолда ёмғир ёғаётган палладаги мана шу хиёбонга қотил ва қаттол қиёфасида келтириб ташлади. Таксирим, бутун умрим ўша китобга зарб этилган эди: у китобда яна болаларим, мен сифинган одамларнинг тақдири, ҳатто сиз билан шундоқ учрашиб қолишимиз ва мен тазарру қилишим баён этилган эди: Ха, ҳа айнан шундай ёзилганди: «у ўзининг маҳлуқ эканини англаб етади ва маҳлуқ каби ўқиб ўлади» Боядан бери сизга ўқиб ётибман, демак, ўлимим ҳам яқин. Бемаъни гап айтманг, дейсизми? Ўлим беъманилик эмас, таксирим, ўлим - маъно, инсон умрининг маъноси, фақат тириклик бемаънилиқ бўлиши мумкин. Ўлаётган одам ўз умрининг неча пулга арзишини билиб ўлади. Ҳозир айтаётганларим ҳам умр ҳақидаги хулосаларим. Агар яна яшаш имконияти берилганда одам бўлиб яшашга сира ҳам рози бўлмасдим, ит бўлиб ёки бирон сайёднинг ўқига учиб ўладиган қуш бўлиб яшашга рози бўлардим, бироқ одам бўлиб эмас. Бир кунни ўзининг маҳлуқ бўлиб яшаётганингни англаб қолишинг муқаррар бўлгач, нечун одам бўлиб яшамок? Нечун умрни масҳара ва саробга тўлдирмоқ? Нечун жимжимага умид қилмоқ? Нечун қуриб бўлгач, ағдарилиши аниқ бўлган ҳайқални тиклашга рўжу қўймоқ? Нечун? Таксирим, сизга саволдан қафас ясаб беришим мумкин, саволдан қилич ясаб беришим мумкин, бироқ одам умридан ҳеч нарса ясаб бўлмайди. Кўп алжиб юбордим, чоғи, сизга китоб ва ўз тарихимни ҳикоя қилиб бераётган эдим. Шундай қилиб таксирим, китоб менинг умрим маъғига айланди. Шу мазмун остида илмга қўл урдим, шогирд бўлдим, устоз бўлдим. Лекин ақлимни таниган сари мени не нимадир безовта қилар, назаримда ичимда нимадир пайдо бўлган, доим иккиланиш ичида яшардим. Қилмоқчи бўлган ишимга ичимда нимадир қарши чиқар, мени иккиланттирарди. Ақлу-хушимни йиғиб оладиган пайт келганда мен энди бу икки хил муносабатни аниқ ҳис қила бошладим. Ичимга кимдир қилиб олган ва у мени тинимсиз

одамлардан, кундалик икир-чикирлардан, ташвишлардан бездириб, қора хаёл, қора китоб, кучоғига тортарди, гўё ичимда бир бўшлиқ пайдо бўлди-ю мен унга йиқилиб тушган, энди эса ундан чиқишни билмай тўрт тараф деворга бошимни урганча зир югурар, бошқа биров эса мени тепадан туриб, масхара аралаш кузатиб турарди. Қанча истамайин кимдир ичимда туриб, мени китоб олдига етаклаб келар ва сўнгсиз хаёлларга ғарк қилар, китоб саҳифалари аро мени сарсону саргардон олиб юрарди. Ичимда зулмат ва ёрувлик кураши бошланганди. Мени илмли-зиёли одам деб ҳурмат қилишарди - ўзим ҳам омадли одам эканлигимга ишона бошлагандим. Уйланганимда бу ҳурмат - иззатни кўриб, хотиним қанчалар қувонганини айтмайсизми? У мени кўярга жой тополмасди. Ораста-озода бўлиб қолгандим. Ҳаёлимга тартиб, масъулият кириб келди. Лекин сизга тақсир, қандай баён этишни билмайман, балким ишонмасиз, жуда қўшиб-чатаяпти дерсиз. Майли, нима ўйласангиз сизники, меники гапирмоқ, тақсир, мен келин-куёвликнинг биринчи кунёк китобсиз ухлай олмаслигимни англадим - бутун хаёт орзуси, кўркуви ва ҳижолати балқиб турган хотинимни ҳайрон қолдириб, китоб ўқишга кириб кетдим. Кейинги ўн икки йиллик умримиз шундай ўтди. Мен хотиним билан алоҳида ётган кунларим кўп бўлган, бироқ китобсиз ётган куним бўлмаган. Китоб мени сал бўлмаса совдойига, хаёлпарастга айлантириб қўйганди. Мен тонггача китоб ўқиб ўтирар, у ёкда хотиним мени кута-кута ёстикни кучоқлаганча уйқуга кетарди. Мендаги совдойлик қандайдир ваҳмага айланди. Кўнглимга илоҳий шубҳа ўрмалашиб кирди - китоб ўқийвериб, мен китобга айланиб қолгандай эдим.

Ростдан ҳам, ундаги ҳар бир сўз, гап менга сингиб бўлган, китоб саҳифалари умримга сочилиб кетганди. Китоб саҳифалари орасида мен йўқолиб кетган эдим, мен йўқ эдим, «мен»нинг ўрнига китоб пайдо бўлганди. Мен китобда аллақачон йўқолиб кетганимни билардим ва хотинимнинг кечалари йиғлаб, ёстиқлари хўл бўлиб кетганини ҳам сезардим - сезардиму мен мубтало бўлган эдим. Мубталолук, тақсирим ёмон касаллик. Уни тузатиш қийин. Гўё китоб менинг ўзимни эмас, балки қалбимни ўлдириб бўлганди. Аммо шундай кунларнинг бирида менинг кўнглимга шубҳа жосуси кириб келди. Бир кечаси китоб ўқий-ўқий курсида ўтирганча уйқуга кетдим. Ўлғудай толиққан эдим, кўзим юмилишидан мени ҳеч нарса, ҳатто китобга мубталолук ҳам сақлаб қололмади. Ухлаб ётар эканман, назаримда кимдир ичимдан чиқиб келганга ўхшайди; у қоп-қора кийиниб олганди, ухлаб ётган мени худди либосдай ечиб ташлади-да, туриб, нариги хонага кириб кетди - уйғонганимда хона ёришиб қолган, китоб очик ва сириқ ҳолатда ётарди. Мени қора хаёл чулғаб олганди. Ўрнимдан туриб, ювиниш хонасига ўтдим - хотиним аллақачон турган, ошхонада нимадир тайёрларди. Мени кўриб жилмайди. Негадир ял-ял яйраб кетган, ҳаракатлари чаққон эди. У келиб мени ўпиб қўйди. «Ёмонсиз» деди ноз билан ва шу сўзни айтиб қизиб кетди: «Кеча роса уят ишлар қилдингиз». Мен донг қотиб қолдим: аввалига хотиним писанда қилаётгани деб ўйладим, бироқ унинг самимий қувончдан ярқиллаб турган кўзларини кўриб зарда қилмаётганини англадим. У рост гапирётган эди. Баданим жимирлаб, ичимда шубҳа, гумон қичқириб юборди. Аммо хотиним туш кўрган шекилли, деб ўзимни бироз овутирдим. Бироқ эртасига ҳам хотиним ял-ял ёниб юрганини кўриб, хавотирга туша бошладим. Кейинги тунлари ҳам курсида китоб ўқиганча ухлаб қолар ва ғира-шира ичимдан ҳалиги қора сийрат мени кийим ечгандай ечиб ташлаб, ётоқхонага кириб кетаётганини элас-элас англагандай бўлардим. Бундай ҳолат кўп такрорланди. Мен касалга ўхшардим. Кўз олдимда қандайдир рўё пайдо бўлган, бу рўё мени маст ухлатиб ташлар ва бошқа бир «мен»ни уйғотарди. Хотиним ўғил туғганда, тақсирим, бола меники эмас, деган гумон пайдо бўлди. Йўқ, тақсирим, хотиним фаришта эди, унга гард юкмаган, фақат китоб мени жодулаб қўйганди, кимдир ичимдан чиқиб келар, афтидан, у жуда танишга ўхшар, гоҳ ўзимга ҳам ўхшаб кетарди. Бироқ у қоп-қора кийинар, ўзи ҳам рўёдай қоп-қора эди, мен бунга аниқ билардим. Мен китобни ўқийвериб, ундан кўчирмалар олавериб, ё ўтирган жойим ва ёки дарсхонадаги эски сим тўшакка ўзимни ташлаганча қимирлашга ҳолим келмай уйқуга кетар, хотиним эса ерталаб яшариб, яшнаб, мени эркалар ва нозли-ишвалар қиларди - у рўё ичимдан чиқиб келаётгидими ёки бошқа жойданми, билмасдим, хонада мендан ва улкан қора китобдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди

- деразаларга панжара урилган, шусиз ҳам мен елкамдаги бодим кўзиб қолмасин деб уни ҳеч қачон очмасдим. Бир куни ҳатто уйқу аралаш бошимда менга тикилиб турган кимндир сезгандай ҳам бўлдим ва чўчиб уйғондим - ҳеч ким йўқ, у ғойиб бўлганди, бироқ мен уни уйқу аралаш бўлса ҳам аниқ кўргандим. Кейинги умрим ҳам мана шу қора хаёл билан олишиш, уни фош этиш истаги билан ўтди: йўқ мен уни фош этолмадим, у мени фош этди, мени янчиб, мени яқсон қилиб, менинг вайронам, харобам устига ўзини тиклаб олди - ўзимга ишончим қанчалик йўқолса, у шунчалик кучаярди, шунчалик овоз бўларди. Бу рўё мени ўн икки йил тинч қўйишди, фақат хотиним ажал билан олишиб ётган кунлари мени бу рўё тарқ этди. Китоб столимда ҳамшиша очик турар ва мен энди уни ёддан ҳам айтиб бера олардим.

Икки ўғлим ўзимга тотиб китобхўр бўлишди: бизнинг хонадонни китобчилар оиласи дейишарди, ўғилларим қаерда китоб кўришса, сотиб олишар, уйимиз китоблар мамлакатига айланганди. Бироқ мен ҳамон икки киши бўлиб яшардим. Биринчи мен ожиз, заиф, фақат кузатувчи, азоб чекувчи, улуғ мусибатхўр эди. Иккинчи мен рўёга ўхшар, ўғилларимга тарбия берар, қора китобни ёд олдирад, талабчан ва улуғ орауманд эди. У ўғилларимнинг мартабали, улуғ ва ҳар ишга қодир бўлиб етишишлари учун барча ишни қилар, вақтини, умирини аямасди. Ўғилларим биринчининг эмас, иккинчи меннинг тарбиясини олаётганди, улар ёшлигиданоқ зийрак, фаҳмли, ақлли бўлиб ўсишга ётган эди. Баъзан ўғилларимга қараб, кўрқиб кетардим: ўн яшар ўғлим ҳаёт ҳақида совуққон ва босиқ фикр юритар, фикрлари гўё минг йиллар яшаган ақлнинг маҳсулидай шафқатсиз, мантқиқли эди. Улар болалардай ўйнаб қулишмас, доимо жиддий юришар, ҳеч нарса уларни ҳайратга солмас, гўё барча нарсани олдин яшаб, кўриб бўлишгандай, фақат мақсад сари интилишар, барча нарсани мақсадга қуришган, сафар охирига қараб ҳеч қаерга бурилмасдан шитоб билан кетаётган машинани эслатарди менга. Бошқа ҳамма нарсани босиб-янчиб ўтиш мумкин, фақат олдинга мақсад сари интилиш зарур. Иккинчи мен болаларимни қаттиққўллик билан тарбияларди. Ўзимдан қоладиган из ўчмас бўлишини истардим, бу из менинг болаларим эди. Улар паст, майда икир-чикирдан холи, фақат юксак озулар билан яшайдиган, фақат улуғ ишлар қиладиган кишиларга айланиши керак эди. Тақсир, мен ўқиган ва умримни бахшида қилган инсоният тарихи ожиз ва кучлиларга, хўрлашга лойиқ ва хўрланишга лойиқларга, эзувчи ва эзилувчиларга, қуллар ва хожаларга, қўй ва бўриларга бўлинганди, мен инсон тафаккури, унинг табиати билан шугулланиб, шу хулосага келдимки, ҳақиқат қусда эди. Бу ҳаёт инсонга яшаш учун курашга берилган, бу кураш шафқатсиз ва ҳеч бир эътиқод билан баҳолаб бўлмасди. Бир томонда ювощ, азоб-укубатдан, хўрлигу-ҳақоратдан боши чиқмайдиган, қанча эзилса эзувчини, қанча хўрласа хўрловчини, қанча топтаса топтовчини, қанча алдаса алдовни яхши кўрадикан, иккинчи томонда эзиш ва хўрлашга, босиб - янчишга, дунёни ўзгартиришга, уни янгилаш ва мезонга солишга лойиқлар яшашар, улар ўз олдларига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун ғажига ҳақлари бор эди. Инсоният қўй ва бўриларга бўлинганди. Мен болаларимни бўрилар бўлишини истардим. Қўйлар барибир ҳеч нарсани амалга оширолмайдилар, улар фақат восита бўлиб хизмат қилишди, хошос. Хўш, алданган, хўрланган, топилганларга сен хўрланаяпсан деб кўринг-чи?! Улар сизнинг устингиздан қулишди; хўрлик нелигини, шаън ва гурур нелигини билмайди. Хўш, бундай кишиларга шафқат зарурмикин?! Улар ўз хўрликлари ва ҳақоратлари билан фахрланиб юришса-чи? Алданиб, эзилиб яшаш улар учун гурур бўлса-чи? Мен болаларимнинг бағри қаттиқ, ўз олдларига қўйган буюқ ишларни амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳамшиша фақат олдинга интиладиган кишилар бўлиб етишиши учун тиришардим. Учинчи фарзандимиз қиз бўлди. У онасининг қорнидаёқ ўз феъл-атворини билдириди; хотиним оғирроқ пайтида ўрнимдан туролмай қолди. Нуқул малорим йўқ, кучимни кимдир сўриб олаётганга ўхшайди деб нолирдим. Биз бу касаллик болага зиён етказмасин деб кўрқар ва табибма-табиб югурардик. Докторлар ҳам елка қисшар, камқонлик бўлса керак дейишарди. Хотиним эса иккита фарзанд учун ҳам бунчалик қийналмагани туфайли ажабланиб, қорнига тикилиб-тикилиб кўярди. Унинг касалманд юзини икки ой кўрқув, тахлика, ҳавотир тарқ этмади. У ички бир ҳис билан ўзини ҳеч бир қайси боласига ўхшаймайдиган, алоҳида фарзанд туғаётгандай ҳис ётар, баъзан бу

гумонидан чўчиб тушар, мен унинг хавотирланаётганини англадим. Аммо қизимиз фавкулда соғлом туғилди. У нақ тўрт килоча келарди. Онаси тунгунча адоий-тамом бўлди. Касалхонада қизимиз билан узок ётди. Уйга келгач эса яна ётиб қолди. Кундан-кун озиб-тўзиб борарди. Қизимиз эса тинмай онасини эмар, гўё ҳақиқатан ҳам бутун малорини сўриб олаётгандай эди. Гўё эмас, аслида ҳам шундай эди: у эртаю кеч, ҳеч тинимсиз эмар, у эмган сайин хотиним бир эт озиб кетгандай туюларди. Таксирим, ҳеч бир болани тинимсиз эмганини кўрганмисиз? Қизимизнинг ғайриоддийлиги мени ҳам хавотирга соларди. У кечаси ухлаб ётган жойида ҳам кўкракни сўриб ётар, хотинимни бироз тин олгани кўймасди. Кўкрак оғзида турмаса ухламас, гўё у онасини буткул сўриб битирмоқчидай эди. Онаси тўзиб борган сай и н қизим соғлом бўлиб борарди. Хотиним уйкуслик, дармонсизликдан асабий бўлиб қолди. Ошқозонида оғриқ пайдо бўлган, худди тутқаноқ каби оғриқ тутганда хотиним икки букилиб, йиғлашга тушар, асабий ҳолатда қизимизни қаргай бошларди. Она ва боланинг кураши қизимиз бир ярим ёшга етганда хотинимнинг вафоти билан яқунланди. Қизимиз соғлом эди, саккиз ойликда юриб кетди, унга энди овқат берса бўларди, аммо қизимиз токи хотиним ўлган кунгача атайлаб қилаётгандай кўкракдан ажралмади. Хотиним ўладиган кунлари арвоҳдай бўлиб қолганди. «Бу ҳаммани сўриб битиради» дерди. Гаплари ҳам алмойи-жалмойи эди, қизимизга еб қўйгудек тикилар, аммо ундан негадир кўрқар, қизимиз олдиға келиши билан шошиб кўкрагини тутарди. Таксир, у пайтлари қизимнинг феъл-атвориға эътибор бермасдим, у кўзимга соғлом, чиройли ва ширин киз бўлиб кўринар, мен эса қизимнинг соғломлигидан, унинг ғайри оддий қилиқларидан завқланардим. Энди ўйлаб қарасам, таксир, қизим хотинимнинг томирларидаги ҳаётни сўриб олиш ва мени қисмат билан ёлғиз қолдириш учун дунёға келган экан. Баъзида агар хотиним тирик бўлганда бунчалар мусибат бошимга тушмасдики деб ўйлаб қоламан. Йўқса, қизимнинг онасига бунчалик ўчакишини нима билан изоҳлаш мумкин? Буни ҳозир сезаяпман. Аммо ўша пайти қизимнинг соғломлиги, айёрлиги, тантилиги менга завқ берарди. Акалари унга меҳрибон, у акаларига меҳрибон эди. Аммо қизим гўдақлигида қандай бўлса шундайлигиға қолди. Хукми ҳақам, житта бўлишиға қарамай муस्ताқил. Уйда бир талай китобу бироқ улар айнан ўша китобни талашшар, уларнинг китоб талашаётганини кўриб, кўнглим кўтарилар, ўзимча гурурланиб кўярдим. Кечқурунлари гоҳ ўғлимдан, гоҳ қизимдан, қани, фалон бетдаги фалон нарсани ёд айтиб бер, деб сўраб қолар, ўғилларим ҳам, қизим ҳам сўраган жойни ёддан айтиб берарди. Оналарининг вафот этганини болаларим китоб ўкиб униттишар, ғамгин дилларига китоб шифо берарди. Биз китоб ёрдамида тезда қаддимизни тиклаб олдик. Мен болаларим тарбиясидан унчалик хавотир олмасдим. Уларни китоб тарбия қилаётган эди. Мен баъзан ярим тунгача ишда қолиб кетардим. Маърузаларим ҳам талабаларга кўпроқ ёкиб бораётганидан хурсанд эдим. Назаримда, ҳаёт гўзал ва бетакрордай эди. Уйда навбатма-навбат қора муқовали китобни товуш чиқариб ўқир, сўз, оҳанг ва мантқиқдан маст бўлиб қолгандек сезардик ўзимизни. Аслида умримиз шу китоб жодулигиға ўтди. Маърузам кунни хона бошқа курслар эвазига ҳам лик тўларди. Китоб нафақат менга, балки болаларимнинг, мана шу талаба йигитларнинг ҳаётиға ҳам йўлбошчилик қила бошлаганди. У пайтлари ҳаётимда шунчалар бахтли даврлар кўп эдики, бир кунни келиб ташландик умрим ҳақида сиздек ёт бир кишиға ҳасрат қилиб ўтиришни тасаввур қилолмасдим. Талабалар баъзан мен билан баҳс-мунозара қилишар, шартақилиги ва жангарилиги билан мени довдиратиб қўймоқчи бўлишар, бироқ мен ҳеч довдирамасдим, хулосаларим совуқ ва рад қилиб бўлмас даражада далилли эди. «Фақат унинг номини англаганларгина бу дунёнинг маъносини англаб етади, мен сизларға унинг сўзларини, унинг каломини етказаяпман ва демак, унинг номидан сўзляяпман». Сизға бу сўзлар бироз баландпарвоз бўлиб туюлаётгандир, бироқ шунини алоҳида таъкидлайманки, мен бу сўзларни қироат ила айтган пайтим залда пашша учса билинарди. Улар мен орқали қора муқовали китобға муҳаббат қўйиб қолдилар ва бир умрга унинг мухлиси ва муҳибига айландилар. Қанча талабалар қўлимда тарбия топди - ўзим ҳам нақ уч авлодға ваъз ўқидим. Мен ҳаётдан, ҳаёт мендан миннатдордай эди.

Аммо аста-секин аввал ўғилларим, сўнг талабалар чўкки соқол қўйиб олишаётганини англаб қолдим, таксир, бу гоът

ғайритабний туюлиши мумкин, бироқ ким китоб ўқиб, унинг ҳавоси ила нафас олган бўлса, уларнинг ҳаммаси бирин-кетин чўкки соқол қўйишға ўтишиди. Мен ҳатто уларнинг кўзлари ҳам, юзлари ҳам, товушлари, қироатлари ҳам ўша мен ёшлиқда хароба кўчада учратган, ёлғизлиги ва кибри билан мени ром қилган ўша чўкки соқолға ўхшаб бораётганини сезиб қолдим. Аввалиға эътибор бермасдим, бу ёшлар ўртасидаги одатдаги андозапарастлик деб ўйладим. Мен золим эмасдим, болаларим хоҳлаган ишларини қилиши, хоҳлаган андозада кийим қийишлари мумкин эди. Мен соқол қўйишни шундай андозапарастлик деб ўйладим. Катта ўғлим ўзини санъатға урди. У одамнинг руҳий ҳолати билан қизиқар, бу йўлда ҳеч нарсани аямас, соатлаб китоб ёки матн устида ўтирар, шу дақиқаларда ҳаммани, ҳатто мени ҳам унутиб қуярди. Унинг хонасига кирганимда бир неча марта юзимға қараб туриб: «Кимсиз?. Нима керак?» деб бақириб берган, мени танигач, ҳижолат бўлиб, узр сўраганди. Ўша дақиқаларда мен уни танимай қолардим: у мутлақо бошқача одам бўлиб қолар, ҳаёли узокларда, кўзларида жунун ва жазава тўлган, қорачиклари каттариб, бутун диққати битта нарсаса қаратилган, гўё шу туришида оламшумул ва инсоният тақдирини ўзгартирадиган масалани ечаётгандай туюлар, шундай пайтларда у ўша чўкки соқолға яна ҳам кўпроқ ўхшаб кетиб, мени кўрқувға соларди. Ўғлимнинг иш устидаги ҳолати ўша хароба ичидаги чўкки соқолнинг жазавали ибодатини эслатарди; иккала ҳолатда ҳам юракка хавотир бағишлайдиган нимадир бор эди. Мен ўғлимни хорғин кўрган пайтларим унга, бошқа ишнинг бошини тутақол, сени бу хунаринг чарчатиб юборди, десам, у истеҳзоли жилмаяр ва юзимға тикилганча: «бу хунар энг зўр хунар, яқинда ўзингиз гувоҳи бўласиз» дерди. Бу зўр хунарға аклим етмасди, бироқ ўғлимнинг бу гапларини ўз кучига ишониб айтаётганини кўриб қувониб кетардим. Таксир, ўша пайтлари ўғлим ҳақиқатан ҳам оламшумул иш устида ўтирганини тасаввур қилолмаганман, шунчаки ҳар бир кашфиётчи ўз кашфиётини оламшумул ҳодиса деб ўйлайди деган ҳаёлға борганман. Таксир, сизға ваҳшийликнинг қиёфалари танишини? Мен ваҳшийликни ҳамиша гўзал қиёфада учратганман; у ўзининг асл мақсадини олиёжаноб гоъларға яширади. Агар унга кўз ташласангиз гоът кўркам тусда товланади, ақду ҳушингизни олади, дилбар қиздай фақат ҳаёлдан бўлган ҳаёт ваъда қилади. Қаранг, таксирим, ҳаётнинг ўзи бир лаҳзалик бемаъни ҳаёл эмасми? Ҳозир сизға сўзлаб бераётганим ҳам ноқис аклимнинг ҳаёллари эмасми? Ҳаммамиз ҳам кучли ва буюк бўлишни истаймиз, шунинг учун ҳам умр биносини барпо қиламиз, унга абадиятни суъй оладиган устунлар қўямиз, аммо бир кун аклимизни йиғиб олиб қарасак, биз яратган ўтов қурилмасидан туриб вайрон қилинган бўлади. Бундай фикрға тўсатдан келганим йўқ, таксирим. Одам бирдан тушқун бўлиб қолмайди, у энг охириги имкониятғача кутади ва у ҳам бой берилгач, тушқунлик саҳросига йўл олади. Мен аввалиға ўғилларимнинг бутун ҳагги-ҳаракатини синчиклаб ўргандим: ахир кунни кеча меннинг ҳар бир сўзимни муҳаббат билан эшитиб, ҳайратға тушадиган бола қандай қилиб, шундай улғая қолди? Ахир бу иморатнинг ҳар бир гиштини ўзим хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан қурган эдим-ку? Таксирим, замон менга қараганда зўр экан, уни меннинг ҳаёлпараст ва орзупараст бағримдан суғуриб олиб, ўзининг тафаккур фаҳши анқиб ётган кўчасига олиб кирди. Мен замон билан ҳар бир сўзимда, ҳар бир ишорамда олишдим, бироқ уни бўйсундиришға қурбим етмади ва шунда «Замон - Худо» деган ҳикматни эсладим. Мен қуриб бўлган иморатға у кириб олган эди. Сиз меннинг қанчалар ўқинганимни тасаввур қила олмайсиз. Эсингиздами, таксир, Муқаддас китобда шундай оятлар бор: «Ўша кун ўйлашар, тупроқ бўлсам деб». Таксир мана шу оятда айтилган маҳкумлиқдан ҳеч қачон қочиб қутила олмаймиз. Зеро, айтиб қўйилган: умр бўйи ер юзида оввораю сарсон бўлиб юрасан, лекин ҳеч қачон ўзинг излаган нарсани тополмайсан. Излаган одамнинг излаётган нарсаси нималигини билмаслиги даҳшат эмасму? Йўқ нарсани излашға мубтало қилинган инсон! Мана сиз бекатда ўтирибсиз, қандайдир поездни қозаяпсиз. У сизни бу ердан қаергадир олиб кетиши керак, поездинг қандайлигини, қайси томондан келиши, қай томонға кетишини ҳам билмайсиз. Бироқ бекатда ўтириб қутишға маҳкумсиз. Одамзотнинг бор йўқ умри ана шу қутишдан, қутиш пайтидаги орзую хом ҳаёллардан ўзға нарса эмас. Қолган барча нарса жимжима ва ёлғон. Кеча яна ўша муқаддас китоблардан бирини қўлимға олдим ва қизимға боққанча очиб ўқий бошладим:

«Сен Иблис тожи турган жойда яшамокдасан»... Бошка оятни ўқишга курбим етмади, зеро, умрим ҳақида хулоса қилиш учун шу оятнинг ўзи етарли эди. Шу ҳикмат мени тафаккур чўққисига чиқариб қўйди. Беозор мушукка ўхшаб ухлаб ётган қизимнинг олдига борар эканман, шу оятни тинмай такрорладим ва кўлларимга куч кирди ҳамда қизим, фарзандларим ҳаётини бунчалар аччиқ қилган тақдир азалининг маъною моҳиятини англадим: у маъносиз ва моҳиятсиз эди: шу сабабли ҳам қизимни буғар эканман, юрагимда қилт ётган кўрқув пайдо бўлгани йўқ, аксинча, қизим уйғониб кетиб, ваҳм тўла кўзларини менга тикар экан, ёйилиб кетган сочлари, ҳаёсиз қароқчилари, ҳали ўн гулидан бир гули очилмай сўла бошлаган танаси, юзида аста-секин ўз кўрғонларини кўзайтган ажинлар, ҳаммаси менга шайтонни эслатди ва худди шайтонни бўғаётган каби ғазаб билан бугдим. Қизимнинг боши шилқ этиб тушгачгина нима қилиб қўйганимни англаб кўрқиб кетдим: теварак-атроф зулмат эди ва тўшакда ўзим яратиб, ўзим ўлдирган қизим ётарди. Дунё яратаётганимда ҳам шундай зулматга тўла эди, ўлдирётганимда ҳам. Ораддан анча вақт ўтиб ўзимни босиб олгач, кўзим қизимга тушиб йиғлаб юбордим... Қалбим бирдан бўшаб қолган, ўзим ҳам бўшлиқ ичида қолгандим. Мен қизим бошида турганча ҳаммамиз, қизим, ўғилларим, ўзим бутун инсоният шу пайтгача бўшлиқ ичида яшаб келганимизни, шу пайтгача орзу қилиб, интилиб, етишиб келган нарсаларимиз ҳам зим-зиё номсиз бўшлиқдан иборат эканлигини англадим. Тақсир, бу бўшлиқни шу вақтгача ўтган не-не доно одамлар, не-не набилар тўлдиролмади, биз қандай тўлдиримиз? Бу бўшлиқ шу вақтгача яшаган миллиардлаб одамларнинг суяги, орзу-ҳаваси, оху фиғони, жангу жадали билан тўлмади, уни мен, хом сут эмган банд қандай тўлдирмоқчи бўлдим?. Тонггача шу ҳақда ўйлаб ўқсиб-ўқсиб йиғладим. Кўзларингиз қизарибди дейсизми? Ҳа, ерталабгача йиғлаб, сўнг кўз ёшларимни артиб кўчага қикдим. Аҳволим сувга бўккан кучукчаникка ўхшарди. Эсингиздами, яқинларгача А. энг машҳур ёзувчи бўларди, қанча оилалар фарзандларига шухрати, қатъияти, иродасини тилаб унинг номини қўймадилар. А. эса умр бўйи ўз эътиқодидан қайтмади: уни қамадилар, сургун қилдилар, қалтақладилар, асарларини ёқдилар, мамлакатдан қувғин қилдилар, бироқ у эгилмади. Тузумни фош қилувчи асарлар ёзаверди, қамокларда, йўлларда тинимсиз ёзди, тинимсиз фош қилди. Тузум қулади-ю, уни ҳеч ким эсламай қўйди: тақсирим А. шу ёвуз тузум билан тирик эди, шу ёвуз тузум унга шон-шухрат, қобилият, шараф келтирганди, шу тузумни фош қилишга ўз ҳаётини бахш этди, тушу ҳушида унга тошлар отди, охири тузум иморати қулади, у энди ўзини бахтли ҳис қилса бўларди, бироқ бундай бўлмади. У менинг қўшим эди. Чет элдан қайтгач, уни кўриб қолдим: шундай савлат, шундай шавкат эгаси муштдай бўлиб қолибди - шунда тақсирим мен қарши қурашган тузум унинг умрига айланиб қолганини, тузум қулаши билан унинг шавкати, умри, умиди ҳам қулаганини англадим. Асли тузум унинг умри эди, у А.ни буюк қилганди, қулагач эса А. нима қилишни билмай лол қолди. Ахир унинг бутун умри, лаҳзалари, сониялари тузумни фош қилиш йўлида шаклланган, ўсиб улғайган эди. Тузум қулагач, у нунт кўчаларнинг бирида масту аластлар ичида хору зор бўлиб ўлди. Тақсир, тузум унинг исми, орзу-умиди ва ҳатто ҳаёти эди, у ўз исми ва орзу умиди билан муҳарабо қилиб ўтган эди. Бу сизга одам ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатни аңлатмаяптими? Одамнинг ҳатто итчалик қадрни, итчалик обрў-эътибори йўқлиги сизнинг кўзингизни очмаяптими? Умр бу осмонга тупуриш, сўнг осмондан тушган тупуғини ютишдир. Бошқа ҳеч нарса эмас. Яратган нега одамга ўз қиёфасини берганини тушуна олмайман, одамдан ҳатто қалтакесак ҳам бахтиёрроқ ҳаёт кечиради, умрини мазмунли ўтказди, ҳеч курсе яшаб бўлгач, афсус тиканлари билан юрагини қонатмайди, пушаймонлик қабрида ётмайди, Фарзандларим ва шогирдларим феъл-атворлари, ҳатти-ҳаракатлари илгари мени қанчалик қувонтирган бўлса, энди шунчалик ҳавотирга соларди, ўғилларимнинг кўзлари, тобора чўққи соқолнинг кўзларига ўхшаб борар, у ердаги нафрат ҳам тобора катталашмоқда эди ва улар меҳрибонлик қилаётганларида ҳам мен улкан нафратни сезиб турардим. Ўғилларимнинг издошлари ҳам тобора кўпаяётган, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, нималаргадир даъват қилиб юришар, тунда ғойиб бўлишарди. Ўғилларим мендан ҳам ўтиб тушган нотих бўдилар, улар маъруза қилишар экан, уларнинг нотихлиги ва мантиқларидан қанчалар севинмай, бу маърузахўрлик ва мантиқлар мени ҳавотирга сола бошлаганди, улар энди мен билан

ҳисоблашмаётганлари шундоқ кўзларидан, менга кўрсатилмаётган, тагида улкан жарлик тургандай қилинаётган ҳавотирли ва заҳархандали меҳрибонликлардан кўриниб турарди. Тақсир, мен ўзимга меросхўр, издош, наслдош яратаман деб, чўққи соқолнинг меросхўрларини яратиб қўйганим менга бир ота сифатида ғоят алам қиларди. Тақсирим, сиз бир умр кечани кеча, кундузни кундуз демай, бутун ҳаётингизни қувончу ғамларингизни, мусибату ҳасратларингизни, азобу фароғатингизни бахшида этиб, мендан кейин ҳам менинг яратганим, шу иморат меники эканлиги билиниб турсин дея кўзёшлар, қайгулар, бахтиёрликлар аралаш сониялар, лаҳзалар, дақиқалардан бир иморат тикласангизу бир кун бу иморатга мутлақо нотаниш, ёт бир одам кириб олса, яна устига иморат дарвозалари фақат унинг имоси билан очилиб ёпилса ва сиз, иморатни яратувчи хору зор бўлиб кўчада қолаверсангиз, сизга алам қилмайдами? Болаларим нақ чўққи соқолнинг ўзига айланиб бўлишгани менда шндай ҳис қолдирарди. Аста-секин мен ишдан, маърузалардан чарчай бошладим, тўғрироғи, ҳафсалам пир бўлди - балким бу ростдан ҳам болаларим айтгандек, кексалик белгисидир, балким бор кучимни сарфлаб, энди ҳеч нарсага ярамай қолгандирман, билмадим, ҳар қалай, ҳамма нарсадан кўнглим совуб, маърузаларим совуқ ва руҳсиз ўта бошлади. Мен бир нарсани билишга, тагига етишга кизикардим: у ҳам бўлса чўққи соқол қандайин сеҳр жодуга, афсунга эга эдики, мен орқали ўзини ярата олди: аввал мени ром қилди, сўнг менинг сўзларим, маърузаларим, ҳису ҳаяжонларим, китобларим, сўзларим ва пушту камарим орқали аста-секин, бироқ айнан ўзини яратди экан?. Бу ерда қандай синоат, қандайин рўё мавжуд? Ана шу туйғу ҳаётим саҳифаларини йиртиб, қабр турган бетга яқинлашганим сайин мени кўпроқ безовта қила бошлади - аҳтимол, бу ўлим олдидаги масъуллик, яратган қаршисиди ҳозир бўлишдан олдинги ҳавотирдир, Фарзандларим менга эътибор беришмас, китобдан янги-янги изоҳлар, янги-янги шарҳлар топишар ва тинмай даъват қилишар ва бу ҳолат мени яна ҳам кўпроқ ташвишга солар, мен ўзим ёққан алағга олдида ўзим оловсиз қолгандек эдим: аланга эса атрофимдаги ўнгу қуруқни баббаробар қуйдириб, қул қилиб борарди. Ўғилларимнинг иқтидорини менга тушунарли ва фахрли эди. Кенжа ўғлим бироз жиззаки бўлиб ўсди. Хотинимнинг эрта ўлими унга ўз таъсирини кўрсатган, у ҳеч нарсага кўнгли қўймайдиган, бағритош ва шафқатсиз эди. Унинг кўчадаги болалар билан уришганини кўрганман, у тагига босиб олган боланинг тўғри келган ерига муштар, биров аралашмаса уни майиб қилиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Бироқ китоб унинг ҳам ҳаётини ўзгартириб юборди: унинг бағритошлиги бора-бора одамовилликка, ёлғизликка етаклади уни: у ўз шафқатсизлиги, жиззакилиги билан ёлғизликка қолди: ёлғизлик унга ўз куч-ғайратини нимага сарфлашни кўрсатиб берди. Тақсир, фарзандларимнинг ҳаммаси ҳам ўзига хос ижодкор эдилар, китоб таъсирими ёки бу узун кечалари санъат ҳақидаги оилавий мунозараларимизнинг, фарзандларим ҳам нафақат китобпарвар, санъатсевар бўлиб етишдилар. Кичик ўғлим мусиқада бир неча мусобақалар ғолиби бўлди, унга мусиқа аҳли умид ва қизиқиш билан қарай бошладилар, унинг келажаги порлоқ бўлишини башорат қилишарди. Бироқ тинимсиз ҳаёл сурганча қандайдир мусиқа устида ишларди. Катта ўғлимнинг суратлари кўрғазмалар залидан жой олганда менинг бахтиёрлигимни кўрсангиз эди. Икки ака-ука икки соҳада бири-бири билан мусобақа қилаётгандай эдилар. Тақсир санъатдан ҳабарингиз бўлса, бу жуда машаққатли касб, у қийноқлар адашишлар, изтироблар эвазига дунёга келади. Қайси санъаткор адашиб, ўз изтиробига қоврилиб, яратмаса у ҳақиқий санъаткор эмас. Адашмай санъатда тўғри йўлни бирдан топганлар ё ёлғон санъаткор ёки даҳо бўлади. Ҳатто даҳолар ҳам ўзларининг юксак шон-шавкатларига адашиб-адашиб етиб келадилар. Адашаётган одам йўл излаётган одамдир. Ўғлимнинг суратида қаҳрли, инсонни ваҳмга солувчи қиёфалар пайдо бўлганда мен ана шу юксакликка кўтарилиш йўлидаги изланиш деб ўйладим. Аммо йиллар ўтган сайин суратлар яна ҳам мавҳумлашди, унда фақат бир чехра, ҳа, ҳа, тақсирим, ўша харобада китобини ўғирлаган чўққи соқолнинг зарангдай чехраси акс эта бошлади. Ўғлим йўлини йўқотганга ўхшар, фақат бир суратни қайта-қайта чизаверарди. Бу зулмат ичидан сизга қаҳр ва бироз масҳара билан ўсиқ сочлар, увода ва узун хирка, устихон кифа, ўсиқ қошлар орасидан боқиб турган ва тикилгани сайин сенга шунча яқин келадиган, вужудингни қаҳр тўла қорачикларидан отилган кўрқув тўлдириб оладиган, бир

карашдаёк умр бўйи эсдан чиқармайдиган ўша чўкки сокол чехраси балкиб турарди. Ўғлим энди суратлари устида тинмай ишлар, фақат тамадди қилишгагина ошхонага чиқарди. Мен унга ҳалакит бермасдим. Фақат бир марта ундан шунчаки :»Нега бир хил сурат чизасан. Бу киёфани қаердан олдинг?», деб сўрадим. У менга ажабланиб тикилди-да: «Мен ҳаммаша сизнинг суратингизни чизишга ҳаракат қиламан, суратни чизиб бўлгач, шу киёфа пайдо бўлади» деди. Тақсир, мен унинг рост сўзлаётганига ишондим ва кўриб кетдим. Ўзимни ойнада роса кузатдим, қаерларимдир қариган сайин суратдаги киёфага ўхшаб борарди, бироқ суратдаги одам ёш эди, нари борса қирқлар атрофида эди. Шамол қувиб юрган булутлар бирдан мовий осмонни қоплагандек менинг юзимни машаққат ва азобга тўла ажинлар қоплаб олганди. Ўғлимга буни билдирмадим. Балким у мени айнан суратдагидай тасаввур қилгани учун шундай чизаётгандир?. У энди мустақил фикрга эга, бировларнинг фикрига оғмайдиган ёшга етганди. Мен умуман фарзандларимнинг шахсий ишларга аралашганини ўзимга муносиб кўрмаганман. Уларни мен эмас, китоб кўпроқ тарбиялаган десам хато бўлмайди. Бир куни кичик ўғлим ҳаммамизни хонасига таклиф қилиб, ўзининг буюк кашфиёт қилганини ва ускуналарсиз мусика яратганини айтди. Унинг таклифи мени бироз шошириб қўйди: у узок йиллардан бери биринчи марта очилиб, гаплашиши ва ўз қувончини бирга баҳам кўриши эди. Ўша куни ўғлимнинг кўзлари зафар ва ғолиблик ифодаси акс этган, ўзи улугвор киёфага кирганди. Тақсир, одам фақат яратаётганда шундай киёфага қиради, одам фақат бирон нарса яратган лаҳзалардагина яратувчининг нақадар улуглиги ва қудратини ҳис этади. Бу ҳис ҳар бир одамга таниш. Бизнинг ишларимиз ўша яратган, яратганининг яратганларидир. Ўғлим ўша куни ердан мутлақо узилганди, уни кўриб-қўйиб майда-чуйдаларга ўралашган, фосикликдан иборат ҳаётимиз нақадар бачкана ва тубанлигини ҳис этгандим. У ўз кашфиётини «Кўркув мусикаси» деб атади. Унда ҳеч қандай ускуна иштирок этмасди. У бизга магнитга ёзилган мусикасини кўйиб берди ва «Хозир Бетховеннинг машҳур мусикасини эшитасизми?» деди. Тасмадан пақ-пук, гумбарлаш ўқ овозлари, яланғоч елгага тушаётгандай қамчининг шарап этган товуши эшитиларди. Бу ростдан ҳам Бетховен эди, тўғрироғи, унинг «еттинчи симфонияси»нинг ноталари эди, ўғлим милтиқ, қамчи ва одам ингрокларини йиғиб, шу нотага кўйиб чиққан эди. Ора-сира гумбурлаш эшитилар, сўнг яна кимларнингдир кийноқ аралаш чинқириклари келарди. Мен аввалига ҳеч нарса тушунмадим, бу шовқинларнинг мусикага нима дахли бор, деб ўйладим, сўнг бирдан ўғлимнинг асл ниятини англаб қолдим. У ўзининг «Кўркув мусикаси»ни ўлимни, зўрликни англагучи товушлар эвазига курган эди ва бу товушларни санъат деб атаётганди. Тақсир, бир тасувавур қилинг-а, сиз Бетховен мусикаси ўрнида худди ўша ноталарни акс эттирган милтиқ ва калтак зарбини эшитиб турсангиз, илоҳий оҳанглар ўрнини инсонни ваҳмга солувчи гумбурлашлар, ингроклар эшитилса ва буни сизга Бетховен симфонияси деб таништиришса?! Қон тўкувчи ва инсонни ҳаётдан маҳрум этишдан дарак берувчи товушлар гўзал мусика ўрнида жарангласа?. Зўрлик кишида ҳаммаша ноҳушлик уйғотади, бироқ бу даражада муҳаббат уйғотолмайди. Зўрликни, ўлимни севиш ва унга ўзликни бахшида қилиш учун одам ақлдан озишдан ташқари яна бир нарсага эга бўлиш керак: иблиснинг юрагига... Бу жозиба ва оҳангдан холи, инсонни кўркувга солиш учун ёзилган қатл мусикасига ўхшарди. Биз яратган, ато этган товушлар ҳиссётлар овозини эмас, милтиқлару қамчилар овозини эшитиб турардик, хаёлга ҳамма нарса босиб-янчиб ўтувчи ва изидан фақат мурда ва жасада тўла харобалик қолдирувчи жуда улкан машинани эслатарди, бу ҳеч сўзсиз оламшумул кашфиёт эди: уни эшитгандан сўнг хаёлингизда ҳеч нарса қолмасди. Ўғлим бу товушларни битталаб йиғган, сўнг Бетховен нотасига танлаб-танлаб кўйиб чиққанди. Бунинг учун унга қанча вақт керак бўлганини билмайман, бироқ бу ниҳоятда оғир ва мушкул иш эди, чунки товушлар турли хил бўлиб, ҳар бири шу нотага мос бирма-бир танлаб олинганди. Мен ўғлимга: «Бу қиргин мусикаси нега зарур» деб сўрадим. У ўша улугвор киёфада: «Бу инсониятнинг янги мусикаси бўлади», деди. Мен у билан тортишиб ўтирмадим. Хозир унга ҳеч гап қор қилмасди. У ўз кашфиётининг шавқи билан ҳамма нарса уни унутганди. Мен индамай хонамга чиқиб кетдим ва у ерда хонадонимизнинг сеvimли мусикаси бўлган «7-симфонияси» кўйдимда, хаёлга фарқ бўлдим. Нимадир мени қаттиқ хавотирга

солиб қўйганди, ўғлимнинг мусикасидан мудҳиш ниманингдир ҳиди келарди. Мен яна икки киши бўлиб қолгандим: «битта мен» ўғлимдан фахрланар, «иккинчи мен» хавотир остида яшарди. Ичимда улар яна бир-бири билан жанг қила бошлади. Тақсир, мен шу ўтирганча ором курсида мизғиб қолибман. Бир маҳал кимдир тикилиб турганини сезиб, чўчиб уйғониб кетдим, тун чўккан, вақт алламаҳал бўлган, дераздан ойнанинг шуъласи хонага ўрмалаб кирар ва шарпани ярим ёритиб турарди. Қаршимда узун, қирра бурун, хирқа кийган чўкки сокол қараб турарди.

- Кимсиз, - деди эсхонам чиқиб. - Бу ерга қандай кириб қолдингиз...

- Ўғилларинг мени чақирди, - деди совуқ ва қуруқ оҳангда. Энди уларга ҳақиқий устоз керак.

Мен яқинимда турган, ўғлим чизган суратни олиб қарадим во ажаб, у ерда акс йўқ эди? Бўёқлар, мато жойида турар, бироқ одам сурати йўқ, булар ҳаммаси рўёдай эди.

- Кимсиз ўзи? - дедим мен кўриб кетиб, у яна истехзоли қулди. Унинг юзида кибр, зафар ва ғолиблик акс этарди.

У эшикни очиб ғолибона тиржайиб чиқиб кетди. Изидан эшик гурсиллаб ёпилди. Унинг изидан чиқишга ботинолмадим, у шундай ҳукмфармо қилиб гапирган, кўзларида шундай қудрат бор эдики, мени жойимга михлаб ташлади. Ўша кеча кўркув билан алахсираб чиқдим. Эртасига ўғилларим улфатлари ичида узун бўйли, чўкки сокол қўйган одам пайдо бўлди. У мен кечаси туш аралаш кўрган одамга жуда ўхшар, бироқ у жуда ҳам ёш, навкирон эди. Шу кечаси юз берган воқеа ҳақида ҳеч қимга ҳеч нарса демасди. Ўғилларим отамиз қариб, ақлдан озибди, деб ўйлашлари мумкин эди. Ўша кундан бошлаб менинг ўзимда ҳам китобга нисбатан ҳеч қимга айтиб бўлмас шубҳа пайдо бўлди. Ана шу шубҳа мени адоий-тамом қилди. Чўкки сокол йиғит тезда ўғилларим улфатлари ичида эътиборли кишига, тўғрироғи, уларнинг раҳномасига айланди. Улар унинг чизган чизигидан чиқмасдилар. Мен ҳеч қимдан бу қим деб сўрашга журъат этолмадим, саволим ўғилларимда менга нисбатан турли гумонлар пайдо қилиши мумкин эди, бундан ташқари ич-ичимда бу йиғит гўё менинг ўзимдай ва ўзим шу одам орқали ўғилларимга раҳномалик қилаётгандай бўлиб туюлардим. Ахир бу одам ичимдан чиқиб кетганини менинг ўзим кўрган эдим-да. Ана шу хавотир ва ғурур менинг кунларимнинг мазмуни эди. Ичимда бир улкан тошқин бошланган хавотир ва ғурур шу тошқиннинг икки қирғоғи эди. Мен чўкки соколдан ҳам хавотирланар, ҳам ғурурга тўлардим, уни менинг ўзим яратгандай, ўзим дунёга келтиргандай эдим, ўғилларим чўкки сокол киёфасида менинг изимдан эргашаётгандай эди. Бироқ бу дамлар ҳам узокқа чўзилмади. Яратганининг даргоҳи кенг экан. Ҳаёт, яшаш, болаларим, чўкки сокол китоб ҳақидаги ўйлар хаёлимни банд этган кунларнинг бирида ўзим тенги ва қаерларидир менга ўхшаб кетадиган одам билан учрашиб қолдим; гарчи у тақдири, ҳаёти ҳақида гапирмаган бўлса-да, кўзларида тўниб қолган улуг ғамни кўриб, у ҳам мен каби адашган бир банда эканлигига ишондим ва ана шу ишонч у билан ҳар қандай масала ҳақида очик гаплашиш имконини берди ва биз тезда жуда инोक бўлиб кетдик. Ўғилларимдан хафа бўлишни ҳам, билмай кўнглим ғаш бўлиб, кечки пайт айлланиб юрганимда, худди сизни учратгандай, уни ҳам шу хиёбонда учратдим. Тақсир, ўтиргичда ўтирарканман, у қаршимда пайдо бўлди: Бирдан! Осмондан тушди, ерданми, билолмадим. Уни нақ бошим тепасида турганини кўрганимда бироз довдираб қолдим. Шарт туриб кетмоқчи эдим, бироқ у жуда мулоийм, айбдор товушда «Бнингизда ўтирсам бўладими?» деб, илтифот билан сўради. Унинг овозидаги назокат мени тонг қолдирди: қандай бош силкиганимни билмайман, у яна ҳам назокатлироқ қилиб «рахмат» деди ва ёнимга чўкди.

- Кўп сиқилаверманг, - деди у ўтириб олгач, - бу ерда сиз эмас, мен кўпроқ айбдорман. Мен у бирон бошқа кишига гапирардим деб, атрофга алангладим: ҳеч зог йўқ эди. Унинг нега томдан тараша тушгандай гап бошлагани менга бироз эриш туюлди.

- Сиқилаётганимни қаердан биласиз, танимаган одамга бундай дейиш одобдан эмас, - дедим бироз жаҳл билан.

- Жаҳлингиз чиқаяпти-ю, бироқ бор гап шу: ҳаммасига мен айбдорман. У ўйлайди, ўғилларингиз ижро этади, - деди кўзларини мутлақо бошқа томонга - осмонда юз кўрсатаётган юлдузларга тикиб.

- Кимсиз ўзи, - дедим унинг бироз сурлигидан баттар

аччиғланиб. - Ўғилларимни каердан танийсиз? «У» деганингиз ким?

- Ҳаммасини ўз вақтида билиб оласиз, - деди у мен қарамай ҳам. - Мен ўз наслимни тавқи ланъатга йўлиқтирдим, энди эса жазосини тортаяпман.

Шундай деди-да, у қандай пайдо бўлган бўлса, шундай, худди шарпадай ғойиб бўлди.

Унинг сўзлари мени тонг қолдирди. Кимлигини билмасам ҳам юрагимда унга нисбатан яқинлик пайдо бўлганди. Таксир, аҳволу рухиям умрида отасини кўрмай ўсган йигит отасини учратиб, шу ўзининг отаси эканлигини кўнгли сезгандай мени ғалати бир соғинч, интилиш қоплаб олган эди. Эртасига у яна келди. Бирок мен ва ўғилларим ҳақида оғиз очмади. Биз бошқа нарсалар ҳақида гаплашдик. У менга қандайдир таъқиқланган дарахт ҳақида сўзлаб берди: «ўшанда мен ҳам сиз каби ҳали бунинг оқибати нима бўлишини билмасдим. Мени нафдан кўра ўша таъқиқни бузиш, биздан яширилганнинг тагига етиш ҳисси кизиқтирганди. «У алланималар деди. Воқеа менга қоронғу бўлгани учун унинг сўзлари ёдимда қолмади, фақат у улуг бир дард, улуг бир паршонлик билан гапирётгани учун унинг мусибат сели оқиб турган юзи эсимда қолди. Мен у билан тузукроқ танишмоқчи бўлдим ва уни уйимга таклиф қилдим. «Бораман, - деди у худди менинг таклифимни олдиндан билгандай. - Бирок ҳозир эмас. Ҳозир сиз ўзингиз ким эканлигингизни англаб олинг. Сизга кўп нарса гапиришим мумкин, аммо ҳозир сиз ҳаммасини ўз бошингиздан кечирмагунча тушунмайсиз». Биз бошқа бу ҳақда гаплашмадик. Мен унга китоб, уни қандай топиб олганимни гапириб бердим: ичимда мислсиз саволлар қалашавериб, олов олишига тайёр турган ўтинхонага ўхшаб қолган, унга тазарру қилаётгандай ичимдаги ҳаммасини тўқиб солиб, энгил тортмоқчи эдим. У гапларимни эшитиб ажабланмади, менга маслаҳату ўғитлар бермади: «Бу ёздиғ, бутун инсоният пешонасига ёзилган ёздиғ», - деди, холос. Унга гапириб бериб, бироз энгил тортгандим. Шу сабабли уни ҳар кун кўргим келар, кўнглим ўтинхонасида олов бўлишига шай турган чўғларни қовлаб, совутардим.

Уйим эса қандайдир билинмас, кўринмас жанг майдонига айланиб борар, чўкки соқол уйимга таширф буюра бошлагандан ўғилларимда ғалати ўзгариш сезилган, улар сирли, индамас, кибри, нозик таъб, сирқалар сув кўтармас бўлиб қолгандилар. Бир кун катта ўғлимга уйга жуда кеч қайтаяпсан, қаерларда юрибсан, деб койидим. Ўғлимнинг юзи бирдан ўзгарди ва менга ўқрайиб қаради, «Энди ёш бола эмасман, сиздан ҳар бир нарса учун руҳсат сўрайдиган» деди ва индамай хонасига кириб кетди. Ўғлимнинг гапи қўксимга пичоқдай ботди. Унинг менинг юзимга биринчи марта тик боқиши ва дағал гапириши эди. Ҳаётда ота-бола ўртасида бу хил гап-сўзлар ҳар қандай оилада ҳам юз бериб туради. Аммо биринчиси ҳамisha оғир кечади. Ўғлимнинг дағаллиги ҳеч ёдимдан чикмас, уни ҳазм қилолмасдим. Иккала ўғлим ҳам энди алламахалгача қайдадир дайдиб юришар, хавотирланиб, кайтгунларича ухламай ўтирар, улар ярим кечаси эшикни шарақлатиб очиб, намоёншкоруна кириб келганда, уларга бирон оғиз таъбеч беролмасдим. Ўғилларим бирдан ўзгарган, кун узоғи хоналарида банд бўлар, кечга яқин ғойиб бўлишар, алламахалда қайтиб келишарди. Уларнинг фель-атвори, хулқи, гапириш усуллари ўзгарганди. Мен уларни ким, нима бунчалик ўзгартирганини билолмай ҳайрон ва азобда эдим. Охири, таксир, чидолмадим, ўғилларимни кечаси нима билан машғул бўлишларини билгим келди. Ахир, мен отаман, фарзандлар тарбиясига масъулман.

Бир кун ишдан қайтиб, катта ўғлимнинг йиғлаб, сажда қилаётганини кўриб қолдим; бу ўша эди, ўша чўкки соқолнинг ўзи эди, агар уйимда бўлмаганида ва шу китоб ўқиб, йиғлаб, сажда қилаётган вужудни ўзим яратганимда ва унинг қониди менинг коним оқаётганини, ҳатто шу йиғлаётган пайтда ҳам сезиб турганимда уни ўша соқолнинг ўзи деб ўйлаган ва арвоҳларга ишонмайдиган мендек одам қанчалар даҳшатга тушган бўлардим. Бирок бу чўкки соқол ўғлим эди: у сажда қилар экан, унинг кўзларида йилт этиб кетган нафратни кўриб қолдим ва бирдан ваҳимага тушдим. Сўнг талабаларнинг, фарзандларимнинг, ҳатто қизимнинг ҳам ҳар бир ҳатти-ҳаракатини кузата бошладим. Йўқ, таксир, мен адашмаган, шубҳамни ҳомилатор қилган нарса мавжуд эди: ўғилларим, қизим, толиблар - ҳаммаси ўша чўкки соқолнинг ўзи эди - у китоб орқали мана шу ёш, навқирон, қалби ўзининг китоби суҳуфига тўлган йигитлар қиёфасида қайта туғилган эди.

Чўкки соқол давраларга кўшилгач, ўғилларим ҳаракатчан, тиниб-тинчимас бўлиб қолди. Катта ўғлим икки марта суратлар кўргазмасини ўтказди ва катта шов-шувларга сабаб бўлган бу кўргазма туфайли ўғлим энг машҳур кишига айланди. Кичик ўғлим аввалига кичик-кичик, сўнг катта-катта залларда мусика чала бошлади. Уни уч марта қоринга жўнатишди, учаласида ҳам уни олқишлар билан кутиб олишди. Орзуларим тўлиқ амалга ошганди, болаларим ўзларидан ўчмас из қолдирадиган кишиларга айланган эдилар. Энди уларни йўлдан оздириш ёки адаштириш мумкин эмас, иккаласи шуҳрат лаззатини тортиб кўрган, энди ундан ҳеч қачон айрилгиси келмай, яшашларига иймоним қонил эди. Аммо хавотир мени тарқ этмасди. Мен ўғлимнинг музикаси қандай қилиб олқишга сазовар бўлаётганини тушунмасдим: ё мен ёки одамлар ақлдан озган эди: ахир зўрлик ва сизни майиб қилишга мўлжалланган музикани қандай қилиб мусика деб аташ, уни олқишлаш мумкин. Ё дунё ўзгарган, ёки мен гафлат уйқусида қолиб дунёдаги ўзгаришлардан, унинг завқи ва дидидан бебахра қолганман. Мен газетлардан ўғилларим чўкки соқолни ўзларига устоз деб аташаётганини ўқигач, баттар хавотирлана бошладим. Чўкки соқол худди мени масҳара қилгандек, уйимизга кириб келар, ўғилларим илтифоти ва иззат эътибори орасида менга бирров кўз ташлаб олар, унинг кўзида истехзо, сазарҳандалик балқиб турарди. Бир кун ишлавий баҳс мунозара пайти қизим қора муқовали китобдан нимадир ёд айтиб, ақаларига нимадир тушунтирмоқчи бўлди. Қизим шундай эҳтирос ва ҳаяжон билан гапириди, шу пайтгача қизимга деярли эътибор бермайдиган чўккисоқол ҳайрат билан унга тикилиб қолди. Унинг нимадан ҳайратга тушгани мен учун қоронғу эди, зеро, китобдан хоҳлаган варақни ёд айтиш бизнинг оилада ҳайратланарли воқеа эмасди. Нима бўлганда ҳам чўкки соқол хонадонимизнинг доимий меҳмонига айланди. У ўғилларим билан нималарнидир муҳокама қилар, сўнг кечга яқин бирга кичиб кетишарди. У кизимга ҳам ғоят илтифот ва назокат билан муомала қиларди. Мен тез орада чўкки соқол икки ўғлим билан икки хил муносабатда бўлишини сезиб қолдим. Катта ўғлим билан ёлғиз қолганда унинг сувратларини мақтар, бу унаер санъатлар ичида энг юксаги, сен эса ҳаммадан буюксан дерди. Кичик ўғлим билан қолганда музикани макташга тушар, ўғлимни юксакликнинг олий поғонасига олиб чиқиб кўярди. Мен аввалига бу ҳол ҳар бир устозга хос фазилат, бу далладан бошқа нарса эмас деб ўйладим. Бирок аста-секин ўғилларимда кибр, такаббурлик пайдо бўлганини англаб қолдим. Улар ўзларидан бошқа барча нарсани инкор қилар, барча нарсдан қусур излашарди ва ҳар бири ўзича чўкки соқолга ёкишга ҳаракат қиларди. Кибр аста-секин ака-ука ўртасида ҳам билина бошлади. Улар бир-бирларининг асарларини ижирғаниб кузатишар, ёки муллақо эътибор беришмасди. Катта ўғлим кўргазмалардан соврин билан қайта бошлади. Унга эътибор кучайди, ҳорижликлардан кўргазмага таклифлар тушди. Бу обрў-эътибор кичик ўғлимга малол келар, катта ўғлим ўз ютуқларини гапирётганда индамай хонасига кириб кетарди. Чўкки соқол ҳар сафар ўзини ҳайратланган каби тутар, тошдай қотиб ўтирар, мусика тугугач, ўғлимни кучиб ўпар ва «дахоларнинг даҳоси» деб бақирарди. Унинг овозида қандайдир сохталик, ясамалик бордек туюлар, лекин у бунга ҳеч қачон сездирган эмасди. Ўғилларим эса унинг мактовидан маст бўлиб қолишар, бошлари қўкка етиб, юзлари кибр ва шон-шуҳрат ифодаси билан ёниб турарди. Таксир, ўғилларим не мартабага эришган, қаерда ўзлари ҳақида гапирган бўлишса, унда чўкки соқол ҳам бор эди-ю, бироқ мен йўқ эдим, мен худди йўқдек ҳатто эслашмасди. Бу менга алам қилар, бироқ ҳеч кимга дардимни ёролмасдим. Ўғилларимнинг чўкки соқол қиёфасида сенга сажда қилаяпмиз деган эътирофларидан кўрқардим. Бу мулҳиш эътироф эди. Чўкки соқол энди уйимизда ётиб қолар, қизим унинг нақ чўрисига айланган, кирини ювар, хонасини бадбўй ҳидлардан тозалар, доимо қайсарлик - ўжарлик қиладиган қизим уни кўрганда мулоийм - юмшок бўлиб қолар, доимо унинг бирон танбех беришидан чўчиб турарди. Мен унут бўлган одамга ўхшардим. Ўғилларим билан кечкурун дастурхон бошида учрашардик. Бу учрашув ҳам чўкки соқолнинг ваъзлари билан якун топарди. Мен бу ваъзлардан шу нарсани англадимки, чўкки соқолни ўғилларимнинг муваффақиятлари қониқтирмас - у яна қандайдир улғувор мақсадлар ҳақида гапирарди. Унинг гапича санъат қачон инсонни истаган йўриғига бошлай олса, ёки истаган қиёфасига кирита олса, ўшанда бу улғуф санъат бўларкан. Бу гаплар

мени ваҳимага соларди. У одамларнинг санъатга қул бўлишини талаб қилаётганди. Таксир, сизга бу гаплар унчалик ваҳимали туюлмагандир. Менга ҳам бошида бу чўкки соқолга ҳасадим келганидан менга шундай туюлган бўлса керак деб ўйладим ва имкони борича ўзимни босишга, овутиришга ҳаракат қилдим. Бироқ бир куни ўғлимнинг хонасидаги суратга кўзим тушгач, бекора ваҳима тушмаганимни англадим. Суратда кенг ва бийдай дала қайдандир кўнгиб рангли тоғта бориб туташар, кун шафак пайти, тоғ чўққилари ортида сўнаётган ярим қуёшнинг атрофга хира нур сочиб тургани тасвирланганди. Далада одамларнинг суяклари қалашиб ётар, улар қоп-қора эдилар. Тоғда қалашиб ётган суяклар ва қовраган майсалар, минглаб саждага бош қўйган одамлар бошида қўлларини қўкка найза қилганча қоп-қора кийимда улуғвор ва ғолиб киёфада чўкки соқол турар, у ўзига сажда қилаётганларга кибр ва музаффар нигоҳини қадаб, тўё қўли билан кўкни парчаламоқчидай турарди. Суратнинг тагига «Исён» деб ёзилганди. Мен ана шунда санъат кимга ва нимага хизмат қилаётганини ва одамларни не учун бошқариши ва қул қилиши кераклигини англаб қолдим. Орадан икки-уч ой ўтиб, бу сурат ҳақида яна шов-шув бошланди, ўғлим шухратнинг янги пиллаюсига кўтарилганди. Бу суратни «Дунёни тозалаш ва ўзгартириш» дея баҳолашарди. Мени эса дунёни кимнинг номидан, ким учун ўзгартириш ва тозалаш зарурлиги аён бўлгани учун ўғлимнинг иқтидори ва қалами кўрқувга сола бошлаганди. Чўққисоқол айтганидай бу сурат бутун афкор оммани жодулиб қўйган, ҳамма шу сурат ҳақида гапирарди. Сурат янги ижтимоий фикрни ўртага ташлаганди. Йўқ, таксир бу унчалик янги фикр эмасди. Дунёни оёғи остига топтамоқчи бўлган ҳар бир телба ўз ғояларини «дунёни ўзгартириш» деб атаганди. Мен ўғлим ва унинг санъати кимга ва нима учун хизмат қилаётганини англаб қолган ўша кундан бошлаб, барча нарсдан қўнглим совуди: санъатдан ҳам, дунёни кутқариш, поклаш сари қўрилган маърузаларимдан ҳам, ҳаёт ва келажак сўзидан ҳам. Ҳамма нарсдан фахш, хиёнат хиди келарди, барча нарса таназзул ва йўқликдан дарак берар, барча нарса мазмунсиз, моҳиятсиз эди. Мен фақат зулматдан иборат хувиллаган бўшлиқ ичида қолган кўнглимни қанчалик алдамай у барча нарсдан ваҳима ва даҳшатга тушарди. Атрофимни ўраб олган ёлгон ва фахш мени бўшлиққа итариб юборган, энди ҳеч қачон бўшлиқдан чиқолмаслигим аниқ эди. Ўғилларим ростдан ҳам дунёни тозарттиришга киришишганга ўхшарди. Чўкки соқол уларнинг илҳомлантирувчиси ва раҳномалари эди. Уйимиз қандайдир махфий жамиятнинг кўноғига ўхшар, сирли кишилар келиб кетар, ҳамма бир хил киёфада, бир хил бичимда без, сур ва барча нарсани инкор қилувчилар эди. Мени улардаги шижоат кўрқувга солар, улар барча нарсани босиб янчиб бўлса ҳам ўз мақсадаларига эришадиган ва бунинг учун ҳеч нарсдан тап тортмайдиган йиғитлар бўлиб кўринарди. Шундай кўнларда мен ўз умрим учун энг муҳим буюк сабоқ чиқардим. Ўйлаб кўрсам ўғилларим менинг истагим ва бутун умр интилиб ўтган орзу-умидларимни амалга ошираётган экан.

Ахир мен эмасми китобга телба бўлган пайтларим дунёни тозаломоқчи, уни ўзгартирмоқчи бўлган? Ахир ўзим эмасми, болаларим мен эришмаган ютуқларга эришсин деб, уларни улуг ва баянларвоз орзулар билан тарбиялаган? Таксир, мен умрим давомида ҳаётдан мазмун излаб, энди унинг мазмунсиз эканлигини англаб етгандим. Болаларим, менинг издошларим, менинг орзу-умидимга мазмун ато этишмоқчи бўлаётгани, нега менда бунчалик хавотир уйғотмоқда? Бу чўкки соқолга ҳасад туфайлими? Ахир у менинг ичимдан чиқиб, дунё юзини кўрди, мен бўлмасам у бўлмасди, демак, у менинг ўзим, менинг ярим. Битта ярим талбал дунёдан мазмун излайвериб чарчаган, умид узган, иккинчи ярим чўкки соқол қўйиб, шижоат билан дунёни ўзгартириш, тозалаш ғояларини ёйиб юрибди. Ўзимни шу фикр билан овулар, уларга қаршилиқ қилишга, уларни йўлдан қайтаришга кўрқардим, улар мен тўхтаган жойдан давом эттирувчилар бўлиб туюларди. Шубҳа, хавотир ва ваҳм аро ойллар ўтди, мен эса хонамга қамалиб, дунёни, атрофимни хавотир ва умидсизлик билан кузатишдан нарига ўтмадим. Энди барча дунёни тозалаш деган касал билан оғрир, ҳамма шу тўғрида гапирар, чўкки соқол олий мартабага эришганди. Бир марта у ўғилларимга қандайдир абадийлик ва абадий ҳаракат ҳақида гапирга бошладди, сўнг гап охирида «шундай кун яқин қолди, мен сизларни танладим, сизлар биринчи бўласизлар, сизлардан сўнг кўплаб шу йўлни танлашадим», деди. Гап нима

ҳақда кетаётганини тушунмадим, ўғилларим дарров ўз хоналарига кириб кетишди, уларнинг йилтиллаб кетган кўзларидан биринчилардан бўлишни жуда истаётганини англадим. Ўғилларим шон-шухрат шохсупасига шунчалик ўрнашиб олгандиларки, улар ҳеч қачон ўрта ё охири бўлгиси келмасди. Улар иззатталаб, кибрли бўлиб қолгандилар. Қайсидир расмом ёки муסיқачи давримизнинг йирик намояндалари ёки даҳолари сафига ўғилларимнинг исмини қўйишмаса ёхуд биринчилардан бўлиб санамаса, беҳад хафа бўлишар ва ўша одамни беҳад ёмон кўриб қолишарди. Шон-шухрат ҳавоси болаларимни димоғдор қилиб қўйганди, рост, бирон куни газеталардан ўғилларимнинг исмини ўқимасам мен ҳам хафа бўладиган, кўнглим оғрийдиган «ҳасад қилишибди» деган фикрга борадиган бўлиб қолдим. Таксир, шухрат ёқимли нарса, унга эга бўлиш оғир, эга бўлгандан сўнг ҳеч қачон бировга бергиси келмайди, ҳамма сени кўриб, типирчилаб қолиши ёки ҳаяжонга тушиши, сени кўрганидан ўзини бахтиёр ҳисоблаши бора-бора кундалик ҳаётга айланади, сўнг хушомаду мактовларсиз яшай олмай қоласан, хушомад ва мактов ҳаётингнинг мазмунига айланади, бу мазмун бўлмаса сен бир пулсан. Шу сабабли уни йўқотмаслик учун бирча ишни, қўлингдан келадиган ҳамма ишни қиласан. Болаларим шухратнинг энг тотли даврида яшаётган кунларнинг бирида катта ўғлимнинг номига биринчи кескин ва жиддий танқид ёғилди. Уни ёзган одамни мен анчадан бери билардим; камтар, камсуқум, ҳеч қачон ҳеч нарсага даъво қилмаган бир профессор эди. Уни обрўли деб бўлмасди, бироқ у ҳақ қачон беҳуда ёзмасди, ёзганларини ўзи исбот қиладиган даражада мулоҳазали бўлгани учун ундан кўрқижарди. У ўғлимнинг катта иқтидорини эътироф этган ҳолда ўзининг яратган суратлари ёвуз ниёт билан қизилган, инсонни масҳара қилувчи ва уни кўрқитиш эвазига арзон шухрат толувчи суратлар дея баҳолаганди. Ўғлим ўзини қўярга жой тополмас, профессорни сўқар, чўкки соқол эса бурчакда нимагадир тикилгача ўтирарди. У ғазабда эди. Унинг совуқ кўзларидан бирон ифодани билиб бўлмасди. Нонушта охирида ўғлим чўкки соқол билан хонасига кириб кетди. Улар нимагадир тайёргарлик кўришаётганга ўхшарди. Бутанқид ўғлимга миллий мукофот берилиши арасида босилиб чиққани учун мукофотга жиддий таъсир кўрсатиши ёки у умуман берилмаслиги мумкин эди. Мен ўғлимни тинчитиш ва кўнглини кўтариш учун хонасига кирдим. Ўғлим қандайдир портретни шошиб чизар, қўли бўёққа ботиб қолганди. Салдан сўнг суратда ўша профессорнинг киёфаси акс этди. - Мияси ўрнига илон солиб қўй, - деди чўкки соқол. Унинг овози совуқ, бироқ ваҳмли ва қаҳрли эди. - Биз йўлимизга тўсик бўладиганларнинг аҳволи нима бўлишини кўрсатиб қўяйлик. Чинакам санъат қандай бўлишини бир кўриб қўйсин.

Ўғлим профессорнинг бош мияси ўрнига илон суратини чизди, сўнг сочлари орасига яшириб қўйди.

«Сен энди тайёрсан, - хитоб қилди чўкки соқол. - Сен энди энг улуг мусаввирсан. Хоҳласанг оламни вайрон қилишинг мумкин». Мен бу гапларни шунчаки ғазабдан, мактовга қўниқан кишилар жиззакчилиги деб ўйладим ва ўғлимга «Бу кулгили, ўзингга ярашмайдиган қилиқни қўй» дедим. Ўғлим менга ялт этиб қаради, таксир, ўғлимнинг кўзини кўриб, кўрқиб кетдим. Унинг кўзлари қонга тўлган, совуқ, ифодасиз эди - бу кўзда ваҳшийликнинг барча кўриниши жам бўлганди. Бу инсоннинг кўзи эмасди. Мен чўчиб тушдим, дадим ичимга тушиб кетди, Чўкки соқол бир четда доимгидай масҳара аралаш кузатиб турарди. Мен бу ерда ортиқчалгимни ҳис қилдим. Хонамга кириб, ўғлимнинг муносабатидан хўрланиб йиғлагим келди. Бироқ негадир ўғлим билан чўкки соқолнинг болаларча жиззакчилиги ва пўписаларидан қулгим ҳам келарди. Ҳа, таксир, у пайти хавфни ҳис этганим йўқ. Орадан уч кунлар ўтгач, кўчада бирга ишлаган эски танишим ўша профессорнинг жинни бўлиб касалхонага тушганини ва нукул «Бошимда илон бор» деб бақирлишини айтиб қолди. Бу хабар бутун вужудимни қалтиратиб юборди. Мен қаршимда турган ва ўзим яратган ёвузликдан ваҳмга тушиб, кечгача кўча кезиб юрдим. Уйга киргим, бу ёвузлик ижодкорлари билан юзма-юз бўлгим келмасди. Қайсидир жин кўчаларга кирдим, сўнг кенг майдондан чиқиб қолдим. Ҳаёлим жойида эмас, вужудим рўё қучоғида эди, ҳамма нарса кўз олдидан шаклини бузиб намоён бўларди, туман, дуду ҳид тутганди оламни. Майдонда бирдан оломонга дуч келдим. Улар йиғлашган-бақирлишган қўйи сажда қилишарди.

Уйдан чиқмаганим учунми ёки рухиятим рўё огушида бўлгани учунми шаҳар ҳам зулмат ичида қолгандай эди - сажда қилувчиларнинг юзини кўриб бўлмас, гўё киёмат кўнгандай эди - ҳаммаёқ илтижо, фарёд ва ёвуз чинкириқларга тўла эди, булар ҳаммаси ўғлим суратида тасвирлангандай эди. Таксир, чўкки соқолнинг сурати эса майдон бошида турар, оломон сажда қила-қила унга томон интиларди. Кўрганларим дахшатли эди. Оломон ақлдан озганга ўхшарди. Уларнинг илтижоларига дош беролмай уйга қайтдим. Хонамни ичкаридан бекитиб олиб, йиғлай бошладим. Бу кўрқув йиғиси, ўзи яратиб, ўзи дахшатга тушган одамнинг йиғиси эди. Йиғи билан дунёни қутқариб бўлмайди, таксир. Болаларимни мендан тортиб олиб, ёвузлик қуролига, ёвузликни яратувчига айлантирган тақдир билан олишиб силлам қуриган бўлса-да, охири чорани қўлладим. Ўша кеча нонушта тутагач, чўкки соқолга уйимни тарк этишни талаб қилдим. Мен у билан бир умр орани узмоқчи, болаларимни унинг чангалидан қутқариб қолмоқчи бўлдим. Болаларим менинг қароримни эшитиб анграйиб қолишди, қизимнинг қўлидаги ликопча тушиб кетди. Афтидан, фарзандларим, чўкки соқол мени ҳозир тилка-пора қилиб ташлайди деб қўрқиб кетишди, чоғи. Менинг қарорим улар учун янгилик эди: мен ниҳоят фарзандларимни ўзим истаган улуг кишилар бўлиб етишишлари ҳақида орзумни қатъият билан енга олган эдим. Катта ўғлим намадир деб қаршилик қилмоқчи бўлди, бироқ мен уни жеркиб ташладим ва «бу менинг уйим, кўпдан бери ҳавоси бузилган уйимни тозалаш ҳам менинг ишим, кимга бу қарор ёқмаса у ҳам қўшилиб чиқиб кетиши мумкин», дедим. Чўкки соқол ўтирган жойида ёйилиб қулди, сўнг менга: «Бу воқеани тезлаштиради, бироқ сиз ўйланаётгандай олдини олмайди», деди. «Бунинг мен учун қизиғи йўқ, - дедим ўзимни газабдан зўра тийиб. - Мен сизсиз яшамоқчиман. Тамом-вассалом». Чўкки соқол ўрнидан турди ва «ҳеч ким менсиз яшолмайди» деб тиржайди, сўнг: «Сиздан кўрққанман кетаётганим йўқ, сиз шу тезда гувоҳ бўлишиниз учун кетаяман. Мен ажрамас бўлакман». «Йўқолинг», - бақирдим унинг гапидан ўзимни тутолмай ва унга олдимда турган пиёлани улоқтирдим. Чўкки соқол ҳатто чап ҳам бермади, турган жойида қотиб турди, пиёла унинг қулоғи тагидан ўтиб, деворга урилиб чил-чил бўлди. «Дада, - чинкириб юборди қизим. - Ўзингизни босинг». Қизимнинг гапидан ўзимга келдим ва хонамга кириб кетдим. Ўғилларим чўкки соқолни кузатишга чиқиб кетишди. Улар алламаҳал қайтишди. Биз бошқа чўкки соқол ҳақида бирон марта гаплашмадик. Мен ўша кунлари елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил ҳис этардим ўзимни. Бироқ уйимиз ўлик чиққандай жимиб қолганди, ўғилларим хўмрайиб юришар, алоҳида-алоҳида овқатланишар, хоналарига қамалиб олиб, ўз ишлари билан банд бўлишарди. Профессор жиннихонага тушгани ҳақидаги хабар тез тарқади, шу сабабли унинг мақоласи ўғлимнинг мукофот олишига монелик қилолмади, афтидан мақолани ҳам ақлдан озиш деб қабул қилишганди. Ўғлим мукофотни мен қутмаган совуққонлик билан беписанд қабул қилди. У гўё нимасинидир йўқотган одамга ўхшаб паришонхотир бўлиб қолганди. Мен чўкки соқолдан уйимни холос қилгач, бошқа бир балога дуч келдим: худди менинг асабимни ўйнамоқчи каби уйнинг қаерига борсам китоб ўша ерда пайдо бўларди. Мен айвонда юрсам айвонда, гусл хонада, кечалари оёғим тагида пайдо бўлар, гўё менга қасдма-қасд, мен қутмаган, истамаган жойда китобга дуч келардим. Мен энди китобни ўқимай қўйгандим, бироқ у мени тинимсиз таъкиб қилар, менга ўзининг бутун қадди-қоматини кўрсатиб, қаршимда пайдо бўларди. Бир кун бош кийимимни излаб жиғибийрон бўлиб турганимда китоб нақ бош кийимим турадиган кийим жавонидан чиқиб қолди, жажлим чиқиб уни деразадан кўчага улоқтирдим: бунинг равишда эмас, асабим жазаваси билан қилдим. Салдан сўнг бош кийимим топилиб, ўзимга келгач, китобга бўлган муносабатимдан пушаймон бўлдим. Кимнингдир паришонхотирлиги учун китоб айбдор эмас-ку, деб ўйладим, аммо тунда, ёмғир остида китобни излаб юришга эриндим. Эрталаб, ланж бўлиб турарканман, соатга қараш учун жойимда қўл чўзим ва бирдан хайратда қотиб қолдим: соат ўрнида қўлимда китоб турар, унинг бирон ерига нам тегмаган эди. Шундан кейин китобнинг ғайритабиийлиги мени кўрқита бошлади. Ўрнимдан турдим, уни ўчоққа отдим. Энди у асабимни бузмас, оловда қуйиб қул бўларди - мен ўчоқдаги оловга қарамаслик учун ювиниш учун кириб кетдим. Кўнглим бир нарсадан хижил бўлди, шунча йил қадрдон бўлган китобни жажл устида ёқиб

юборганимдан кўнглим хира эди. Кечқурун ётиш олдида эстигимни тўғрилаётим, ёстик тагида турган китобни кўриб, бақириб юбордим; у бус-бутун, бирон варағига олов зарар етказмаган эди. Бу воқеа менга кучли таъсир қилди: энди китобдан кўрқа бошладим. Китобни бир неча бор автобусда, хиёбонда қолдирдим, анҳорга отиб юбордим, аммо у яна уйимда бус-бутун пайдо бўларди: шунда мен бу китобни умрим адо бўлгунча ҳам йўқотиб бўлмаслигини сездим, бу сезги ичимга кўрқув олиб кирди. Бу кўрқув мени китобни кўрганда ожиз, заиф кишига айлантирар, мендан бир сония ҳам узоклашгиси келмасди. Аммо китоб, менимча, чўкки соқолга қараганда беозор эди. Мен ўша кунлари тўйиб-тўйиб ухлардим. Фақат ўғилларимнинг одамови ва ёлғиз бўлиб қолганлари юрагимни ғаш қиларди, улар санъатсиз яшай олмасдилар, санъат уларнинг ҳаётига айланиб бўлганди, аммо улар айнан уйнаб қуладиган пайтлари хоналарига қамалиб олиб ишлашлари, ўзлари яратган нарсаларни ҳатто мендан ҳам сир тутишлари, кечга яқин қайгадир чиқиб кетиб, ярим кечаси қайтиб келишлари ва тонггача хоналаридан йиғи ва қандайдир илтижога ўхшаш овозлар келиб туриши мени ташвишга соларди. Ўғилларим қаерга кетишини билмас, улар мен билан деярли гаплашмасди, улар учун бегона одамга айлангандим. Чўкки соқолни ҳайдаб уйимизга бегоналик ва ётлик киритиб олгандик. Чўкки соқол кетгач ҳам болаларимнинг менга муносабатлари ўзгармади - улар деярли мен билан ҳисоблашмасди. Шу сабабли уларнинг ҳаётида юз бераётган воқеаларни қизимдан ёки бирон танишимдан эшитиб қолар, оиламиздаги аҳвол бошқаларни ажаблантирмаслик учун ўзимни хабардор ва хурсандек тутардим. Мен ўғилларимнинг суҳбатини соғинар, уларнинг самимий муносабатини қумсардим, бироқ ўғилларим мендан узоклашиб борар, мен гўё кирғокда эдим улар бўрон ўйнаётган денгизда аста-секин номаълум томонга оқиб борардилар. Бир кун ўғлимнинг хонасига кириб ҳеч курса улар йўқлигида болаларимнинг хонага ўрнашиб қолган хидига тўймоқчи бўлдим. Хонага кириб ҳеч нарсага тегмадим: турли суратлар қалашиб ётар, хона бесаришта тўзғоқ эди. Бирдан стол устида турган қора муқовали ҳийла катта дафтарга кўзим тушди, қўлимга олиб ажабланиб, варақлай бошладим. Катта ўғлим ҳеч қачон кундалик тутган эмасди, дафтар мен учун янгилик эди. Бу кундалик дафтар бўлиб, тўлиб қолаётган, афтидан, анчадан бери ёзилаётган эди. Таксир, мен ҳеч қачон ўғилларимнинг на хат, на ёзишмаларини руҳсатсиз ўқиган эмасман, аммо ҳозир менда ана шу сирли дафтар орқали болаларимнинг номаълум кўрғонларига ёриб кириш истаги пайдо бўлганди. Мен бу истақни енга олмадим, гарчи ичимда хижолат тошиб келаётган бўлса ҳам, уятдан қалтирай-қалтирай дафтарни варақлай бошладим. Таксир, мен ҳозир ўғлим дафтаридида ёзгани каби, айнан ёзилгани каби айтиб беролмасман, лекин шу заиф, жинойтчи ақлим билан дафтардан нимани аниқлаб бўлсам, ўша ҳолатда хикоя қилишга уринаман. Ундаги ҳамма нарса болаларим ва ўзим каби жумбоқли сирли ва ваҳмли эди. Унда ҳеч қандай ой, йил, кун қўйилмаган, бир бошидан ёзиб кетилверган, ҳар икки-уч варақдаги узилиш жойлари ва янги бошланган жумлага қараб, булар турли кунда ёзилганини билиб олиш мумкин эди.

«Отам мендан китобни ёд олишимни талаб қилди. Мен нега ёд олишим зарурлигини тушунмадим. Ёд олиш китобга муҳаббатни билдирмайди, ундан совутиш мумкин. Бироқ отамнинг жажлини чиқармаслик учун ёд олишим шарт».

«Отам бутун мени роса мақтади. Мен ниҳоят китобни ёд олган эдим. Отамнинг қувонганини кўриб, мен ҳам ўзимда аллақандай хушнудлик сездим. Отам қайсар, таъсирчан ва ишонувчан одам. Уни алдаш мумкин, бироқ ўзининг алданганини ҳазм қилолмайди: менимча, у худаям худбин одам. Ўзини тутиши ва тарбиясида худбинлик сезилмасча ҳам, ўзининг ҳар соҳада биринчи бўлиб тилга олиншини истади. Фақат у худбинлигини зиёлинома сукут билан яшириб юради. Мен отам бизни фарзанд сифатида эмас, кўпроқ келажақда ўзининг шон-шухратини оширишда издошлар сифатида севса керак деган шубҳага бордим. Шубҳамни унутганим маъқул, у ҳеч кимга ҳеч нарса бермайди».

«Икки ойдан бери бирон сурат чизолмадим. Қўлим ҳеч нарсага бормаяпти. Ёзганларим шунчаки бўёқ, унда жонли, мен истаган нарса йўқ. Мен ўзимни қуруқ мақташларини сезиб тураман, бу менинг газабимни кўзгади. Газабни яшириш учун киброна жилмайиб қўяман, дарвоқе, мактовни бундай қабул қилишни менга отам ўргатган. У ўзининг ожизлигини кибр билан енг дерди».

«Отам биз фарзандларидан дунёни ўзгартирувчилар, янгиловчилар тарбиялашни мақсад қилиб қўйганини ошкор қилди. Бугун ноушта устида «мен сизлардан бетакрор ва улуғ ном қолишни истайман» деди. Улуғлик чўкки бўлсаки, унга аста-секин чиқиб олсанг. Мен шуни билдимки, отам бир умр биздан дунёнинг мазмунини янгиловчилар етишиб чиқиши учун ҳаракат қилган. Онам меҳрибон - содда аёл эди. У бизни фарзанд сифатида яхши кўрарди. Балким отам унинг ўлимидан хурсанд бўлгандир? Чунки энди унга биздан ўзининг орзу-умидини амалга оширувчи аскарлар тайёрлашда ҳеч ким халақит бермасди...»

«Ёмғир тинди. Болалар кўчани бошларига кўтариб ўйнашарди. Менга ҳаммаси ноҳуш туюлади. Ёшлигимда ҳам яйраб ўйнамаганман. Мени ҳаммаша улуғ одам бўлишим керак деган фикр безовта қиларди. Бугун суратларим кўргазмасида мени бу фикр яна кўпроқ қамраб олди. Мен, ҳамма одамларга ўхшаган бўлишим керак эмас; фақат отам истагани учун шу хулосага келганим йўқ. Кейинги ойларида отам билан ўзимни солиштириб, барча соҳада отамдан кам фарқ қилишимни англадим. Фақат отам кексариб, энди ундан ортик қахрамонликлар кутиш мумкин эмас. Шон-шухрат эса қурбонликни севади. Кимнинг номига ўзининг қурбон қилишининг аҳамияти йўқ, муҳими нима учун қурбонлик қилаётганини билишимда. Минглаб, юз минглаб одамларга нисбатан ўзининг кучли ва фарқли эканингни англашнинг ўзиёқ кишига саодат бағишлайди. Ўзини қурбон қилиш у ёқда турсин, ҳаётнинг кир тоғарасини судраб юришдан бошқага ярамайди одамзот энг заиф жонзотдир. У фақат эзгиланиш ва қуликка ярайди. У ҳеч қачон ҳеч нарсани ўзгартирмаган ва менимча ҳеч қачон ўзгартира олмайдими ҳам.»

«Ғалати афсона ўқидим. У менинг бутун шууримни банд этиб лди. Шомон қабиласини ўз таъсирига бўйсундириш учун сеҳру-жодуга эга бўлиш ниятида Иблисга ўз қалбини сотади ва энг улуғ сеҳргарга айланади. Мен шомонни тушунаман, у энг катта қурбонлик қилган кишидир, агар у шу қурбонлигини қилмаса улуғлик супасига чиқолмасди, барчага ўхшаб на офтоб, на ой бўлиб яшаб ўтарди.»

«Туш кўрибман. Тушимда қалбини сотаётган ўша Шомон мен эмишман. Шайтон тиржаиб турармиш ва агар иккаламиз бир-биримиздаги энг азиз нарсаларни алмаштирадик иккаламиз ҳам муродга етамиз дермиш. Мен-Шомон кийимда, юзим бўяб ташланган эмиш. Ғалати туш. Уйғонганимда терлаб кетган эдим. Бир-икки кун нимадир йўқотиб қўйганга ўхшаб юрдим. Нима у? Билким тушининг ноҳуш таассуротидаир.»

«Энди аниқ сезаяпман. Отамда қандайдир илоҳий қудрат бор. Болалигимизда мен ҳаммаша Отамга ўхшашни истардим, у пайти у кучли, навқирон, чўрткесар ва голиб эди. Фақат мен эмас, кейинчалик унинг барча шогирдлари отамга тақдир қилишларини англадим. У пайтлар отам фахр эди биз учун. Ахлоқ заиф одамларнинг ҳимоя қуроли. Кучли одамларга унинг кераги йўқ, улар ўзгартиш ва янгиланиш учун дунёга келганлар. Отам ҳеч қачон бизга баландпарвоз насихатлар қилмаган. Ҳозир бирдан ҳаёлимга келди, отам нега бир умр чўкки соқол бўлиб ўтди экан?. Эсимни танибманки, унинг соқоли иягида осилиб туради, ярашади деб айтолмайману бироқ соқол унга виқор бағишлайди.

«Худо ожизларнинг ҳимоячисидир. Инсон ожиз қолган паллада унга сизгиланиш ёқтиради; қай томондан қараганда ҳам у ожизлик белгиси. Инсон ўзини тўла кашф қилмагани туфайли ҳам ожиздир. Худога ишониш инсонни ўз куч-қудратига ишонишдан маҳрум қилади. Ожизлик бошланган жойдан худо бошланади. Мен узок вақт иккиландим ва шуни кашф қилдимки, куч-қудрат худода эмас. Менга ҳали у бирон марта мадад қўлини чўзгани йўқ, ҳеч курса мен унинг қудратини ҳис этганим йўқ. Аксинча телбалик йилларимда инжиқ ва талабчан ўқитувчидан баҳо олиш учун ёки қўлим чизмага бормай қолганда вужудимни кўрқув қамраб, ожизлик пайдо бўлганда, болалигимда отамнинг шапалоғини емаслик учун китобни зўр бериб ёд олишга киришганимда, мақсадим йўлида тўсиқ пайдо бўлганда, одамлар эътиборидан қолишдан кўрқганимда, ҳар ишни неғадир «Шайтон номи билан» деб бошлардим ва ҳаммаша кўзлаган мақсадимга эришардим. Бугун кўргазмам очилиши олдида ҳам «Шайтон номи билан» деб пичирладим: суратларим нақ ғала-ғовур бўлиб кетди; кўргазмага келганлар бу кейинги барча даврнинг ноёб суратлари бўлишини эътироф этдилар.»

«Отам ким ўзи? Менинг қонимда кимнинг қони оқаяпти?»

Нега уни кўрсам қалбим қувончу шодликларга тўлади? Нега у ўз отам, раҳнаомдай туюлади, нега уни кўрсам унга қул бўлгим келади, этакларини ўпгим, унга ҳуш ёқиш учун итдай ҳургим, ялтқонгангим келади? Нега уни кўрсам эгасини кўрган итдай ичимда бахтиёрлик, саодат уйғонади? Нега унга ўзимни бағишлагим, йўлларига поёндоз бўлгим келади. Ким ўзи менинг отам? Мени ким яратган?»

«У менга бугун сурат буюртма берди. «Менга қудрат ва буюклик бор, сенда қобилият. Иккаласини қўшиш кетак» деди у. Мен рози бўлдим. Қудрат йўқ жойда қобилиятнинг кимга кераги бор?! Бу йўлда жонингни қурбон қилсанг арзийди. Ахир Иброҳим ҳам ўғлини қурбон қилмоқчи бўлганди.»

Тақсир, бу алмойи-алжойи ёшишимни шу ерда тўхтатаман. Буёғининг бизга қизиғи йўқ, худди пойдевори қулаган уйнинг ўзи ҳам қулаши аниқ бўлгани каби эътиборингизни хозиргина ҳикоя қилинган нарсасига қаратаман. Мен ҳеч қачон соқол қўймаганман. Бу жумлаларни ўқиганда мени даҳшат қамраб олди: ўғлим қайси чўкки соқолини отам деяпти? Асли улар менинг фарзандимми ёки чўкки соқолнинг? Шубҳа ва гумонлар мени кўмиб ташлади, шубҳа мевалари тағида беҳол ўтириб қолдим. Чўкки соқолни уйимдан ҳайдаб чиқариш бу меваларни ёйишдан осонроқ эди: мен уни ҳайдаб чиқардим, бироқ у ўғилларимнинг қалбини ўғирлаб бўлганди. У ердан ҳайдаб чиқаришга энди мен ожиз эдим. Ўғилларим шон-шухрат, қудрат ва зўрликка ўз қалбларини алмаштириб бўлгандилар - ҳа, тақсир, қалбини сотган Шомон, энди англамас: ўғлимнинг ўзи экан. Бир куни бетоб ётган ва узок йиллар бирга ишлаган кекса ҳамкасбимни кўргани бордим. Биз узок гаплашиб ўтирдик. Унинг руҳи синик эди ва, албатта, унга аталган ҳаёт шамлари пирпираб қолганини, яқин кунларда эсажак шабода бу шамларни буткул ўчириб кетишини ич-ичимдан сезиб турардим, лекин унга ўзимни ҳам, уни ҳам алдаб далда берардим. Уйда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ёшлик пайтларимизни, иш соҳасидаги баҳсу-мунозааларимизни эслашдик. Бир пайт эшик қўнғироғи жиринглади. «Сут олиб келишди, чоғи, - деди ҳамкасбим. - Кексалик курсин, болага ўхшаб сутхўр бўлиб қолдим». У ўрнидан букилиб-эгилиб турди-да, эшикка йўналди. Мен парда орқасидан ҳамкасбим йиқилиб тушмасин деган ҳавотирда унинг ҳатти-ҳаракатини кузатиб турардим. У эшик сургичини машаққат билан очди ва мен эшик олдида турган кенжа ўғлимни кўриб, хайрон қолдим. Аввалига ҳавотир олдим, нимадир юз бериб, ўғилларим мени излаб юришибдикин деб ўйладим. Бироқ менинг бу ерга келганимни ҳеч ким билмасди - уйимизда ҳукм сураётган ўлик мавсумдек совуқ сукунат ҳаммамизнинг ихтиёримизни ўзимизга берган, ўзбошимча бўлиб қолгандик. Ўғлим ҳамкасбимга нимадир берди, сўнг хириглаб, ниманидир тушунтира бошлади. Салдан сўнг ҳамкасбим инкиллаб қайтиб кирди ва даҳлиздаёқ «Бу ёшлар ҳеч тинмайди, китоб тарқатиб юришибди, ҳар бир уйда бўлиши керак дейишади, яна гирт текин» деб мингирлади. Мен унинг қўлидаги китобни кўриб титраб кетдим - бу ўша қора китоб эди. Нима қилишимни билмай қолдим, сўнг шошиб ўрнимдан турдим-да, ҳамкасбимни хайрон қолдириб, ташқарига отилдим. Кўчада ўғлим ва чўкки соқол қўйган йигитлар туришар, ҳар бирининг қўлидаги бир кучок китоб бор эди. Мен шунда булар ҳаммаси уйма-уй юриб китоб тарқатиб юришганини сездим: бу мени яна ҳам ҳавотирга солиб қўйди., ахир мен бу китоб қандай китоб эканини билардим ва ўғилларим айнан шу китобни тарқатиб юришгани менга улуғ гуноҳдай туюлиб кетди. Йигитлар менга эътибор беришмади ва нарироқдаги бино олдида яна турли уйларга тарқаб кетишди.

Оилани жамиятнинг бир бўлаги дейишади. Демак, менинг оилам бир жамият мен ана шу жамият ахлоқи учун ҳаммаша жавобгарман. Бир куни ўзимда жасорат топиб ўғилларимнинг уйдан чиқишини кўчада пойлаб турдим, уларни кузатишим ҳаёлларида ҳам йўқ, ғира-ширада қайгадир йўл олишди. Ўша куни ёшлиб ёмғир ёғар, тун зулмат қўйнига чўкканди. Ўғилларим жин кўчалар оралаб, қандайдир биноларни айланиб, юзок юришди, сўнг қандайдир эски уйлар орасидаги тор кўчага киришди. Менга неғадир бу кўчалар танишдай туюлар, лекин ёмғир остида, ўғилларим қорасини йўқотмаслик учун шошиб юрганимдан бунга эътибор бермасдим. Улар қоронғуда қулаган деворлар зўрга кўзга ташланадиган андак ваҳмли ҳароба уй эшигидан кириб кетишганда ва пештахтаси чириб, қулаб тушган эшикни кўрганимда

ниманидир эслагандай бўлдим, йўк, йўк, тақсир, аниқ эсладим, худди чакиндай хароба уй хотирамни ёритиб, ярақлатиб юборди. Фақат хотирамда эмас, бутун вужудимда момақалдирак бўлди. Йўк, мен аввалига ҳеч нарса тушунганим йўк. Мен ўғилларимни бу вайронлик ичига кириб кетганини адашишган ёки бирон ҳожат юзасидан деб ўйладим. Бироқ эшикдан ичкари кириб, вайрона деворлари орасида ярим нураган хужрада ёкиб қўйилган хира шам ва уни кўрган, аъзои баданим титраб кетди. Ичкарига кириб мен худди болалигимга қайтгандай бўлдим; бу ерда қулаб тушган ёки ёмғир ювиб ўтган, деворларни айтмас, деярли ҳеч нарса ўзгармаганди. Во дариғ, бутун кўча ўзгарган, замонавийлашган, ҳовли эса худди ярим аср илгаригидек хароба ҳолда ётарди. Ўша эшик, ўша ром, ўша девор, фақат ҳовли яна вайрон бўлган, йиллар деворларни ялайвериб бир ховуч тупроққа айлангириб қўйганди - мен китоб топиб олган хужранинг ҳам томи босиб қолган, фақат икки ён девори гўё харобаликнинг гурури каби қайсарлик билан қад қериб турарди. Мен ҳаммасини бир дақиқада англаб етдим ва одамзот азалдан тавқи-ланъатга учраганига имон келтирдим: ҳа, тақсир, шундай, одам гуноҳдан қанчалик қочмасин, унга шунчалик ботиб бораверади, унинг тўрт томони ҳам гуноҳ, қай тарафга юрмасин гуноҳ, ҳатто энг олийжаноб иш қилаяпман деган одамлар ҳам ўз фаолиятларини тахлил қилиб кўрсалар фақат гуноҳ қилган бўлиб чиқадилар. Одамзотнинг ҳар қадами гуноҳ. Гуноҳ унинг тақдири, қисмати, ёздиғи - ундан қочиб ҳеч қайга боролмайди, унга бошқа йўл йўк. Битта йўл, битта кўприк бор - у ҳам гуноҳ йўли, гуноҳ кўприғи. Одамзот қанча кўпайса, гуноҳ қилувчилар ҳам шунча кўпаяди. Ўша мен китоб ўғирлаган хужрада чўққи соқол мағрур ва ғолиб ўтирар, ўғилларим йиғлаб унга сажда қилишарди. Бу мени донг қолдирди. Нима қилишимни, қандай ҳаракат қилишимни, нима деб бақирившимни билмасдим. Кўзларимга ишонмас, кўлларим, бутун вужудим қалтирарди. - Тўхта, - бақирдим мен ўзимни туюлмай, шалобба кийимим билан хужрага отилиб кирдим. - Тўхтанглар нима қилаяпсанлар, кимга сажда қилаяпсанлар?! Бу ким ўзи?

Ўша пайти мен ўзимни тамоман йўқотган эдим, балким телбалик даражасига етгандирман, ерда бош эгиб ўтирган ўғилларимни силкиб-силкиб кўтардим, уларни бир қадам нарига отиб юбордим, ўша дафъа менга куч қаердан пайдо бўлганини билмайман. Аммо ўғилларим менинг силқишимга, на бақирившимга эътибор беришди, улар ўша бир қадам нарида яна чўққи соқола қараб бошларини эгиб олдилар, хира шамда мен уларнинг юзига, кўзига қараб кўрқиб кетдим, уларда киёфа қолмаган, кўзлари ўлик, совуқ эди. Бирдан қаҳ-қаҳа эшитилди. Чўққи соқол ғолиб ва сархуш куларди.

- Кимсан? - дедим хириллаб. - Уларни нима қилиб қўйдинг?

- Уларни мен эмас, сен шундай қилгансан, - деди у кибрили-қаҳрли товушда. - Уларни сен тарбиялагансан.

Унинг гапи жонимни тешиб ўтди. Юрагим музлаб қолгандай бўлди.

- Кимсан, - дедим мен ва шунда ундан кўрқаётганимни, вужудимни кўрқув эгаллаганини ҳис қилдим.

- Иблисман, - деди у ғолибона тарзда совуққина қилиб. - Сен уларни менга тарбиялаб бердинг, мен эса уларга абадий тириклик, абадий ҳаракат ато этдим. Улар менинг орзуларимни амалга оширувчилар.

Унинг бошқа гапини эшитмадим, худди бошимга қалтак билан уришгандай, ҳолсизланиб йиқилиб тушдим ва йиқилган жойимдан ўғилларим олдига эмаклаб бордим: - «Туришлар, - деб бақирдим уларга, - туришлар, сизларни унинг учун тарбиялаганим йўк. «Шунда, тақсир, қатта ўғлим бир неча кун олдиндайд, совуқ оҳангда «Кет бу ердан» - деди. У телбага ўхшаб қолганди: мен улар ақл-хушини йўқотганини сездим. Унинг бу гапи мени батамом ўлдирди. Мен ўғилларимни иблисининг қўлидан қутқара олмаслигимга ишондим, ўзимнинг фожеамни кўрмаслик учун югуриб ташқарига чиқдим. Мен тор-мор этилган, янчилган эдим. Ҳа, тақсир, мен ўша куни, ўша лаҳза ўлган эдим. Уйга келиб хонани ичидан кулфладиму ўзимга - ўзим аза очдим. Мен тирик мурда, аянчли мурда эдим. Ўғилларимни бошқа суриштирмадим: хонага кириб олиб, ўликдай чўзилади ётар, яратгандан ўзимга ўлим тилардим. Ўша кунлари минг бора ўлдим, минг бора қатл этилдим. Ҳаётим шами липиллаб қолган, барча нарса ёт, бегона, инкироздан дарак бўлиб туюлар, тикон устида ётгандай тўшакда - ўз умрим ва ўз инкирозим устида ағанаб ётардим.

Шу ҳолатда неча кун ётганимни билмайман. Назаримда йиллар оша тирик мурда каби чўзилиб ётган эдим. Хонамнинг ҳар бурчагидан иблисининг хиди келарди. Иблис бир хонада мен билан бирга яшарди. У менинг вужудимга, кўксимга, шууримга жойлашиб олганди. Ўғилларим уйга аламаҳал қайтар, мен эшикнинг тарақлаб очилганини, кечга яқин эшикни тарақлаб ёпиб чиқиб кетишганини сезиб ётардим. Орадан анча вақт ўтгач, хаёлимга мудхिश, бирок менга бирдан бир тўғри йўл бўлиб туюлган режа келди. Ошхонадаги узун ош пичокни олиб ўтқирладим. Кечга яқин яна ўғилларим изидан тушдим. Тун илик, ой балқиб турар, у гўё менинг режамни билгандай йўлимни ўзининг шуълалари билан ёритиб борар, менга далда берарди. Вайронага етгач, қутиб турдим: ўғилларимнинг изидан кириб боришим хавфли эди. Иблис хушёр бўлиб қолган деган хавотир пайдо бўлганди. Ярим соталардан сўнг хужрага мушукдай шарпасиз сассиз кириб бордим. О, тақсир, кўрган манзарам даҳшат эди ва мен худди умрим каби кечиккан эдим. Ўша пайти мен эҳтимол биринчи бор дунёга келганимдан, одам бўлиб яшаётганимдан пушаймон бўлгандирман. Иблисининг оёғи тағида худди кўриқчи итдай икки ўғлим турарди - улар тошдай бўлиб чўзилиб ётишар, таналарида жон асари йўк эди. У мени сезиб ўғирлиди ва тиржайди.

- Мен уларга абадий тириклик ато этдим. Улар энди абадий мен билан, - деди.

Мен ўзимни ўғилларим устига отдим. Барча режаларимни унутган бутун хаёлимни Иблис қаломидан жодуланган ўғилларим эгаллаган эди. Бўғзимни алам, ғазаб қуйдирарди.

- Бугун энг улуг қурбонлик юз берди, - хайқирди Иблис, - бу кун абадул-абад унут бўлмайди. Мен бу пайтни узок кутдим. Балки фалақдан ҳайдалгандан бери қутгандирман. Сен менинг орзум эдинг, асли сен мен эдинг. Бутун умр мен учун яшадинг, менинг номимдан гапирдинг, менинг номимдан фарзандларингни тарбия қилдинг. Мана, энди улуг кун содир бўлди. Сен мени йўк қилолмайсан, чунки мен сенинг ўзингман, яшаб бўлган умрингман.

У шундай деб мушт бўлиб туғилган бармоқларини ёзди. Бирдан олов пайдо бўлди-ю, у олов ичига кириб кетди, мен эса қаҳр-ғазаб аралаш унинг изидан пичоқ улоқтирдим, бироқ мўлжалга теккан тегмаганини билолмадим, қандайдир кучли зарба мени олов аралаш ташқарига улоқтирди, ҳатто қаерга келиб тушганимни ҳам билолмадим ва хушимдан кетдим. Хушдан кетаётиб қандайдир бўшлиққа қулаб тушаётганимни сездим. Батамом ўзимдан кетганимда танам ва руҳим бўлак-бўлақларга ажралганини англадим. Бехушлик, тақсирим, руҳинг танани ташлаб кетишидир. Мен рўё ичига қолгандай эдим: Биз икки киши эдик: тана ва рух... Туш ва хуш бир хил киёфага кирганди. Мен гоҳ учиб, гоҳ эмаклаб юрар, гоҳ юз йиллардан бери шундай чўзилиб ётгандай эдим; гоҳида қандайдир ўпқонда жазирада сасий бошлаган танимга кўзим тушарди. Руҳим эса ҳавода балқиб, танам устида йиғлаб ўтирарди. Шу пайт бирдан иккита бўри пайдо бўлди ва тўғри ўпқонга тушиб, танамни ғажий бошлади. Вужудимда оғрик кўзғатди ва мен бу икки бўрини таниб қолдим: булар менинг ўғилларим эди. Улар бир пастда танамни еб битиришди, сўнг осмонга қараб урлай бошлашди; улар шафқатсиз, ёвуз эдилар. Мен уларнинг шундай бўлишини орзу қилгандим, улар менинг орзумнинг ҳосиласи эдилар ва улар мен истагандек бўрига айланишган, биринчи бўлиб мени ғажирдилар. Танамни еб битиришгач, тумшукларидан қонни ялай-ялай яна янги қурбонлик излаб йўлга тушдилар. О, тақсир, ўз болаларинг ўз танангни ғажиб еб битиришганини кўриш оғир эди, эҳтимол дунё пайдо бўлгандан буён энг фожеали вақеа ҳам шу бўлса керак. Ўзимнинг орзум ўзимни еб битирганди. Тақсир, ана шу бехушлик даврида мен ўзимнинг рўё дунёми яна ҳам кўзпроқ кашф қилдим. Танадан айрилган руҳим учиб юрар, у жуда безовта эди. Баъзан рўё аралаш учиб юрган руҳимни аниқ кўрардим. Шунда кўлимда ханжар пайдо бўлар, мен Иблис изига тушардим. Пастда вақт каби дарёлар оқиб ётар, қулоғимга ваҳший хайвонларнинг наъралари келарди. Сўнг бирдан ёмғир ёғаётган водийдан чиқиб қолдик. Ёмғир тинимсиз ёғар, атроф селу - тўфонга ғарқ бўлаётганди. Қандайдир улкан кемага одамлар шошилиб-сурилиб чиқар, пастда эса минглаб одамнинг тўфонга ғарқ бўлган жасадлари ётарди. Мен кемага қараб учдим ва Иблисни шу ерда учратдим. Унинг бу ерда пайдо бўлиши менга шубҳали туюлди. Бир пайт кема қуйруғида бола кўтарган эркак ва аёл кўринди, улар кемага чиқишлари билан лангар кўтарилиди, ғарқ бўлаётган олам пастда қолди. Тақсирим, бу бир бутун мўъжиза эди; кемага тушганларнинг юзида мусибат акс ётар, аммо

кема фақат уларга мўлжалланганди. Кеманинг олд тарафида юзида нур балққан, аммо вайрон бўлган оламдан беҳад азоб чеккан киши ўтирарди. Мен ханжаримни туганча Иблисга яқинлашдим ва унинг қўлидаги гўдакни кўриб тонг қотиб қолдим. У ҳозиргина кемага чиққан эркак ва аёлниги ёнида турар, қўлида худди уларники каби гўдак бор эди. Аёл болани бир четга ўтиргузиб, уст-бошини сиқа бошлади. Афтидан, Иблис шуни кутиб турган эди, қўлидаги болани ҳозиргина аёл кўйган боланинг ёнига ўтиргузиб, аёлниги боласини қоп-қора кўйнига яширди. Уст-бошини сиқиб бўлган аёл Иблис кўйган болани олиб, эри изидан кема ичидаги хужралардан бирига кириб кетди. Иблис кўйнидаги болани пастрга улоқтирар экан, хунук ва голибона қаҳ-қаҳа урди. Унинг қаҳ-қаҳаси булутлар орасига тушиб, у ерда унга жўр момақалдирик бошланди. Момақалдирик шунчалик кучли эдики, энди ёмғир эмас, осмондан қоп-қора сел қўйила бошлади. Атроф зулмат ичида қолди. Ҳамма ёқни қий-чув, нало-фарёд босиб кетди, бу ҳақиқий қиёматнинг ўзи эди. Зулматда мен Иблиснинг қаёққа кетганини билмай қолдим. У изсиз эди. Кемадаги барча хужралар ёпиб олинган, унинг тоғдай кўланкаси ва оху-фарёддан ўзга ҳеч нарса на қулоққа, на кўзга ташланарди. Ёмғирда ивиб кетганимдан мен ҳам бошим оғтан тарафга уча бошладим. Салдан сўнг кимдир юзимга хўл латта босганини сездим. Хушим ўзимга келди ва руҳим мени олиб учиб юрган бўшлиқдан изимга қайтдим. Лекин яна қанча ётганимни билмайман, тушимга ўғилларим бошида қаҳ-қаҳ уриб турган иблис кирди. Мен ханжар билан унга ташландим, у қочди, яна унинг изидан тушдим. Руҳим мени яна ўша бўшлиққа тортиб кетганди. Бирдан қандайдир саройда пайдо бўлдим. Бу улкан, муҳташам сарой эди. Одамлар у ёқдан-бу ёққа югурар, мен эса худди капалакдай учиб юрардим. Шунда мени ҳеч ким кўрмаётганини сезиб қолдим. Ҳеч ким мен билан иши йўқ, менга эътибор беришмас, қандайдир ҳис мени ичкаридаги хос хужраларга чорлар, руҳим мени ўша ёққа олиб қочиб кетарди.

- Ҳозир валиаҳдни кўришга жаҳонгирнинг ўзи ташриф буоради, - деди хужра эшигидаги посбон ичкаридаги аёлга. Аёл шошиб қолди ва ёнидаги ёш кизчаларга бақариб кўрсатма бера бошлади. Посбон турган эшикдан учиб, ичкарига кирдим. Бу ерда қатта бешик турар, унда оппоқ матога ўраб ташланган гўдак ухлаб ётарди. Бу ерда мен излаб келган нарса йўқ эди, болани кўриб, мен нимага бу ерга келганимни ҳам унутдим. Аммо юрагим гаш эди. Нимадир мени безовта қилар, хужрадан чиқиб кетишга йўл қўймасди. Кизлар шошиб эшигу деразаларни, боланинг атрофини тартибга келтира бошлашди. Кимдир поёндоз тушар, кимдир пардаларни тўғиларди. Бир дақиқа, худди кемадагидек, умумий эътиборсизлик бошланди ва боланинг ёнида тўсатдан Иблис пайдо бўлди: у бояги эшик ёнида турган посбон кийимини кийиб олганди, бешикда ётган боланинг ўрнига бошқа бир гўдакни кўйиб, яна билдирмай эшикдан чиқиб кетди. Шу пайт эшикдан шоҳ кўринди. Ёнида худди эртақларидек гўзал аёл бор эди. Аёл тўғри бешик бошига келиб, болани кўлига олди. Шоҳ эса боланинг бошини кўлига олиб, нимадир деди. Аёл жилмайиб кўйди. «Бу менинг меросхўрим», - хитоб қилди шоҳ боланинг бошини силаб, сўнг аёл болани эмиза бошлади, шоҳ эса ютоқиб эмаётган болага фахр ва гурур билан боқиб турар, мен эса «Бу шайтоннинг боласи, бу валиаҳд эмас» деб бақирар, менинг гапимни ҳеч ким эшитмасди. Мен бақариб-бақариб чарчагач, бу ерда қолишим бефойдалигини сездим ва яна Иблис изидан учиб кетдим. Бир оз ўтгач, мен ўзимни ўша китоб топиб келган хароба ҳовлида кўрдим. Иблис шу ерда эди: у худди боланинг кўрғандек кўзларини юмганча кироат қилиб ўтирарди. Мен аста-секин унга яқинлашдим ва ханжарни унинг қоқ кўксига санчдим. Аммо қонга беланиб ётган Иблисга қараб, бақариб юбораёздим: у ерда кўксига ханжар санчилган ўғилларим ётарди.

Хушимга келганимда олдимда қизим ўтирар ва мен ўз уйимда эдим. Кейинчалик қизим гапириб берди: мени вайрона деворлар орасидан топишган, хушимга келавермагач, маҳалла куй бирлашиб ўғилларимни ахтаришган, уларни ҳеч қаердан топишолмаган, мени текшириб кўрган табиблар мия зўриққан, бош ниманингдир таъсирида куйиб, бирорта соч қолмаган деган хулосага келишган. Қизимнинг айтишича, ўн беш кундан кейин хушимга келибман. Таксир, шундан кейин қайтиб ўрнимдан туришни истамадим худди беҳуш каби, худди ўлик каби чўзилиб ётавердим, ойлар ўтди, табиблар менинг тузалишимдан умидларини узишти, улар келганда беҳуш каби, ҳеч нарсани эшитмаганга

солиб ётар, гапларига жавоб қайтармасдим. Мен бу дунё билан муносабат қилишни истамадим, мен бу дунё мен билан ярашқ, дўстлик битимини тузолмаган, мени чикиндаги чиқариб кўйган эди. Мен чикинди, ҳеч кимга кераксиз одамга айлангандим. Ўғилларимни эслагим келмас, тириклар орасидан тинмай излаб юрганларга ҳам ҳеч нарса дея олмасдим? Нима ҳам дердим, таксирим? Мен тарбияладим, вояга етказдим, Иблис хизматига олди, улар ҳам Иблисга айланди дердимим? Мен Иблисга мулозимлар, иблисчалар тайёрлаб берувчи одамман, бутун умрим шунга сарф бўлган, бутун умр иблисчалар тайёрлаш учун хизмат қилганман дердимим? Мен беҳуш каби чўзилиб ётишни маъқул кўрдим. Таксир, парвардигор таъқиклаган нарсалар бизни ўзига тортаверади, у нафратлан, деган нарсаларни севиб қолаверамиз. Хўш, айтингчи, чархи дуннинг қайси бурчагида ёлгон йўқ, қайси бурчагида жаҳолат, нодонлик, хиёнат, тубанлик йўқ? Бу гафлатдаги оломон қачон уйғонади? Сиз уни уйғотишга уриниб кўринг-чи, у сизни масҳара қилади. У ёлгон ва тубанликни шунчалик яхши кўрадики, қанча алданса, қанча хўрланса, қанча топталса, хўрлик ва ҳақорат томон шунчалик яқинлашаверади, унинг оғушига қайта-қайта кириверади, у хўрликдан, ҳақоратдан, зулмдан, жаҳолатдан лаззат олиб яшайди. Кимнинг қўли кон - у адолат пешвоси, кимнинг ёлгон ва алдов пири - у ростгўйлик тисоли, ким жаҳолатпараст-у донолик рамзи, ким зулмкор ва хўрловчи - у раҳм-шафқат кўзгуси. Дунёга боқинг. Ёки бошқачами? Ёки мен бадбинманми? Менга бадбинлигимни инкор этадиган бирон намуна келтирингчи, тополмайсиз ҳам. Ростдан ҳам, таксир, эзгулик ниҳоятда жўн, ёвузликда ижодкорлик, кўтаринкилик бор. Яхшилик ва эзгулик минг-минг йиллардан бери бир хил тушунилади, у инсон хаёлига, тафаккурига ҳеч бир янги маънолар беролмайди. Ёвузлик ижодий, у ҳар бир амалга оширувчи томонидан кашф этилади. Мен беҳуш ётган пайтимда эзгулик ва ёвузликни фарқлай олмай ётардим. Шу лаҳзаларда эзгуликнинг нақ чегарасини аниқлашим, Иблис олдидаги ожизлигимдан сабоқ чиқаришим, ҳеч курса қолган умримда гофиллик тўрини ёриб ташлагим келиб қолди. Менинг бирдан ибодат қилгим, тазару қилгим келиб келди - шу ниятда мачитга бордим. Бироқ у ердан руҳим синик бўлиб қайтди. Назаримда, менинг ичкаримда қандайдир саркашлик бор эди. Балким, бу Иблиснинг олдидаги кўрқув туфайлидир, ибодатим ўзимга сохта, ясама туюлди. Уйга қайтдим ўзимнинг бир умр гухрох, Иблис эътироф этгандек, унинг хизматкори бўлиб қолганимни, ундан қутулиш оғирлигини англадим, англадим Иблисга мана шу фаолиятсизлигим билан қарши курашмоқчидек, ўлик каби чўзилиб олдим. Бу ҳам ўзимча Иблисга қарши онгсиз исёмин эди. Бу исёмин қанча давом этишини билмадим: қулаган деворнинг ҳеч кимга кераги йўқдай, менинг ҳам ҳеч кимга керагим йўқ эди. Таниш-билишлар, дўсту ёрлардан аллақачон ўғилларим туфайли узилиб бўлгандим - жуда оқибатлилари эса икки-уч келиб, мени мурдадай на гапга, на имога жавоб қилмай ётишимни кўргач, бошқа келмай кўя қолишди, афтидан, менинг ярамни янгилаб, ўлган устига тепаган бўлмасин деб ўйлашди. Ёлғизликда одам виждон билан, ўтган кунлар ва хотиралар билан юзма-юз келади; аиникса, қабристон сукунати чўккан уйимда тунлари виждон хайкириги баралла эшитилади - у худди тун бағрини ёритиб юборган ҳилолдай бутун умримни, қилмишу қидирмишимни ёритиб юборарди. Ҳа, таксир, уйим бахт ва инсон умри ҳамда эътиқоди кўмилган қабристон эди - мен унга ўғилларим билан бирга ҳали охирига етмай туриб, ўз хаётимни ҳам кўмган эдим. Фақат у ёлғиз ҳамдамимга айлиниб қолди. Унинг уйимни қандай топгани мени сира ажаблантиргани йўқ, аксинча, ёпиқ эшикдан кизимга билдирмай, яна ярим тунда тўсатдан ёнимда пайдо бўлиши мени ҳайратга солди: назаримда у уйга шарпасиз-сассиз кириб келганди - на деразадан, на эшикдан кирганини билолмай қолдим. Унинг юзига деразадан ой нури тушиб турарди.

- Энди гаплашсак бўлади, - деди у менинг нақ пешонамга эгилиб. - Сен қурбон қилинган одамсан.

- Кимсиз ўзи, - дедим зўрға. Ичимда бу ҳам анови чўкки соқолнинг биттаси бўлмаса эди, деган жуда шилимшиқ хавотир пайдо бўлди.

- Мен Одам Атоман, биринчи одамман.

Дастлаб у мени масҳара қилапти деб ўйладим. Бироқ у ҳар кеча - ой дераздан мўралаган пайтда пайдо бўлар, қандай қилиб Иблис йўриғига тушгани, таъқикланган дарахтдан мева узгани, Иблис билан бўлган жангу жадаллари ҳақида бир хил оҳангда - ўша хиёбондагидек маънос хикоя қилар, бу хикояда

пушаймонлик ҳам, афсус ҳам, надомат ҳам, ўша таъқиқни бузганидан, бузаолганидан фахр ҳам қоришиқ эди.

У менинг ҳаётимни бошдан оёқ ҳикоя қилиб берди - менинг Иблис билан бир умр бирга яшаганим, унга сиғиниб ўтганим, ўғилларим, китоб, фожеам - ҳаммаси маълум эди.

- Бу ҳали хотима эмас, - деди у ўғилларимнинг Иблис учун ўзларини қурбон қилишганига ишора қилиб. - Ҳали бу инсониятнинг хотимаси эмас. Ўша таъқиқ меваси Иблиснинг уруғи эмасмикин, уни еб, одамзот насли ичига уни экиб қўймадикмикан деган шубҳа мени қийнайди. Одамзот қалбини тозалаган сайин ифлосланиб бораёпти. Хотимага яқин кунларда дуч келасиз. Бу менинг ва наслу зуррәди пешонасидаги ёздиқ. Уни энди Инсоният ўчиришга ожиз. Пешонамизга менинг тамғам - тавқиланғат тамғаси босилган.

Шу охириг учрашувдан сўнг у келмай қўйди. Айтишича унинг иши кўп эди: ким билади, балки у ўз наслининг қабоҳат дунёсига фарқ бўлаётганини, ўша ўзи эккан уруғнинг қанчалик урчиб, кўпаётганини ортиқ кўргиси келмай қолгандир. Унинг ташрифи менинг ёлғиз хатоимни тўлдирган бўлса-да, изхори дили, у келтирган ҳақиқат мени ҳаётдан бутунлай совутиб қўйди. Мен энди хотимани кутиб яшардим: хотимадан сўнг ҳаётим шами сўнишини, бу оғрик ва қийноқлардан абадий фориг бўлишимни бир ички ҳиссиёт билан сезардим.

Шундай кунларнинг бирида мен қизимнинг ҳомиладор эканлигини билиб қолдим. Аввалига ой-қуни яқин эканлигини билдирувчи аломатларга эътибор бермагандим, аммо унинг ҳомиласи кўз ўнгимда ўзининг мавжуд эканлигини исботлагандек ҳафта сайин унинг танасини ишғол қила бошлағач, бунга эътибор бермасликнинг сира иложи бўлмай қолди. Қизим қорнида бир коп тупроқ кўтариб юргандек хунук, инжик бўлиб қолди. У менинг бошимга келиб, менга мўлтираб ўтирар, соатлаб миқ этмас, нимадандир кўрқар, чўчир, хавотирланарди. Ана шунда мен унинг ҳомиладор эканини билиб қолдим ва биринчи марта қизимдан кўпол-кўрс қилиб, ҳаромбаччанинг отаси ким эканлигини сўрадим. Бошқача муомалага ярамасдим, товушим хириллаб, ёвуз оҳангда чикди, фақат қизини суйишга тайёрланаётган отагина шундай савол бериши мумкин. Қизим бунни сезди ва ўзини орқага олиб, бироз кўркув аралаш ишора қилди. Во дариг, унга шу дафъа фақат эркалик эмас, гуноҳ ҳам ярашишини англаб қолдим, тақсир, юрагимдаги қизим ўтирган муҳаббат тахти чил-чил синиш арафасида болаларимнинг бу дунёга қадам қўйган кундан бошлаб гуноҳга юз тутганини ва гуноҳлари билан мен юксак ҳаёллар оғушида қурмокчи бўлган дунёни тўлдиршиганини англадим. Бу қандай жонзотки гуноҳ шу даражада ярашади, шу даражада уни шарафлайди. Одамдан бошқа гуноҳ шарафловчи жонзот борми? Қизим гуноҳ қилганини мендан яшириш учун эмас, ошқор қилиш учун йиғлаётган эди. Қизимнинг кўзлари кўркувга, ожизликка, умидсизликка тўла эди, бу кўзларда, тақсирим, улкан харобалик кўрдим, бу харобалик ҳовли эмас, кўча эмас, қишлоғу шаҳар эмас, улардан ҳам улкан, нақ дунё билан тенглашадиган харобалик эди, бу харобаликда айқириб ваҳм еллари кезиб юрарди, бу унинг ўша ҳовлидаги чўққи соқолнинг кўзлари эди ва мен унинг нафрат ва сурлик қотиб қолган қорачиқларида ўша болалгим кўчасида қолиб кетган ўша харобани кўрдим ва даҳшат мени худди нимталаб ташлади (Тақсирим, нега хароба сўзини кўп ишлатаётганимга, ҳайрон бўлманг, бу ерда қайтариқ йўқ, аксинча, қалбимнинг ифодаси, тасвири, аҳволу руҳиямнинг, бутун одамзотнинг қиёфаси бор).

- У бошимни айлантириб олди, - деб қизим йиғлаб юборди. Ҳозир унинг қайсарлигидан асар ҳам қолмаган, ожиз аёлга айланганди, - у анави китоб меники дейди, сен данёдаги ягона ва бахтли аёл бўласан деди.

- Нима қилиб қўйдинг, - дедим қизимга унинг бошини силар эканман, ва мен ҳам иблис олдида ожизу нотаваонлитимдан йиғлаб юбордим.

- Нима бўлса ҳам бола туғишим, унинг зуррәдини яратишим керак экан, - қизим кўркув аралаш пичирлай бошлади.

Бирдан мени мени ваҳима босди.

- У ҳозир ҳам, келиб турадимми? - сўрадим ва ич-ичимда «йўқ» деган жавоб эшитишни истаб.

- Ҳа, - деди қизим ваҳмили шивирлаб, - Мен ундан кўрқаман. Сиз ухлашингиз билан у пайдо бўлади. Менга китобини ўқиб беради ва сен дунёдаги менинг ишқим тушган ягона аёлсан дейди.

Мени титроқ босди. Кўз олдим қоронғулашди: қайтиб ўзимни тўшаққа ташладим. Қизим бошимда йиғлаб ўтирар: унинг гўзал чехраси бирдан қорайиб жўнаганди. О, тақсирим: менинг умрим шу бир сония ичида харобаликка айланганди: унда тик турган бирон иморат, бир девор қолмади - у айни ўша чўққи соқол яшайдиган ҳовли тусига кирганди: одамнинг қалбигади иморати хароба бўлса: мени ўликдан фарқи қолмайди: унинг ҳаёти қулаган девордан бошқа нарса эмас. Мен қизимнинг қорнида дажжол яшаётган ва ўсаётгандек титраб кетдим. Шундан сўнг ҳаётим тикан ичра ялангоёқ юрган одамдек кечди. Мендан ҳамма нарса тортиб олинганди - ҳатто мен келаётган сўнги бошпанам-орзуларим ҳам. Мен энди ҳеч кимга айланган, ҳеч ким эмасдим, мендан бу дунёда ҳеч нарса қолмади, худди бир томчи сув жазираси чикиб ётган тавқи-ланғатта дўнган дунёга исзиз ва сассиз сингиб кетгандек. Ўнгим ҳам, тушим ҳам ваҳимага айланган, ҳаёлимга нуқул ваҳший ва ёвуз қиёфали афсунгар чўққи соқол пайдо бўлар ва мени тинмай масҳара қилар, уни ўйланганимда нафсониятим, инсонийлик шаъним беҳад ҳақоратланарди. Тасаввур қилинг, бир рассом умр бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай умрининг мазмуни бўладиган сурат қизишга қиришса-ю бутун ҳаёти сарф қилиб умрининг охириг дақиқаларида ўзиниқани эмас, бошқа бир кимсанинг суратини қизиб қўйганини англаб қанчалар мудҳиш ҳолатга тушса, менинг ҳаётимга ҳам шундай яқун ясалмоқда эди.

Мен топиб олган китоб Иблис китоби эди. Иблис умрини менинг умрим орқали тиклаган эди, ўз умримни, болаларимни Шайтон суҳуфлари билан тарбия қилган эдим: менинг умрим шайтоннинг умрига айланган эди. Шайтон китоб тимсолида ҳаётимга кириб келган ва барча нарсани ўзиники қилиб олганди. Менинг сўзларим, ваъзларим шайтоннинг сўзлари, маърузалари эди ва у менинг қиёфамга кириб, хотинимни эркалаган, туңлари сочини силаган ва ўз зуррәдини кўпайтирган эди - мен ўшанда бекорга бу болалар меники бўлмаса керак деган шубҳага бормагандим. Болаларим Иблис болалари эди. Шайтон мен орқали ўзини яратди. Ҳа, ҳа, ким энди мендай яшаса, шайтон ўша орқали ўзини яратаверади. Кеча тўшақда чўзилиб ётарканман, ўзимнинг қисматим, китобдаги ҳар бир сўзу оятлар бир-бир кўз олдимдан ўтди ва шу пайт ҳа, ҳа, тақсирим, шу пайт нега болаларим унга ўхшашини ва ўзимнинг ҳаётим сароб бўлиб чиққанини, нега дунё бунчалар сароб ва жаҳолатдан иборат эканлигини, нега одамзотни ўзгартиб бўлмаётганини, нега унинг қалби фаҳш ва зафиллик тўшағига айланганини тушуниб етгандай бўлдим. Умрим юки шунчалик оғир эдики, менинг бор-йўқ кучим эртага туғилажак шайтоннинг онасини - ўз пушти камаримдан бўлган қизимни бўғизлашга зўрға етди. Мен қизимнинг Дажжол туғишини истамадим. Менда фақат шу имкон қолган эди.

Шундай тақсирим, мен қизимни бўғиб келдим. Мен ҳам тавқи - ланғатга йўлиққан аждодларимни йўлини давом эттирдим. Тақсирим, мен сизга бир нарсани айтиб қўяй: бу гапни дунёни ўзгартирмоқчи бўлиб охирида несту забун бўлган кичик бир одамнинг қатта хулосалари деб қабул қилинг.

Асқоб бузилса, уни яратган устага олиб бориб тузатамиз. Одамзотнинг ҳам бузилган қалбини уни яратган устагина тузата олади. Қим усталикка даъвогар бўлса, ким уни мен тузатаман деса, уни фақат яна ҳам кўпроқ вайрон қилишга олиб келади. Ҳар ким ўзи яратган нарсага усталик қилгани маъқул.

Бу менинг охириг гапим. Энди хайрлашамиз. Кун исий бошлади. Жасад совумасдан хабар беришим керак.

Ҳозир хиёбон четига бораман, мени қора китоб кўчаларидан олиб ўтган ёлғон ва хиёнатга, фаҳм ва шон-шавкатга интиқ ўтган қалбимнинг шоҳсупасига чикиб, худди ярадор айиқ нажот излаб сўнги бор ҳайкиргани ва улуғ жангу жадалдан сўнг эзгулик ва ёвузликнинг, ўлим ва ҳаётнинг моҳияти қолмаган маҳшар қунида вайрон бўлган замину замоннинг харобалари устида, ҳам бу харобаликдан хушнудлик, ҳам янги, тозарган, форигланган янги мавжудот яратиш шавқи билан тўлган улуғ ва зафарли овоз каби мен ҳам нафе яралари бўғаётган танамни, дузах тўзони билан тўлган қалбларни ва Иблис билан бир тўшақда ухлаб ётган ушбу дунёни ларзага солиб, масту мустар ҳайқираман: майли, менинг бу ҳайқиригим дунёнинг адашган сўнги ҳайқириғи бўлиб қолсин.

Тамом

Музаффар АХМАД
(АХМЕДОВ) АНДИЖОНИЙ

ЭНДИ ЖУРНАЛАРИНИНГ
ШУШИГА КИРИНИҒ.



Бу йил баҳор жуда эрта келди, дўстим. Сенинг хотиранг каби эрта. Менинг изтироб тўла кўзларим йиғирманчи баҳорни кўрди, сеники эса, ҳамон ўн саккизда. Сен барча дардларингни ишонган Хўжаобод тоғларида қизгалдоқлар ўнди...

Сен баҳорий дамлар - болаликдан ҳамма нарса билан тиллаша олардинг. Дарахтлар, қушлар билан гаплашардинг. Бу ҳолатингни ҳамма ҳам тушунавермасди...

Бу англовлар сени бошқача улгайтирди. Кунгил сари бошлади. Шу боис ҳам (1991 йил) Фаргона Давлат университетининг ўзбек» филологияси куллийётига ўқишга кирдинг.

Сен ўқиган сари тоққа ўрлайётгандек бўлдинг, ўқиганинг сайин юрагинг қонга бўялаётганини англаб бординг...

Ва бу ҳолат сени севиб қолди ва биздан айириб олди...

Жойинг жаннатда бўлсин, ҳурлиги Музаффар дўст!

Шоҳ САНАМ

Фаргона Давлат университети талабаси.

* * *

Бахтсизлик шу қадар сингди қонимга,
Энди бахт ҳақида ўйламай кўйдим.
Беҳуда азоблар тегди жонимга,
Мени армонлар ҳам қийнамай кўйди.

Юрагим тубида музлари қат-кат,
Ўтган кунлар каби қилмас безовта.
Мунаввар тонг отмиш менга еттиёт,
Ҳеч таажжубга солмас келаётган эрта.

Шамолда сузади бир тўда булут,
Бу оғир қисматга оғир нишона.
Чароғон кунларим ёдидан унут,
Ўзлигин йўқотган бир шўр пешона.

Бахтсизлик шу қадар қонимга сингди...

* * *

Осмонга термулиб турган томларнинг
Томновида дардлар томчилайди - муз.
Соғинчнинг узун-узун сабрларидан
Марваридлар тўкиб юборади - куз.
Қуёшни кўрганда йиғлаб юбордим!

Ухлаб ётган қорлар шалдирар эриб,
Кўнглимни армонлар кетар қачилаб.
Э воҳ, хотирамдан сесканиб кетсам,
Юрагим яраси кетди арчилиб.
Қуёшни кўрганда йиғлаб юбордим!

Оқ кафан тагида чириб битдими,
Ўтган умримнинг сўнги хазони?
Заминда сумалак қайнаётгани,
Нечанчи ҳаётим қайси қозони?
Қуёшни кўрганда йиғлаб юбордим!

* * *

Тунда бир юлдузни йўқлай олмадим,
Қалбдаги туйғуни сақлай олмадим,
Гуноҳкор кулингни кечир, севгилим,
Мен сенинг ишончинг оқлай олмадим.

Ҳар сафар мен кутган тонглар отмайди,
Гар урсам кўксимга ханжар ботмайди.
Кўзимда маржонлар асло қотмайди,
Сенинг ишончингни оқлай олмадим.

Ойнинг нурларида кўзим қамашди,
Гулларнинг атрида руҳим адашди.
Севгилим сени ҳам, мени алдашди,
Сенинг ишончингни оқлай олмадим.

* * *

Дардларим тошларда бўй чўзган майса,
Ғамлар-ку, дилимга ёмғирдек ёғса,
Дарахтлар қиқирлаб устимдан кулса,
Мажнундек дарбадар бўлгим келади,
Фарҳоддек тоғларда ўлгим келади!

Баҳорлар ҳолимдан хабар ҳам олмас,
Кўзлари боғланган муҳаббатдир маст.
Кўксимда оловлар ёрилар чарс-чарс
Мажнундек дарбадар бўлгим келади,
Фарҳоддек тоғларда ўлгим келади!

Юзида абрлар сузган осмонман,
Қафасга сиғмасдан йиғлаган жонман!
Қизгалдоқ тусига ранг берган қонман,
Мажнундек дарбадар бўлгим келади,
Фарҳоддек тоғларда ўлгим келади!

Бу ғариб бошимга тошлар куласин,
Куйимни шамоллар жўшиб куйласин.
Кунгул-чун япроқлар, шабнам йиғласин

Мажнундек дарбадар бўлгим келади,
Фарҳоддек тоғларда ўлгим келади!

* * *

Сувлар қайга шошаверар эси оғиб,
Соҳиллари йиғлаб олар ҳориб-нолиб,
Ахир сувлар адо бўлар ҳўлга бориб
Нега юрак ошиқасан келажакка?

Бир баҳор бор дарахтларни
кутаверар,
Баҳор келиб уни алдаб кетаверар,
Умр шундай интиқликда ўтаверар,
Нега юрак ошиқасан келажакка?

Бир от чопар, тизгини йўқ дулдулимиз,
Нега зор-зор йиғламайди хун дилимиз
Ахир аниқ борадинан манзилимиз,
Нега юрак ошиқасан келажакка?!

* * *

Майли бир оз юмиб турай кўзимни,
Сезмай қолай силасангиз юзимни.
Соғинаман ўша ғариб кузимни
Ўтиб кетинг тезроқ яшил баҳорлар.

Менинг дардим кузнинг дарди билан
бир,
Мен ҳам худди хазон каби қонбағр.
Бу дунёда куз дилгиру мен дилгир
Ўтиб кетинг тезроқ яшил баҳорлар.

Хазонрезги гиёҳ қутманг унмайди,
Бўш қалбимга фақат фалак йиғлайди.
Гуллар тутманг кучоғимга сиғмайди,
Ўтиб кетинг тезроқ яшил баҳорлар.

Хўжаобод тумани.

МАТБУОТИМИЗ ВА МАТБУОТЧИЛАРИМИЗ МУҚАММАЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Матбуотимиз ҳамда журналистларимиз савиясини, фаоллигини кучайтириш борасида Президентимиз қатор сессияларда эътирозли фикрлар билдиргани барчага маълум. Хўш, уни янада ўқшили, оммабон қилишида нималарга эътибор бериш бериш зарур? Журналистика факультетлари шаклланган журналистлар тайёрлашга қодирми ёки алоҳида ихтисослашган журналистлар мактабларини ташкил этиши керакми? Матбуотдаги мавжуд ҳолатдан, яъни ҳозирги журналистик йўналишдан ўқувчилар қониқяптими? Улар талабини қондириш учун нималар қилиш керак? Шу каби тахририятимиз томонидан уюштирилган саволларга турли соҳа вакиллари, ёшлар ўз муносабатларини билдириб, жавоб бердилар. Биз уларнинг сўзларини Сиз аизларнинг ҳукмингизга ҳавола этарканмиз, шояд Олий мажлис томонидан қабул қилинажак журналистлар ҳақидаги икки: «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистларнинг касб маҳоратида доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар муқаммаллиги учун ҳам муштарийларни фикр-мулоҳазалари билан жалб этсак деб ният қилдик.

Тахририят



Улугбек ИДИРОВ,
Сийёсий фанлар номзоди

Очик тан олиб айтиш керакки, биздаги оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган иқтисодий ва сийёсий ўзгаришлар талабига жавоб беролмаяпти. Бу ҳақда Президентимиз Ислоҳ Каримов Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида алоҳида урғу билан гапирган эдилар. Бежиз эмас бу. Демократик

жараёни тезлаштиришнинг муҳим воситаси бу - матбуот. Қолаверса сийёсий ҳокимиятнинг ўзи ҳам жамиятда рўй бераётган муҳим ўзгаришлардан матбуот орқали хабардор бўлиб туради. Матбуот сийёсий ҳокимият билан жамиятни боғлаб турувчи алоҳида бир ҳокимиятдир. Унинг кучи бениҳоя катта. Бирок, назаримда, матбуотимизда ҳозир етишмаётган нарса бор. Бу - ошкоралик. Конституцияимизда ҳам, бошқа қонунларимизда ҳам фуқароларга ахборот олиш, ахборот тарқатиш ҳуқуқлари берилган. Ўйлашимча, биз шу ҳуқуқдан фойдалана олмаяпмиз. Менингча, журналистларнинг савияларини ошириб бориш масаласини ҳам кўриш керакка ўхшайди.

Бир муаммо шундайки, газеталаримизда расмиётчилик ниҳоятда кучли. Назаримда, бизда турли йўналишдаги газеталар мавжуд. Бирок, расмий хабарлар масаласида улар бир хиллашиб ишлашапти. Ҳар бир газета, хоҳ у бирор партияники, хоҳ бошқа жамоат ташкилотиники бўлсин, ўзига хос йўналишда бўлгани маъқул. Ўзининг айтар гапи аниқ, йўналиши ўзгача бўлган

газетагина ўзининг муқим ўқувчиларига, яъни аудиториясига эга бўлади.



Бахтиёр ЭРГАШЕВ,
Пайариқ тумани, «Халқобод»
жамоа хўжалиги бош
ҳисобчиси:

Ҳамма даврда ҳам матбуотнинг зиммасида катта вазифалар турган. Матбуотимизнинг маълум маънода ютуқлари ҳам борлигини эътироф этмай бўлмайди. Айниқса, маънавият, кадриятларимизни тиклашдек юксак юмушда матбуотимизнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эгадир.

Матбуот инсонларни руҳан маълум мақсадга йўналтирувчи кучдир. Лекин ўйлашимча, ўзбек оммавий ахборот воситаларида бир-бирини такрорлаш, бир нарсани қуруқ таъкидлаш кучайиб кетди. Охир-оқибат бу - ёппасига матбуот бир хиллигини келтириб чиқармоқда. Ўтиш даврида биз мустақиллигимизнинг ширин меваларини эслатиб, таъкидлаш билан бирга собитқадамлигимизни ҳам матбуотда ифода этиб боришимиз даркор. Бунинг учун аввало журналистнинг ўзи эртанги ёруғ кунларимизга чинакамига ишониб ҳаракат қилиши керак. Шундагина унинг ҳозиржавоблиги ошади. Ахир, қалашиб ётган қанча муаммолар бор, журналист эса аввал ўша муаммони Президентнинг оғзидан эшитади, нечундир шундан кейингина ёзади. Ваҳоланки, журналистнинг ҳозиржавоблиги фақат бундагина эмас, унинг ҳолис, ғарзсиз, чиройли ёзган мақоласи ҳам ҳақққа, ҳам раҳбарга мадад бўлиши мумкин.

Убайдулла КУЛЛИЕВ,
Олот тумани ҳоқими
ўринбосари:

Биз жамиятни демократлаштириш муаммосини матбуотнинг кўмагисиз ҳал эта олмаймиз. Шу боис, оммавий ахборот воситалари чин маънода тўртинчи ҳокимият бўлиши зарар деб ўйлайман.

Матбуотдан қониқмаётганимизга сабаб, аввало журналистларимизда журъат етишмаётганида бўлса керак. Масалан, мен яқин орада бирорта давлат микёсида ҳал



бўладиган йирик муаммоли, фойдали мақола ўқимадим. Айниқса, биздаги сиёсий партияларга қарашли газеталар фаолияти ниҳоятда суст, бу демак, партияларнинг ўзлари ҳам жамиятга таъсир ўтказолмаётганини кўрсатади.



Эргаш ЖАББОРОВ,
Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўринбосари:

Нега бизда газета журналлар Россия матбуоти сингари кўлма-кўл бўлиб ўқилмайди. Сабаби - ҳақиқатни ёритмаслик бўлса керак. Ҳақиқат деганда яланғоч ошкораликни тазарда тутмапман. Мисол учун Сирдарё ва Жиззах вилоятларида пахта ва ғалла

кетганини Президентимиз ҳосилдорлигининг камайиб куйиниб гапирдилар, аммо матбуот унинг асл негизларини очиб бериши керак эди. Холбуки, ҳатто ғалланинг уруғлик қисмини ҳам талон-тарож қилаётган раҳбарлар камми? Улардан қанчадан-қанчаси бугун қора курсига ўтириб жавоб ҳам бермоқда. Аммо матбуот бу ҳақда ёзмайди негадир. Биз Россия газеталарини қидириб топиб ўқиймиз. Чунки уларда ошкоралик кучли, журналист ўз позициясини мустақкам туриб ҳимоя қила олади. Бизда ҳам журналистлар ўз фикрлари, позицияларини ҳимоя қила олишлари учун қонунларнинг мукамал билагонлари бўлмоқлари зарур.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Учқўрғон туманидаги «Андижон» жамоа хўжалиги раиси:

Мен мухбирларимизда тагин бир камчиликни кўраман: аксарият ҳолларда бир ёклама кетиб қолишади. Дейлик, мухбир асосан ўша шикоятчининг тарафини олиб туриб олади. Минг уринсангиз ҳам унинг фикрини ўзгартира олмайсиз. Айтмоқчиманки, холислик ҳам журналистнинг бир сифати. Холислик нима учун керак? Халқда пичоқ этингдан, гап суягингдан ўтади, деган гап бор. Ноҳолис сўз туфайли ҳам адолат мезонлари бузилади: ҳалол одам ранжийди, азият чекади. Бу билан мухбир вилоятга борсин-у, раҳбарларнинг кош-қовоғига қараб бир нарса ёзиб қайтсин демоқчи эмасман, асло. Асл вазиятни аниқ билиб, кейин ёзсин. Шундай қилса, унинг сўзига ҳамма ишонади.



Замира ШОМУРОТОВА,
Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Давлат ва ҳуқуқ бўлими бошлиғи:

Тўғри, журналист холис бўлиши лозим. Бундан ташқари биз уларнинг фикр-мулоҳазаларини кутишга ҳам ҳақлимиз. У қайси соҳани ёритаётганидан қатъий назар кўз ўнгимизда энг ақлли одам туради. Шу сабаб унинг танқид қилгани яхши, маслаҳат беролса ундан ҳам яхши.

Шу ўринда ўзимизнинг ҳам бир камчилигимизни айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Ўзимиз ҳам мукамал ўқувчи эмасмиз. Матбуотни танқид қилаёпмиз-у, аммо матбуот деганда телевидениени, нари борса «Халқ сўзи» ёки «Ўзбекистон овози» газетасини назарда тутмоқдамиз. Журналларни деярли ўқимай қўйганмиз. Холбуки, бизда кўп тиражли газеталарни ҳам кўшиб ҳисоблаганда 400 дан ортик матбуот тури бор экан. Шунинг учун матбуот ҳақида кескин фикр айтишдан олдин аввал уни ўқияёلمизми, деб ўзимизга савол бериб кўрсак тузук бўлар эди.

Бобур БЕКНОЗОВ,
«Ўзмарказимпекс» ташқи иқтисодий давлат бирлашмаси бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди:

Бизда матбуотнинг оёғидан тортиб турган яна бир нарса бор. Бу - бизнинг «ўзбекиона» тегманозиклигимиз. Бирор йирик муаммоларни кўтармоқчи бўлган қаламқаш албатта кимнингдир қариндоши, ёки ошнасининг иззат-нафсига «тегиниб» кўяди. Кейин унинг боши балодан чиқмай қолади. Бу - масалаи очик ёритишга ҳалакит берадиган энг катта камчилигимиз. Мазкур камчиликларни ёпиб ўтириб «ҳимоя қилишимиз» нафақат матбуотнинг, балки бошқа соҳаларнинг умумий тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Менда яна бир тақлиф бор эди: муаммолар, тирикчилик ташвишлари қуршовида яшаётган бугунги кунимизда дам олиш учунгина ўқийдиган нашрларга эҳтиёж сезиляпти. Қанийди мамлакатимиздаги санъаткорлар, дам олиш масканлари, комфортлар, сервис хизмати ҳақидагина ҳикоя қилувчи рангли-безакли журнал ташкил этилса.



Р.С. Юқоридаги мулоҳазаларни беришдан тагин бир мақсадимиз бор: фикрни ривожлантириб, Сизни - ҳурматли «Ёшлик»хонларни бирров безовта қилиб, фаолликка тортмоқчимиз. Айтинг-чи, жумладан «Ёшлик» журнали қандоқ асарларни бериб борса Сизга маъқул бўлади? Яна айтинг: у қандай шаклда чоп этилсин? Тагин қандай тақлифларингиз бор? Ҳат орқали биз билан алоқа қилинг.



Минҳожиддин МИРЗО



ҚАЙҒУ ГУЛИ

(д о с т о н)

Ш О И Р

Маъвонинг пок куйлаги узра,
Тўлкин каби юлдуз окқанда.
Уфқ қонли куйлагин ечиб,
Кўкрагига ойни такқанда.

Сойир руҳлар уйқу қасрининг,
Дарвозасин қокқан тун аро.
Минг сеҳрини яшириб тунга,
Минг сеҳрин фош айларди фано.

Уйқу лашкар тортар ер аро,
Кенг заминга чиммат ёпилур.
Киприқларим юмилар қаро,
Танамга мушқ атри сочилур...

О, тун, олгил мени бағринга
Бу кўнглимиз бергил бир малҳам.
Кўк тоқида минглаб фаришта,
Чорлар руҳим қўллариди шам.

Кўзларимга ёш келар тинмай,
Юрагимда бир ажиб титрок.
Англамоққа қолдимми ожиз,
Сомон йўли мендан кўп узок.

Сомон йўлин ўраб шуълага,
Тун жодуси бир гул ташлади.
Хотирамни ғамга ғарқ этиб,
Бир англамсиз уйқу бошлади...

Ҳарир парда, мушқдин руҳ беҳол,
Етаклайди паридек еллар.
Камалакдек туш боғи аро,
Бир муборак зот чиқиб келар.

Шохларини эғиз дарахтлар
Гулларини пойига сочар.
Учар гилам каби хушимни,
Хазон барглар ўйнаб опқочар.

Нигоҳида илоҳий жунун,
Кипригида қайғу гули - ёш.
Қошларининг ўртаси тугун,
Фигонидан ҳатто эрур тош.

Нигоҳида ёнар бир шуъла,
Соҳир фалак сеҳрингми бу айт?
Қалбим унинг қалбига ула...

Кўкрагимга гул кўнди шу пайт.

Зулмат аср этган бу кўнглим,
Ушал нурга боғланиб қолди.
Ул нур ила сирлашиб руҳим,
Куйламоққа чоғланиб қолди:

* * *

Оёғим остида ётган бемехр
Ул совуқ тошга ҳам минг йил сиғиндим.
Борлигингни билмай соҳири сеҳр,
Саҳролар бағрида нурсиз бўғилдим.

Тунлар гулзорлардан излаб, ахтариб,
Ҳиллолнинг нурини топтаб, йўл босдим.
Рухимнинг майлини излаб, мен ғариб,
Лабимни жодугар гулига босдим.

Уфқда ёнган ул кундуз шаъмига,
Қўлларим чўзганча куйлаганимда.
Чақмоқлар ўтидан ўтди оҳларим,
Мен сени... мен сени билмаганимда...
Бу туш сарҳадига келмаганимда,
Умрим азобларида қоврилар эди
Йўқлик майдонида соврилар эди...»

* * *

Бу не ҳолдир соҳири олам
Вужудимга ёйилар бир куч.
Қулоғимга бир сас келади:
«Қутмоқда у, нур боғига уч!

Гуллар салом бериб йўлимда,
Кузатишиб қолар булбуллар.
Гул косада табассум билан.
Куйлашади самовий ҳурлар.

Яшил вужуд икки фаришта
Кўз олдимда айларди фарёд.
Маъво қасрин тилиб, титратиб,
Кимдир чорлаб, кимдир солар дод:

ДЕВОНИ МАШРАБ

«Кўрсат юзинг ўларман, менда токат қолмади,
Меҳрибоним қайдасан, жонда роҳат қолмади.
Бало ёғди, бошимга, элда оқат қолмади,
Чекдим жафони акнун, танда ҳолат қолмади.
Кездим - чўлу биёбон, дилда ҳасрат қолмади...»

Ш О И Р

Бу мўъжиза тушми, сеҳркор,
Ё, афсунгар туннинг жодуси?!
Юрагимга поёндоз солган
Ким у?
Қай зот?
Соҳир ёғдуси?
Куй янгради, яна ўша куй,

Хотирамнинг ёшлади кўзин.
Ким у, ким у?
Тўлганар таним,
Кўрсатмагай нечун у ўзин?

Хайрат гулин кўксимга осиб,
Ул ким дея хурлардан сўрдим.
Жаннат гулин юзига босиб,
Келаётган бир зотни кўрдим.

ДЕВОНИ МАШРАБ

«Сенинг ишқингни дарди, менга ҳар нарсадан ортиқдур,
Тилим куйсин агар жонон, талабгори даво бўлсам.
Хамиша ушшоки содикни, сенинг ишқинг хароб айлар,
Қабул айла аё дилбар, куйингда бир гадо бўлсам.
Қабул айла,
Қабул айла, кўйингда бир гадо бўлсам...»

Ш О И Р

Тун пардаси юлдузларни ўрайдилар,
Ҳижрон водийсига поёндоз ташлар.
Фаришталар маюс йўлга қарайдур,
Яна мангу баҳс-у ғавғосин бошлар.

«Азал-азаллардан икки фаришта
Инсон елкасида ўлтирар эмиш.
Яхши-ю ёмонни қилиб саришта
Иккиси қоғозга туширар эмиш.»

Орифлар сўзларин эслайман ногоҳ,
Туш қасрин титратиб, тортишар улар,
Гуноҳга зулматлар ён босса агар,
Савобга ён босиб ёгилар нурлар.

- Йўк - дейди, гуноҳлар мирзоси қатъий
Аршни титратар унинг гуноҳи.
- Йўк - дейди, савобнинг мирзоси қатъий
Тангри ҳам мен томон, унинг паноҳи...

Кўкнинг тарозиси - ўша уч юлдуз,
Хулоса қилломай мангу милтирар.
Етти фалакни ҳам ларзага солиб,
Ул зотнинг оҳлари нурни синдира:

ДЕВОНИ МАШРАБ

«Оғиздин дур сочгай десанг, шароби ишк, ичай десанг,
Ёмонлардин қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Раёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,
Жаҳонни сайр этгай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл!
Разолат куйдирай десанг, залолат ўлдурай десанг,
Ҳаммасин супурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл...»

Ш О И Р

Фалак насимлари шивирлаб сокин,
Аллалай бошлайди еру - осмонни,
Қабрлар қизғалдоқ косаларида,
Маъвога узатар яна жонни.
Абрлар бағрини тилади чакмоқ,
Хасратдан юлдузлар бағри куюди

Гуноҳлар мирзоси ғамгин фаришта
Гуноҳкор дейди-ю, уни суяди:

ФАРИШТА

Гар уни гуноҳи бўлса-да, нетай,
Сенинг васлинг дея қилмишлар гуноҳ.
Ошиқни маъшуклар жазолай олмас,
Сени деган ул зот гуноҳкормас, оҳ...

Ш О И Р

Арш тоқида руҳим учар мастона,
Бир мавсум бошланур - чақмоқлар елар.
Абрлар нур тахтида аста,
Етти нур - фаришта зиёла келар.

Етти хур,
Етти нур кўкни тебратар,
Қанотидан ажиб мушк таралар
Танимни асирлар, бу қандай тилсим
Менинг кечмишларим барин саралар...

Улуғлик водийси...
Тақдир гулларини кўрдим унда мен,
Бириси яшнаган, бириси мавҳум,
Бириси зиёга чулғонган шаксиз.
Бириси мусибат нурига маҳкум.
Бу не ҳол?
Не учун гуллар турфа?
Айби не, у гулнинг барги заъфарон?
Нечун тақдир гулин бириси қора,
Биринурдайн пок, бири бағри қон?

ФАРИШТА

Бетоқат эй кўнгил, сўзимга ишон,
Барчаси олийнинг қаромати бу!
Фикр қил ҳазонни кўрмаса кўзинг,
Сабза нелигини билмасдинг ўзинг.

Яхшини кўрурсен, фикр қилурсен,
Ёмонни кўрурсен, зикр қилурсен.

Итоат этмайди менга ошиқ жон,
Шаккоклик тахтида сўроқлар руҳим.
Тақдир гулларининг кўпи бағри қон.
Қай бири меники,
Бу ўта муҳим?

ФАРИШТА

Эй шаакоқ!
Нени сурурсен?
Айт недур ёркинрок,
Недур мурудинг?
Наҳот сен ўзингни ўзинг билмайсен,
Ўқиб бок ўзингда тақдир китобинг!

Ш О И Р

Қайда у?
Ўзимда ... наҳот бу гап рост?

ФАРИШТА

Қулоқ сол сўзлайди...

Ш О И Р

Мунг келди бехос,
Кўзим ҳам сўзлади,
Қулоғим, кўлим,

Оёқлар сўзлади.
Мен юрган йўлим.

ФАРИШТА

Эшитдингми энди
Холоватсиз дил,
Ҳар бир аъзонг сўзлар
Эмасдир бедил.

Ш О И Р

О, наҳот, бу ғамгин мунгли садолар
Жисмимдан талалур.
Яна не ниҳон?

ФАРИШТА

Эй, инсон, жисмингда бир дунё пинҳон...

Ш О И Р

Олис-олислардан чорлар руҳимни,
Маъво мардумидай у сирли замин.
Фалакда лолалар холис хайрихоҳ,
Япроғин жуфт қилиб пичирлар...
«Омин...»

Фалак елларинг айрий ислари
Димоғимни мушкка тўлдирди шу он.
Бошида кулоҳи, эғнида жанда,
Маъвони титратиб чекканча фиғон
Яна ўшал сиймо келди қошим.

Фалак юлдузлари оғир хўрсинар,
Маъво фонуси - ой куя бошлайди.
У зот нола чекар етти фалакнинг
Етти мўъжизасин кўзин ёшлайди.

Наҳот топилмагай бу дардга чора,
Ҳасрат булогидан мавжланар нола,

ДЕВОНИ МАШРАБ

«Урайинму бошима, саккиз беҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай,
Заррае нури куёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошқора бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай.
Аршнинг кунгурасин, устига қўйдим оёғим,
Ломакондин жой олибман, бу маконни на қилай?...»

Ш О И Р

Гулзор аро фаришталар базм бошлайди,
Ҳар бирини тиззасида ул зот китоби
Етти малак тилларидан етти нур бўлиб,
Камалакдек нур таратар жунун хитоби:

Биринчи фаришта

Йиғламай найлайн рўзимни сиё қилди фалак,
Ошноларни менга, ноошно қилди фалак,
Кавкаби бахтимни мундоқ, безиё қилди фалак,
Охири умримда бихтимни қаро қилди фалак,
Подшо эрдим бу кун, соҳиб азо қилди фалак.

Иккинчи фаришта

Хонавайронман бу кун, жисмимда жоним йўқ, менинг,
Дарбадардурменки бир ерда, маконим йўқ менинг.
Чўғзи бевайронадурман, ошиёним менинг,
То сирим, устида турган соябоним йўқ менинг,
Дилраболарни бу тупроқ ичра жо қилди фалак.

Учинчи фаришта

Ой юзингни кўргали кўнглимни мен шод айладим,
Остонанга ётиб арзимни мен дод айладим,
Хоки пойингни қуйиб, бошимни фарёд айладим,
Бу жунун бозорида ишқимни бунёд айладим,
Халки олам ичра бир, ёри вафодор ўлмишам.

Тўртинчи фаришта.

Фироқинг зулмида айши қанотим сарнугун бўлди,
Алифдек қоматим ғам остида монанди нун бўлди.
Кўзим ёши тўкилди, мисли ул дарё-и хун бўлди,
Бўлиб тийра куним, ғам даштида ҳолим забун бўлди,
Тириклик боиси дўстлар, дуоғўйимдин айрилдим.

Олтинчи фаришта

Жони дилим фидо этиб, ё санами десаммикин?
Ўзига илтижо этиб, ё санами десаммикин?
Оҳим ила садо этиб, ё санами десаммикин?
Шому саҳар наво этиб, ё санами десаммикин?
Хори калоним айтадур, ё - ху деган тиловатим.

Еттинчи фаришта

Ажаб мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сиғмамдур,
Дилим дарё синурдур, мавж уриб дунёга сиғмамдур,
Ғаҳи бўлдим, факиру, ғаҳи шоҳу, гоҳ гадодурмен,
Ажаб девонаман, фардоки, маҳшаргоҳга сиғмамдур...

Ш О И Р

Садо қелди фаришталар сўзин тилкалаб,

ИБЛИС

«Беҳудадир сўзларингиз, сафсата бари,
«Анал ҳақ» - деб, лайлу-наҳор фарёд урганни,
Сўзларини сиз ёд олманг, хайданглар нари...

ДЕВОНАИ МАШРАБ

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди сиримни кавлама,
Баҳр раҳматга кириб қилдим, вужудимни адам,
Маърифатдин беҳабарсен, дафтаримни кавлама...

Ш О И Р

Фаришталар хузурини яғмо этган,
«Хайданг» деган бадхулқ қайда изладилар.
Бир шарора чиқиб турган ғор оғзига,
Бориб бари ҳоловатсиз сўзладилар:

ФАРИШТА

Сен э, шаккок,
Кимсан, айтгил,
Қайда жисминг,
Англаг ўзингни?

ИБЛИС

О, маъбуда - адашган хур,
Қара энди, тикиб кўзингни.
Мен иблисмен - ҳаққа қарши ягона вужуд,
Менинг қайноқ бу дилимдан фақат ўрлар дуд...

ФАРИШТА

Шайтонму, сен?

ИБЛИС

Мен иблисмен,
Мен иблисмен,
Ҳа... ўша шайтон,
Сиз танлаган ул манзилнинг
Бўйи бастаи кон...

ФАРИШТА

Сўзларинг ёлгон!

ИБЛИС

Сиз комил деб сўзларини ёд этган зотнинг,
Қайгулари бари бекор, инграрлар нуқул.
Сўзларимга кулоқ беринг, ҳақ майин ичманг,
Сиз мен ила бўлинг ҳардам, мангу бўлмай кул!
Азобларга танингизни тутманг сиз зинҳор,
Одамзоднинг мудҳиш феъли юқмасин сизга.
Сизга ҳар дам мададчи у шафиқ иблиснинг.
Этагини ушланг дейман,
Кўшилиниг бизга...

ФАРИШТА

О, сен хануз эзуликнинг йўлини тўсиб,
Яхшиликдан ёмонликни пайдо этурсан,
Йўқ, аврама заминга бор тарсобачалар,
Топажаксан, ҳам ўзингга шайдо қилурсан.
Куфр сўзинг ўз бошингга етгуси албат,
Иблис бизнинг бизнинг орамиздан кетгуси албат.
Йўқол!

ИБЛИС

Эй, йўлидан адашганлар,
Эй, сиз муътақид
Ўзингиздан тобеликни этингиз соқит.
Қаранг мана кўлимдаги бир сиқим тупрок,
Мен келтирдим уни ўша телба заминдан,
Ҳар зарраси сўзлар уни, нолон оҳ чекар.

ФАРИШТА

Кани, кўрсат, наҳотки рост гапларинг,
Чиндан?..

ШОИР

Кўлларини очди шайтон, сочиб юборди.
Кўк тоқида майин наво янгради бирдан...

ФАРИШТА

Эй, зарралар, огоҳ этинг бизни ҳам сирдан?

ИБЛИС

Йўқ, сўзламас,
Сўзламайди, оҳчекар улар.
Тўлғонишиб ҳақ юзини кўрмоқчун тунлар,
Хув ер узра ул зотдаин бир тўда дарвеш,
Яна менга келтирмоқчун ортиқча ташвиш,
Ҳақ майини ичиб кўкка сано айтарди.
Улар ҳам шу тоъбеликнинг захрин тортарди.
Мен уларнинг дилдагисин суғуриб олдим,
Телба қолди улар унда...
Курашдим толдим...
Юрагини куйдирган ул жойин сиди олдим,
Бари бўлди кўрганиндай бир сиқим тупрок,
Тоъбелигим мен-ла келди мангу зорларин...
Унда қолган танда эса, таъсирим кўпроқ.

Мен-ла юринг, мен буюкман,
Курашчан моҳир.
Улар анда сўзласинлар сизга сўнги бор,
Эзгилайин сўнгра барин,
Иблис мен номдор...

ШОИР

Соқинликни яғмо килиб сўйлар зарралар,
Туш қасрига фарёд тўла оҳанг таралар:

БИР ЗАРРА НИДОСИ

Бу не олам, у не олам, ул юзини яширар,
Томримда ишқ кони қизир сабр жоним шоширар,
Кимга ғамим айтайин, мен, кимга камим айтайин
Ул оламдин бу оламга бу жонимни оширар.
Кўнглим йиғлар бағрим тиглар, қон сизади кўзимдан,
Висол қасри қалитини қидирдим мен ўзимдан,
Девона деб кулар ҳайҳот, ғамим англамай ғофил,
Менинг ҳамроҳ ҳамлардим йўқ, жунунона сўзимдан.

ЯНА БИРИ ...

Кафан бичдим ҳақ майини ичиб, ўзимга,
Ажал шарпа сола бошлар куйган юзимга.
Жунун дея аҳли дунё кулар сўзимга.
Ғам лашкарин кўксим аро сочар бўлдим, тун,
Меҳрибоним меҳрин сочмай қочар бўлди, тун.

ЯНА БИРИ ...

Мен дод этиб ўтар бўлдим, кўхна дунёдан,
Илким силкиб кетадурман, аҳли риёдан,
Эй, нафс мени қайтармагил соҳир зиёдан,
Ёр васлини тилаб жону жаҳоним куйди,
Назар солсам ажал куйган маконим куйди.

Ҳасратларим маъво сари учар тўлғониб,
Оху зорим юлдузларни кучар тўлғониб,
Ишқ майини телба руҳим ичар тўлғониб,
Насиб этмас сенинг васлинг тунларим куйди,
Кўролмайин гул юзингни кунларим куйди.

Орифлардан сўрар эдим сенинг исмингни,
Эй, гул юзим, шаккок дема, кўрсат жисмингни,
Кўксим аро солар бўлдим, сенинг расмингни,
Ишқ майида сурат кўриб, жамолим куйди,
Шаккок дема, ҳақ йўлида камолим куйди.

ЯНА БИРИ ...

Ох, Алам сен кўксимни титма,
Ишқ тангриси тақдирим битма,
Дунёни оҳлари гулга айланар,
Бу ғариб дил суйиб сенга бойланар...
Бағримни заминга эқкандик баҳор.
Чинқирар бўлди у ҳақ дея наҳор...

ЯНА БИРИ ...

Нола-ю афғон этмайин, топшир танам, уч эй руҳим,
Фаришталар тезроқ бизга, садо қилар бўлса, қилақолсин.
Кўйида фано даштин, кезай бағрим тиконлар тилсин,
Чароқсиз кунларим мангу, ялдо қилар бўлса, қилақолсин.
Нетай, ночор, бу кўнгулни, васлсиз ишқ аҳли,
Маҳшаргача замин, жисим сазо қилар бўлса, қилақолсин...

ЯНА БИРИ

Андалиби бечора дил йиғлайур,
Излаб сени, овора дил, йиғлайур,
Дайри фано денгизига фарқ ўлиб,
Жунун ўлган садпора дил йиғлайур,

Оч, юзингни,
Оч, юзингни, уммоним,
Дунёга ўт кўяр бўлди фиғоним.

Кўзим сенинг йўлингдатур, нетайин,
Жоним сенинг кўлингдатур, нетайин,
Дарду - дунё ёритмоққа, йўқ имкон,
Дилим сенинг куйингдатур, нетайин,
Оч юзингни,
Оч, юзингни, нигорим,
Дунёга ўт кўяр, бўлди фиғоним...

Ш О И Р

Иблис кўздан ғойиб бўлди,
Тупроқни депсиб,
Туманликдан ул зот чикди,
Ҳижронга соҳиб.
Сипоҳ тортиб келаверди оҳанг тизилиб,
Нигоҳидан куйиларди илоҳий бир нур,
Кўз ёшларин гуллар каби дасталари хур.

ФАРИШТА

Мен мангу заминнинг тикон ва гули -
Ўшал инсонларга ёрман хайрихоҳ.
Иблис макон этр бутун заминни
Ўшал салтанатга ўт кўйур, ким, оҳ,

Эзгулик бурғусин ким чалар энди,
Ким бошлар уларни умид тахтига.
Хушёрлик маъбуди учсин айтигин,
Қулоқ солмасинлар шайтон ахдига...

Ш О И Р

Фаришта - умид-да бокди атрофга,
Ўрин бор не қилсин ташвишу хавфга,
Зулматга айланган дили ғашланди
Ногоҳон роҳатбахш бир куй бошланди:

ДЕВОНАИ МАШРАБ

«Барчага айлар насихат, ўзини доно этиб,
Йўлда қолган бекаму, бераҳ номоларни кўринг,
Зоҳирийда сўфиман дўб, тарки дунё айлаган,
Ботини данёга мойил, бахти қароларни кўринг.
Халқнинг кўзига ҳар дам суратин дигар қилиб,
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўринг».

Ш О И Р

Зарраларнинг дод фарёди тутди туш қасрин
Энди тополмаслар улар ҳеч қачон аслин...

ФАРИШТА

Одамзод ўз-ўзини қийнаган нукул,
Нафс эрур аждардай уни авраган.
У тангрига эмас, сен иблисга қул!
Заминда топтаган одамзод ўзин.
Ялонғоч дил билан сўзлайди аммо,
Тушунмас ул комил оталар сўзин
Тафаккур меросин сен қилдинг ягмо.

Минг йиллар қаъридан келган фарёдни
Тинглолмас қулоқ қар, кўзлари сўқир.
Қарагил, ундаги зотлар кўплари,
Қаргадек бир-бирин кўзларин чўқир.

Ўтганлар аксари сўзсиз - овозсиз,
Дилларин тушунган бўлса-да бир вақт.
Дил экан ҳаттоки бир-бирисини,

Сўзин ҳам тингламас, англамас, сен ҳақ!

Минг йиллар кечмиши ичра энг қабиҳ,
Бир олам яралмиш, ерда қиёмат.
Ҳар бирин минг битта расули бордир,
Фақат сенга қилур даслаб ибодат.

Жаҳонни тутган у асли нимадур,
меҳр у биласан, собит қадамлик.
Заминда бу замон поклик қолмади,
Эътиқод лашкари қилмоқда камлик.

Тош отса ҳой иблис сенинг муридинг,
Оқиллар пойида гулга айланган.
Ҳа бу кун сен баланд, баланд гуруринг,
Анда орифлар ҳам сенга боғланган.

Гул отсам тош бўлиб ёғилар энди,
Тангрининг меҳри ҳам қаҳрдур бу кун.
Сенинг салтанатинг кучлидир энди,
Сенга макон эрур энди қаро тун
«Уларнинг дилларин не қилди шайдо»
Сен иблис ҳар разил қошида пайдо!

ИБЛИС

Сўзинг ҳақ бариси, лек, ўзинг ноҳақ,
Эшитгил менинг ҳам энди сўзимни.
Сўнг ўзинг нутқимнинг маъносини чак;
Қарога буркама қаро юзимни.

Мен инсон зотини мажбур этмайман,
Йўлимга чорлайман, чорлайман, холос.
Бўйнидан занжир-ла боғлаб кетмоқлик
Биласан у зўрлик менга эмас хос.

Қарагил парранда-дарранда бари,
Минг йиллапр ўтса ҳам ўзгарган эмас.
Ҳаттоки бўри ҳам бу кун инсондай
Бир-бирин гўштини емайди, эмас!

Қарагил қушлар ҳам, тақдир қилинган,
Ҳаёти минг йилки ҳамон ўзгармас...

Фақат инсон эрур ёвуз бир махлук,
Ўз-ўзини етаклар қиёмат сари.
Айт агар сўзингга қулоқ оссалар
Кетишсин мангуга мендан ҳам нари!

Йўқ кетмас, кетмайди не қилай айтгин,
Чорламоқ вазифам, иблисмен, тушун.
Тун дединг, нафақат зулмат мен учун,
Ҳаттоки салтанат эрур ёруғ кун.

Улар шуни истар мендан ягона,
Ва охир ҳам кулиб бокди бахт.
Оламнинг ягона ҳукмронига,
Айланмоғим учун барча нарсаси тахт!

ФАРИШТА

Йўқ хали уйларинг барчаси сароб,
Муҳаббат гуллари унда сўлмаган.
Қара унинг жисми сўнган бўлса-да,
Аммо руҳ яшайди, демак ўлмаган.

ИБЛИС

Эҳтимол,
Эҳтимол, сўзларинг ҳақдур,
Эҳтимол камина буткул ноҳақдур.
Кўрсатар барчасин келажак тақдир.
Лек, тушун бир замон инсонни авраш,

Ва йўлдан оздириш мушкул иш эди,
Кўрдинг-ку эндици улар эзгулик,
Улашган соҳиблар бошларин еди.
Заминга боққил сен, айт ўзинг чин сўз,
Наҳот алар ичра комиллари бор?
Бу кун бир орифни кашф этар бўлса
Албатта эрта кун тикажаклар дор...

Ш О И Р

Маънос ўйга толар, яшил фаришта.

ФАРИШТА

Иблиснинг қули бор ҳамма ҳар ишда,
Лек, унинг сўзлари кўпи чин, афсус...

ДЕВОНАИ МАШРАБ

Бу ғафлатхонадир бедор қил, бандангни уйғотгил,
Агар каж йўлига кетсак, бизга тўғри йўлни кўрсатгил,
Хатому масъиятларни кўрайлик толба ўргатгил,
Тубанлаб кетмагай лутфинг билан бандангни кўрсатгил,
Фаррах бергил дилимга ояти тақвога еткуртгил...

ФАРИШТА

Оби ҳаёт эрур унинг сўзлари,
Ҳар сатри ҳумодай улашади бахт.
Тинглагил чорлайман яна мен уни,
Қулайди, қулажак иблисона тахт!

ИБЛИС

Йўк, ўтар барчаси, ўтар ҳаммаси,
Адашган кимсалар тутар дунёни.
Замин тахтларини эгаллар албат,
Хариф билар зотлар соҳиб-зиёни.

Аларнинг нафс эрур жононаси ҳам,
Аларнинг нафс эрур ҳамхонаси ҳам.
Аларнинг нафс эрур парвонаси ҳам,
Аларнинг нафс эрур дурдонаси ҳам.

Аларнинг қолдирган зурёди ҳам нафс,
Аларнинг тиклаган бунёди ҳам нафс!

ФАРИШТА

нечун сенинг доим қабиҳлик ишинг,
Наҳот, сен шу ишдан топурсан роҳат?!
Афзал эмасму яратган зотнинг,
Номини улуғлаб қилмоқ ибодат.

ИБЛИС

Сизлар тақдир дея айтдингиз боя,
Тақдир қилингинман мен ҳам эҳтимол.
Ўзимни тияман гоҳида базур,
Эзгу ишларингиз келади малол...

ФАРИШТА

Одамзод ўзи бир жумбок,
Яншига эргашмас, ёмонга илҳак...

ИБЛИС

Мана энди айбни менга тўнкамай,
Ўз сўзингни ўзинг, маъносини чақ!

ФАРИШТА

Афсус пушаймонда бир кун ўтади,
Лаҳзалик яшиндай умр асли.
Лек ҳануз ангилолмам ўшал жумбокни,
Томоша талабдур бу инсон насли...

Ш О И Р

Кўзларимдан оҳиста ўпиб,
Шаббодалар сочимни силар.
Гўё таним роҳат бағрига,
Чўкаётган ўхшаб туйилар.

Хорғин кўзим мудрай бошлайди,
Яшин мисол ўтар хаёллар.
Гўё таним силаб-сийпалаб,
Кимдир парвоз учун тайёрлар.

Енгил нафас олар вужудим,
Энтикади оҳиста юрак.

Кўзларимдан кетди мадорим,
Ол кўнглимни, асирла малак!
Тун малаги топширдим,
Роҳат бихш этар руҳимга маюс,
Мен ўзимни ўзим шоширдим,
Ёнсин дейман қалб оташин суст.

Оғушинга тортгил бу жисмим,
Токи, сен бор очунда яшай,
Олгил руҳим не десанг, ул шай!

Қазойи қадр келгунича то
Кутажакман ҳар куни филҳол,
Мана менинг жисмим қаршингда,
Тун малаги асирингни ол!

Насиб этсин менга шундай кун,
Насиб этсин менга бир оят.¹
Олгил руҳим кел-эй, кела қол,
Кўрсат унга, машраъхидоят.

Фалак тулғоқ аро... Учар юлдузлар...
Ой бота олмайди, нигун, бўзариб,
Мангу кетмоқликка қўймас туш қасри,
Рухим чиркиллайди, ғарибдан - ғариб.

Шуълалар майсага тўкилган дурдек,
Рухимни авайлаб ерга учурлар.
Малойиклар яна мен-ла заминга,
Шивирлаб-шивирлаб ниҳон кўчурлар.

1. Оят - мўъжиза

Хўрозлар қичқирар узоқ-яқиндан,
Итларнинг хуриши тийилар аста,
Тонгни уйғотаётган қушлар жўрида,
Ўша таниш оҳанг янграр шикаста....

Фалак меҳробида ёқилган шамдай,
Бир-бир ўча бошлар юлдузлар нури,
Ойнинг ҳам бўзариб оқарар юзи,
Тонг отар заминда нимадир камдай.

Майсалар бағрида биллурдек ёниб,
Куёшнинг нурида эрур шабнамлар.
Неларга гувоҳсиз айтинг бу сирни,
Тун бўйи ёнган эй, шохидлар-шамлар?

Кипригим недин нам, юрагим беҳол,
Гўё у йўл ёриб олмоқдадир дам.
Ёстигим остида ётган китобнинг,

Недан у,
Не учун варақлари нам?
Туш асри,
Қайдасан?
...Йўк, мен қайдаман?
Бу тушми?
Ўнгим у. бўлса...
Йўк.. Наҳот?
Чимчилай бошлайман тишлаб бармоғим
Оғрир у...
Оғримас...
Телбаман...
Хайхот?..

Савдойи бу уўнгил недан озурда,
Ақлимни лол этган туш қасри қайда?

ИБЛИС САДОСИ

Жунунга ўхшамай десанг магар сен
Хаёлингдан кўрган тушингни ҳайда!

Ш О И Р

Наҳот бу ўзимнинг сўзларим бўлса,
Йўк, бу не оятдур сирли жисмимда?

Туш қасри қайдасан, тушунтир ўзинг,
Танамда икки жон нечук қилур жанг,
Барини унут дер барисин мангу,
Унутсанг дер бири холинг мангу танг!

Эй фалак, бу не сир, жунунлик боши,
Шундай бошланурми, бу не айт, ҳолат?
Ўзим, ўзим билан нечун суҳбатда?
Нечун туш қасрида эмасман. Ғалат...?

Йўк, яна фикрлар мени чалгитар,
Бу не ҳол руҳимни занжирлаган ким?
Ичимда у жоннинг бири
Наҳотки, рост бўлса...
Шайтондир балким...

Хув қуёш оҳиста кўкни ёритиб,
Уфқ узра нурларин сочар жойнамоз,
Шу тобда эй, воҳким, янграр минордан,
Туш қасрин оҳангга тўлдирган овоз...

Шамол ҳадя этди ҳушимни,
Хотирамда яшар дардли ҳис.
Офтоб кўкка чиқишдан олдин
Уфқни ўпиб чўкаётир тиз.

Тонг ҳам отди, тундан зулматроқ,
Ёстиғимга кўз ёшлар инган.
Бу оламда муборак зотнинг,
Ишқ савдоси - фарёди тинган.

Кўнглим мулкин айладим баён
Хотиралар сўйлар афсона...

ФАРИШТА САДОСИ

... Йўк, туш қасрин борлиги аён,
Фарёд чеккан зот ҳам ягона...

Ш О И Р

Эй яна мен сўйлайман,
Бари бир туш... чарчаган руҳим.
Ким айтаркан фоний дунёда,

Нималарга ишонмоқ муҳим?!
... Чарчади...
... Чарчади ...
... Чарчади... руҳим...

Кимга?
Нима учун?
Ишонмоқ муҳим?

Ўзимни идора қилолшмайман ҳеч,
Руҳим хаёлларга тушмишдир асир.
Бу ўйлар қай ердин келмиш билмайман,
Мен кимнинг измида, ким қидур таъсир?!

Ичимда икки жон, икки рақибдир,
Бири бирисини қилурлар инкор.
Иккисин сўзига қулоқ солдим лек,
Иккиси қилдилар мени гуноҳкор!

Мўъжизалар олами фалак
Кўйлагидан нур сочилади.
Замин мулкин ғафлат босганда,
Арш тоқида сир очилади...

* * *

Асфия - пок кўк насими борлиғимни ўрайдур,
Шаффоф бадан кўринмас хур сочларимни силайдур,
Воқифидан огоҳ яна «раббинг ким?» деб сўрайдур
Раббим ишқдур, -
Соҳаб маъво,
Соҳиб замин дилоро....

Насим недур?
Сабо недур?
Шамол недур?
Ел недур?

Ишқ парисин канизлари, валийлари алардур,
Алар вужуд ботинини қиладурган саришта.
Алар замин туфроғига лашкар туртган фаришта, Тафтиш
этур жисму-жонинг ҳам ботинан, зохиран,

Маҳв этурлар қалбим, руҳим барин сўрақлаш вожиб,
Афторимда шивир-шивир, рақс тушарлар гўянда,
Дорулбақо бу не оят, бу не ҳолатдур ажиб?

Насимларнинг шивирлари қуйим, оҳангми, сўзми?
Оҳ чексам ҳам бўғзим тилиб яна бир ел шивирлар.
Наҳот алар вужуд сирин кўкка ҳар вақт элтгучи,
Дорулбақо бу не асрор, жисмимда жон жимирлар...

Демак, инсон жисму-жони то тирикдур назарда,
Қалб асрорин шивирлаб ел, ошкор қилар ҳар ишда.
Истиғфор айт, жонинг сенинг мухтасиблар измида,
Аср этмишдур қадду долинг, сохиби дил фаришта.

Ажаб маъво кўнглим бу тун муътақидга айланди,
Малойиклар олиб жисмим парвоз учун шайланди,
Туш қасрида сойир руҳим руҳи - қудсга бойланди,
Еллар яна менла бирга замин сари елдилар,
Деразани очгил руҳим, фаришталар келдилар...

Бу оятлар замирида не чин айтсин, ер маъво,
Малойиклар лайлу-наҳор жисмим аро елурлар.
Жунунона бу кўнглима ким ҳақим топсин даъво?
Деразани очгил руҳим, фаришталар келурлар...

Майли, биздан кулсин, вале бари қалбим фарёди,
Илҳом номли илоҳий руҳ, нозил этган хитоби.
Дилимда ул муътабарук руҳи пок зотнинг ёди
У мангудир, мангудир ишқ - муҳаббатнинг китоби!

Музиффар АХМАД

САРАГУЛИ

Шеърӣ ҳикоя

БИРИНЧИ ВОҚЕА

1

Сарагули «Тезёрдам»да олиб келдилар...

2

Ғўжанак бӯп инграр Сара бикин чангаллаб,
Ичкарида жой йўк эмиш,
Ётди оғизда.
Назар дўхтир:
- Кўричак бу... - деди бир қараб. -
Жарроҳхонани тайёрланг... - деди оҳиста.
Қаловланиб турар, ана, кемшик тишли эр,
Ғўзанинги, заҳарнингми ҳидин анқиб:
- Аперайса учун... дўхтир, пулимиз йўк, - дер.
Назар дўхтир бир дўк урди ичкари ўтиб:
-Қайси овул одамисан?
Омонӣўлданми?
Хотин деган ахир керакми, жўра?
Ундай бўлса, топиб кел қон, дори-дармонни!
Ё пул келтир! Зудлик билан ҳаммадан сўра!!!

3

Эр жўнади келган йўлдан изига қараб,
Хаёлида - бир сумка пул... хотин...болалар...
Қанча деди?
Қайдин топсин?
Кимлардан сўраб?
...Уйда уни жовдир кўзлар кутиб оларлар.
У тўлғонар,
Тун тўлғонар,
Тўлғонади тонг.
Қўра кўзга келаверар ўй сурган сайин.
Каттасига овоз қилар:
- Сут соғ, Гуландом,
Сўнг... сигирни мен қассирга элтиб кўрайин.
Гуландом қиз онасининг кўйлагин кийиб,
Қўра томон юриб кетар, қўлида челақ...

4

Дурди қассир анча турди қовоғин уюб:
- Э-э, Адилвой!..
Шу бугунми?
Хўп, қанча керак?
- Икки юзми, уч юз бўлса, ҳозирча етар...
-Икки юз минг?! Оғзи билан айтдимми шуни?
- Йўғ-е, энди, чорак қисми дорига кетар,
Сўнг, ўзаро бўлишар-да қолганларини...
- Ма, олиб бор уч юз мингми, етмаса агар,
Эрта-индин рансга ҳам бирга қирамиз.
Сигиринги етаклаб кет, уят-ку жигар,
Минг йилдирки Омонӣўлда бирга турамиз...

5

Адилвойнинг киприқлари қайноқ ёш ичди!
Сигирни апил-тапил боғлаб қўрага,
Қўшнисидан мотти1 олиб, шаҳарга учди,

Кириб борди «Назар дўхтир» деган хонага!
Назар дўхтир пулни ҳатто санамадиям,
Менсимади камбағалнинг кўпонин зинҳор!
Усталининг ғаладонин очди-да илдам,
Ғиштдай пулни пақ-қ эттириб ташлади маккор!
Кўзларини узоқ юмиб, пишиллаб дами,
Неларнидир минғир-минғир қилди бу тўра:
- Кеча агар ўн беш минут кечиккандами,
Етти боланг етим қолар экан-а, жўра!
Ухлашга ҳам вақт бўлмади,
Бунда қолувдим,
Туни билан қутган бўлса керак мени уй.
Иш қаерда?
Ҳа, ўзим ҳам тахмин қилувдим...
Бир, кўриб чиқ хотинингни,
Оқ халатни кий!
Қатик опке! Товуқшўрва! Сарёғ! Мандарин!

1. Мотти - Омонӣўл шевасида мотоцикл сўзининг қискартирилган шакли.

Қувон, ахир,
Ёринг қайта дунёга келди!
Адил ҳайрон йўргалади тўрга, ичкарин:
«Бу қаззобнинг мандалина чертгиси кепти!..»

6

Ана, хотини!
Воҳ, Сараси ётибди, оп-поқ!
Чойшаби оқ! кўйлаги оқ! оппоқ бир чаман!
Уч юз мингми, Назар дўхтир, э Назар аҳмоқ
Уч миллион сўра мендан, топмасмиканман!
Бир жилмайди -
Олам гўё бўлди чароғон!
Неча сўм деб нархлайин бу табассумини?!
Сигир гапми, соғай, хотин!
Бурним билан ер сурмасам,
Эр дема мени!..

7

Ҳафта ўтди.
Мандалина кетди-ку чириб,
Лекин хотин қадам босиб чиқяпти,ана!
Адил Сара бир-бирининг пинжиги кириб
Назар дўхтир хузурига турибди, мана.
Назар дўхтир,
Назар ака, одам эмасан!
Одамга жон улашувчи Ҳизрсан чоғи!

Назар дўхтир мингиллади:
- Мақтайверма сен,
Хотинингга яхши қара бундан буёғи...

Сўнг, усталнинг ғаладонин очиб, бемалол,
Пақ-қ эттириб қўйди... ғиштдай... ўралган қоғоз..
- Уч юз мингми келтирганинг?

Санаб-санаб ол,
Эллик мингта дори-дармон топдирганман, росс...

Кўзин юмиб, нимагадир берган каби тан,
Минғирлади кўп гаплардан бўшатиб ичин:
- Ҳамма-ҳамма одамдан ҳам олавермайман,
Бир қўлимни кесганман мен
Сендайлар учун!..

ИККИНЧИ ВОҚЕА

1

Тубсиз жарнинг ёқасидан қайтган Сарагул
Тузук ҳозир.
Чиқиб юрар эшик-орага
О, Сарасиз - қизирмиди овулда буткул
Биронта тўй, бирон йиғин, бирон маърака?!
Мана,
Куни кеча Ҳамид безноснинг кизи
Дўхтир бўлиб қайтган экан Тошкет шаҳридан,
Икки кундир,
Қутловчининг узилмас изи,
Дипломтўй бу! -
Шундай бир тўй чиққан янгидан.

Туни билан ёшлар ўйнаб-қулдилар кеча,
Тинмади сўз, кўшиқ, қадаҳ, куй жаранглари.
Бугун кимлар келмади, у!..
Кечкурун эса,
Овулнинг бор хотин-қизи жамланди бари.

Яқуний базм.
Сарагул ҳам келди уйдан.
Курсок ости жиз-з-лар хануз ўтирса-турса...
- Сара келди!
- Омонмисан, опанг бўйингдан!
- Изингдан ҳам боролмадик...
- Етар, соғ юрса!

2

Китобхон дўст,
Энди битта изоҳ, эслатиш:
Сарагул - шу овул кизи, содда! ўт! қувнок!
Хотин йиғин қизимай турса - не ғам, не ташвиш -
Сара келсин! -
Кулгу босар ҳарённи шу чок...
О, овулнинг аёллари! шаддод! олов-а!
Лекин, Сара - бу бошқа гап,
Бор бўйи - кулгу!

I. Бизнес сўзининг омонийлча бўзиб, талаффуз қилингани.

У сўз олса,
Эргаш, йўк, йўк, Роза Каримова
Индаёлмай қолар дейман,
Шундай бало у!
Тақлидчи у!
Кулавериб эсинг толади,
Кочолмассан унинг синчков кўзидан нари.
Мен бўл десанг - худди ўзинг бўлақолади,
Қарс қоқтирар овоз, қилиқ, ҳаракатлари.

3

(Битти мисол:
Справками, не бўлиб боис,
Сара бир гал борган колхоз идорасига.
Эрталабки вақт.
Одамлар кўп.
Сергайрат раис
Ўтаётиб тўрғи эшик - ўз хонасига
Салом-алиқ қилган.

Сара кузатса секин
Раис кўзин махфий-махфий қисган, билдирмай.
Кимга имо?
Буни ҳеч ким сезмаган,
Лекин
Нозли-нозли қилпанглаган котиба...
Ҳай-ҳай!..

Шу саҳнани Сара бир кун намоиш қилди:
Наврўз туни, қозонбоши, сумалак, гулхан.
Сара талабларга кўра гоҳ раис бўлди,
Гоҳ котиба бўлди...
Ҳамма мириқиб кулган!

Уч кун ўтиб...
Кувлаб қолди Сарани Адил,
Қўлларида таёқ ҳам бор, ана томоша!
Наврўздан сўнг раис чорлаб олиб, беҳазил,
Идорада тузлаган-да Адилни роса...)

4

Унда баҳор эди.
Бугун Ҳамид безноснинг
Кизи юрар кўкдан тушган юлдуздай бўлиб.
Энасини кўриб қолган каби ўзининг,
«Сарапа!»лаб шундай кучди орқадан келиб!
Дод-вой солди Сара!
Сўнгра қутлади кизни,
Бахт тилади, тахт тилади, тилади куёв.
Ва, икковлон шивир-шивир...
Э, бундай сўзни
Сиз ҳам, биз ҳам эшитмайлик, билмасин биров...

5

Энг қалтиси - зиёфатнинг сўнгида бўлди,
Шиша билан солди Анор бизнинг Сарани,
Бу ҳамманинг юз-кўзи ўнгида бўлди,
Бир бой хотин қон қақшатди бир бечорани...

6

Энди яна бир урфни мен изоҳлашим шарт, -
Табақалаш бўлади-ку шаҳар тўйида,
Овулга ҳам кириб келган ҳозир шу одат,
Камбағалми, жойи - адан,
Бой - тўй тўрида!

Бу тўйда ҳам шу одатни қаттиқ тутдилар,
Икки давра-табақага бўлиндилар зап:
Бой хотинлар тўрғи айвон томон ўтдилар,
Пастги айвон - келим-кетим, хизматкордай гап...
Тўрғи айвон: қадаҳларнинг биллур жаранги,
Пастги айвон: шивир-шивир, бозор, нарх-наво,
Тўрғи айвон туфлилари янгидан янги,
Пастги айвон - ...
Узр, китобхон, асл муддао -
Сарагулга ўтирар жой белгилаш эди,
Бу аёлга муносиб, хуш, қайси айвон?
Юлдуз унинг қўлларидан тўрға судради,
Пастда эса жовдиради барча кадрон!

Йўк, ўз қадрин яхши билар овул аёли,
Сара пастга чўкди:
- Мени қийнама, Юлдуз!
Юқорида дакки ейди пастнинг мақоли...
-Тўрға ўтинг! - деб қистарди ҳамон дўхтир киз.

Эҳ, дўхтирқиз, жоним синглим, ёшсан сен ҳали,
Икки-уч йил ўтсин, қани, турмушга ҳам чик,
Эринг - кимдир, бу юқори опанглари бари
Баҳойингни айтар шунда очикдан очик!
Яхшиси, бор, ўша баланд айвонга ўтгин,
Ўтириб ол оғзи тилла онанг ёнига.

Бой опанглар гапларига кулоғин тутгин,
Қандай тилак айтадилар сенинг шаънинга...

7

Сарагулнинг хаёлини уккандай, Юлдуз,
Юқорига бир боқди-ю, жийрди бурун:
- Мен уёққа чикмайман, ба-увв!,
Сиз чикмасангиз,
Мен сизларни соғинганман, Сарапа,
Бурун
Бўлиб ўтган кулгуларни унутмадим ҳеч!
Эсингизда борми, бизга тут қоқардингиз,
Ўт орқалаб, чеканкадан қайтган чоғи, кеч...
- Иийй, У йиллар...
Тўхта, биров сўз олди, Юлдуз...

8

Ха, бу вақтда баланд айвон томонда: қуй! қуй!
Тўлдир! бўлди! - деган шовқин кучайган эди.
Даврабоши бўлган аёл:
- Жим бўлинглар, ҳўй!
Қадаҳ сўзин Аноржондан тинглаймиз! - деди.

9

(Овулдаги шишка2ларнинг бири - шу Анор,
Қайси жонон дим шўх бўлса - бу ундан шўхроқ.
Раис билан қандайдир бир яқинлиги бор,
Сирдошми ё ошиқ-мошиқ... шунга ўхшашроқ.

Наврўз туни Сарагулни илҳомлантирган
Қилпиллама аёл бор-ку,
Исми Малика,
Синглиси шу, кўчиртириб келган шаҳардан,
Жойлаб қўйган уни Анор котибаликка.

«Анор Маликанинг эрин ўлдирган...»
Деган гап бор, ростми-ёлғон - билмаймиз бизлар.
«Прокурорга бир ховлининг пулини берган...»
Э-э, миш-мишнинг уйи куйсин!

1. Ба-ув деган сўз идеоматик товуш-сўз бўлиб, менсимаслик, масхаралаш маъноларини англатади.
2. Шишка деб омонйўлликлар ҳаром йўл билан бойиған одамларни атайдилар. Агар одам ҳалол пул топиб бойиған бўлса, унга нисбатан ҳеч қачон бу сўзни ишлатмайдилар.

Аноржон сўзлар:

- Юлдуз - бизнинг Омонйўлнинг юлдузи гули,
Эпчил! билгир! ўқишга ҳам ўзи кирган, ҳа!
Ёнга қолди Ҳамидбойнинг бир «Волга» пули,
Бу қиз - занит! Келин бўлар менинг уйимга!
Бизнинг Боря, хабарингиз бор-ку, Нархозни
Келаси йил тамомлайди, худо хоҳласа.
Бир тўй қилай - ҳамма кўрсин Анор опангни!
Ўтган кунни телпўн қилди қийналиб роса!
«Ҳа, Бахтиёр?!» - десам, бурни шўлк-шўлк боламнинг,
Имтиҳонга қўймаётган экан домласи.
Яна бирин бер деганмиш туркман гиламнинг,
Порага дим ўрганган-да, улар ҳаммаси!
Нима берсанг, сўрайверар ўшани яна,
Нечта гилам бердим, тагин нечтаси кетар?!
Болам пақир нима қилсин? Бошқа илож на?
Берамиз-да, қўлга диплом ушлатса, етар!

- Хуллас, гапнинг тўқэтари шуки, Юлдузой,
Боря келиб қолар ўзи эртами, бугун.
Гаплаш, сени кўрсин, маъқул келсанг, хойнахой,
Тўйни бошлаб юборамиз икковинг учун!

11

Икки айвон аҳли аро бўлди бир кулгу,
Икки айвон кулгусида икки хил маъно!
Ўзбекларда «совчи» деган сўз бор эди-ку,
Анор опа унутдими шуни, ажабо?!
Бор-ку ахир кизболанинг кўнгли деган гап,
Қадр-қиммати, ноз-фироғи, шаъни ва диди...

12

Шу он Юлдуз дикка турди ўрнидан сакраб,
Важоҳатин кўрган киши кўркқулик эди!!!
Ким айтади гурусиз деб қизларни ҳозир?
Юлдузнинг ҳам кўзларида чақнади олов!
Тўмарису Тўрабекалар кўзида ахир.
Шундай олов кўриб, бир пайт қочганмасми ёв?!
Бу - ор ўти! номус ўти! қизлик гурури!
Бу ўт кодир дунёларни ёндирмоққа ҳам!
О, қанчалар шиддатланар бу олов зўри,
Қиз гуғурин ўзга қимса таҳқир этган дам!
Мана, Анор билибми ё билмасдан ўзи,
Сачратганди бир маъсума киз шаънига доғ,
Қалб шишасин чил-чил этди энг сўнги сўзи,
Иззатини муҳофаза қилди киз шундоқ:

13

- Анор опа!
Сиз бердингиз кўнглимга шикаст!
Кўтарилсин энди барча қизб, ёлғон, риё!
Билмайсизми, гиламларни имтиҳонгамас,
Сотиб, доллар ишлаш учун олдирди Боря!
Билмайсизми нечта қизни ўглингиз алдаб,
Боқиралар ифғатига зомин бўлганин?!
Сўнг уларни жарроҳларнинг олдига судраб,
Ҳомиласин олдирмоққа мажбур қилганин?!
Жарроҳлар ҳам анойими?
Ишингни қилиб,
Хизмат ҳақин олар фақат валюта билан.
Боря эса сизнинг содда феълингиз билиб,
Доллар топмоқ йўли шу деб, бу ўйин қилган!

- Тўхта, Юлдуз, шунча гилам?..
- Шунча қиз, демак!
- Ўқиши-чи?
- Ўқишини билмаймиз бизлар.
Дафтар ушлар эди икки-уч йил аввалроқ,
Сўнг... қаерда кўрсак уни - ёнида қизлар...
- Аборт дединг... аниқлайлик бу гапнинг изин,
Хўш, қани айт, қандоқ маълум бўлди бу сенга?
Ё... тўшакдош бўлгандирсан унга сен ўзинг?

14

Қиз кичкирди:
- Ўғлинг келиб ялинган менга!
Олдинги йил, бўсағамни сув қилди йиғлаб,
Деди: «мен бир ёш бошимга орттирдим бало!
Таниш жарроҳларинг кўп-ку, гаплашиб бер...» - деб,
Пичоқ билан кўрқитарди мени ҳам гоҳо!
Овулдош деб, ёрдам бердим биринчисида,
«Янглишгандир, дедим, энди ўзини тутар...»
Афсус!
Баъзи жарроҳлар ҳам пулнинг исидан
Бир ҳид олса - иштаҳаси очилиб кетар!
Сўнгиларин Боря ўзи гаплашаверган,
Олиб борган қанча юкли қаламқошларни.

15

Фасод дунё! фарёд дунё! шунча шафқатсиз!
Сайраб турган Анор бирдан ўтирди-қолди.
- Энди навбат кулгуга! - деб қасоскор Юлдуз.
Ўртадаги микрофонни қўлига олди.

- Омонйўлнинг аёллари! - деди чақнаб у, -
Бир ажойиб иш қилайлик ҳамма бўлиб жам.
Сизлар мени маъқулланглар, илтимосим шу,

Битта одам сўзлар энди, у ҳам - Сарапам!
Мен Тошкентдан қайтишимда атай унинг-чун
Бир видеокассетани олганман, тоза!
Шуни ният қилган эдим, бизларга бир кун
Етганида Наврўздаги қулгу, овоза:
Яъни, ўша кассетага, бошидан оёқ
Сарапамни гапиртириб ёзиб оламиз!
Бу - тарихий воқеа бўлар, баридан кўпроқ
Авлодларга зўр эсдалик қолар, шубҳасиз!
Энди араз-гиналарни эсламанг зинҳор,
Ҳамма хотин ёзилишиб, қулиб ўтирсин!
Сарапамдан илтимосим шу: овулдаги бор
Одамларнинг овоз-қилиғин ўхшатиб берсин!!

16

Пастдаги айвон бирдан тўлди!
Ҳамма шўх-шодон!
Кулгу, қарсақ, қийқирикни кўрсангиз эди!
Юлдуз:
- Жасур, укажон видеони тўғрила бу ён,
Ичкаридан мен кассета опчиқай! - деди.

Уч-тўрт аёл Сарагулни тортди ўртага!
Сара додлар, чинқиради киндигин ушлаб!
- Чик ўртага!
- Вой-вой!!
- Бизни алдар жўрттага!
- Оғриётган жойингни айт, қўяйлик қашлаб!
- Кани, мен бўл!
- Мендан бошла!
- Йўк, мендан! мендан!
- Додлайверма! қизмисан бир!
- Етар шунча ноз!

Шу лаҳзада... (ким кутибди?)
Тўрғи айвондан
Эшитилди:
- Сара! - деган эркачка овоз!

Тўрғи айвон пастдагидан беш қарич баланд!
Тўрғи айвон қандиллари бошқача ёнар!
Тўрғи айвон, ўрта - зина, панжара ва банд!
Панжарага қўлин тираб турарди Анор!

17

- Қўйворинглар! қани, Сара, бир кел-чи, бу ён,

Паст айвоннинг хотинлари жим қолди, ювош..
Сара секин одимлади Анорга томон,
Қадди буқик, кўзларига тўлган эди ёш..
- Наврўз байрамидан берли кўрмодим сени,
Ёки ўзинг мендан қочиб юрибсанми, айт!..
- Икки марта йўқлатибсиз, жон опа, мени,
Борай дедим, қўлим теккан эмас бирон пайт.
Болаларнинг кир-чирини айттайми, ёки
Пахтаними, пилланими, мол-тезакними?
Дўконларнинг очиртини айттайми, ёки
Қазноқларда бўшаб ётган ун-кепакними?
- У гапни қўй! Ўйладингми, чақирдим нега?
- Уйингизда қотгандир-да тандир-тандир нон!
- Оппоқ ноним энди ҳайфдир болаларингга,
Келиб-келиб, ўйнайсанми Маликни,ҳайвон?!
- Дугонам-ку, мен ўйнасам, ўйнайман кунда,
Ўзи хафа бўлган эмас ҳеч қачон мендан.
- Б..ни ебсан! масҳарабоз! бўлмаса, унда
Тошкент кетиб қолармиди у алаmidан?!
- Малакасин оширишга кетган эди-ку!..
- Чидолмасдан кетди сенинг мазоқларингга!
Сен, ичкара, бошқа ишни қилгансан орзу -
Ўйинингнинг кинояси - аслида менга!!!
- Жоним опа! тувбо этдим! минг тувбо этдим!
Кўричак ҳам бўлиб чиқдим яқинда... ҳол йўк!..
- Қийналдингми?

- Дим қийналдим! эзилиб кетдим!
Ўлай десам, менга тайёр турган ажал йўк!

- Ичинг ёниб кетяптими?
- Ёниб кетяпти!
Уйни бўм-бўш кўриб баттар қақшайман зор-зор!
Умрим фақат илтижолар билан ўтяпти,
Хаёт - кино! Чикай десам - болаларим бор!
- Азобларинг тугаб қолди, сабр қил, сабр,
Қўлингга ол микрофонни, бор дардингни тўк!
Неки тилақларинг бўлса, айтиб қол ҳозир,
Бундан бошқа энди сенда сўз имкони йўк!
Фақат ўзга ролга кирма, ўзингни ўйна,
Сенинг асл башарангни кўрайлик биз ҳам!

18

Сара ростдан микрофонни олди-ю қўлга:
- Омонўлнинг аёллари! - деди хотиржам. -
Мен сизлардан асло хафа эмасман, чин сўз,
Мен розиман...
Сўнги кунлар...
Тўйдим жонимдан...

- Хўв-в, шошманглар! -
Қаёқдандир сас берди Юлдуз, -
Кассетамни топиб олай жомадонимдан!...

- Мен розиман дўхтирлардан, барчангиздан ҳам,
Фақат, манов - устда турган аждарҳо-илон
Тилақ тила деб қўймайди шу ерда, шу дам,
Айтсам, айтай!
Қўлни очинг, аҳли мусулмон!
Тилагим шу: сизлар асло бўлманглар касал,
Худо сизни йироқ қилсин касал-пасалдан!
Бу дунёда кимки бўлса камбағал,
Бор касаллик қочаверсин шу камбағалдан!
Яна битта тилагим бор:
Ким бойман, деса,
Оёғидан оғзигача ёпишсин касал!
Овмин десин шу сўзга ким мусулмон бўлса,
Оллоҳ акбар!
Мен тайёрман!!
Келақол, Ажал!!!

19

Ажал тайёр турган экан,
У шиша бўлиб
Бош қўймишди Аноржоннинг оёқ-пойига.
Анор... Анор...
Шу шишани...
Олди эгилиб...
Ва..
Бир солди Сарагулнинг қоқ манглайига...

20

- Шошманг, опа!
Кассетани топдим мен, мана! -
Учиб келди шундай дея узокдан Юлдуз.

Панжарага қўлин чўзиб ётарди Сара...
Икки айвон хотинлари лол турар, сўзсиз...
Атроф -
Чил-чил шишаларнинг қонли парчаси...
Юлдуз:
- Не гап? Нима бўлди? Ким у? Ким? - дерди.
Танглайига тил, тилчаси ёпишган Жасур
Видеони аллақачон ўчирган эди...

УЧИНЧИ ВОҚЕА

Сарагулни «Тезёрдам»да олиб келдилар...

Низомиддин ИКРОМОВ

САНЪАТКОР МАЪНАВИЯТИ - ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Узоқ йиллардан бери халқимиз яратган ва ўзимиз ижод этган мумтоз ашулалардан ижро этиб келаман. Элимиз севган Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Шокиржон Эргашевдек ноёб истеъдод эгаларига шогирд тушиш, биргаликда халқимизга хизмат қилишдек бахтга муассар бўлганман. Минг афсуслар бўлсинки, энди улар орамизда йўқ. От изини той босар деганларидек улар ўрнига Муножот Йўлчиева, Шерали Жўраев, Ҳасан Ражабий, Очилхон Отахонов, Муҳаммадjon Каримов ва бир қатор ёш хонандаларимиз майдонга чиқишдики, улар билан фахрланмай илож йўқ. Янаям муҳими - мустақил давлатимиз улар санъатини ўз вақтида муносиб баҳолаб, эъозлаб келмоқда. Ундан ташқари кўплаб қўшиқ байрамлари, хусусан, «Ўзбекистон - Ватаним маним» Республика кўрик танлови ўтказиш аънамага айланди. Кўрик-танлов жараёнида юзлаб халқ истеъдодлари юзага чиқмоқда. Шунингдек, санъаткорларнинг барчасининг бошини қўшувчи «Ўзбекнаво» концерт-гастрол бирлашмаси вужудга келди. Булар барчаси ҳукуратимизнинг хушовоз, моҳир санъат соҳибларига кўрсатаётган катта раҳномалиги. Сўз ўрни келганда айтай, энг юксак мақомга эришган алоҳида санъаткорларимиз учун «Ўзбекистон халқ ҳофизини» деган унвон таъсис этилди, ҳаттоки орамизда Навоий номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлган вакиллар бор. Юртимиз Президентининг бу каби хайрли ҳомийлигига таҳсин айтгинг келади.

Мен ўзим Халқ таълими вазирлигининг маданият уйида бадий раҳбарман. Оллоҳга шукрки, бир қатор муносиб шогирдлар етиштириш ҳам каминага насиб этди. Мен уларга доим уқтирадиган битта ўғитим бор: илоё барака топкурлар, балки жуда катта, таникли ҳофиз бўлиб кетишларинг мумкин. Лекин ҳеч қачон сиздан кўра сизни эшитиб турган одамларнинг ақли паст бўлмайди. Шунинг унутманг: томошабиннинг зеҳни энг катта ҳакам. Шу сабабдан ҳеч вақт чучмал қўшиқ айтманглар - тезда назардан қоласизлар.

Кўп вақт ўтгани йўқ, «Халқ сўзи» газетасида «Сўз ва соз» деган мақола ўқидим. Мақола муаллифи ғоят зукколик билан қўшиқчи ёшларимиз ижро этаётган матнларни таҳлил қилади. Ҳаммалари ҳам шундай мақолаларни ўқиб, тўғри хулосалар чиқаришса кошқи эди. Шояд бачкана қўшиқлар ва бачкана қўшиқчилар сафи камайган бўларди. Улуғ аънавалар билан яшаб келаётган санъатимизга путур етмасди. Негаки, санъат соҳибининг маънавияти ёшлар маънавияти, савиясига бевосита таъсир кўрсатади.

Элимиз ардоғида яшаб ўтган улуғларимиз шакллантирган санъат қадрияти, маънавияти аънавалари бор. Шунга содиқ бўлайлик. Бу ҳам тарбия воситаси. Ахир ривоятларда келтирилганидек охир қиёмат замонида ҳам Исрофил сури навоси билан ўлик танларга жон кираркан. Шундай буюк аҳамиятга эга қуйимиз, қуйимизга эш сўзимизга мудом масъул бўлишлик барча ижодкорлар сингари қўшиқчиларнинг ҳам дастурига айланиши керак.

МУСИҚА - НАФОСАТ ШАРБИЯСИ

Муסיқа санъати ахлоқий-эстетик тарбиянинг муҳим омилидир. У ёшларни шахс сифатида камолотга етказишда муҳим восита ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг муסיқа санъатини қизиқиш ва ҳавас билан ўрганиб, бажаришларига дастлабки йиллардан бошлаб санъат орқали уларда ахлоқий-эстетик хис-туғиуларни ўстиришга, онгли ва ҳиссий идрок этиш малакаларини тарбиялаб боришга жиддий эътибор бериш лозим. Чунки ўқувчиларнинг мактабда тўплаб борган муסיкий таассуротлари, эгаллаган билим ва кўникмалари муסיкага нисбатан пайдо бўла бошлаган ҳавас ва қизиқишлари уларнинг кейинчалик муסיқа санъатига бўлган ижобий муносабатларини шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Натижада ўспиринларнинг муסיқани қабул юксак бўлади. Муסיқавий истеъдодларнинг иқтидор булоғи вақтида очилишига имкон туғилади. Санъатдан ажиб завқ оладиган, гўзаллиқни хис этадиган, нафосатга интиладиган кишилар шаклланади.

Шубҳасиз бу муסיқа дарсларининг қай даражада мазмунли ташкил этилганлигига боғлиқ. Бунда, айниқса ўқитувчи ўз ўқувчиларини муסיқа сеҳрига мафтун қила билиш орқали нафосат сари етаклай бориши ва бу йўлда қуйидаги омиллардан самарали фойдаланиши лозим:

- болаларнинг муסיкага нисбатан ижобий муносабатини тарбиялаш;

- дарсда ҳар бир куй ва қўшиқни, муסיқа ҳақидаги ҳар бир маълумотни ўқувчилар томонидан завқ ва қизиқиш билан қабул қилинишига эришиш;

- қўшиқни тоза, соф хушоҳанг куйлаш;

- муסיқани диққат билан тинглаб, ҳиссий идрок этиш;

- дарсда турли муסיқий ўйинлардан фойдаланиш ва ҳоказо.

Шу билан қўшиқни айтишдаги овоз характери, ижрочининг кайфияти ҳамда ижро этиш услуби ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демак, характер ва мазмун жиҳатидан турлича бўлган қўшиқларни бир хил кайфият билан ва бир хил усул билан ижро этиш асло мумкин эмас.

Ўқувчилар биринчи синфнинг дастлабки дарслариданок муסיқа тинглаш маданиятига ўрганиб бориш зарур. Албатта, бунинг учун муסיқа устозидан бир қанча маҳорат сирларидан воқиф, меҳр чашмаси ҳаддан тошган бўлиши керак.


Ахир муסיқа тинглаш, ёш юракларнинг ахлоқий-эстетик хис-туғиуларини, тушуначаларини ва дидини ўстиради. Дунёни гўзал рух билан кўришга ўргатади. Демак муסיқа сабоқлари, дарслари фақатгина қўшиқ айтиш, муסיқа тинглаш каби кўнгилхушлик эмас. Санъатнинг сеҳри кучи, ҳар бир муסיқа асарларининг ўзгача оҳанги, усули, товуш хусусияти, гармонияси ҳаётнинг ҳар лаҳзаси ва инсониятнинг кечмиши, келажаги ҳақида гўзал ва таъсирчан маълумотлар беради ва булар хусусида фикр ва мулоҳаза юритишга ундайди. Бу ўз навбатида ёшлиқдан сўз билан айтганда, ижодкорлик қобилиятларини шаклланиши ва ривожланишида асосий туртки беради.

Қузатишлар шунинг кўрсатадики, муסיқий тарбияни амалга оширишда ўқувчининг касбий ва устозлик маҳорати муҳим. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини муסיқа санъатига қизиқтира олса, санъатдаги нафосатни идрок этишга ўргата олса, муסיқа тинглаш, қўшиқ куйлаш болалар қалбининг кундалик эҳтиёжига айлана олса, устоз ёрдамида шогирдлар санъатдаги гўзаллиқни хунукликдан, улғурликни саёзликдан, олийжанобликни худбинликдан ажрата билишга ўрганган бўлсалар кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Демак, ёш авлодни миллий муסיқий меъросимизга ворислик қила оладиган, ҳамда умумбашарий муסיқа бойлигини идрок эта оладиган, маданиятли инсон даражасида вояга етказишда ўспиринларнинг ҳиссий дунёсини бойитишга, санъатни тушуниш, ундан завқланиш малакаларини ривожлантирмоқ ишга алоҳида эътибор керак.

Бунинг учун ёш муסיқа ўқитувчиларининг ўзи муסיқани ниятда нозик тушуна билишлари, қадим тарихимиз бағри чинор илдизларидек чуқур таянч томирларини яши англашлари, айни пайтдаги ёшлар хайратини ўғирлаётган енгил-елли, гарбона, ажнабий, бизнинг ахлоқимизга, руҳиятимизга тўғри келмайдиган ўйинлардан ёшларни вақтида ҳимоялаб улар севгисини миллий муסיқамиз билан йўрғаклаб олишлари лозим».

Ҳилола РЎЗИМЕТОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат
педогогика институтини аспиранти.



Халим САИД

ИЗТИРОБ БИЛАН ЁЗИЛГАН МАҚОЛА...

Махмудхўжа Бехбудий асримиз бошида миллат равнаки, хурриятга эришуви учун жонини фидо қилган Туркистон фарзанди бўлганлигини бугун барча билади. Шундай бўлса-да, яна бир бор унинг замондоши бўлган Садриддин Айнийнинг эълон қилинмаган мақоласидан кискагина иқтибос келтирамиз: «Махмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррир-да бўлди, муаллим-да бўлди, газетчилик қилди, мактаб китоблари ёзди, таътрчилик қилди, сиёсий ишларда ишлади, халққа сиёсий фикр тарқатди. Фикх, ислом, ҳадис ва тафсири билан шуғулланиб, сўйлайтургон ва ёзатургон нарсаларини шаръий далиллар билан исбот қилди».

Дарҳақиқат, бобомизнинг фаолияти шундай серкирра бўлганки, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тадқиқотларга муносибдир. Мазкур мақолаамиз эса унинг публицистик фаолиятига тааллуқлидир.

Бехбудий газетага, аниқроғи, даврнинг якка нашри «Туркистон вилоятининг газети» («ТВГ»га 1903 йилдан ёза бошлаган. Охириги мақоласи эса 1919 йил «Меҳнаткашлар товуши» газетасида чоп этилади. 1908 йил ҳам Бехбудий мақоланавислигининг сермаҳсул давридир. 1907 йили унинг учун саёҳат йили бўлганлиги, хусусан, Россия, Санкт-Петербург, Козон шаҳарларини кезиб, шунингдек, Фарғона вилоятидаги аҳвол билан танишиб, тараққийпарвар, юрт озодлиги учун кураш истагида ёнган инсонлар билан фикр алмашганлиги бу ижодга замин яратади. Ушбу саёҳатлар таъсири ва Туркия давлатида содир бўлган ички инқилоб унинг келажакка бўлган ишончини бир қадар кучайтиради. «Мухораба мусулмонларга ёқарму» (1908 йил, 15-сон), «Баёни маъзурат» (17-сон), «Баёни ҳол» (19-сон), «Бир афсуслик хабар» (30-сон), «Мажлиси имтиҳон» (33-сон), «Иттифоқнома» (41-сон), «Мутолаахона» (48-сон), «Қабристон муслимин» (51-сон), «Қонун» (63-65-сонлар), «Таърих ва жуғрофия» (90-сон), «Тавзеҳ» (94-сон) каби йигирмага яқин мақолалари «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб чиқади. Маҳаллий тилни яхши билган газета муҳаррири, миссионер Н. Остроумов шу йили тараққийпарварлар билан қадимчилар ўртасида нифок учун майдон очади. Бунда муҳаррир икки томоннинг ҳам фикрини очиқ беради. Масалан, Раҳматулло Раҳим жадид мактабларига қарши «Бузуқ мактаб боласи усули жадида» («ТВГ» 1908 йил, 45-сон) сарлавхали мақоласи билан чиқади.

Газетада фикрини айтиш учун имконият яратиб бергани учун муҳаррир шавнига илқ сўзлар айтиш мумкиндек кўринади. Лекин унинг бу «хурфикрлиги» замирида тараққийга интилаётган маҳаллий зиёлиларни ва мусулмончиликка путур етишидан қайғураётган иккинчи гуруҳ зиёлиларни бир-бирига зид қўйиб, улар орасига ихтилоф солиш нияти борлигини ҳам сезиш мумкин. Иккинчи томондан, у газетасини мусулмон зиёлиларига очиқ беришга мажбур эди. Чунки 1906-1907 йилларда чиққан «Тараққий» газетаси ва издошларининг («Хуршид», «Шухрат») ёпилишига Н. Остроумовнинг шахсий мулоҳазаси асос бўлганди. (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 461-фонд, 1-тавсиф, 942-иш).

Бахслар шу даражага етадики, муҳаррир айрим мақолаларга сўз боши ёзиб, муаллиф ёки унинг мақоласини «попугини пасайтириб» ўқувчи муҳокамасига ташлашга мажбур бўлади. Улардан бири Бехбудийнинг «Таърих ва жуғрофия» (ТВГ. 1908 йил, 90-сон) мақоласидир. Мақола эълон қилинган катта шов-шувга сабаб бўлган. Шунинг учун тезликда «Охранка» томонидан рус тилига таржима қилинган. Бу таржима ва изоҳ Ўзбекистон Марказий архивида сақланмоқда. Тўғри, Бехбудий мақолани жуда

мураккаб тилда ёзган. Унда араб, форс сўзлари кўп ишлатилган, устига-устак жумлалар ҳам жуда узун. Бехбудий публицистикасида атай мураккаб тилда ёзилган бундай мақолалар оз бўлса-да, учраб туради. Масалан, «Самарқанд» газетасининг 1913 йил 42-сонидagi «Миллатнинг бошчиси талаб киромга» мақоласи ҳам юқоридагилар сирасига киради. Яъни улар миллатнинг илмли кишиларига қаратилган мурожаатдир. Хўш, Бехбудийнинг «Таърих ва жуғрофия» мақоласида нималар ёзилган? Нега уни «Охранка» тезлик билан таржима қилдириди?

Бунга боис жадид мактабларига жадид мактабларига қарши ёзаётган, гапирётганлар фикридан, қолаверса Бехбудий нодонга чиқаришгандан таъсирланганидир. Шунча йил халқни уйғотиш учун ўз маблагига китоб чиқариб, мақолалар ёзиб, пул сарфлаб мактаблар очсаю, ишининг моҳиятини қадимчилар, таъбир жоиз бўлса, халққа сўзи ўтадиган зиёлилар тушунмагач, у мустамлакачи зугумидан ҳам кўркмай жуғрофия фанининг зарурати соҳида масаланинг моҳиятини очиқ беради: «*чунки бугунги талаба, кўрамини, эртага илмли аъломиз бўлулар. «Кабират баъут ал-Кубарро» ҳужумна ояндадаки киборимиз бугунги гуруҳ сағиримиздин (ёш болалар, кичкиналар - Х.С.) ташиқил топилур, керакки, булар замонадин ва асл замонамизни бизим бобдаки афгорларидан (яра, жароҳат - Х.С.) огоҳ бўлсунлар. Аҳли замонамизни яхуди, армани ва зўра ажнабий ҳаммамлақатларимизни тараққийи миллия ва илмия ва маданияларидин ва биз мусулмонларга қаю йўл ва сабаб ила галаба қилгонларидан бохабар бўлуб аларга балки мағлуб бўлмаслигимиз йўлларини, лозимдурки, билсунлар, билуб муқобала бўлмаслик қондасинча ҳаракат қилуб, дин ва миллатимизни сохласунлар».*

Дин ва миллатни сақлаш асосий вазифа. Бунинг учун эса ўзгаларга мағлуб бўлганимиз сабабини англамоқ, қолаверса, энди уларга юрказмаслик, муте бўлмаслик йўлларини ўйламоқ даркор. Бунинг учун ҳоким давлатга очиқ қарама-қарши турмай, армон бўлиб келаётган илмли жамият куриш учун қайғурсинлар, деган хулосани айтади. Бунинг учун ўтмишда боболар мавқеи қай даражада бўлганлигини кўрсатиб беради.

«Замони собиқда жисмоний ва руҳоний ва маънавий қалъа ва ҳудудларимиз бор эдики, алар сабабила миллат ва динимиз муҳофаза ва маросим малфуф (?) қолур эди.

Хозирги замонага ва ҳад қолди, на ҳудуд, на қалъа қолди. Замони илм ва маориф бўлди. Илмсиз миллат, илмсиз қавм асир ва заиф қолур. Илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёдорни ҳаёти йўқ, агар бўлса-да, саботсиз, бу илмлардан ёлғуз сарф ва наъз, мантик, калом на фикр эмас, балки алар устига ҳикмат, сиёсат, таърих, қадима ва жадида илм ва аҳволи замони ҳозира ва алсанчи муҳовара (суҳбат - Х.С.) ҳам пругом таълим ва тадрисимизга керак. Дохил бўлсун, токи дунёи кўҳнаимиз ва дини мубаййини (баён - Х.С.) ислом ва унинг таърихи тараққийиси ва тарвижи ва нияти ва бутун гириҳа (қийинчилик Х.С.) арзига интишорини (ёйилиши, тарқалиши - Х.С.) билиб ва салаф киромимизни илм тўғрисидаки гайрат ва сарф ҳимматларидан гайрат ҳосил қилайлик. Сўнгра уч-тўрт асрдан бери бутун олами исломга воқеъ бўлган таназзул ва интиҳот (тушқунлик, суғлиқ Х.С.) ва идборга (бахтсизлик, иши олдинга босмаслик - Х.С.) воқиф бўлайлик ва анинг даво ва чорасида жустижў (қидириш - Х.С.) эттойлук».

Кўчирмани ўқуб, ҳудди шу аҳволда қолган ва ХХ асрнинг ўнинчи йилларида тараққийга учун илмий замин - маорифни ривожлантиришга интилган Япония кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки японлар ҳам асримизнинг ўнинчи йилларида маърифий ҳаркати бошлаганлар. Бехбудийнинг бу йўли орқали ҳаракат қилганимизда биз ҳам Япониядан ортда қолмаган бўлардик.

Бехбудий ўзининг жуғрофия китобларида ҳам,

мақолаларининг кўпчилигида ҳам шу кўчирмадаги фикрни турли шарҳларда беради, яъни «илмсиз қавм, илмсиз миллат асир ва заиф қолур, ёки «илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёдорни ҳаёти йўқ» ва шу каби тушунтиришларидан сўнг шундай қудратли давлат нега ўзга юртининг тасарруфига қолганлиги ҳақида ўйла, деган савол-ўғитни ўртага ташлайди.

Муаллифнинг маҳорати сабабли бу сўзлар цензуранинг қайчасига йўлиқмади. Тўғри, мақола маҳаллий тилни яхши билган Н.Остроумовнинг шарҳи билан берилган. Бироқ у нақадар «созлаб» шарҳ ёзмагин «Оҳранка»нинг эътиборига тушади. Н.Остроумовнинг мақолани беришига нима туртки берди? Бехбудийнинг маърифатлиги, маданиятлиги, хушмуомалалиги, албатта. Чунки у мақолани муҳаррирга нисбатан илик сўзлар билан бошлайди: «Туркистон газетигабир нафар толиби илми матбуоти жайида ўқугонига баъзи соддадилон тарафидин таъна ва ҳужумига қолғони кўрулди ва аларга раддия ва тавбеҳ тўғрисида «Бир мусулмон» имзоси-ла бизим «Мунтахаби жуғрофия умумий» ном китобимизни муқаддимасидин 74-рақамлик жаридалар фелетунига муҳаррир муҳтарамни тарафларидин бироз шарҳ ва изоҳ жумла муътаризаларга муқобала ва аларни иршод этганлари назари хурсандона кўрулди. Муҳаррир муҳтарамни доимо толиби илми шу ила дарси ибрат бериб, тавсий (кенг - Х.С.) маълумотларига назар басиратларини (идрок, ўткир зехн - Х.С.) дурбин ва нурбин бўлушига устодона ва пирона ҳиммат буюрмоқлари умумталабани интибоҳига ва ояндага маънодорликларига сабаб бўлур. Бизда талаб киролми илм ва фунуни жайида ва алсанга лозима ўқумоқлари тўғрисида оживона арз ва тарғиб этамиз» («ТВГ». 1908 йил, 90-сон).

Бу муаммо хусусида сўз юритишдан аввалги шарҳ зиёлиларига хос мулозамат, таъбир жоиз бўлса - даврнинг журналистик этикаси. Шарҳ донишманди бир масала хусусида фикр юритад экан, босиқлик билан сўзлайди, ёзади. Бехбудий даврининг энг мураккаб дардини ҳам ана шундай шарҳона назорат билан кўтариб чиқади.

Энди бевосита мақола моҳияти хусусида сўз юритад эканмиз, публицистнинг ўқувчини ўзи билан бирга мушоҳадага тортганлигини, бирга таҳлил қилганлигини таъкидлашни хоҳлардик.

Таҳлил мураккаблаша бошлаганини сезгач у мақоласига жолис - ҳамсухбатни олиб қиради. Ҳамсухбат эса доим тушунмаган жойлариди савал бериб туради. Публицист унга жавоб беради. Бехбудий асосий фикрни кенг таҳлил қилиб беришни хоҳлайди: «Биз бу мусулмондан ёзар экан, жолисимиздан бири сўрадики, матлабни ошқора сўйлаган. Биз алан қандай таназзулдамиз ва илгари на кайфиятда эдик? Мен дедим: бу қисса дур ва дароздур, балки сизнинг ҳусули (ҳосил - Х.С.) фикрия ва майдони илмиянғиз ҳудудидан хориждур. Бу қиссаи пурғуссадин маълумот олмоқ ва воқуф ҳосил этмоқ учун жуғрофия ва таърихдан хабардор бўлмоқ лозим. Келур ҳол буни алар сизнинг наздингизда асладин ва ҳарза (бекор, бехуда - С.Х.) кўйлик дин ҳам дунроқ (разил, паст - Х.С.) раббагадур. Хулоса тарихия ва воқуот мозиани муҳтасар суратда баён қилашми. Шоядки, бир фикри ажмали (гўзал - Х.С.) ҳосил этсанғиз ва шоядки сизга бидъат ва куфр ва залолат ва бизча ҳам шариятча фарз ва зарурат даражасидаки жуғрофия ва илми сиёсат замониия ва нафъийага муҳаббат кўзи ила боқиб, андин дунё ва охирагингизга фойдалиқ нимарсаларни орттирмоқ ва ибрат ҳосил қилмоқ учун бир олти ой доимо ўқуб кўрсанғиз (ўша газета).

Демак, публицист мақоланинг асосий максасидга кўчи. Жолис сифатида қабул қилинган бу ғойибона суҳбатдоши Бехбудий билан курашиб юрган, жадид мактабини «бузук» деб қабул қилаётган, ёки ҳали қайси томон ҳақу ва қайсиёси ноҳақлигини аниқ билмайдиган давр газетхони, деб ҳам қабул қилишимиз мумкин. Чунки ушбу мақолани ўқиётган киши - суҳбатдош сифатида қатнаша бошлайди.

«Жолисимиз деди: «суйланг, қулоғим сиз-га? Дедим: таърих дерки, мусулмонлар 500 сана муқаддам замонача ўз Кўрвон ва пошоларига, ўз шарият ва амирларига тамоман тобёб эдилар. Яздудий, насроний, мажусий тоифаларидан юз миллиунлари ила зам (қўшилган, қўшиш - Х.С.) фуқаролари, тобёблари бор эдики ул замониин бири, яъни ер юзидаги халқи Оллоҳни ундан бирини амали Кўрвон ила ва табиати мусулмон уламолари қайдиға ер юзиға ер юзиға ер юзиға юз миллиун фазласи (ортиги - Х.С.) ислом ила мутадайиндур. Демак, тўрт-беш аср муқаддам бир қадар ажнобиъ таъби исломийамизда (исломий дидимизда - Х.С.) бор экан ва аҳли иймон... исломийага тобёб эканлар илми таърих бун ила сокин (жим - Х.С.) бўлмайду... Жуғрофия ўқуго тарихиянинг зарифиди ҳуриқ бўлган тул (узунлик - Х.С.) ва арз ва масоҳат (ер ўлчаш - Х.С.) сатҳий ва ҳайъат тарбиясини, хариталарини зўл ва қуруқларини мубаморая (?) этир, мусулмонларни асират имрония ва маданияларини мавзуго баён этирларки таърих ва жуғрофия қорилари ва мутафаннуларини ҳайрат ва ҳамиятлари бўлур. Хулоса воқуот (воқеалар - Х.С.) ва ҳудудот исломиянинг бу саҳифалари қурботидин, басоратидин (донолик - Х.С.) кўнғиллар иншироҳ топар. Инсон ўзини бир лаззати руҳий ичида мустазиҳ ҳис этирки, аҳли ундан-да миг

карра мусалламдур (инкор қилинмаган, маъқулланган - Х.С.). Эй жолиси муҳтарамим, сиз ҳануз таърихи умумий ё инки таърихи исломга мухтадий даражасинда ҳам эмассиз ва жанобингизни замони собиқа, замони мутавассата (ўрта - Х.С.), замони охира ёнки қирван (кўп - Х.С.) қадима ва жаида таъбирлари ила саргардон этмайин, балки хулосатал хулоса таърихийяни муҳтасар натижасидан айтмоқсизман.

Таърих дейурки, бир замон келдики, уламо ва умарои ислом жубун ва танбал айи (турмуш - Х.С.) бепарво, дигар тарафдин бир-бирлари ила мухалиф бўлдилар. Таълим ва тадриси уламои дин лодонлар мажлисини таржих (устун кўмроқ - Х.С.) этдилар. Умаро ва салотин (подшолар, султонлар - Х.С.) ислом ноҳақ ерга юз минглаб аҳли ислом қонини тўқуб, тараф-тараф бўлдилар. Уламо бўлса умаро нонига ва маошига кўз тикиб муқобилларини тақфирларига қадар илгари кетдилар. Хусумат масҳабийа ва таъсиб илмиияга аҳамият бердиларки, қирвон овулиға насроният оламидаки ва папалиқ замонидаки истилофларга монанд низолар оламо исломни парчаланмоғига сабабият берди» (ўша газета).

Публицист буюк саттанатнинг фожасини очиб берапти. Тўғри, гап чўзилган, кўпчилик сўзлар тушунарсиз, туркийда ёзилмаган. Муаллифнинг бу йўлини биз юқориди айтгандик, яъни публицист бу мақоласини юртнинг зиёлиларига қарата ёзган эди. Иккинчидан, мақола цензур қайчасига йўлиқмаслиги ҳам шарт эди. Муаллифнинг маҳорати шундаки, унда ўзро ички ихтилофлар, илмга бефарқлик буюк давлатнинг емирилишига сабаб бўлишини очиб берапти.

Мақоланинг салмоқли бўлишида фактлар катта аҳамиятга эга. Бу фактларга публицистнинг дардли сўзлари йўғрилса, у сўзлар тошини ҳам эритиб юборади. Бехбудий қанчадан-қанча мамлакатлар қўлдан кетганлигини қайғу билан тасвирлайди. Мақоланинг композициясини белгилаган жолис - суҳбатдошга мурожаат қилади: «Эй, биродар таърихи исломни қоралайдурғон саҳифалари хулосасини натижасидан арз қиларманки, ер олами кетди, кетадур» (ўша газета).

Публицист зора аҳволни кўрар деган умидда суҳбатдошини харитага назар ташлашга чорлайди. Бардош бера олмайди, ох чекади, йиғлайди.

«Эмои маҳди (бешиқ - Х.С.) қадим инсоният ва маъҳар кул одиён ва майдон тариқий исломият бўлан Осиё қитъаси харитасига таважжуҳ қилармиким, 3 аср охири зарифинда на ҳолатга келмиши. Ош мунда қалам титраюр, қалб йиғлийор. Бир бағри ёпиқ дерди: «Ош, нодон мури шуд, ош, нодонга ўлат келсун». Осиё қитъасига кини (душман - Х.С.) балад (шаҳарлар, мамлакатлар - Х.С.) исломиядан уламои ислом тасарруфидан Оврүполлар тасарруфига ўткан амсор ва амлок исломияни ман тавсий (кенгайиш, ёйлиши - Х.С.) ва тийод (санаш, ҳисоблаш - Х.С.) этмайинда, сизда ёлғуз икки-уч асрдан бери умум насроний тасарруфига киргон мусулмонлар ададини кўрсатгувчи рақамларни ёзмоқ ила бу карра иктифо (кифояланиш - Х.С.) қилурман.

Азиз жолисим, сизга сўйлаб турибман, фаҳмлайсизми? Ҳайҳот, ҳайҳот, умумий Осиё қитъасига 600 миллиун қадар мусулмон борки, андин 10 миллиун Осиёи сафр ва жазиратал Арабга сокин ва Усмонли ҳукуматиға тобёб, 9 миллиуни Эронга, 6 миллиуни Афғонга, 2 миллиуни Бухоро, миллиуни Хива, 1 миллиуни Блужистон, 12 миллиуни Хайдаробод деган, 1 миллиуни Амлон ва миллиундан кам жумжур ҳукумат исломиясига тобёб бўлиб, бақя 50 миллиуни Хитой ва 50 миллиуни инглизга ва 50 миллиун қадари, яна 40 миллиуни Жазоир баҳри Кабир мусулмонлари ила баробар Инглис, Франса, Каландия, Испания, Россия ва ўза дули (давлатлар - Х.С.) насрониясига тобёб... Биз Осиёи васатий (ўрта - Х.С.) ва шимолий сокинларидан Россия давлатига тўғридан-тўғри тобёб. Бухоро ила Хива ҳукуматлари давлатимизни ҳимоятигадур. Юқориди баён бўлган ҳукумати исломияда фақат Усмонли ила Эрон давлатлари доҳилий ва ҳорижий ишларига мустақил ва қалламаси дул муқадора (бўйинсунилгани - Х.С.) насрониянинг барисини ҳамият ва нуфузига тобёб ва эркак-хотун қабидаур».

Таниқил олом олимаси Ингеборг Балдауф Бехбудийнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, уни ўрганган хорижий таъдиқотчилардан биридир. Бу олима Бехбудийнинг ушбу мақоласини ўқиганда эди, балки «бир диндаги кишиларнинг яқинлиги ясамадир, чинакам бирдамлик эмас; камдан-кам ҳоллардагина Бехбудий «барча мусулмонларнинг бирлиги» тўғрисида сўз юритади. Маҳмудхўжа тушунчасидаги бирдамлик фақат унинг ўз миллатига тааллуқлидир. Миллат эса фақат диний эмас, балки диний ва маконий нуқтаи назардан таърифланиши лозим, яъни Бехбудий «барча мусулмонларнинг бирлиги» деганда фикримизча, биринчи навбатда, Ўрта Осиё мусулмонларининг бирдамлигини тушунган бўлса керак. Шу бирдамлик тушунчаси Бехбудийнинг сиёсий нуқтаи назарини ҳам белгилайди» демаган бўларди. (Ингеборг Балдауф. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил, 21 май). Чунки Бехбудий мусулмон оламининг гайриисломий давлатлар томонидан қай тарика паймол этилаётганлигини таҳлил қилади. Лекин ҳақиқатан ҳам Балдауф айтмоқчи у бирор мақоласида Бутун олам ислом давлатлари

тасарруфига ўтсин деган маънода фикр юритмаган.

Бу мақоладан сўнг «ташқил қилинган» жанжал расман юқоридаги кўчирманинг айрим фикрларига таянган. У мақолада ҳали тўхталамиз. Мақола ҳадисдан олинган ибратли фикр билан якунланади: «Жолсимиз дейур: ори худо қилди, ман дедим: «Олган барча яхши нарсаларни худодан, бошқалари ўзингдандир». Яъни, «хаммаси худодан» дейдиган кишиларга нисбатан Бехбудий ишончли манбалардан кўчирма келтириш билан жавоб беради. Бехбудийнинг бу махорати мақолага куч-қувват бағишлаган. Араб тилида, яъни Куръондагидек кўчирилган бу кўчирма ҳам «Охранка» учун таржима қилиб берилган. Бунда биз юқорида мақола зиёлийлар учун ёзилган, деган фикримизга яна бир далилни кўрамиз. Чунки Куръонни ҳар бир киши ҳам тўғридан-тўғри таржима қилиб, тушиниб кетарвермаган. Бехбудий бу кўчирмаси билан ислом мутаассибларига катта зарба беради. Чунки мутаассиблар ўртасида «бизнинг ғайридинга муте бўлишимиз ҳам худодан», деган ақидани байроқ қилганча, ўзларини ҳимоя қилиб халқни тобеъликда сақлашган.

Лекин Остроумов ёзган шарҳнинг мақолага бир қадар таъсирини айтиб ўтиш жоиз. Чунки Остроумов маҳаллий тилни яхши ўзлаштиргани боис ҳар бир жумлани синчиклаб ўқиган, мақоланинг моҳиятидаги фикрни тушиниб етган. Бироқ мақоланинг газетга чиқишига йўл берган. Бунда фитна уюштириш учун ҳам берилган бўлиши мумкин. Муаллиф мақоласининг бошида «муҳаррири мухтарам»нинг айрим фикрлари «устадона ва пирона» эканлигини маданият нуқтани назардан келиштириб ёзган. Бундай мулозаматлардан сўнг, Остроумов мақолани беришга қарор қилгандир. Бироқ, ҳар эҳтимолга қарши мустамаккачи нуқтани назардан Бехбудийнинг мақоласи, жумладан жадид мактабларида жуғрофия ва тарихни жорий қилиш дастуридаги камчилик ва нуқсонларни «кўрсатиб» берган. Бехбудий мақсади - болаларга боболарнинг нақадар қудратли бўлганлигини эслатиш, кейинчалик йўл қўйилган ҳатоларни кўрсатиш, тараккий этиш учун йўналиш бериш эди. Остроумов ёзган сўз бошида айнан ўша жойларига зарба берган:

«Оврупо ва Россия мадрасаларида доимо мазкур илмлар ўқулса керак, яъни биргина тоифага тааллуқ таърих ва жуғрофия ўқумок дуруст эмас ва ул илм фойда бермас ва балки ул тоифага такаббурилик қўчайиб ва бўлак тоифаларни аҳволотини нодуруст кўрсатиб, бул хусусда шогирдларга манфаат бўлмаса керак. Тарбиятнинг асл тартиби шулдурким, ҳеч вақт ва ҳеч нима хусусида нодурустлик ҳаёл ва андишаларни талабаларга алоқа қилмоқ дуруст эрмас».

Остроумов «нодуруст» ҳаёл келиб чиқадиган ҳар қандай дарсликлар ўқувчиларга «ёмон» таъсир қилишини сезади ва бир мамлакатга тобеъ бўлгач, унинг қонунларига бўйсуниб, унинг тарихини ўқиш гоёсини илгари суради: «... Ва яна бир фикримиз шулдирким, ҳар қаю мамлакатга тобеъ бўлган халқни болалари ул мамлакатнинг таърихи ва жуғрофиясини кўпроқ ва равшанроқ билсалар керак. Зероки, ул мамлакат аввало мазкур шогирдларнинг ватан асли қаторида бўлиб, ул мамлакатнинг аҳволотини яхши тушунирмоқ керак ва бул газетамизни фелетонида босилган «Таърих ва жуғрофия» деган мақолада бул тариха фикр ва андиша йўқдек ўхшайди, яъни Россия мамлакатининг аҳволоти билинмай қолса ва ёки нодуруст баён бўлса, ул вақтда талабалар ўзларининг ватан аслиси хусусида нечук ва қайдан билсалар керак. Хусусан, Россия мамлакатини тобеъ ёш мусулмониялар Россия мамлакатининг таърих ва жуғрофиясини билолмай ва нодуруст фаҳмлаган ҳолда ўз умрларини ва зиндагарчиликларини нечук ўтказадур? Албатта, ул ёш мусулмониялар балоғатга етганда Россия мамлакатининг аҳволотини ва фойдасини дуруст фаҳмламай Россия халқининг ҳар хил зақун ва қоида ва ҳам низомларини ямон кўруб, Россия ҳукуматларига ва хусусан подшо императорига тобеъат ва ихлос кўрсатмоқларига қадар бўлмаслар. Бул тариха билан аввал тобеъ мусулмониялар доимо хафалик ва хусусан, махфий душманликни ўз кўнгилларида тутиб, ул мамлакатга эмас, балки ўзларига ҳам ҳеч фойда келтурмаса керак».

Остроумов жадидлар ҳаракатининг бу нозик жиҳатларини сезган ва уларга нисбатан барча фикрларни газетга бериб бориб, маҳаллий халқ орасига нифок солиб туради. Шунингдек, маърифий ишда зимдан давлатга қарши иш олиб бориши мумкин эмаслигини таъкидлайди: «Албатта, бул тариха тартиб асло нодуруст ва ҳукуматдорлар ул тартибни жорий қилмоққа руҳсат бермасалар керак ва ҳар қаюлар билсалар керакким, мамлакат ичида ҳеч бир махфий ишлар бўлмаса керак» (ТВГ, 1908 йил, 90-сон).

«Бўлмаса керак» деган гап шартлилик аломати ҳисобланади, яъни бўлмаслиги керак демоқчи. Остроумов ҳақиқатдан ҳам ўз фамилиясига мос мустамаккачи давлат фуқароси эди, десак адашмаган бўламиз.

Лекин у нақадар «созлар», кўрқитиб сўз боши ёзган бўлса, мақола шунчалик қимматли бўлиб кўз ўнгингизда намоён бўлади, яъни мақола ўз таъсирини кўрсатиши. Шундан бўлса керак, ҳар

«Охранка»си уни дарҳол (8-декабрда) таржима қилди ва Бехбудий негадир ўзининг изоҳ талаб қилмайдиган мақоласига «Тавзех» (ТВГ, 1908 йил, 94-сон), яъни изоҳ эди. Ҳар ҳолда мазкур «Таърих ва жуғрофия» мақоласида айтган «истасангиз бошқа замон сўйлашурмиз», деган ваъдасига биноан ёзмади, балки... Ўша пайтда бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти силригига қолиб кетган бўлса-да, Бехбудийнинг ўша «Тавзех» номи мақоласида унинг «тавзеҳи» сўраб олинганига ишора бор. Аввало, ушбу мақола изоҳ дея номланса-да, негадир изоҳ тарикасида муҳаррирнинг сўзбошичи ҳам ёзилган. Савол туғилади: изоҳга изоҳнинг нима зарурати бор? Остроумов сўзларидан иктибос келтирсак, ҳаммаси аён бўлади:

«Мундин муқаддам 90инчи рақамлик газетамизда ҳурматли Маҳмудхўжа Муфтининг фелетониға андақ жавоб тарзида ёзган эдук. Ул ёзган жавобимиздин мудоао Маҳмудхўжа Муфтининг ёзган мақоласи асбоби фасод ёки ёмон мудоао деб ўйламадук. Лекин мақолани газетга дарж қилганимизда Хива ҳукумат соҳиблари... аларға тобеъ одамлар они ўқуб ёмон мудоаоға таъбир бермасликларни учун биз жавоб савол муқаддардек дафъи истиҳола айлаб баъзи мулоҳазаларни ёзиб, ўйлагон эдукким, бизни ул ёзган жавобимизга ҳурматлик Маҳмудхўжа Муфти ўзи албатта жавоб ёзсалар керак деб. Ондин келган жавобни кўрдук. Кўрдук, ёзганингиз тўғри, дуруст жавоб ёзбисиз. Хурсандлик илан бул ёзган жавобингизни ушбу газетга солмоқни муносиб кўруб, газет саҳифасидан жой бердук» (ТВГ, 1908 йил, 94-сон).

Гўёки, Бехбудий ушбу «Тавзех»ни «Таърих ва жуғрофия» мақоласи билан берилган муҳаррир фикрига жавоб ёзгану, муҳаррир унга чин дилдан газетадан жой ажратгандек туюлади кишига. Бироқ, «Охранка»нинг махфий папкаларида сақланган Бехбудий мақоласининг таржима-изоҳини топганимиз бу туйғунинг асосизлигини кўрсатди. Санъатнинг, публицистиканинг шундай усуллари борки, вақеаларни бумалот улар орқали аниқласа бўлади. Дейлик, агар Бехбудийга биров «сиёсатга аралашмайсан, сўзингни қайтариб ол» демаганида у «Тавзех» мақоласида қуйидаги фикрларни баён қилмаган бўларди.

«Россияни ким ва қандайлигини билмайдурган нодонлардан эмасиз ва аммо «Таърих ва жуғрофия» увонлиқ мақоламиз таърих ва жуғрофия ўқумокни диний жилва эттирмоқ ва ёинки сарф илмий ва воқеий бир мақола эди. Сиёсий ва таассубий эмас эди...» (Ўзбекистон Давлат архиви: Ф. 46, 1-рўйхат, 942-сақлаш рўйхати).

Бундай пайтда муаллифнинг «қандай» ёзиши публицистика билан шугулланиб юрувчиларга маълум. Муаллиф ўта хушёр ҳолда ҳиссиётга берилмай бир қадар дардини яшириб ёзди. Шундай бўлса-да, Бехбудий анчагина фикрларни жумладан, Остроумовнинг «Россиянинг таърихини ўрганишлари шарт», деган гапларига қарата «Мунтахаб жуғрофияи Русий» китобини ҳам ёзганлигини таъкидлаб «сиёсат учун» кўп фикрларни айтади.

Хулоса шуки, публицист «Таърих ва жуғрофия» мақоласида ўз олдига қўйган вазифани, яъни публицистиканинг асосий талабларини адо этган. Мақоланинг дард билан ёзилгани унинг юракка етиб борадиган таъсирга эга бўлганлигини англатади. «Тавзех»да муаллиф мустабид ҳукуматга нақадар «салом» бермасин, унинг ҳамма гапи илгариги мақоласида айтиб бўлинган эди. Бу мақолаларнинг иккисини ҳам сиёсий мавзудаги мақола деб қараш мумкин. Бироқ, бунда бари-бир маърифат юқори ўринга қўйилади. Бехбудийнинг 1917 йилгача ёзганлари орасида мазкур мақола жадидчилик ҳаракатининг мақсадларини очик баён қилади. Бу мақола моҳияти шу пайтгача бехбудийшунслар назаридан четда қолган. Лекин Бехбудий ҳаёти ва фаолияти, ижодида бу давр, хусусан, ушбу баҳс ҳам алоҳида ўрин тутди. Чунки бу мақоладан кейин зиёлийлар орасида Бехбудийга нисбатан ҳурмат ошади. «Охранка» ходимлари эса унга ҳадиксираб қарай бошлайдилар. Айнан мана шу баҳсдан кейин Бехбудий газетга катта куч эканлигини англади ва ўз газетасига эга бўлиш учун ҳаракатни бошлади. Сарсону саргардонлик, қаршилиқлар натижасида беш йил деганда газета чиқаради. Бу оворагарчиликлар, қоғозбозликлар исботи Марказий Давлат архивидаги Бехбудийга бағишланган папкада сақланмоқда ва Садриддин Айний кейинчалик уларни шундай сўзлар билан хотирлайди: «1908 йилдан ўз идорасинда бирон газета чиқармоқ фикрига тушиб 1913 йил апрел ойинда бу мақсадига етишиб, «Самарқанд» газетасининг бир неча сонини чиқаришга муваффақ бўлгон» («Меҳнатқашлар товуши» газетаси. 1920 йил, 8 апрел).

Алқисса, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қандай инсон бўлганлигига ўзингиз яна бир баҳо беринг, азиз журналхон.

Муаллиф ҳақида: Ҳалим Сайид (Саидов) 1966 йили Самарқанд вилояти Тайлоқ туманининг Шопўлат қишлоғида туғилган. 1992 йили ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. 1992-1995 йиллар шу илмгоҳ аспирантурасида ўқиган. Айни кунда «Маърифат» газетасида Бош муҳаррир вазифасида ишламоқда.



Абдуқайом ЙЎЛДОШ



АБВ

Иккинчи овқатдан кейин меҳмонлар лоҳасланиб, ёстикларга ёнбошладилар.

Фақат ҳалиям чимхўрлиги қолмаган, оғзига умуман иссиқ таом олмаган Бобоёргина пластмасса ликопчалардаги газаклардан тотиниб ўтирарди.

Анчадан бери баайни қизик бир сирни биладигандай ва айнан шу воқиғидан лаззатланаётгандай талтайиб ўтирган, ора-сира шерикларига маънодор кўз қисиб қўйишга уринаётган Қурбонбой ҳам толиқди шекилли, кўзлари ёшланганча оғзини катта очиб эснаш асносида хунук кекириб қўйди.

Иссиқ чой келди, ош солинган сопол товоқлар йиғиштириб олинди, улар ўрнига ширинликлар қўйилди. Фақат буларнинг бари бундай давраларга ярашмаган тарзда сиполик, одоб ва зўрма-зўраки мулозаматлар ила адо этилди. Одатда даврани қизиктиб, андак беҳаё латифалари билан кўноқларни кулдириб ўтирсин учунгина меҳмондорчиликка чорланадиган Шири-шири ҳам нашаси кўнмаган бангидай хўмрайиб, дастурхон попутини эзгилаб ўтирарди.

Алоҳа, иззатлари битганини англади шекилли, меҳмонлардан ёши улўроғи фотиҳага қўл очди.

Зиёфат бошлангандан бери ранги оқаринқираб, игна устида ўтиргандай безовталанаётган, дамо-дам жовдираб, меҳмонлар юзига ўгринча кўз ташлаб қўяётган, айниқса, қўшни хонада ётган бемор отаси инграб-инқиллаб қолган маҳал жон алпозда сохта йўталиб ёинки ликопчалару чойнак-пиёлаларни нари-бери суриш билан бу овозни хонадагиларга эшиттирмасликка уринаётган мезбон енгил нафас олди.

Барибир, пойабзаллар оёқларга илинаётган чоғда, Қурбонбой шунча оғиз жуфтлаганининг қасдини олди: атай ҳаммага эшиттириб, гўёки саховат кўрсатаётгандай оҳангда, остонада мутеларча қўл ковуштириб турган мезбоннинг елкасига қокди-да, деди:

- Меҳмондорчилик қочмайди, ука. Аввал бобоини тузатиб олинг...

Узоқ давом этмаган хайр-хўшдан сўнг мезбон Бобоёр билан бироз кайфи ошиб қолган Валижонни бошлаб хонага қайтиб кирди. Валижон дарров ўзини кўрпачага ташлади. Бобоёр унга бир чимирилиб қараб қўйди-ю, индамади, бориб жойига чўкди.

Нихоят елкасидан залворли юк бўлиб босиб турган ҳадикдан қуғулгандай сал жонсарақ бўлиб қолган Акбарали пластмасса идишдаги хитой ароғини қўлга олди.

- Қўй ўшани! - деди ёмон нарса ютгандай афтини буриштирган Бобоёр. - Саларқадан фарқи йўқ экан.

- Тўппа-тўғри! - дея шаҳодат бармоғини юкорига кўтарди юмилиб бораётган кўзларини аранг очган Валижон. - Саларқадан фарқи йўқ. Менингам қайт қилгим келяпти.

- Аммо, жўра, - энди пичинга ўтди Бобоёр яна мезбон томон ўгирилиб, - рейтингинг анча тушди. Қўйгандан кейин ё импортний қўйиш керак ё бутунлай йиғиштириб қўя қолиш керак эди.

Акбарали каловланиб қолиб, гўлдиради:

- Хитойники импортний эмасми?

- Мендан қўйиш эди, мендан, - яна орага суқилди Валижон. Дарвоқе, унинг лақаби «Распутин» эди. Холбуки, Валижон



Қисса

ИККИНЧИ КИТОВ

деганимиз қотма, қорачадан келган, шалпангүлок, кўсамонанд, сочини мудом устарда тақир олдириб юрадиган ушоққина йигит.

Акбарали баттар бўшаши.

- Тополмадим-да...

Бирок Бобоёр ҳали-бери тинчийдиганга ўхшамасди. У дарров жўрасининг гапини чўрт кесди:

- Ақчанг бўлса ҳамма ёқда тикилиб ётипти!

- Иккита расмим бориям, битта расмим бориям навалам!

- пихиллаб кулди Валижон-Распутин.

Лаблари титраб кетган Акбарали кулиб қўйишга уринди, лекин жуда беўхшов чикди: худди йиғлаб юборадигандек...

Мезбоннинг кўзларига қаттиқ тикилишга уринаётган Бобоёр эса ҳамон жиддий тарзда, ўжар бир қатъият ила ҳужумга зўр берарди:

- Пул топилади, жўра, обрў топилмайди!

- Шавла кетса-кетсин... - дея орага ақллироқ жумла суқишга уриниб кўрди Валижон.

Бирок Бобоёр уни гапиргани қўймай, аввалгидек зардали оҳангда давом этди:

- Иктисод қилишининг ҳам ўз ўрни бор, концо концов. Мана, бизга ўхшаганларга қуйиб беравер ўша ўтмай қолган матохингни! Нима қиласан катталар келганда ўзингниям, бизниям номусларда ўлдириб...

Мезбон қалтираб кетди.

- Мен... мен... сени...

Ажаб, Акбаралининг аксича, Бобоёр жазавага тушмас, оқариб-бўзармас, мисоли мохир уста гишт тераётгандай, ўзининг заҳарли жумлаларини бирин-кетин тахлаб борарди.

- Ҳа, сен нима деб ўйловдинг, сассик саларкангни қуйиб бердинг, шу билан қутулдинг-қўйдингми?! Йўқ, жўра, сенинг касринг бизгаям уради. Булар энди бизнинг уйгаям аввал ўйлаб, сўнг келади, нари борса, бир баҳона топади-да, келмайди-қўяди, вассалом! Нима, мен келиб этагига намоз ўқийманми кейин?! Раз қўлингдан келмас экан, нима қилардинг қўшилиб, ҳеч ким сени мажбурламагани, ҳеч ким сенга ялимагани. Қўшилишга қўшилибсан катталик қилиб, энди буёғини эплаб кет-да. Қўлингдан келмас экан, бошида таслим бўлиб қўя қол эди, буйтиб ҳаммамизни шарманда қилгандан кўра! Гап сийишнинг чидаганга чиқарган, жўра!

Шолғомдай қизариб кетган, дир-дир титраётган мезбон алоҳа портлади:

- Оғзинга қараб гапир! Нима, сени пазор қилиб, орқангни яланғочладимми?

- Бундан кўра орқамни яланғочласанг яхши бўларди, - пинагани бузмай яна гап билан ўйиб олди Бобоёр. - Бир қизардим-кўярдим, шу билан ҳаммаси эсдан чиқиб кетарди...

- Сен ўзи нима демокчисан, а? Очиғини айтавер бунақанги висир-висир гаплар қилмасдан!

- Бўлди-ей, - жўжахўроздай бўйинини чўзаётган мезбоннинг тирсағидан тутди Валижон. - Яхшиси, битта-битта отайлик.

Кўлини жаҳл билан тортиб олган Акбарали хитой арағидан пиёлага тўлдириб қуйди ва бир кўтаришда сипқориб юбораркан, ёшланган кўзларини артиб, Бобоёрга ўдағайлади:

- Туппа-тузук-ку! Чистий! Яна нима даъвойинг бор?

- Чистий-чистий, - дарҳол мезбоннинг гапини қувватлади Валижон.

Бобоёр заҳарханда кулди.

- Ҳар кимники ўзига-да. Пули куйган сарт қалампир епти. Ичавер. Фақат эҳтиёт бўл, оқшом шарманда бўлиб юрма яна.

- А?!

Валижон яна пихиллаб кулди.

- Шунақа балосиям бор эканми? Ўлгандан биз ўлипмиз-да, жўралар. Айтдим-а, кейини пайтларда хотинга тескари қараб ётишдан бошқасига ярамай қолдик деб. Гап бу ёқда экан-да.

- Ёлгон, - деди ранги баттар ўчиб кетган мезбон тишлари орасидан.

- Унда нега бир литр ароқни кўрдим демайдиганлар пиёланга лаб теккизиб қўйвердилар? Нега Каримжон ака бирдан «ташладим»га тушиб қолди? Нега Қахҳорнинг уйида думалаб қолгунча ичганлардан биронтаси бугун маст бўлмади?

- Мен маст бўлдим-ку, - заиф овозда эътироз билдиришга уринди Валижон.

- Ўч, Распутин, сен қорамой исигаям учиб қолаверадиганлар хилидансан...

- Майли, мен ўчаман, - минғирлади Валижон. - Лекин,

жўра, сенам ҳадингдан ошаверма. Ўрисларда бир гап бор, отанга бир нарсани ўргатма, деган. Сен ўзинг аввал ўйла, кейин...

- Ўч, дедим! - паррак қилиб кесилган олма бўлагини Валижонга отиб юбориб, унинг ўчирган Бобоёр яна мезбон томон ўпирилди. - Эҳтимол, ароғинг тозадир, жўра, лекин раз шундай гап тарқадими, ҳеч бўлмаса келадиган меҳмонлар ҳурмати юзасидан қўймаслик керак эди бу зормандаларни дастурхонга. - Бобоёр шундай дея пластмасса идишдаги ароқлардан бирини худди ирганаётгандай икки бармоғи учиди оҳиста олди-да, хонтахта тагига иргитиб юборди. - Мен-ку, майли, сўққабошман, лекин бу ерда ўтирган оилалилардан биронтаси қўнглига олиб, ростданам шунақа бўб қолса, ана ундан кейин кўрасан томошани; ўзиям бир умр домангир бўлиб юрар... Кейин ким ёмон - биз ёмон. - Мезбон гўжанак бўлиб, букчайиб қолди. Ана шунда Бобоёр ҳал қилувчи зарбани берди: - Сичқон сиғмас инига деганларидек, қўлингдан келмас экан, гап сийишни сенга ким қўйибди, жўра? Ўтиравермайсанми думингни орқага босиб, тинчгина...

Босаверсанг қурбақаям вақиллаб юборарди.

Жон жонига нашта санчилгандай кўзига қон қуйилган Акбарали сапчиб ўрнидан турасола яроғ-пароғ излагандай атрофга аланглади. Сўнг дастурхонда турган минерал сувли шишалардан бирини бўғзидан чангаллаганча азот кўтариб олиб маҳмадона нотикқа ташланди.

Қизик, Бобоёр заррача чўчимасди, билъакс, ажаб томоша кўраётгандай, кўзларида шўх учқунлар чақнаганча, марокланиб сўйлашда давом этди:

- Шунақа, тўғри гап тукқанингда ёкмайди. Мен энди қанча қарз олганингни сўрашга ўтмоқчийдим, жўра.

Гарангсиз, жойида таққа тўхтаб қолган мезбон инграб юборди:

- Қанақа қарз?

- Қарздақа қарз-да. Кимдан қанча олдинг, қачон қайтарасан, умуман ўзи қайтариш ниятинг борми ё ебкетмоқчимисан?

Мезбоннинг бир лаҳза бурунги важоҳатидан асар ҳам қолмади. У ичи бўш қошдай шалвираб, жойига қайта ўтираркан:

- Ҳеч... берарим йўқ, - деб аянчли минғирлади.

Илло айнан шу мавзуда Акбаралининг бир мунча тили қисикроқ эди: жўрасидан олган оз-моз қарзлари йиғилиб-йиғилиб... муддати ўтиб-ўтиб...

Корни тўқ мушукнинг сичқон билан ўйнашиш кайфияти йўқолиб, ногаҳон ўрнига мунг бостириб келгандай, нигоҳига дардмандлик ифодалари қалққан Бобоёр оғир сўлиш олди. Кейин иддао ила пичирлади:

- Э, жўражон-ей, аҳволингни билмасам эқан...

Бунга жавобан мезбон тамом тушқун оҳангда минғирлади:

- Ўзингники жуда оймиди...

- Ҳалиям ўзимнинг аҳволимдан келиб чиқиб айтаяпман-да, жўра...

Хонага бир муддат сукунат чўқди. Биз ушбу фурсатдан фойдаланиб, воқеа иштирокчиларини мухтасаргина танитиб ўтсак.

Учовлон - тенгдош, бир синфда ўқишган. Мактабда, хусусан юқори синфларда бирга юришгани боисми, исмларининг бош ҳарфларидан келиб чиққан ҳолда, кўпчилик уларни «АБВ» деб атарди. Мактабдан сўнг Валижон фермада ишлади, АКбарали политехника институтида ўқиди, Бобоёр кишлок хўжалигида. Ўқишни битирганларигаям тўрт йилча бўлиб қолди, Бобоёр ширкат уюшмасидан йигирма гектарча ер олган ёлғиз акасининг ўн чоғли фарзанди билан қунини амал-тақал қилиб ўтказиб турибди; Акбарали хўжалик устахонасида номига пайвандчилик қилади, бўш вақти буюртма йўқлиги сабабли бошидан ошиб-тошиб ётгани учун умрини далада, томорқасида ўтказди; Валижон ҳали-ҳамон фермада юради кун бўйи гимирлаб. Акбарали охирги курсда ўйлангани, ҳозир бир ўғил, бир қизи бор; Валижонда нақ олти фарзанд. Бу борада Бобоёрнинг дови юришмаган - институтни битирган йили касалманд отаси қазо қилиб қолди, аввалги йили эса онаси. Ўзбекнинг маъракалариям бор бўлсин - рўзгорнинг катта бўлагини ўпириб кетаркан... Дейлик, «чоршанба» сўзини эшитиб қолса, кеч маҳал уйига узун-қиска бўлиб кириб келаверадиган нонхўрлар чехраси кўз олдида пайдо бўлиб, бир чўчиб тушалдиган аҳволга етди бора-бора Бобоёр ҳам... Хуллас, тўй ҳақида ўйлашга на имкон бўлди ва на хоҳиш. Айниқса, ўзи жўжабирдай жон аканинг уч хонали бетон уйида сиқилбгина яшаб турганидан сўнг...

Кайфи тарқаб кетган, гоҳ у, гоҳ бу жўрасига хавотирланиб

кўз ташлаб қўяётган Валижон ниҳоят ботинмайгина Бобоёрга муружаат қилди:

- Бугун чап ёнбошинг билан турганмисан, нима бало?

Музтар ҳолатда бир нуктадан кўз узмай ўтирган мезбон шуурисиз тарзда сўз котди:

- Бу эсидан айрилиб қопти ўзи.

Энди портлаш навбати Бобоёрга келди - у бирдан ўшиқришга тушди:

- Ха, чап ёним билан турганман, эсимданам айрилганман, нима дейсан, гап борми?

Худди шу маҳал қўшни хонада яна кекса кишининг узок қув-қувлаб йўталгани эшитилди. Ниҳоят, нафаси ичига тушган чол жимиб қолди. Бу - охириги томчи бўлди шекилли, ғазабдан жони бўғизга келган Бобоёр сапчиб ўрнидан турди ва бармоқларини тинмай бурдалаб, суякларини синдириб юборгудай ваҳоҳатда қисирлатиб хонада уёқдан-буёққа тез-тез бориб келаркан, тишларини гижирлатиб, паст овозда гапиришга уринганча хитоб қилди:

- Эй худо, бу қанақа уйки, мундай бир овозингни чиқариб сўкинолмасанг, бемалол гапиролмасанг! Бу қандай замонки, одамга ўхшаб яшолмасанг!

Бобоёр туйқусдан жойида таққа тўхтади ва алам-изтиробдан қисилиб кетган кўзларини мезбонга тикканча ҳовлиқиб, нафаси етиб-етмай, жумлаларни бўлиб-узиб қаттиқ шивирлашга тушди:

- Акбарали, жўражон, эсингдами, Тошкентда юрганамизда, ўқишни битириб келсак бўлди, ҳаммаёқ олам гулистондай эди. Эсингдами, - шигирчиликка-да оз-моз ҳаваси бор, бир нималар ёзиб-чизиб юрадиган Бобоёр ҳаяжонланган кезлари кишининг қулоғига сал чучмалроқ эшитиладиган, ялтироқроқ туюладиган жумлаларни тўкиб солавергучи эди. Ҳозир ҳам юзига қизил доғлар тегиб, кўзлари чакнаган алфозда ним эгилганча мезбоннинг елкасидан чангаллади: - эсингдами, квартирада ўтириволиб, қаттиқ вонни чойга ботириб еб, қандай режалар тuzгандик... Эсингдами... алоҳида уй... саунали... машина... хар ҳафта шаҳарга... театрга... кинога... болаларни паркка...

Мезбон алланечук ўнғайсизланиб томоқ кирди.

- Ха, энди, у даврлар ўтди-кетди.

Аммо Бобоёрни ҳовуридан тушириш осонмасди.

- Э, сен ўша пайтлариям минғирлашдан нарига ўтмасдинг!

Ўзинг бўлса, сездирмасдан тамшаниб кўярдинг. Тан олавер, жўра, шундай қилардинг, ўзим неча марта кўрганман.

- Сен бўлсанг ўшандаям кип-қизил хаёлпараст эдинг.

- Нима кипти? - Бобоёр гезариб Акбаралига қадалди. - Хаёлпараст бўлсам нима кипти? Гап борми?

- Мен бир нарса деяпманми?.. Фақат ҳолва деган билан оғиз чучимаиди, ахир; шуйтиб юрверасанми хаёл суриб. Бу ёқда умр ўтиб кетаяпти. Сен бўлсанг доим ниманидир қутганинг-кутган, доим нимадандир норози юганинг-юрган. Ундан кўра...

- Нима ундан кўра?

- Ундан кўра ишлаш керак. Сендан ҳаракат, мендан баракат деган гапларам бор. - Шу ерга келганда Акбарали пойтахтда ўқиб юрган кезлари диплом раҳбаридан эшитиб қолиб, азбаройи маъқул бўлганидан ёдлаб олган, назарида айни баҳс учун ўта жўяли туюлган бир жумлани кистириб ўтиб кетишдан ўзини тийиб туролмади: - Умуман, одам ҳаётдан ниманидир талаб қилиш учун энг аввал шунга яраша ишлаб қўйиши ҳам керак-да.

Бу пичинг оловга мой сепилгандай таъсир қилди. Бобоёрни энди тамомила эплаб бўлмай қолди - у қутуриб кетди:

- Мен ишламапманми? Мен-а? - Бобоёр кесилиб-тилиган, қонгалаш қафтларини мезбоннинг юзига тақаб, ўдағайлади; - Кўряпсанми? Қонни кўряпсанми? Қадокларни-чи? Мана буларни шамак кесган! Булари-чи? Буларини қамиш кесган! Шу қўл бекорчи одамнинг қўлига ўхшайдими, инсон?! - Бобоёр шоша-пиша снгларини шимарди. Унинг билаги ҳам сон-саноксиз пичоклар тиги урилгандай тилинган-кесилган эди. - Кара, кўриб қўй бекорчининг қўлини! Кўрдингми? Энди ҳисобла. Эрталаб сўфи азон айтмасдан туриб эдим, ҳали соат тўрт бўлмаганди. Аввал молҳона тозаладим, кейин хўкизга ем қайнатиб бердим, кейин молларни далага обориб боғлаб келдим, кейин ўттиз боғча шамак ўрдим, бовладим, аравага ортиб уйга опкелдим, қўйларга бердим, суғордим. Кейин яна далага қайтиб бориб, тушгача кетмон урдим... Тушда эл дам олади, мен эсам бир коса қатикча нон. Тўғриб ейман, сўғин бориб молларни суғораман, силжитаман. Тундан кейин яна кетмон. Кечурун икки боғ беда кўтариб

оламан, ҳам молларни олдимга солиб ҳайдаб келаман. Ишонасанми, шомга бориб оёғимни кўтаролмай қоламан, бошим айланади... Хар куни шу аҳвол. Ўзимнинг ҳам молдан фарқим қолмагандай... Бир ойдан бери ҳовлидаги кулаб тушган деворни тузатолмайман. Бугун Эралига ялиниб-ёлвориб, насияга бир тележка тупроқ тўқдирдим. Лой пиштитиб қуяй десам сув йўқ, яна Эралига ялиниб-ёлвориб, битга ароқ бериб, бир цистерна сув обкелтирдим. Уйингта келишдан олдин тупроқни ивитиби қўйдим. Ҳозир бориб лой қораман, сахар туриб ҳаром қотгур хўкизга ем бергач, гувала қуяман. - Бобоёр хансираб қолди. Сўнг ҳорғин тарзда кўзларини юмди. - Мен кўп, жуда кўп йиллардан бери иш аталмиш бир гирдоб ичида яшаётгандайман. Кун - иш, тун - иш, ёз - иш, қиш - иш... Гирдоб қуюндай айланади. Озгина тўхташнинг, нафас ростлаб олишнинг, олд-ортингта қарашнинг иложи йўқ. Ишлайверасан, ишлайверасан... Вақт тушунчаси йўқолади... Сен гайришуурий тарзда, мияси олиб ташланган юморноқозикдай питирлайверасан, питирлайверасан...

- Пулдан эса дарак йўқ...

Бобоёр сесканиб кўз очди. Гап қўшган Валижон эди.

- Пулми?.. Бошқа нарсдан дарак йўқ...

Бобоёр яна нигоҳини Акбаралига тикди.

- Хўш, ишлаётган эканманми ё ялло қилиб юрган эканманми? Акбаралининг ён бергиси келмади.

- Иш билан ишнинг фарқи бор-да, жўра. Сен ҳозир ҳаммамизнинг бошимиздаги савдони дўмбора қилаяпсан. Аслида, ниначининг минг ургани, деганларидек, ишнинг кўзини билиш керак-да. Ана, яшайпти-ку одамлар.

- Нима қилай эмаса? Ўғирлик қилайми?

Қасос олиш имконияти туғилаётганини илғаган мезбон пичингта ўтди:

- Ўғирликниям, жўражон, эплаган қилади. Бу сенга офтобда эриб кетмон чопиб, сўнг миннатини дастурхон қилиб ёзиб ўтирган эмас. Эпламаган тўғри бориб қамокка тушади. Шунақа...

Афтидан, Акбарали бу гапни бекор айтди.

Бобоёр бир муддат гарангсиз, лол-қарахт алфозда қолди, сўнг, пичингнинг оғули таъсири юрагига етиб борди чоғи, бурун катаклари керилиб, қалта-қалта нафас оларкан, қонгалаш кўзларини Акбаралига тикканча дона-дона қилиб, ҳолатига мутлақо ёпишмаган совуққонлик ва қатъият ила, ҳукми олийга бўйин этган банд мисоли садо берди:

- Тўғри айтасан, жўра, ўғирликниям эплаган қилади, лекин бир уриниб кўрилса зарар қилмайди. Чунки бундай ҳаётдан қамок яхшироқ...

Сўнроқ, орадан ойлар ўтиб, қамокхонанинг сассик ва тор, рутубат уфуриб турган камерасида, бир қафт жой учун маҳбуслар билан жиққамушт бўла-бўла, ахйири ҳориб-чарчаб, қонга беланган алфозда муздек бетон полга қулаган маҳал Бобоёрни хожатхона шифтига осиб кетишгани ҳақида хабарни эшитганида Акбарали нечукдир айнан шу манзарани, айнан шу сўзларни эслайди ва жўрасининг машғум ўлим топишида ўзини бош гуноҳкор ҳис этиб, пушмон аталмиш изтироб ўтида жизғинак бўлади; «ўшанда нега жим ўтирмадим, нега қитик пастига тегдим», деган азобли армон эса бир умр юрагини кемириб, асабларига азоб омбурини солади; алал-оқибат қаҳрамонимиз «ўтириб чиққан»дан сўнг олти ой ўтар-ўтмас, ўз хобхонасида, намозшом палла, баайни мутолаага берилгандай бир қалингина китоб устига мук тушган қўйи, оғзидан қора қони келиб, жимгина жон беради...

Сўнроқ, орадан ойлар ўтиб, тепкилаб-эзғилаб ташланган, қонга беланган, бир қоп гўштдай ҳаракатсиз вужудини хожатхонага судраб боришиб, тўсундан ўтказилган арқонга осишгунларига қадар энди оғрик-погриқни ҳис қилмай қўйган Бобоёр кўп нарсаларни, ҳаттоки бутун ўтган умрини-да эшлашга улгуради; бироқ, нечукдур, жўрасини ҳаётининг сўнги дамига қадар изтироб ўтига солган, охир-оқибат тирикчилигига зомин бўлган юқоридаги манзарани ёдига олмайди...

Буларнинг ҳаммаси кейин, кейин содир бўлади. Ҳозирча эса...

Қўшни хонада яна қариянинг «қув-қув»лаб узок йўталгани эшитилди. Аммо Бобоёр ҳеч нарсани эшитмаётгандек ҳамон тиканли нигоҳини Акбаралига тикиб тураркан, баногоҳ шартта ўрнидан турдию, хайр-маъзурниям насия қилганча тез-тез юриб хонадан чиқиб кетди.

Недир ноҳуш ишоратни сезгандай юраги симиллаб оғриб кетган Акбарли Валижонга саволомуз қаради, бироқ «Распутин» елка қисши билан жавоб қайтарди, холос...

Түй кизимаётганди.

Гадоёмурод хофизнинг савки табиийси бу гал ҳам панд бермади - элчининг уникқан уст-боши, яна денг автобусда келганининг ўзиёқ түй соҳибининг кимлигидан шохиллик бериб турарди. Аммо август энди бошланмоқда, хали түй мавсуми авжга чиқиб улгурмаган, инчунин, илиги тўқларни чертиб-чертиб танлаб олмоқнинг, алаҳхусус, ноз қилиб, ўзни тарозига солиб ўтирмакнинг-да маври эмасди - шунинг учун хофиз рози бўлақолди. Бунинг устига, түй бегим куни ўтмоқдайди; ҳарна ҳам уч-тўрт танга ёнга қолади, ҳам «ёғли» жойлар олтидан «асосий состав»ни бир машдан ўтказиб олади.

Хофиз дастурхонга ижирганиб қаради. Пишиқчилик аллақачон бошланганига қарамасдан куруқсоқ түй эгалари аччиқ чилги узуму хом олмадан бошқа нарса олишмаган шекилли. Газакларни-ку, айтмаса ҳам бўлади, на пишлок, на колбаса ва на хофиз шарбатини ароққа солиб ичишни яхши кўрадиган лимон. Дарвоқе, бу нима ўзи, ароқми ё самогон... Э, нафсинга ўт тушсин, Кори Ишкамба!..

Хофиз секин уф тортиб қўйиб, даврага қаради. Табиий, «қистир-қистир»нинг ҳам мазаси йўқ эди.

Ана, ўтиришибди тўрда «куёвтўра»нинг ишонган жамоаси - домуллалар. Бари комтјом-шим кийиб, бўйинбоғ тақиб олишганини қаранг! Раққоса яқинлашса бас, ўзларини таом ейишайётганга солишди айёр тулкилар. Лорсиллаган Эъзозхон бекора уринаяпти. Ие-ие... Хофизнинг кўзи қинидан чиқиб кетай деди. Эъзозхон сал энгашиб, килпиллаган алфозда кўкрагини ялтироқбош бир домланинг елкасига теккизишга уринарди. Санчкини ҳимоя қуролидай маҳкам чангаллаб олган шўринг қурғур домла эса калласини елкаларини ичига тортиб, тобора бужмайиб-кичрайиб борарди.

Хофиз чорпоя чеккасига чирт этказиб тупурди. Лодон Эъзозхон, ахир бу ялтироқбош домладан ёруғлик чиқармиди, кўкрагининг теккизиш у ёқда турсин, сўришга берсанг ҳам киссасидан шимилдирик чиқмас. Қўй бу мирзақурук домларини. Анов ёққа кара, бир уннаб кўр... Ана, қуйирокда ўтирган ёш-яланглардан бир нарса унса унар, бўлмаса йўқ...

Барибир, хофиз унчалик қуйинмаётганди. Зеро, синалган икки усул бор. Биринчиси, куёвжўраларни секин чеккароққа чақириб, «шундай-шундай, укалар, киримнинг мазаси йўқ, биз фалон-фалон тўйларни ташлаб келиб ўтирибмиз, энди ўзларинг инсоф билан ўртага ташлаб, тўрт-беш минг йиғиб бермасаларинг бўлмайди», деб туриб олиш. Куёвжўраларда орият кучли бўлади, албатта йиғиб беришади, йиғиб бермай қарғаям боришарди, ҳеч бўлмаса тўёнани икки кўллаб олиб келиб беришади. Бунинг устига куёвтўра ҳам амманнинг бузоғи эмас, гапига жавоб берадиган йигитларданга ўхшайди, агар тўғри бориб ўзига айтилсами... Боя хофизнинг укаси Сайфимурод ёшлигига борибми, қовун тушириб қўйди - пул тушавермаганидан ранжиди шекилли, очган ароғи сув чиққанининг аламини кўшилганми, шартта микрофонни олиб, алмойи-жалмойи сўзларда, келин-куёвнинг исмини бузиб айтиб, «манаман» деб кўзга ташланиб, турган беписанд оҳангда қуллов айтгач, табригидан-да бемаънироқ бўлган «Мери жўппа Ҳиндистана, Асфалт йўлда кетяпмана...» деб бошланадиган, ўзиям ашулага пародиядай расво бир нимани айтиб юборди. Хофиз шунча мўйлов қилди, қани энди ука тушунса. Буям камлик қилгандай, ўртага диконглаб чиққан Эъзозхон тоғорадай думбасини ликиллатиб бир бало ўйинга тушиб кетди-ку... Шунда хофиз куёвнинг ранги оқариб, кўзлари қисилиб кетганини, кўллари эса мушт бўлиб тугилганини кўрди. Бир-икки куёвжўраларнинг ҳам авзойи бузилди. Ваҳоланки, ўртага чиқиб келган етти-саккиз маст-аласт ер тепиниб ўйинга қўшилиб кетган, стол атрофида ўтирганлар, тик турган томошабинларнинг ҳам деярли барчаси осмонга чанг булутини кўтараётган бу издиҳомга термулиб қолишганди.

Ўйиндан ўт чиққани ёмон. Вазиятни юмшатмаса бўлмасди. Шунинг учун хофиз «қўшиқ» тутар-туғамас укасининг ёнига бориб, билагидан маҳкам чангаллаганча ўзига қаратаркан, қулоғига иккалови бағоят яхши шутунладиган оҳангда «Пис ўтир!» деб буюрди-да, микрофонни қўлига олиб, шўх ашулани бошлаб юборди.

Иккинчи усул эса... ҳамиша, ҳамма жойдаям юз фоиз иш берган. Фақат бу усулни қўллаш учун озгина шарт-шароит, яъни

пулдор меҳмонлару «қулоғи қизиб қолган» майхўрлар гуруҳи бўлса бас.

Баайни хофизнинг фикран берган буйруғини эшитгандай, Эъзозхон бўйнидан бошига қадар қисқичбақадай қизиб кетган домлани ташлаб қуйи тарафга йўргалади. Хофиз мамнун тарзда кафтларини бир-бирига ишқалади. Мана энди жойингни топаёсан, Эъзозчик, анави жингалаксоч, аллақачон тайёр бўлиб қолган пачоккина йигитчани кўздан қочирма. Тўғри, у беш дақиқада бутун пулини совириб улгуради, аммо, ҳечкиси йўқ, сал «қизитиб» олсанг бас, бунақалар бировдан қарз олиб бўлсаём ё уйига зув этиб бориб келиб бўлсаём қистиришга пул топишади. Бунақалар ернинг тағида бўлсаём пул топишади - бу аниқ! Бунақалар зор-зор йиғлатиб онасидан олиб келади, болаларининг ризқини қийиб хотинидан тортиб олади, керак бўлса ўз уйида! ўзи ўғирлаб келади - ишқилиб, пул топади бунақа алқашлар! Майли, Эъзозхон лўмбоздай гавдасини уларга силатсин, билагини сиктирсин, кўз сузсин, қош қоксин, ярашса-ярашмаса ноз қилсин, улар тутган лим-лим пиёла ароқни ичсин, худди билмагандай кўкрагини текиссин - энг муҳими, уларнинг қонини кўпиртириб турса бас, кейин пул деганлари оқиб келаверади...

Отарчиликда ўтган йиллар хофизни малакали рухшунос қилиб қўйганди. Ҳозир ҳам у пул ёмғири ва маст-аластлар ҳужуми остида қолган Эъзозхонга илжайиб кўз ташлаб қўяркан, иккинчи усулни қўллаш лаҳзалари келганини ҳис қилди.

Гадоёмурод, хофиз қаршисида тўрсайиб ўтирган Иқболхонга бош ирғаб қўяркан, кўзларини юмиб, шартлашилган ишорани қилди. Шуни кутиб ўтирган эканми, бирдан чиройи очилиб кетган Иқболхон зипиллаб чорпоядан тушди-да, артистлар учун ажратилган хонага кириб кетди ва икки дақиқа ўтар-ўтмас ним ёруғ остонада яна ўзининг қорасини кўрсатди.

Мохир режиссёр мисоли оломон устида ҳукмини ўтказиб, лаззат тоғувчи Гадоёмурод хофиз энди қолғувчиларга ишорат этди. Бадабанг мусика авж нуктасида шарт тўхтади ва оломон хали нима бўлганини англаб улгурмасдан най ва гижжакнинг ҳазин садолари қуйилиб кела бошлади. Табиийки, қони қизиб улгурган маст-аласт тўдага бундай мусика ёқмайди. Улар ер тепиниб ўйнашни, бақириб-чақириб, бўқириб-хайқириб раққоса аёлга ҳужум қилишни исташади. Аммо улар ўз истақларини англаб етишлари учун икки-уч сония фурсат зарур. Гадоёмурод хофиз эса мана шу фурсатни уларга бермайди. Хофизнинг сезилар-сезилмас ишораси билан шотирлар кўмағида микрофон етказилиб берилади ва қоронғуликда, ҳа, ҳа, албатта қоронғуликда аёл қизининг маънос нолаеси эшитилади: «О-о-о-о... Азизин... О-о-о-о... суюқлим...»

Гадоёмурод хофиз ҳар бир ҳужайрасига қадар хис этиб туради: оломон оёққа халқайди, тик турганлар бир-бирларининг бошлари оша мўралайдилар: «Қани?... Ким?... Қаерда?...» Оломон бетоқат бўла бошлайди. Оломон қидиради овоз соҳибасини ва мана шу лаҳзада хофиз яна бир сезилар-сезилмас им билан видеоқичининг электр чирокларини бирдан қоронғуликка бундиштириб юборади. Ва «сахна»да узун қоп-қора сочларини шалодай ташлаб олган, елкаси сийналарини андак алангочлаб кўрсатувчи ҳарир либос кийган, меъёрида бўяниб-безанган, оппоқ бўйнига тилло занжир, узун-узун бармоқларига феруза кўзин узуқлар таққан, қуюқ киприклари ила нигоҳини тўсганча эзилиб қониш қилаётган Иқболхон пайдо бўлади! Оломон беихтиёр «Оҳ!» деб юборади, «Вох!» деб юборади. Эҳтирослар жунбушга келади...

Гадоёмурод хофиз бир нарсани - эҳтимолки сал соддалаштирилган кўринишда - аниқ-тиник тасаввур қиларди. Дейлик, ишдан ҳориб, чарчаб, чанга беланиб қайтган дехкон ювиниб-ювинмай тўйга келди, оч қоринга юз грам отиб олиб, кайф ҳам қилди. Ана, пул қистирай деса раққоса ҳам жилпанглаб турибди. Лекин бундай раққоса алқаш меҳмонлар учун. Қўнгли сал нозикроқ, боши қаллигини нуутган дехкон нима қилади? У мўъжиза қутади. Ишонибми-ишонмайми, бари бир қутади. Ниҳоят, шундай жоду рўй беради ҳам: қоронғуликдан фариштамонанд сулув, ҳарир либосли бир аёл чиқиб келади-да, ҳазин овозда ашула айта бошлайди: «Азизим, суюқлим...» Йўқ, аёл безбет отарчилар туридан эмас, маст-аластларнинг ўзига яқинлашшиларини хоҳламайди - дарҳол орта чекинда, улар тутган пулларни олмайди, мабодо одоб билан бориб, мана шундай одоб билан пул қистирсангиз, аёл ширингина табассум қилади-да, астагина эгилинқираб, фақат ўзингиз эшитадиган товушда, жон олғувчи лутф ила (ўҳ-хў, бу даражага етқизгунча Иқболхонни

неча минг маротаба машк қилдирмади ахир) «сиздан миннатдорман» ва ёхуд «ташаккур сизга» деб қўяди. Эй, шундай гўзалдан садағаси кетмасинми акаси қарағайларнинг! Ахир, дехқон ҳам ўзини Инсон ҳис қилгиси келади. Шаҳарларга бориб, паркларда ялло қилиб юрولмаса, ресторанларда мазза қилолмаса, умри бола-чақасини боқишу тўй-маърака ўтказиш дардида елга совурилайётган бўлса, мундай бир кўчалик уст-боши-да бўлмаса - ҳеч курса, шундай кезлари бир хурилиқо қошингда бош эгиб турса, қўл ўз-ўзидан чўнтакка югургилаб қолмайдими ахир?! Майхўрларми, уларнинг жазосини Эъзозхон бераверсин, Икболхонга қолганиям етиб ортади...

Икболхон кейин қандай кўшиқлар айтади - бунинг уч қақалик аҳамияти йўқ. Мухими - биринчи қадам, кайф қилиб улгурмаган каллаларни бир зарб ила сархуш этиб қўйиш. Қолгани - техника иши: пуллар ўз вақтида жомадонга жойланиб турилса бас...

Иккинчи усули хамирдан қил суғургандай осон кўчаётганини кузатиб турган Гадоёмурод ҳофиз бир пиёла аччиқ арокни шартта смириб юборди-ю, газак-пазак қилиб ўтирмасдан, минг қўйли бойдай гердайиб ёстикқа ёнбошлади.

Шу пайт орқа томондан:

- Ака, - деган овозни эшитган ҳофиз шу томонга ўтирилди.

Унинг қаршисида чамаси ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги, сулувчи бир қиз ташвишли киёфада турарди.

Ҳофиз йиғиштириниб ўтирди.

- Хизмат, синглим.

- Ака, кечирасиз, тўйдан кейин шаҳарга кетасизларми?

- Нимаиди?

- Ҳолам оғирлашиб қопти. Ҳозир телефон қилиши.

- Ҳолангиз қаерда туради, синглим?

- Эски Ленин кўчасида, ҳозирги номини билмайман.

- Ҳм-м... Яқин экан... Ҳай, майли, тўйдан кейин 27-06

номерли машинага келинг, бирга кетамиз.

Қиз бир муддат тараддулланиб қолди.

- Ўзи, ака, жой борми?

- Жой бор, синглим, какраз бир кишига жой бор.

Қиз биттар иккиланди.

- Укам билан борсамми дегандим...

Ҳофиз қўлларини икки ёнга ёзди...

- Иккалангизиниям жон деб олган бўлардим, синглим, афсуслик...

Қиз илтижо оҳангига ўтди.

- Илтимос, ака... Пулини... Пулини берамиз.

Ҳофиз илжайди.

- Одамлар-а, одамлар... Гаф пулдами, синглим. Йўлда

ГАИ деган бало бор, правани олсам майлиди, машинани арест қилади-қўяди, кейин нақ олти ой югуришимга тўғри келади. Кимга зарил бу бош оғрик?

Қиз маънос бош эгди.

- Ҳай, майли, раҳмат. Эрталаб автобусда кетармиз.

Ҳофиз жойлашиб ўтириб олди.

- Сиз, синглим, кўркманг. Худога шукр, мусулмон фарзандимиз. Бунинг устига, қаранг - ҳофиз даврага ишора қилди - опаларингиз бор. Кетаверасиз ўшаларнинг қабатида. Ўша айтган кўчангизга обориб қўйиш биз тан.

- Раҳмат, ака, мен опамдан бир сўраб кўрай.

Қиз кетди.

«Опаси рухсат берса ёмон бўлмасди», дея тамшаниб қўйди ҳофиз.

Кўп йиллик отарчилик тажрибаси унга бир кўришда одамларни сал-пал бўлса-да таниб олиш санъатини ҳам ўргатганди. Мисол учун, ҳозиргина илтимос билан келган қиз баъзи тўйларда учраб турадиган «қичиғи кўп-у, нағмаси оз» қушчалардан эмаслиги шундоқ кўриниб турибди. Бундай жононларни танишдан заҳоти тўшаққа етаклаш у ёқда турсин, ҳатто уер-буерига қўл югуртиришнинг ўзи ғирт телбалик бўлур эди. Йўқ, буларга бошқача, алоҳида муносабат зарур. Аввало ўзингни олижаноб, зиёли инсон қилиб кўрсатишинг, сўнг турли ваз-қорсонлар ила совға-саломлар беравериш бошини айлантириб қўйишинг, ўзингнинг бебахт ҳаётинг ҳақидаги афсоналарни тўқиб ташлашинг ва ниҳоят шундан сўнггина қўлингга андаккина эрк беришинг жоиз бўлади.

Умуман олганда, қиз зоти ҳофиз учун анқонинг уруғи эмасди, албатта. Бироқ, тонг отар давом этадиган базмлар, нукул кичик гаплардан иборат гурунлар, бешарм қилқили аёллардан

сўнг кўнгил баъзан гортинчоққина, навнихол бир ожизани ҳам тусаб қоларкан. токи, бундай қиз билан бемалол ресторанларга, дам олиш уйларига борсанг, қолаверса, ҳоли бир маконда, шовкин-суронсиз, осуда гўшада шакарғуфторлик қилиб ётсанг - бунинг савобига не етсин. Шаксиз, моддий таъминот тўла ўз зиммасида бўлади...

Шовкин беҳад кучайгани, маст-аластларнинг хотин-ҳалаж, бола-бақра бор демай бемалол етти маҳаллани бошига қўтариб сўқинишаётганликлари, чорпоя ёнида уч-тўрт кишининг ёқа бўғишиб ўтиб кетганликлари - буларнинг бариси базм оёқлаётгани далолатлари эди.

Гадоёмурод ҳофиз анжомларини йиғиштиришга тушди. Пуллар дипломатга жойланди. Тушум жа унчалик зўр эмасди, лекин унчалик ёмон ҳам эмас - чиласа бўлади. Бунинг устига келин-куёв ичкарига қариб кетгач, тўй эгаси бўлмиш соч-соқолига оқ оралаган, афтидан, аллақачон пайғамбар ёшидан ўтган, аммо озидан қўланса арок иси уфуриб турган, тишим зўрга айланаётган отахон ваъдалашганига нисбатан бир «бўлак» кўпроқ бериб юборди.

Кўп йиллик отарчилик тажрибаси яна бир нарсани - эҳтиёткорликни ҳам ўргатганди. Бундан кейинги воқеалар қандай кечишини ҳофиз ёддан биларди: оломоннинг асосий қисми уй-уйлаб таркала бошлаган, лекин маст-аластлардан бир қисми албатта артистларга ёпишиб олиб, базмни давом эттиришни талаб қилиб туриб олади; беш-олти жиннибашара ёш-яланг майхўрлар эса - балки улар сафида уч-тўртга қариб қуйилмаганлар ҳам бўлар - очикдан-очик Эъзозхон билан Икболхонга хужумга ўтишди. Бундай пайтлари даврага бирон баобру одам раис бўлган бўлса, хўп-хўп: уриб-сўқиб ҳамки, уларни тарқатиб юборди, агар бирон бўшангрок ёнқи ўзи элбурутдан ичиб олган одам бўлсами - тамом, иш муштлашувсиз тугамайди. Яхшиям, ҳофизнинг ўз гуруҳидан кўнгли тўқ, Жанжални пулга сотиб оладиган Сайфимурод билан боксёр нижақчининг ўзи ўн-ўн бештасини кўрдим демайди, аёлларам ҳаққини бериб қўядиганлардан эмас, юмталашга тушиб кетишсами... Ишқилиб, ҳув бир галгидай миршаблар бошлигинингми ёки прокурорнингми ишқи хонимларга тушиб қолмаса бас, даъвогаринг қози бўлгач, қутилиб кетиш мушқуллашади... Тўғри, кишлокдан чиқиб олгунча ҳам баъзи ёш-яланглар машинага тошми-шишамми отиши, ғилдирак тагига миҳ қокилган тахтачалар ташлаб кетиши мумкин, лекин бу унчалик муаммо эмас - ёзилмаган қонунга кўра, етказилган барча моддий зарар тўй ёгалари зиммасига тушади.

Шуларнинг барини ҳисобга олган ҳолда Гадоёмурод ҳофиз тўй тугаган заҳоти пулни йиғиштириб олиб, гуруҳидан олдинроқ жўнаб қоларди. Таксимот эртаси куни бўларди. Айниқса, янги «Об» олгандан бери ҳофиз бу одатини қанда қилмайди, ҳатто иложини топиб тўйдан қайтаётган машиналар орасига тушиб олади - шуниси беҳавотирроқ. Энди бир камн сочига оқ тушганида ёқа бўғишаётган маст-аластлар ўртасига тушиб юриши қолувди.. Гуруҳи бўлса, тегирмонга тушса бутун чиқадиғанлардан. Ҳатто, баъзи-баъзида бирон пулдорнинг уйида тонга қадар базмни давом эттиришиб, бутун бошли тўйга қараганда кўпроқ тушум қўтариб борган кундариям бўлган.

Ҳофизнинг ўзи бу тахлит «тўйдан кейинги тўй»ларга қадам босмайди. Зеро, у бундай жойларда пул кўпроқ ниманинг эвазига келишини яхши билади. Биринчи бор шунақанги жойда бўғилиб қолгунча ашула айтиб, сўнг ухлаб қолгани, тонг саҳарда амаллаб қўзини очганда эса шундоққина оёқ томонда ярим ялангоч ҳолда ҳириллаб ухлаётган «майиз смаган хотин» Икболхоннинг бўёқлари чаплашгандан ҳунуги чиқиб кетган башарасинию, унинг кўкрагини сўрганча пишиллаб ухлаб ётган миршаббошини кўрганга қанчалар кўнгли ағдарилгани ҳамон эсида. Устига-устак, баъзан бунақанги жойлардан икки қўлингни бурнингга тикиб қайтишинг ҳам ҳеч гап эмас. Ҳофизга нақди муҳим. Узокдаги қуйруқ эса келса нур устига нур, мабодо келмай қолса - нимаям дердик, насиб қилмаган экан-да, деб қўйишга ўнғай бўлади, қўлдан кетган пулни ўйлайвериш ич-этингни ейишга асос қолмайди.

Гадоёмурод ҳофиз тахланмаган пул тўла дипломатни орқа ўриндикка, кўздан панароққа жойлаб, машинани энди ўт олдираётган маҳал бояги илтимос билан мурожаат қилган қиз ўзи томон шовиб келаётганини кўрди. Ҳофиз ёнбошдаги эшикни очиб, қизни ичкарига тақлиф қилди.

- Ўтириб туринг, опаларингиз ҳозир чиқиб қолишади.

Қиз бир муддат иккиланиб туриб қолди. Буни сезган

хофиз ноилож орқанги эшикни очди. Киз ўтирди.

Машина энди ўрнидан жилаётган пайт ланг очик тўйхона дарвозасида тор солинган филофини кўтарган Сайфимурод кўрди. У акасига бош бармоғини юқорига кўтариб кўрсатди. Демак, ишлар «беш» - базм бирон пулдор ё фирт мастнинг уйида тонгача давом этади. Хофиз мамнун тарзда кўл силтаб кўйгач, хушхоллик билан газни босди.

- Ака...

Орка ўриндикдаги қизнинг хавотир тўла овозини эшитган хофиз типирчилаб қолди.

- Э, синглим, буни қаранг, машиналаримиз кўпроқ эди, опаларингиз орқадагиларга минибди. Хозир улар бизга «йигирма тўрт»да етиб олишади. Катта йўлга чиқиб олайлик, кейин кетаверамиз бирга-бирга.

Киз индамай бош эгди. Буни қаршисидаги кўзгучада кўрган хофизнинг димоғи янада чоғ бўлди ва ушбу хушнудлигу ичилган ароқ таъсириданми, бир муддат бурунги узокка мўлжалланган ниятлари ёддан чиқиб, кўнглига ҳирс отлиғ шайтон кутку сола бошлади.

Хофиз деганлари бунақа ишларнинг пири бўлиб кетган, пири!

Хофиз бошламасига машинани тўхтатиб, ташқарига чикдида, орқа гилдиракни бир-икки тепиб кўргач, андак мулоҳазақор вазиятда тик қотганча, жиддий тарзда қизга мурожаат этди:

- Синглим, илтимос, олдинга ўтиб олинг, орқага нагрузка тушапти.

Киз, гўлгина чамаси, индамай олд ўриндикка ўтди.

Хофиз ҳамроҳининг тикмақоқдай қоматига кўз ташлаш асносида тезлик ричагини қўшаркан, гўё беҳосдан бўлгандай, бармоқларини ёйиб қизнинг ялонғоч болдирига теккизиб олди. Баайни ток ургандай бир сапчиб тушган қизнинг жон ҳолатда нари сурилиб, эшикка қапишиб олганини кўрган хофизнинг бадани кизиб кетди. Сийнасининг чангалласанг ҳам безрайиб тураверадиган ёнги оғзини чапиллатиб тановул қилишда давом этаверадиган раққоса жувонлар даврасидан сўнг бу ҳали кўлга ўрганмаган охунинг табиий қилиги хофизни жуда дилтанг қилиб юборди. «Авал касал холанга деб пул берман, - жадал режа туза бошлади иложини топиб, шу туннинг ўзидаёқ ниятини амалга оширишга жазм қилган хофиз. - Кейин йўлда бирон жойда тўхтаб, шашлик-пашлик обераман. Коньяк... ичмаса керак. Хай, майли, унда эски усулни қўллаб, хотинни ёмонлайман, кўнглим йўқ дейман, ажрашман дейман. Эритиб олсам бўлди-да-ей, у ёғини кейин кўраверамиз...» Бунинг устига, худонинг берганини қаранг, хотин мактаб бошлангунча болалар билан қишлоқда.

Овулнинг ўнқир-чўнқир кўчаларидан чиқиб, катта йўлга бурилган маҳал хофиз машинани тўхтатишга мажбур бўлди - уч-тўрт шох-шабба йўлни тўсиб қолган, айланиб ўтишининг ҳам иложи йўқ эди. Тўғри, хофиз аввалига озгина чўчиди ҳам, зеро, тўйдан қайтган маҳаллари, ёш-яланглар йўлни тўсиб, отарчи аёлни талаб қилиб туриб олган ҳоллар ҳам бўлган ахир. Бирок, ҳозир моторни ўчирмасдан, атрофга синчиклаб разм солиб қаранган хофиз шубҳали ҳеч нарсага илгарама, пастга тушди. Ҳа, афтидан, кимдир ўтин олиб келгану, қайрилишда теляжқадан шох-шаббалар тушиб қолган, шекилли.

Хофиз илдам бориб, шохлардан каттароқ кўринганига ёпишди. Ва худди шу лаҳзанинг ўзида ортида шарпа пайдо бўлганини илғади. Хофиз энгашган ҳолида кескин ўтирилди. Кўзни қамаштирган машина чироклари ёруғида хофиз улкан, қоп-қора кийимли гавданинг ўзи томон шошилмасдан яқинлашиб келаётганини кўрди. Хофизнинг назарида, қадам ташлаган сайин гавда энига-бўйига ўсиб, баҳайбатлашиб бораётган эди. Ана, унинг ортида яна бир қора кийимли шарпа кўрингандек бўлди.

Хофизнинг қулоқлари шанғиллаб, оёқларидан мадор қочди. Юраги эса бўғиздан отилиб чиқиб кетгудек алфозда гурсиллаб ура бошлади; баайни, яна бир сониядан сўнг ерга гурсиллаб хушсиз қулайдигандай эди.

Аммо, жон - ширин. Тобора ваҳимати даражада улканлашиб бораётган шарпа шохга эгилган ҳолида ҳайкалдай қотган хофизга бақамти бўлишига икки-уч қадам қолганда туйқусдан ёнбошдан узунлиги нақ бир газ пичоқми-қиличми чиқариб боши узра азот кўтарган ва бу алламбало даҳшатли қурол машина чироклари ёруғида олмосдай ярақлаб кетган палла ўзини жаллод кундасига бош кўйган банди мисоли ҳис эта бошлаган хофиз - қайдан қудрат олгани ноаён - жон аччиғида қаддини ростладию, чала бўғизланган кўчқордай кўзининг ола-қуласи чиқиб хирқираганча шох-шаббалар

тўсиғидан сакраб ўтиб, ўзини пастга, дарахтзорга урди.

Минг баҳайбат кўрингани билан шарпа ҳам чакқонгина чоғи, тўсиқдан ошиб ўтасола, қурбони ортидан чопди.

Хофиз узок югурди. Шох-шаббалар унинг юзини тилди, тўнқаларга қоқилиб йиқилди, икки-уч бор сув тўла ариқчаларга қулаб ҳам тушди. Буларга қарамай, тақиб этувчининг ерни ларзага солгудек гумбурлаган қадам товуши ортидан қолмаётганини илғанган хофиз жон алпозда чопаверди. Дарахтзор тугаб, далалар бошланганидаям хофиз иккиланиб ўтирмади - бетон нов тагидан эмаклаб ўта солиб ўзини маккажўхоризорга урди.

Қарсиллаб синаётган маккажўхори пояларининг шовқини ваҳимани баттар кучайтирди. Хофиз чопаверди. Ниҳоят, чап оёғи чуқурчага тушиб кетиб, юз тубан йиқилган хофиз юзидан лойни шоша-пиша суртиб оларкан, тинмай тақиб этаётган кўркинчли қадам товушлари ўзининг кўксига қафасидан чиқиб кетгудай гурсиллаб ураётган юраги саси эканини сизди. Атрофда эса чигирткалар чириллаган, қурбақалар қуриллаган, сон-саноксиз пашшалар «минг-минг»лаб учган, қайдадир яқинда сувнинг жилдираб оқаётгани... хуллас, оддий ёз адоғининг оддий окшоми эди... Шунда ахийри қутулганини англаган хофиз оёғи симиллаб оғриётганини ҳам унутганча, юзини қайтадан лойга босиб олиб, ер билан битта, хор-забун ётган ҳолида ёш боладай пиқиллаб йиғлаб юборди...

Гадоймурод хофиз қунишиб-қалтираб макка даласида анча тентиради. Алоҳа, тонг бўзара бошлаган маҳал бетон наври топиб олди-да, яна унинг тагидан эмаклаб ўтиб, ўша машъум вокса юз берган жойга қайтиб келди. Сизгилари бу сафар ҳам хофизни алдамагани: на машина бор эди ва на киз. Воксанинг тилсиз гувоҳи бўлган шох-шаббалар эса пастга, дарахтзор ёнига ирғитиб юборилган.

Харакат бошлангач, хофиз йўлга югуриб чиқиб биринчи дуч келган «Москвич»ни тўхтатди ва лойга, макканинг қорақуясига беланган афт-ангори, уст-бошини кўрган ҳайдовчининг эсанкираб қолганидан фойдаланиб шартта орқанги ўриндикка кириб оларкан, эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда буюрди:

- Шахарга! Беш юз бераман!

Санътқор - хофиз ўзини бош ҳарф билан шундай аташларини хуш кўрарди - ҳаммага керак. Шу боис, у билан салом-алик ҳам қуюқ бўлади. Вилоят микёсидаги тузуккина шоир, ёзувчи ва ёки театр актёрини кўпчилик умуман билмаган-эшитмаган, ҳатто кўрмаган, кўрган тақдирда ҳам эътибор бермаган чиқар, аммо отарчини аҳолининг қамида ярми, амалдорларнинг эса саксон-тўқсон фоизи танийди, десак лоф бўлмас.

Мол аччиғи - жон аччиғи. Гадоймурод хофиз ҳам уйига етиб олбасола, ювиниб-тараниб, ўзининг таъбири билан айтганда «одамашара» бўлгач, тўйида текин хизмат қилиб берган таниши - шаҳар мишраббосининг ўринбосарига сим қоқмоқни, керак бўлса, бутун вилоят милициясини оёққа турғазиб, лаънати босқинчиларни, ва, энг аввало машинаси билан пул тўла дипломатни топдиртирмоқни режалаб борарди. Табиийки, ниқоб кийган босқинчилар ўн-ўн бешта эди; табиийки, хофиз улар билан ҳолдан тойгунча олишди, роса солишди, уч-тўрттасини чалпак қилиб ташлади, ахийри номард босқинчилар бошига қаттиқ нарса билан уриб, хофизни хушдан кетгазишиб, ими-жимиди жуфтакни ростлаб қолишди; табиийки, дипломатда хофизнинг ҳалол меҳнати билан йиғилиб келинган анчагина ҳамда тўйдан тушган озгина маблағдан ташқари баъзи бир тилла буюмлар ҳам бор эди; табиийки, хофиз машинада ёлғиз эди... Қандайдир қизни кўришгани? Тўғри, бир қиз бор эди, лекин у кишлоқ чеккасида тушиб қолганди, ўзиям: «Кўчада маст кўп экан, мени кишлоқнинг нариги бошидаги холамниқига олиб бориб қўйинг», деган илтимос билан чиқувди машинага. Шунақа... Шов-шув қилишнинг, қандайдир расмий қоғозлару тушунтириш хатлари тўлдиришнинг эса асло ҳожати йўқ. Ҳаммаси ими-жимиди бўлгани маъқул. Ортиқча гап-сўзларсиз. Айниқса хофиз елиб-югуриб, ниҳоят республика микёсида ўтказиладиган кўшиқлар кўрик-танловининг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган айни кунлардан. Ким билади, Худо «ол, қулим», деб қўллаб юборса-ю, фахрли ўринлардан бирига илиниб қолса борми... У ёғи ойнаи жаҳон, радио, матбуот дегандай, бу ёғи унвон-пунвонгаям бир қадам: «хизмат кўрсатган»ми, «халқ артисти»ни бериб юборишса, «вилоятдан келган» деб... Демак, мана шундай омаднинг ўзи келиб турган нозик пайтда ортиқча шов-шувнинг ҳеч кераги йўқ. Худо кўрсатмасин, тепада ўтирган катталардан биронтасининг қулоғига

бу гапларнинг бир учи чалиниб қолиб, у зот қошларини чимирганча фармон бериб юбормасинларки, бизга оркаси тоза бўлмаган хофизлар на даркор, ундан кўра фалончи-пистончиларнинг пойтахтта боргани мақбул эмасми деб... Қолаверса, гадонинг душмани гадо бўлганидай, тишини қайраб юрган ҳамкасабаларнинг ўзи қанча... Улар миш-мишдан дарак топишган заҳоти пашшадан фил ясаб, керакли одамларнинг қабулхоналарига оёқларини қўлларига олиб чопиб қолмайдиларми... Қараб турибсизки, шунча елиб-югуришлар, совға-саломлар, сарф-харажатлар, димоғидан эшаккурт ёғадиган тўнка амалдорлар қошида кўлингни кўксингдан олмай елпатак бўлиб туришлар - бари-барисининг бир чақалик аҳамияти қолмайди, шунча қилинган меҳнату созурилган маблаг бир пуф билан ҳавога учеди-кетеди...

Бироқ хофиз бошига тушган савдолар шу билангина тугамаган экан...

Машинани дарвоза ёнида тўхташиб, йўлбўйи миқ этмай келган ҳайдовчига камзулининг кўкрак чўнтагидан нам тортиб қолган бешта юз сўмлик чиқариб бераётиб хофиз:

- Йигитчиликда ҳар нарса бўлади, ака. Лекин буни бировга дoston қилиб юриш эр кишининг иши эмас, - деб таъкидлаб қўйишни унутмади. Сўнг нақшинкор эшикни очасола ўзини ичкарига урди. Дарҳол эшикни ичкаридан танбалаб оларкан, юз-бўйидаги қора қурумларни артабериб қоп-қора лахтакка айланган иккала дастўрмолчасиниям ирганган қиёфада ахлат челақчасига иргитиб юборди.

Ичкарида телефон узлуксиз жиринларди. Хофиз бировни уриб юборгудек важоҳатда алпонг-талпонг қадам ташлаб бориб трубкани кўтарди. Ундан дағдағали ўшқириб эшитилди:

- Қарзни тўлаш пайти келди, ит!

Тамом. Қисқа гудоклар.

Ўз уйинг - ўз кўрғонинг! Шундай жойда, яна шунча хўрлигу аламлардан кейин эшимчага-қўшимча равишда ҳақорат эшитиш хофизнинг жон-понини чиқариб юборди. У ювиниш-пувинишларни унутиб, жон алфозда дастакка чангал солганча милиция рақамини тера бошлади.

Ва айни ушбу лаҳза ташқарида машинанинг мусикали сигнали эшитилди.

Йўқ, хофиз янглишиши мумкин эмас, бу - ўз машинасининг «дуд-дути» эди. Бу овозни хофиз керак бўлса, мингта улов сигнали ичидан ҳам адашмай ажратиб олган бўларди.

Хофиз энди ҳовликиб ташқарига чоғди. Не кўз билан кўрсинки, ўзининг суюкли, кадрон «Об»си шундоқ пешонасини дарвозага тираб турарди. Яна оёқларидан мадор қочган хофиз машинасига суюниб қолди. Капот ҳали иссиққина. Жонивор-ей, анча йўл юриб келганга ўхшайди. Наҳот босқинчиларга эс кириб, ким билан ўйнашаётганларини англаганлару, ўз қўллари билан, а...

Хофиз энгашиб ичкарига қаради. Ёпирай, бу не бало бўлди, орка ўриндикда бошини қуйи солиб кечаги киз ўтирибди шекилли... Асаблари тамом ишдан чиққан, қўллари дир-дир титраётган хофиз амаллаб орка эшикни очди. Ҳа, ўша киз, ўтирибди бир нуқтадан кўз узмай. Қизнинг елкасига қўйлаги устидан эркаклар камзули ташлаб қўйилган. Хофиз разм солиброк қараб кўрдикки, кизнинг оёқ-қўли чандиб боғлаб ташланган.

- Синглим...

Киз ялт этиб хофизга қаради.

Гадоимурод хофиз умрида кўп киз-жувонлар билан мулоқотда бўлган. Эҳ-хе, унинг олдига чинқириб келганлар ҳам бўлди, чирқираб келганлар ҳам, юлишаман деб енг шимариб келганлари қанча! Улар орасида қаппайган қорнини пеш қилиб келганлар ҳам бўлди, қон юки чойшабни ялов қилиб кўтариб келганлар ҳам бўлди. Аммо, худо ҳақки, хофиз уларнинг ҳеч бирининг нигоҳида қаршисида турган ушоққина кизнинг кўзларидаги сингари адоқсиз қаҳр, нафрат ва адоват ҳисларини кўрмаганди.

Хофиз сесканиб кетди. Наҳот... Наҳот гишт қолипдан кўчган...

Гадоимурод хофиз кучаниб-ихраниб арқонларни ечди. Ип чуқур ботганидан қўл-оёқларда қонгалаш излар қолганди.

- Одаммас экансиз лекин...

Кизнинг дээрли пичирлаб тишлари орасида айтган сўзлари хофизга тарсаки урилгандай таъсир қилди.

- Нима қилай, синглим, - йиғламсиради хофиз, - ўзингиз кўрдингиз, индамай турсам чавақлаб ташлашдан ҳам тойинмасди у қонхўрлар...

Ҳали ўз окловини тутатиб улгурмаган хофиз миясига нимадир урилгандай туйқус қалқиб кетди-ю, кизнинг гавдаси оша бўйинини чўзганча машина ичини аланг-жаланг кўздан кечириб чиқди. Сезги бу сафар ҳам отарчини алдамаганди - дипломат жойида йўқ эди. Хофиз инграб юборди ва зарбанинг зўридан шундоқ асфальт устига гурс этиб ўтириб қолди.

- Номардлар... Ўгирлар...

Киз яна ҳанжардай нигоҳини шивирлаб қарғанаётган хофизга тикди.

- Икки кўлим ёқангизда, ака. Мени сизнинг ўйинчингиз деб ўйлашиб...

- Менинг бу ерда нима гуноҳим бор, синглим?

Бироқ киз изоҳ эшитадиган аҳволда эмасди.

- Эркак бўлсангиз юринг, милисага борамиз, сиз гувоҳ бўласиз...

- Гувоҳ? Қанақа гувоҳ?

- Ҳаммасини айтиб берасиз. Мен шарманда бўлиб қолишни истамайман. Улардан биттасини яхши таниб қолдим. Изласак топамиз.

- Кимни? - Зўр бериб бошқа нарсаларни мулоҳаза қилиб, ўзича алланималарни хомчўт қилаётган хофиз бу саволни ғайришуурий тарзда, беихтиёр берди.

- Ўшаларни, ака. Сизнинг қандайдир қарзингиз бор экан, шунинг эвазига... Энди сизиям тинч қўйишмайди.

Хофиз хушёр тортиди.

- Қарз? Қанақа қарз? Менинг бир худодан бошқа ҳеч кимдан қарзим йўқ. Мендан қарздорлар бор.

- Мен билмадим. Қарзингиз бор экан, тўлашингиз керак экан... Юринг, ака, милисага борайлик.

- Ҳеч қаёққа бормаيمان!

Кизнинг жикка ёшга тўлган шахло кўзлари катта-катта очилиб кетди. Хофиз аҳдини бу гал янада қатъийроқ тарзда тақрорлади:

- Ҳа, ҳеч қаёққа бормаيمان, ҳеч нимани кўрмадим, билмадим - тамом-вассалом!

- Ахир, ака, сиз...

Гап тополмай, довдираб қолган кизнинг рўй-рост кўркиб кетгани хофизга нашта қилди. У энди бемалол ишшайиб қўйди-да, лўлилик қилишга ўтди:

- Синглим, мен кеча тўйдайдим, кеч қайтдим, чарчаб ухлаб қолибман, машинани ҳовлига киритишам эрдан чиқибди. Ҳозир уйғониб чиқиб қарасам - ичида сиз ўтирибсиз. Тамом-вассалом... Шундай экан, қани бир туёғингизни шиқиллатиб қолинг-чи, хоним!

Киз эсанкираган алфозда пастга тушди. Сўнг намоёншкорона без бўлиб турган хофизга бир муддат қаттиқ тикилиб қолгач, паст овозда, аммо дона-дона қилиб деди:

- Сен... Одамнинг оркаси экансан...

Шундан кейин киз ортига ўгирилиб, йўлдан кетаверди.

Хофиз... оғули ҳақоратни эшитмагандек тутди ўзини.

Ниҳоят боши ҳам, хофизнинг назарида беҳад имиллаб кетаётган киз муюлишдан қайрилган заҳоти қўни-қўшнилардан биронтаси чиқиб қолмагани учун худога шукроналар айтган хофиз шошиб дарвозани очди ва машинани ичкарига олди.

Ҳа, афтидан, безори баччалар шилқимлик қилишгану, сўнг машинани таниб қолишгач, иссиғида эгасига обориб топширайлик дейишгандир. Қиз эса... На илож. Камбағални туянинг устидаям ит қошиб келган ахир... Жуда шаллақилик қилаберса, бир-икки «бўлак» ташлар, лекин унақаларданга ўршамайди. Бунақалар кетаверади аламини ичига ютиб. Жуда наҳи бора қарғайди, кейин йиғлайди-сиктайди, шу билан кетаверади «пешонамга ёзилгани шу экан-да», деб. Афсус, яхшигина нарса эди, қўлга ўргатиб олсам эди. Ковуннинг яхшисини ит ейди ўзи...

Дарвоқе, телефон масаласи... Бир лаҳзалик мулоҳазадан сўнг хофиз бунинг ҳам шарҳини топди. Ҳозир ким кўп - телефон безориси. Ҳазиллашгандир-да биронтаси. Ё бўлмаса рақам адашиб, бошқа бировга уланиб қолган. Ахир, хофизнинг ўзи ҳам шундай воқеага бир марта дуч келган. «Маймун» лақабли ҳамкасабаси билан хофиз жуда қаттиқ ҳазиллашарди. Ўзаро мулоқот-ку, сўқинишдан бошланиб, сўқиниш билан турарди. Бир куни хофиз «маймун» билан иш юзасидан гаплашиб бўлгач, трубкани қўйди-ю, шу заҳоти рақамларни қайтатерди ва у тарафда трубка кўтарилган заҳоти бўралатиб сўқинишга тушиб кетди: «Онанинг палон қилай...» Хофиз маза қилиб сўқинишда давом этаркан, бир пайт не кулоқ билан эшитсинки, у тарафда аёл киши

довдираб: «Хой, ким бу, нима гап?» дея чийилламокда. Хофиз дархол трубкани жойига кўя қолди...

Энди анов қизнинг қарғишига келинса. Албатта, ҳақорат ёмон нарса. Айниқса аёл киши айтса. Айниқса, бегона кишилар билан кечадиган ўзаро муносабатларда «манаман» деб кўзга ташланиб турган зохирий куюк мулозамату кўнгилни айлантириб юборар даражада ўта ширин-чучмал суҳанга кўникиб қолган «нозик қалбли» санъаткор эшитса. Илло, бундай одамлар энг қаттиқ ҳақоратни ҳам иложини топса илжайиб туриб, кўшиқ қилиб ҳайтадилар...

Гарчанд кизнинг нафратли қарғиши қаттиқ гап эшитиб ўрганмаган юрагига ўқдай қадалган эса-да, Гадоёмурод хофиз тишини тишига босди, ўзини ҳеч нарса эшитмагандай бепарво тутишга уринди... Бу кунлар ўтар-кетар... Шавла кетса кетсин... Бир камини номуси топталган қиз билан милисама-милиса етаклашиб юриши қолувди. Зеро, хофиз яхши биларди, бунақа масалаларда синатмаган байталнинг сиртидан ўтмаган маъқул, олдидан таниш, феъл-хўйи маълум бўлгандаям бошқа гап эди, исталган маҳал нозик жойидан шартта тутиб олишнинг иложи топиларди...

Бунинг устига, ўлганнинг устига тепгандай, дипломатидаги пул ҳам кетди қулони ушлаб. Хай, ишқилиб, бўёғи тинчгина, шовур-шувурсиз кечсин... Яхшиям, машина ёнга қолди. Бўлмаса унинг югур-югуриям бир дунё ташвиш эди... Айтгандай, эгасини ҳам сўраб қолишарди балки... Аблах Шири-шири қаерда юрганинкин. Ишонч қозғи муддати ҳам тугаб қолди шекилли. Умуман, ишонч қозғини янгилаш ё бўлмаса беш-олти мингнинг баҳридан кечиби, шартта ўзига расмийлаштириб олсам бўлади энди. Ха, ха, бир-икки кун ичида Шири-ширини топиб, машинани ўз номига тўла расмийлаштириб олиш керак. Майли, пул кетса кетар.

Аммо кейинги воқеалар хофизнинг қаттиқ адашганини кўрсатди...

Жароҳат азоби тезда билинмайди. Қон совуб, оғриқни ҳис қила бошлаш учун маълум фурсат керак.

Машина ҳовлига эсон-омон киритилгач, ҳаммомда ювиниш асносида аста-секин йиғилаборган алам ўз таъсирини кўрсатди: азбаройи ғазабга минганидан, ўзининг яланғоч танасини ўрис супурлисига шап-шуп уришга тушган хофиз энди шу тилда баралла сўқинишга тушиб кетди: «Тварь! Шантажистка!.. Дура!..» Ниҳоят, қарғишлар лугати тугагач, ҳали ҳовуридан тушмаган хофиз қулони оҳанжамалироқ бўлиб эшитилган бир халқ оғзаки ижоди намунаси қўшиб ўтиб кетиш билан кифояланди: «Тёлка нешастная!..» Сўнг, бир йўла ўзининг зукколигига ўзининг ҳам тан бергиси келиб кетдими, боя кизга айтган жавобини чуқур ички мамнуният ила икки марта овоз чиқариб такрорлади: «Бир худодан бошқа ҳеч кимдан қарзим йўқ! Мендан қарздорлар бор!..» Ҳа-а, бошлаган экан ўзиям, бундан ошириб бир нима дейиш-кийин. Қизик, бу гапни қаерда эшитиб қолган экан. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Аммо-лекин тан бериш керак, жа-а ўхшатиб айтган экан... Машина-чи, машина. Ўзлари олиб кетиб, яна ўзлари қўлаб олиб келиб беришганини қаранг. Демак, биринта қаллалароғи айтганки, э, оғайнилар, хофиз ака билан ўйнаши яхшиликка олиб бормайди, у кишининг орқасида не бир китлар турибди, деб. Шундан кейин бошқалариям ўйлани-иб қолишган-да, тушунилган. Э, ҳали дипломатиям кўтариб келишсайки, ака, узр, биздан ҳатолик ўтибди, ёшлиқ қилибмиз, деб. Зўр иш бўларди-да. Хофиз, албатта, аввал ўпкалайди, сал-пал дўк ҳам уриб қўяди, кейин бориб бардан битта коньяк олиб келади. Э, у ёғи маълум-ку, қизгин алёрлару қадах чўқиштиришлар, кучоклашишлару ўпишишлар...

Сув, қолаверса, аста-секин кўнгилга сизиб кирган ўз-ўзидан мамнуулик ҳисси асабларни тинчитди. Хофиз қиз бола кучоғидай иссиққина ва юмшоқ туюлган улкан момик сочикқа ўралиб ҳаммомнинг буғхонасидан чиқиб келганида деярли хуш кайфиятда эди ва димоғида таниш бир кўшиқни хиргойи ҳам қилиб кўярди.

Ечиниш-кийиниш хонасидаги юмшоқ ўриндикка чўзилиш олдидан одатига кўра дарчадан ҳовлига бир кўз ташлаб қўйган хофизнинг дили хуфтон бўлди: машина ёнида ҳозир жуда русум бўлиб кетган қора чарм плаш кийган, қора кўзойнак таккан узун бўйли бир киши гўдайдиган турарди.

Гадоёмурод хофиз чуқур уф тортиди. Афтидан, ошиғичда дарвозани кулфлашни ҳам унутган кўринди.

- Э, худойим, қандай расво кун бўлди-я бугун!..

Хофиз чала-чулла кийинасола ташқарига отилди.

Касб одами кўп нарсаларга ўргатади. Хофиз ҳам силлик таралган сочлари ялтираб туришидан, уст-бошининг ҳам хозиргина дўқондан олингандай тахи бузилмаганидан, тимсоҳ тери туфлисига гард юкмаганиданок келган одам ўзига анчагина тўқ фуқаролар тоифасидан эканини дархол англаб олди. Гўдайдиган туриши эса меҳмонни бемалол амалдорлар тоифасига қўшиб икконини берарди. Фақат болапақир ҳали қорин қўйиб улгурмабди, аммо, ҳечқиси йўқ, ҳали ҳаммаси олдидан...

Хофиз ўзини мажбурлаб илжайди, гарчанд келган одамнинг ёши йигирма беш-ўттиз атрофидалиги кўриниб турган бўлса-да: - Ассалому алайкум, ака, - деди ўнг қўлини кўксига қўйиб, - Узр, кеча хизматда эдик, кечроқ қайтибмиз. Шунга, сал дам олайлик деб...

Гап орасида хофиз ўрни келса-келмаса хи-хилади.

Меҳмон... жойидан жиммади, шундоқ қўл узатиб қўя қолди, холос. Одатда, илтмос билан таширф буюргувчиларнинг ўзлари югургилаб келгувчи эди. Буни кўриб хофизнинг пешонаси тиришди. «Нима бало, «ўша томон»данми дейман...» (Дарвоқе, гап-гаптақларда, тор доирадаги давраларда хофиз номаълум томонга ишора қилиб «ўша томонда ҳам ошналардан бор» деб мактаниб қўяр, улфатлар эса бу гап маъносини англаганликларини билдириш учун дархол бош иргардилар).

- Мошинанинг документларини бир кўрсак.

Келгувчининг кўзларига тик қараб совуқкон оҳангда, ишонч билан гапириши хофизнинг сўнги гумонларини ҳам чиппака чиқарди. Шубҳасиз, унинг қаршисида «ўша ёқ»нинг вакили турарди. «Бало булар, - дея ўйлади хофиз итоаткорона тарзда ҳужжатларни олиб бераркан. - Ер тагида илон қимирласа билишади...»

- Доверенность муддати тугаганига бир ойдан ошибди-ку, қандай қилиб кўчада юрибсиз?

- Ҳа, энди, - ёйилиб илжайди хофиз «Ўзингиз тушунасиз-ку» деган маънода кўз қисиб қўйишга уринаркан, - худога шукр, райондаям, шаҳардаям таниқли одаммиз...

- Қонун барчага баробар, - дея хофизнинг гапини шартта кесди меҳмон ҳиссиз оҳангда.

Бундай кескин зарбани кутмаган хофиз ноилоҳ, типирчилаган аҳволда, эътироф этди:

- Албатта, албатта...

Худди шу маҳал, бетақаллуф муомаладан хофиз довдираб қолган чоғда, дарвозанинг бир тавақаси гийқиллаб очилди кимдир ўктам овозда:

- Ўртоқ капитан, - дея қақриб қолди.

Аммо пинагини бузмаган капитан ортига ўтирилмасданок, ўнг қўлини юқорироққа кўтариб, недир ишора қилган эди, дарвоза гийқиллаб қайта ёпилди.

- Хуллас, ўртоқ Мамадалиев, биз билан боришингизга тўғри келади.

- Қаёққа? - шошиб сўради хофиз.

Меҳмон зериккан қиёфада бир кўкка қаради, бир пастга; гўёки айтиди: шуниям билмайсанми, лодон...

Музтар бўлган хофиз саволини тўғрилашга уринди:

- Нима учун?

Шундан кейингина қутилмаган меҳмон уй эгасининг юзига қараб қўйишни ўзига эп кўрди. Сўнг, ёш болага юзинчи мартаба ниманидир уқтираётгандай оғриниб, хушламайгина изох берди:

- Биринчидан, бу машина ҳақиқий эгаси томонидан бошқа одамга сотилган...

- Сотилган? Қанақасига? Қачон? - анграйиб қолди хофиз.

Меҳмон энди тамомила мазаҳомуз оҳангга ўтди:

- Шунақасига. Қуни кеча. Мана ҳужжатлари.

Хофиз нақ бурни тағига тиқиштирилган ишонч қозғини олиб ўқиди. Дарҳақиқат, худди шу машина яна бошқага сотиш, ўзга бировга ишониб бериш ваколатлари билан қандайдир Бердиев Бобоёр номига ишонч қозғи билан ўтказилганди. Ҳужжат орқасида нотариус муҳри, имзоси, икки-уч кун бурунги сана турибди. Нотариус қўшни шаҳарчаники...

Бироқ Гадоёмурод хофиз унча-мунчага дарров таслим бўлиб қўяверадиганлар тоифасидан эмасди. Бунинг устига, мол аччиғи - жон аччиғи. Тўғри, у машинани фақат бошқариш ваколатининг берадиган, муддати ҳам тугаган ишонч қозғи билан ҳайдаб юрибди. Қонунан олганда, машина эгаси ундан бир оғиз сўраб ўтирмасданок улловини истаган одамга сотиб юборишга ҳақли... Лекин... Асли ўзи ўшанда нотариусга бериладиган уч-

тўрт сўмни қизганиб ўтирмасдан, дарров ўз номига расмийлаштириб олса бўларкан.

- Машина меники! - деди хофиз катъийроқ оҳангда гапиришга уриниб. - Уни сотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу доверенность - паделка!

- Аниқлаймиз, - деди ниҳоят юзида одамлик нуқси кўришиб, келганидан буён биринчи мартаба мийиғида илжайиб кўйган меҳмон. Сўнг навбатдаги зарбани берди: - Бу биринчиси эди. Иккинчидан, устингиздан шижоат тушган. Сиз қўшмачиликда айбсизланасиз.

- Нимада?

- Қўшмачиликда. - Меҳмон кун иссиқ бўлишига қарамай қийиб олган чарм курткеси чўнтагидан бир варақ қоғоз олди. - Фуқаро Асқадова Садбарг сизни қўшмачиликда айблади. Гувоҳлар, тиббий экспертиза хулосалари - ҳаммаси тайёр... Қолган гапларни идорага бориб гаплашсак, гражданин Мамадалиев.

- Ким?

- ...

Бир сукутки, хар қандай изохдан кўра маънилироқ.

Ниҳоят айтилаётган гаплар моҳияти онгига етиб борган Гадоёмурод хофиз кўзларининг пахтаси чиққанча жон аччиғида пешонасига бир шапатиледи ва беихтиёр инграб юбориб:

- Шири-шири... - дея пичирлади.

Меҳмон бу гал ғолибона илжайди.

Ташқарида гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Тамом қарахт бўлиб қолган эса-да, хофиз янглишиши мумкин эмас эди: гапираётганлардан бири аёл киши ва ўша... бари балоларни бошлаб келган киз эди. Ўлганнинг устига тепган қилиб, ҳозир ум кириб келсами... Хофиз яна бир бор инграб юборди: «Э худо, менда не қасдинг бор эди...»

Бироқ нимадир қилмоқ ҳам керак эди. Қўл қовуштириб ўтиришдан не наф? Ха, ха, зудликда кўнғирок қилиш керак ошналарга, таниш-билишларга, баланд курсиларда ўтирган акахонларга... Алюмин товокнинг кизгани ёмон, дейишарди. Шири-ширки хужумга ўтибдими, бунинг устига синглисини кўшибдими... демак, аҳвол жиддий, хофиз... Аблах Садбарг... Ахири наштарингни санчибсан-да... Ўзи асли аёл киши билан қасдлашиш яхшиликка олиб бормади. Уларнинг орқасини силаб турсанг ким яхши - сен яхши сал бошқа ёққа ўтиридингми, тамом - қонингни ичадиган душманга айланишади-қолишади. Ўч оламан деган аёлнинг эса заҳарли чаёндан фарқи қолмайди ҳисоб...

Гадоёмурод хофизнинг миёси тез ишлаб кетди. Дастлаб кимга кўнғирок қилиш лозим, кейин кимнинг хузурига бош эгиб бориш керак... Бироқ ҳозир-чи, ҳозир? Ишқилиб, анави манжалаки ховлига бостириб кириб келмасин-да. Ўзи буёғи камлик қилиб турувди. Худо урганни пайғамбар ҳам туртиб ўтган экан... Ха, мана, ҳозир бошланади...

Чиндан ҳам дарвозанинг бир тавақаси яна ғийқиллаб очилди ва бало-қазодай бўлиб бояғи киз мўралаб қўйди.

Хофиз деганлари типирчилаб қолди-ку!

- Менга қаранг, укажон, - дея ўдирлаб кетди у ялинчок овозда. - Сизлар бораверингизлар, мен ўзим айтган жойларингизга етиб бораман. Айтган вақтларингизга етиб бораман. Ҳозир... ҳозир синглим келиб қолди. Биласиз, аёллар олдида бунақанги гапларни гаплашиб бўлмайди. Бирдан бу гапни эшитиб қолса, янгангизнинг ҳам мазаси қочади; ўзи юраги қақал... - Шу ерга келганда хофиз чиндан ҳам дарвоза ёнида синглиси тургандай, ўзи ночор аҳволга тушиб қолгандай, чиндан ҳам хотинининг юраги қасалдай товуши титраб, бир ютиниб кўяркан, муте тарзда қўл қовуштирди: - Нима хизмат бўлса биз тайёрмиз, акахон...

Меҳмоннинг юраги тошдан эмас экан, қутилмаганда андак юмшади.

- Майли, қалитни беринг-да, тайёрланиб туринг. Биз идорадан телефон қиламиз.

Шоша-пиша қалитни узатаётган хофиз саволомуз қаради:

- Телефон номери...

Бироқ шу заҳоти яна қовун тушириб қўйганини, «идора»га ҳамма нарса аён эканини меҳмоннинг нафратомуз тарзда лаб буриб қўйишидан англадию, янада кичрайиб, бечораваш кнефода зипиллаб бориб, дарвоза тавақаларини ланг очди.

Айнан шундай бўлиши керакдай, меҳмон шошилмасдан машинага ўтирди, шошилмасдан ўт олдирди ва шундай шошилмасдан, таъбир жоиз бўлса ўта сиполик ва салобат ила машинани ташқарига ҳайдаб чикди. Хофиз эса ошиғич тарзда тавақаларни ёпди, ичкаридан тамбалади, шундан кейингина чап

ёндаги кичкина эшикни аста очиб, ташқарига мўралади.

Гадоёмурод хофизнинг кўргани - кўча адоғида елиб бораётган машина ортидан кўтарилган енгил чанг булути бўлди.

Яқин-атрофда бошқа тирик жон кўзга чалинмади.

Олам сукунат қўйида эди.

Хофизнинг кўнгли озгина ғаш тортди. Овози аниқ эшитилган анави киз ҳам «орган»дагилар билан қўшилишиб кетган бўлса-я!.. Қандайин расвойи радди-бало кун-а бугун!..

Гадоёмурод хофиз бўшаган аҳволда уйга қайтиб кириб, жавондан кийимларини оларкан, ногаҳон телефоннинг босиб-босиб жиринглаётганини эшитиб қолди. Хофиз бориб трубкани кўтарди.

- Алё.

Гўшақда кимнингдир нафас олаётгани эшитилди, сўнг аёл кишининг аниқ-тиник, нафратга йўғрилган таниш бир овози хофизнинг қулоқ пардаларини тешиб юборгудай вишиллаб эшитилди:

- Ўзимга ташвиш ортирмай десанг, уччаноқ бўлиб юр, одамнинг орқаси!

Тамом.

Киска «дуг-дуг»лар эшитилаётган гўшақни ғайришуурий тарзда жойига қўяётган Гадоёмурод хофиз алам ва кўркув зўридан бугуннинг ўзида иккинчи мартаба инграб юборди ва иккинчи мартаба пешонасига шапатиледи, беихтиёр:

- Шири-шири... - дея пичирлади.

Вашу билан бир қаторда табиат фаҳм-фаросатдан сикмаган хофиз пул тўла дипломат ҳам, машина ҳам ортга қайтмас бўлиб кетганини, ғира-шира бўлса-да, илғади. Уларга қайта эгалик қилмоқ учун эса, қонуннинг ўзига қаршилиги бир тараф, асосий гов - Шири-ширининг девлек гавдаси ортида турган Садбарг исмлиқ интиқом оловида ёнаётган жувонни ҳам босиб ўтиш жоиз. Бу эса осонликча битадиган иш эмас...

Хофизнинг тусмоли тўғри чикди - бошқа ҳеч қандай кўнғирок бўлмади, ҳеч қандай «орган-порган» ҳам уни безовта қилмади. Нечукдир «орқа» сўзи тилини чаёндай қақаётган хофиз «ўзи аслида у қизнинг ҳам, бу талотўплар ортида турганларнинг ҳам кети тоза эмас шекилли», деган хулосага борди охир-оқибат.

Афтидан, унсиз ахдлашув юз бергани - сен индамасанг, биз индамаймиз...

Шу ўринда, озгина «ўтлаб» бўлса-да, хофизнинг тилини андақкина қисик қилган воқеа хусусида мухтасар изох бериб ўтиш зарурати туғилади.

Бўйи бир ярим газнинг нари-берисида, елқаси туртиб чикқан, бироқ букрилиғига қарамасдан жисмонан ғоят кучли, асл исми Донабой бўлган бу йигитни ҳамма, каттадан-кичик «Шири-шири» деб чақирарди.

Ёдингизда бўлса, «Ўн икки стул» асарида «одамхўр Элчочка» атиги беш-олти оғиз сўз биларди, холос. Бизнинг Донабой эса тўй-базмларда икки-учта ароқни бўшатиб, «кизиб» олгач, чилдирмасини сайратганча елкаларини учуриб, кўз сузиб, қош қоқиб, лўличасига бутун баданини титратиб, гоҳида эса ҳаттоки белига улкан рўмол ўраб олганча «думба ўйин»га ҳам ўтиб кетиб, қўшиқ айтаётган хофизга биттагина «шири-шири» қайтариғи билан жўр бўларди, холос. Қўшиқ мингта, оҳанг мингта, Донабой бўлса уларнинг барисига мослаб, яна денг хотинчалиш ингичка овозда «шири-шири» деб чинқираверди-чинқираверди, маст-аласт оломонга бу беҳад ёқади. Оломон ўйнаб чарчамайди, Донбой «қуйлаб»... Ишқилиб, меҳмонлар «қулоғи кизиб» олгандан то ярим кечагача, баъзан эса то тонгача бу хониш тинмайди. Қўшиқнинг асли ўзи ўзбекчамиди, хиндчамиди, ўрисчамиди, туркчамиди, арабчамиди - фарқи йўқ, «Шири-шири» томоқка зўр бергани-берган. Мабодо хофиз беш-олти даққача дам олса ёхуд торини сошлашга ўтирсаям, барибир, бу нарса сезилмасди - «Шири-шири»нинг электр асбобларидан чиқаётган оҳангларга мос «хониши» ҳаммасини босиб кетаверарди.

Хуллас, хофиз «Шири-шири»ни икки йил тўйма-тўй, базмма-базм олиб юрди. Икки йил унинг ейиш-ичишини тўла кўтарди, аммо қўлига «носвой пули»дан ортиқ бермади; нимагадир, қилиқларига ярашмаган тарзда бағоят ориятли Шири-ширининг ўзи бетини сидириб ташлаб, беш сўм сўрамади. Охир-оқибат тамом умидсизликка тушган, масхарабозлик роли жонига теккан Шири-шири отарчилар гуруҳини ташлаб, ўзини дехқончиликка урди - уч тектар ер сотиб олиб, эртанги қовун экди. Ўзиям нақ олти ой эшакдай ишлади, кун демади, тун демади, саратоннинг жизгинагида икки қават териси шилиниб тушсаям, иссиқ уриб,

неча маротабалаб хушдан кетиб қолсаям даладан бери келмади, чайла тикиб ётиб олди, пашшаларга аёвсиз таланди, лойка сувдан беармон ичди, тунда тайёрга айёр бўлиб келган ўғри баччалар билан аёвсиз олишди. Ниҳоят, нақ ўн икки машина сара қовуни Тошкент бозорига олиб келиб сотди, йиғилган бир қийик пулга янги «Об» «Жигули» сотиб олди. Мана шундан кейингина Шири-шири ўзининг эгик қаддини ростлади, атрофга мундай бир гердайиб қаради, баайни айтмоқчи бўлди: «Бизам одам ахир...» Айнан шу кунларда ҳофиз яна уни ўзининг қармоғига илинтирди. Шири-шири яна тўйма-тўй юрадиган бўлди. Ҳофиз Шири-ширини алдади-авради, мактов ҳар қандай одамни бора-бора айнитмай қўймаслигини яхши билгани боис, уни дуч келган ерда, катта-кичик давраларда гўёки бениҳоя самимий тарзда қўкка кўтариб мактай берди, ишқилиб, охири қиморгайм, нашадан озмоз тотиниб туришгайм ўргатди. Рутубатли тонлардан бирида эса устидан бир пақир совук сув қуйиб ўзига келтирган Шири-ширини ҳофиз икки тухох иштирокида шартта гирибонидан маҳкам чангаллаб, кечаси қиморда ютқазиб қўйган машинасининг калитини талаб қилиб туриб олди. Табиийки, Шири-шири аввалига оёқ тираб туриб олди, лафз ҳалол бўлиши шарт эканлиги борасидиги қайта-қайта таъкидлардан сўнг ҳам дангал бир қарорга келолмай, ечимини пайсалга солаверди. Шунда ҳофиз индамай чиқиб кетди... Кечга бориб эса қайфи тарок юрган Шири-ширини икки миршаб ушлаб, чўнтақларини тит-пит қилишган эди, қоғозга ўралган икки юмалоқ наша чиқиб келаверди... Шири-шири тонга қадар совук авхтада, ҳақиқий алқашлару қиморбозлар, бангилар орасида не бир азобларни бошидан ўтказиб чиқди. Тамомила ҳолдан тойган, жонидан бошқаси кўзига кўринмай қолган, ҳар не қоғозга имзо чекишга тайёр ҳолга келган Шири-ширини шахсан ҳофизнинг ўзи қутқариб олди: дарҳол наша деб ўйланган нарсанинг аслида зирк эканлиги исботланди-қолди... Ҳофизнинг кўмак учун тутган қўлини рад қилганча кўчага гандираклар-судралиб чиқиб келган Шири-шири индамай калитни тутди. Худди шундай бўлиши керакдай, ҳофиз ҳам индамай оларкан, «Ҳажикиз эмас, ҳақиқий эркак эканлигинга энди ишондим», деди. Шири-шири бу сафар мактовни бир туки қилт этмай эшитди-да, йўлни бошқа тарафга солди. Орадан бир ҳафта ўтгач эса ҳофиз «Расмийлаштириш кейинроқ бўлар, яна одамлар ҳар хил гап-сўз қилиб юришмасин», деган хавотирда қовоғидан қор ёғиб турган Шири-ширидан машинани икки йил бошқариб юриш ҳуқуқини берадиган ишонч қоғози олди. Авваллари ҳам ҳофиз тўй-пўйларга шу машинада бориб юргани учунми, аксарият ҳайдовчи ўзгариб қолганига эътибор ҳам бериб ўтирмади...

Энди Шири-шири билан ҳофизнинг йўллари айри тушгандай эди. Бунинг устига, ҳикмат борки, бу дунёда ҳамма нарса эскиради. Жумладан, Шири-ширининг бир хил қилиқларини кўраверишу бир хил чинқиринини эшитавериш, ҳофизнинг назарида, кўпчиликнинг баъдига уриб бўлганди...

Аmmo... Шири-ширининг Садбарг исмли синглиси бор эди. «Калнинг неси бор, темир тарағи бор» деганларидек, Шири-шири синглисини ер-қўкка ишонмасди, тўйдан бир сўмсиз, эмаклар бўлсаям қайтса-қайтардики, Садбаргга турли егуликлар, асосан ширинликлар солинган тугунча олиб келишни ёддан чиқармасди. Базан шундай таасурот ҳам қолардики, Шири-шири деганлари тўй-пўйларга фақат синглисига недир егулик-ширинлик олиб келиш учунгина борадигандай. Машина сотиб олганида ҳам Шири-шири мактабни энди битираётган Садбаргга тилла занжирча совға қилишни унутмаганди.

Акасидан фарқли равишда қадди-қомати қусурсиз, келишгангина, истарасиям иссиққина қиз ҳофизнинг назарига анча бурун тушиб улгурганди. Гадоёмурод ҳофиз деганларимиз бу борада суяги йўқлардан эмасми, беш-олти ой кўз уриштириб, оғир уф тортиб қўйишлару ҳуда-бехудага, хусусан, Шири-шири аниқ уйда йўқ пайтлари уни сўраб келаверишлари ва энг муҳими, ҳар қандай ожиза жисм вақиласининг нозик жойи бўлган совға-саломларга ўчлигидан самарали фойдаланиш, ниҳоят, ҳофиз мудом муваффақият билан қўллаб келаётган усул, яъни хотинидан нолиб, кўраётган кунларидан тўйиб кетгани ҳақидаги гўёки чин юракдан айтилаётган аламли хитоблари воситасида тез орада соддагина қизни қўлга илинтирди-қўйди. Фавқулодда эҳтиросли Садбарг ўзини «келақол, Садбаргим, юзбаргим, юзбахтим!» деб чорлаётган ҳофизнинг кучоғига олди... Бирок, Гадоёмурод ҳофиз учун ҳеч қачон арзоннинг шўрваси татимаган. Уч-тўрт ой мазза қилиб, қайфни сургач, энди бу муносабатларни бас қилиб қўя қолиш режаларини туза бошлади. Қолаверса, кейинги пайтларда,

айниқса энди нимагадир тез маст бўлиб қолаётган Шири-ширининг ўзига қон қуйилган кўзларини синовчан тикиб-тикиб қўяётганини ҳам хис қилиб турарди. Лекин Садбарг деганлари айрилишини ҳаёлигайм келтирмай, Гадоёмурод акам ростдан ҳам хотинидан ажрашиб, ўзимга уйланади деган хом ҳаёлларда юрган нодон қиз экан. Бунинг устига ҳофиз базмларга юр, ўртада ўйнайсан деса ранги қув ўчиб кетган Садбарг жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатади, «Ўламан саттор, бормайман!» деб ёккала оёғини бир этикка тикиб олади. Ҳофиз зўрлайверса «Акам ўлдиради!» деб ваҳима қилади.

Ҳофиз учун шираси сўриб олинган лумкани туфлаб ташлашининг минг бир йўли бор эди, албатта бунинг устига, тиз чўкиб ялинган, гурурини оёқости қилган сайини ҳофиз назарида қиз ўз обрўсидан айрилиб бормокда эди. Фақат Садбаргнинг айрича эҳтирос бандаси экани, силаб-сийпалашларини, кучиб эркалашларини қойиллатиб юборишигина унинг шаштига сув сезиб турар эди. Шусиз ҳам топганининг ярмини хотин-халажларга сарфлаётган ҳофиз тил учидан пул ҳам таклиф қилиб кўрди. Аммо жазавага тушган қиз бу ҳақда эшитишини ямамади...

Шундай кунларнинг бирида ўйиндан ўт чиқди. Бир ҳисобда бу айни муддао ҳам бўлди чоғи...

Навбатдаги молдай бўки ичишлар орасида қайфи ошиб қолган ҳофиз жундорлини боис «Маймун» лақабини олган ҳамкасбига қараб мактаниб қолдики, эй, оғайни, мен шундай офатидан аёлни биламанки, унинг хотининг орасида биронтаям туки йўқ. Бунга жавобан тук борасидиги ҳар қандай лумкага жиз этиб кетаверадиган ҳамкасб ҳам бўш келмасдан пичинг қилдики, ўша аёлинг сартарош бўлиб ишласа керак-да, деб. Жавобдаги мазахомуз оҳанг гашига теккан ҳофиз худони ўртага қўйиб қасам ичиб юбордики, у жойга асло тиг тегмаган, табиат ўзи шундай яратган. Ҳамкасб яна ишонмасдан кескин бош чайқаб, гап ила ўйиб олдики, у жойи кўса аёлни тушингизда кўргандирсиз, ака. Ҳофиз қизиди. Келинг, гаров ўйнаймиз, деди. Гаров ўйнади. Ўртага юзта «кўки»дан тикилди... Ҳофиз елдай учиб бориб, Садбаргнинг машинага босиб келди. Сўнг, қизни ичкарига киритиб юбораркан, машинани қулфлаб қўяй деган бахона билан ўзини орқага олди.

Орадан ўн дақиқа ё ўтди, ё ўтмади; қўлида юз долларнинг шикорлашини хис қилиб, энди лаззатлана бошлаган ҳофиз ногаҳон ичкаридан қизнинг жон алпозда отилиб чиққанини, унинг ортидан эса маймунбашара ҳамкасби гандираклар қувиб келаётганини кўрди. Қўйлаги йиртилган, сочлари тўзгиган Садбарг ўзини зулмат қўйнига урди...

Шу-шу қиз қайтиб қорасини кўрсатмади. Бир-икки марта Садбаргнинг ёниқ эҳтиросини, жулунваш эркаликларини, қонни кўпиртириб юборадиган ширин қилиқларини қўмсаган ҳофиз излаб ҳам борди, бироқ қиз на эшикни очди ва на оғзини. Ҳофиз ўлик чиққан уйдай жимжит хонадон қаршисида бир муддат серрайиб тургач, индамай орқага қайтарди.

Бу орада янги эрмаклар пайдо бўлди, Садбарг отлиғ сулувнинг қиёфаси эса аста-секин хотирот кўзгусидан ўча бошлади...

Тўғри, бир гал анчагина отиб олган, кўзлари қотилларникидек қонга тўлган Шири-шири йўлини тўсиб, ҳаяжонланганидан дудукланган алфозда, сўзларни ямлаб ютиб, қандайдир ўч олишлару рәкетлар, «разбор»лар ҳақида дағдага билан гапиришга уринди. Юраги шув этиб кетган, энг аввало «Садбарг чиқибди-да!» деган ҳаёлга борган ҳофиз авзойидан пинагини ҳам бузмаётганини кўрсатишга уринганча - ҳар қалай, артист эмасми - Шири-ширини беписанд четга суриб, «сен ҳам одаммасан» дегандай йўлида мағрур давом этишининг эвини қилди. Демак, ўша пайтлариёқ тишини қайраётган Шири-шири пайт пойлаб юрган экан-да...

Орадан кўп ўтмади. Бир кечда Шири-шири болачақасини, синглисини олиб қайгадир кўчиб кетди. Ҳофиз орқаворатдан суриштириб, уларнинг қўшни бир туман маркази бўлмиш шаҳарчада эканини билиб олди. Ишонч қоғози муддати тугай деб қолган пайтлар бир-икки марта ўша ёкка бориш, Шири-ширидан машинани бутунлай ўз номига расмийлаштириб олиш учун ҳужжатларни тахлаб қўйишга аҳд қилиб қўйган эди, бироқ ҳеч вақт бўлмади, бу орада «ана-мана» деб қанча сувлар оқиб кетди. Буни қаранг, ўша пайтлари истиҳола қилиб ўтирмасдан, ишонч қоғозини бошқа байроғга сотиш ҳуқуқи билан ҳам олса бўларкан, шунда ҳеч қандай Шири-ширининг думини тимирскилаб юрмасдан уловни ўз номига расмийлаштирарди-қўярди. Ўзи

тўғри айтишган экан-да, хасис икки марта тўлайди, деб. Ўша пайтлари беш-олти сўмнинг бетига қараб ўтирмаганда-ку, олам гулистон эди-я...

Сўнрок, орадан ойлар ўтиб, Тошкентга йўли тушиб қолган, аллақачон янги машина олишга улгурган ҳофиз телевидение ходимлари учун ўзи ош ташкил қилган чойхона томон бораётган маҳали Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги маҳкамасидан чиқиб келаётган ўша, тўй окшоми қошига илтимос билан келган қизни ва олдинги машинасини ўз кўлидан, ўз ризолиги ила олиб кетган «орган» ходимни кўриб қолади. Жиддий қиёфадаги икковлон бино ёнида турган машинага ўтиришади. Гарчанд, рақам белгиси ўзгарган бўлса-да, ҳофиз «ўз» машинасини танийди, бироқ тушиб недир демоққа журтат этолмайди-да, тасалли излагандай: «буларнинг кети аслида тоза эмас экан, кўй, шулар билан тенг бўламанми, қозонга яқин юрсанг...» деган юпанч воситасида ғаш тортган кўнглини овунтиришга уринади. Ҳофиз собиқ машинасига жойлашиб ўтириб олган йигит-қиз катта кўчага чиқаётганини кўргач йўлни чопга солади.

Янада кейинрок, ярим йилча муддат ўтиб эса, Тошкент-Термиз бетон йўлида, энди чиқиб келаётган ашаддий жиноятчи гуруҳлар ўртасида бўлган тўқнашувда ўша қизни нақ қорнидан пақиллатиб отиб кетишганини эшитганида, вилоят газетасида чиққан бир саҳифалик суд очеркни ўқиб, қизни сўратидан таниганида ҳофиз қувониш ўрнига, кўнгли нечуқдир ғаш тортганини туяди; кечга бориб, тўқин дастурхон устида, пайдар-пай қадаҳ бўшатаётганига қарамасдан, ўзи сира маст бўлмаётганини ваҳима ила хис қиларкан, яна тақдир ўзини рўбарў қилган маймунбашара ҳамқасабасига газетани кўрсатиб: «Мен шу қиз билан ҳам... бўлганман...» деб мақтаншидан ўзини тийиб туролмайди. Марҳуманинг руҳини безовта қилмаслик учунми, бу гал маймунбашара ҳамқасаба бахс бошлаб ўтирмайди. Лекин нимагадир кўнгли тобора ғашланиб, дунёга сиғмай бораётган ҳофиз ушбу ҳолатдан ҳам қийик ахтариб, жанжал чиқаришга уринади. Даврадагилар бости-бости қилишга қанчалик уринсалар, ҳофизнинг жини шунчалик кўзиб кетаверади ва, ниҳоят, «тиммасанг-тинасанг», деганларидек, жуда жиловдан чиқиб кетган ҳофизни ўртага олиб тепкилашади. Шундан кейингина нафси сал ором олган, ҳўрлиги келиб, пиқиллаб йиғлашга тушган, кетма-кет ичилган ароқлар таъсирини энди сеза бошлаган Гадоёмурод ҳофиз ўша маймунбашара шеригининг елкасига шароб тўқилган, нон увоклари, газак бўлақлари сочилган бошини тираб, бир муддат мингиллаб неларнидир дийдиб қилгач, ногаҳон яна пиқиллаб йиғлаганча: «Мен одамнинг орқасиман... одамнинг орқасиман... одамнинг орқасиман...» деб такрорлашга ўтади...

Лекин буларнинг бари кейин, кейин содир бўлди. Ҳозирча эса...

ШАҲАР

...Дарҳақиқат, тор жойда гўшт егандан, кенг жойда мушт еган минг марта афзал экан. Айниқса, ўша тор жой деганлари лаҳад мисоли зим-зиё зулмат бўлса.

Ўзи асли сал оёғи тортмайроқ тургандику-я, аммо нақ тўққизинчи қаватдан пиёда тушишга эринди, шу боис «Бахташ тавақал» дедию, ютаман деб турган қорунғулик кўйинга қадам қўйди. Баайни шуни кутиб тургандай, эшиклар ҳам шийқиллаб-инграб ёпилди. Энди лифт деганлари ҳақиқий лаҳаднинг ўзи бўлди-қолди, фарқи - ётмайсан, тик турасан, холос, бунинг устига, сал-пал ҳаракат қилишга-да имкон бор.

Абдусодиқ лифтдаги арзимас лампочкаларнинг ўтиришга тушган нокас бандалар гўрига гишт қалай-қалай чўнтагидан гугурт олиб ёқди ва биринчи рақам ёнидаги қуйиб, илвираб қолган тугмачани босди. Лифт бир чайқалди ва қандайдир дақиқа иккилабни тургач, ахири бўронда йўлга тушган кемадай қалдираб-чайқалиб пастга эниб кетди. Абдусодиқ кўзларини чирт юмиб олганча, ўзини алаҳситиш учун зўр бериб ёқимлироқ ниманидир хаёлидан ўтказишга урина бошлади.

Бироқ недан чўчисанг ўша рўй бериши аниқ шекилли, Абдусодиқ учун жуда чўзилиб кетгандай недир бир фурсат ўтгач, лифт баайни соҳилга етиб келгандай қалдира-қулдир қилиб таққа тўхтади-ю, йигитнинг худого шукроналар айтиб кўз очганига жавобан миқ этмай тураверди. Ана шунда қаҳрамонимизнинг бўлари бўлди. Ўзи азалдан юраги торроқлар тоифасидан эди, лифтнинг тўхтаб қолиш ваҳимаси устига гўёки шалок поездининг танбурига ўхшаб қўланса ислар димокни ёриб юборгудай даражада

урилиб, фиғони фалакка чиқди-ю, яна гугурт қақиб, жой аччиғида қизилу сариқ тугмаларни аралаш-қуралаш босаверди. Бироқ лифтдан қилт этган садо чиқмасди. Шунда Абдусодиқнинг юраги гурсиллаб уриб, чакка томирлари лўқиллаб оғриб кетди ва баайни ҳавоси аста-секин сўриб олинаётган шиша идиш ичида қолган ожиз сичқондай оғзини каппа-каппа очганча, ютоқиб нафас оларкан, аламу иложсизлик азобидан титраб-қақшаган аҳволда «лифт» аталмиш қопқону «дом» деган бетон қутиларни ўйлаб топган эсипаст қотилларни бўралатиб сўқишга тушди... Ва, қутилмаганда, онг остида нимадир шик этгандай бўлди ва Абдусодиқ шу жойда, шу аҳволда туриб беихтиёр падари бузруквори билан ўзининг феъл-атворида беҳад яқинликни илғади. Ахир, ўтган ёз эмасмиди, ота-бола икковлон қоп-қоронғи лифтда камалиб қолишган маҳал, падар-да айнан шунга яқин ҳақоратлар билан не-не қосибларнинг онасини учқургондан кўрсатгани. Ё раббий, наҳот қон барибир тортса, наҳот умри далада ўтаётган ота билан на шаҳарлик ва на қишлоқи бўлолмай, ҳаёти аросатда кечаётган ўғил орасидаги яқинлик қандайдир бейхуш вазиятларда юзага қалқиб чиқиб қолса...

Нохос ютинаман деб қалқиб кетган, ичак-чавоғи бўғзидан отилгудай бўлиб «қув-қув» йўталишга тушган Абдусодиқ ўлганининг устига тепган қабилда, гўё бу тонг чекига тушган азобу ҳўрликлар зардобини бир йўла симиromoқчидай, мутлоқа ҳумори тутмаса-да, ҳар эҳтимолга қарши ёнида олиб юрадиган қўланса «шарқона лаззат»дан битта тутатиб олди. Ана энди кабина ичи кўзни ёшлантирадиган тутунга ҳам тўла борди.

Қандайдир оғир, залворли юк жисмини тобора эзиб келаётган Абдусодиқ ортиқ чидаб туролмасдан жон ҳалпида яна тугмачаларга ёпишди, кейин, муроди ҳосил бўлмагач, лифт деворларини то оёқлари оғригунча қарсиллатиб тепди, қучаниб-зўриқиб эшикларни очишга уриниб кўрди. Бариси бесамар. Бақириб қўмакка қақаришга эса йигитнинг ори келди.

Алоҳа, гугурт чўшлари ҳам тамом бўлган, рисоладагидек чекишним удалай олмаслиги боис, оғзига сассиқ тамаки доналари кириб, баттар жини кўзиётган Абдусодиқ мажолсиз аҳволда лифтнинг қайсидир деворига суяниб ўтириб қолди.

Кўзини очанг-да, очмасанг-да, фарқи йўқ: ҳамма ёқ зим-зиё. Гўё қоронғулик аста-секин сени ютаётгандек. На доднинг фойдаси бор, на фарёднинг... аста-секин, қийналиб ўлишга маҳқумсан...

Ва худди шу лаҳза, бамисоли йигитнинг таслим бўлишини кутиб, охири мақсадига эришгандай қутилмаганда лифтга жон битди. Қайсидир қисмлар қисирлаб-ғичирлаб, гувиллаб овоз бергач, тўппа-тўғрида, Абдусодиқнинг қок манглайи қаршисида пайдо бўлган бир тутам нур кенгай борди. Шубҳасиз, эшик тавақалари икки ёнга сурилмоқда эди.

Лаҳадга нур энди - лифт ичи ёришиб кетди. Мўъжиза рўй берганига ишонмаётгандек анграйиб қолган Абдусодиқ қаршисида оппоқ ёғдуга кўмилиб, бир қучоқ, ҳа, айнан бир даста эмас, бир қучоқ оппоқ гулларни кўтарганча, ҳам жилмайиб, ҳам ҳайратланиб турган ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги қизни кўрди.

Абдусодиқ бир амаллаб ўрнидан турди ва оёқларини ҳис қилмаган ҳолда юриб - бундай ҳолатга «сузиб» деган сўз кўпроқ тўғри келар - ташқарига чиқди. Лифт эшикларни шийқиллаб-ғийқиллаб қайта ёпилди.

- Салом, - деди биринчи бўлиб ҳам гулларни қучоқлаган, ҳам гуллар қучоғидаги қиз.

Абдусодиқ нимадир демоққа чоғланди. Аммо томоғидан бир сас чиқмади.

Қиз бир қадам ортга чекинди. Шундагина Абдусодиқ уст-бошидан, умуман бутун вужудидан ёмон хид таралаётганини илғади-ю, ер ёрилса кириб кетгудек ўсал бўлиб, тезроқ қочиб қолиш пайига тушди. Назарида, оғиз очса, ичидан ҳам қўланса ис келадигандек...

- Кечирасиз, - деди қиз узун-узун, қуюқ киприklarини пирпиратиб, - 18-квартирадаги Олимжон акани танимайсизми?

Абдусодиқ иложсиз, қиз бола қошида далвагай қийим-бошда туриб қолгандай, музтар аҳволда, бошини ён томонга буриб жавоб қайтарди:

- Танийман. Ён кўшним бўлади.

Қиз бир лифтга, бир йигитга қараб иккилаб туриб қолди. Бу ҳолни кўз кири билан кузатиб турган Абдусодиқ изох берди:

- Лифтга кирмай қўяверинг. Камалиб қолмаган тақдирингизда ҳам Олимжонни тополмайсиз. У эрталаб ишга

кетади, кечга томон қайтади.

- Кечирасиз, Олимжон деб Н. шаҳридаги «Гулноз» фабрикасининг директори Имомкул аканинг ўғилларини айтяпсиз-да, а?

Абдусодиқ яна масалага аниқлик киритишга уринаётган киз томонга қарамасдан жавоб қайтарди.

- Шунақа бўлса керак. Ўғиллари эмас, ўғли. Олимжон айтгандай бўлиб эди отам директор деб. Кейин ҳафта-ўн кунда бир «31» келиб туради...

- Номери 13-09 ми, ака?

- Ҳа, шунақа, - сал ажабланиб жавоб қайтарди Абдусодиқ. Киз ўйланиб қолди. Жим туриш ноқулай бўлгани учун Абдусодиқ у-бу маълумот берган бўлди:

- Энди, синглим, шахарчилик, олди-берди, келди-кетди, ҳамсоя товоқ деган нарсалар йўқ ҳисоби. Кейин Олимжонан уйда кам бўлади. - Сўнг, мулақо кутилмаганда, Абдусодиқ қачонлардан бери кўнгли тубида асраб юрган орзусини овоз чиқариб айтиб юборди: - Мен ўзим ҳам яқинда қишлоққа қайтиб кетмоқчиман.

- Ҳа, - деб қўйди киз.

Абдусодиқ килиб қўйган ишидан уялгандай, гап мавзуини ўзгартиришга шошди.

- Олимжонда ишингиз бормиди, синглим?

- Ҳа. Кеча гаплашгандим. Уйда бўламан деганди. Темир эшикми, нимадир қўйдирмоқчи экан.

- Эшиги темирдан-ку, - хайрон бўлди Абдусодиқ.

- Билмадим. Янгисини ўрнатмоқчидир-да.

- Дарвоқе...

Йигит бош қашлади. Бой одамга темир эшик чикора, нима, у Абдусодиқмидики, яланғоч омонат эшикча дермантин қоплатишгаям қўли қисқалик қиладиган.

- Ё югуриб чиқиб келмайми? - деди ниҳоят тузуқроқ ечим топгандан қувониб кетган Абдусодиқ.

Киз оппоқ гуллар орасидан оппоқ марварид тишларини намойиш қилгандек гуноҳжорона жилмайдди.

- Агар сизга малол келмаса...

- Малолни нимаси. Мана ҳозир-да...

Абдусодиқ тўққизинчи қаватга ҳарсиллаб-пишиллаб югуриб чикди, Олимжоннинг булбул кўнғироғини қайта-қайта босиб кўргач, худди шундай шоққинликда пастга қайтиб тушди.

- Айтмадимми, уйда ҳеч ким йўқ. Ўзим эрталаб эшитибмидим эшик очилиб-ёпилганини. Эшигида ўзиям учта қулфи бор, то ёпиб бўлгунча ярим соат ўтади, - ҳарсиллаб ахборот берди Абдусодиқ.

- Сизга катта раҳмат анча овора килиб қўйдим, узр...

- Овораси нимаси, синглим.

Киз йўлакдан ташқарига юрди. Йигит беихтиёр унга эргашди.

Фаррош хазонларни ёққан шекилли димокқа ачимсиқ бўй урилди.

Киз ўгирилиб, яна бир бор ширин табассум ҳадя қилди.

- Сизга каттақон раҳмат.

Тамом. Шу билан кетди ўз йўлига.

- Яхши боринг...

Абдусодиқ тимсол қилгандек уй ёнбошида кизни ярақлаб турган машина - кучоғидаги гуллари мисоли оппоқ «Жигули» кутиб турган экан. Киз орқанги ўриндикка аввал гулни жойлаб, сўнг ўзи ўтириши билан машина енгилгина ўрnidан қўлғалди...

Абдусодиқ алам билан ерга тупурди. Кейин, бир муддат булутсиз осмонга меровсираб тикилганча ўйланиб қолгач, ўзи банд бўлган «номи улуғ, супраси куруқ» хизматнинг онасини учқўрғондан кўрсатганча буралатиб бир сўкинди-да, «барибир ишдан кетадиган, қишлоққа қайтадиган бўлганимдан кейин бир гуноҳгаям бир жазо, етти гуноҳгаям бир жазо!» деган қарорга келди-ю, қайтиб уйга кирди. Уйда йигит аввал яхшилаб ювинди, соқолини киртишлаб олди, уст-бошини дазмоллаб, қайтадан кийинди, ҳалигача қишлоғидан ҳеч нима олиб келинмаганлиги ва шаҳардан ҳам ҳеч нарса харид қилинмаганлиги учун бўм-бўш ховлида турган хоналарни сал супуриб-сидирган бўлди, кўкимларни шолчалар тагига суриб қўйвермасдан ҳокондозда йиғиштириб олди, полни артди. Ана шундан кейингина бирон-бир кетворган офатичон сулув киз бир кучоқ гул кўтариб келадигандай эшикка илҳақ эшикка кўз тикиб ўтираверди...

Улкан шаҳарда ўз ўрнини, ўз ёр-дўстларини топа олмай, аксари хижил кайфиятда, аксари ниманидир, қандайдир оламшумул ўзгаришларни кутиб яшаётган, неча йиллардан бери кўнглида

асраб келаётган энг дадил қарори қишлоққа қайтиб кетиш бўлган Абдусодиқ учун вақтни бундай ҳавога совуриб ўтказишлар одат тусига кириб қолган эди. На ишда кўним, на руҳиятда осойишталик бор. Бу йигитча 2-4 йилдан буён оросатда, на қолишини ва на кетишини билмай, тарози палласидаги юклар ўрнини тинмай алмаштирганча, сарсон-саргардон юрарди...

Бирон соатлардан сўнг йўлакда қадам товушлари эшитилиб қолди. Абдусодиқ эшикдаги кўзгучадан қараб ишчилар қоржомасидаги, пайвандчиларнинг қора кўзойнагини таққан бир киши алақандай жомадонга ўхшаш кутини кўтариб чиқиб келаётганини кўрди. Афтидан, эшикни янгилловчилар келишганга ўхшайди. Абдусодиқ бориб чопонини кийиб келгач, эшигини очди. Йўлакда Олимжоннинг ўзи кўринмасди. Бояги ишчи эса ток сарфини ўлчайдиган сўччиқлар ўрнатилган девордаги кутичага пайвандлаш аппаратини уламоқдайди.

- Хорманг, ака, - деди Абдусодиқ хушчакчак оҳангда гапиришга уриниб, - Хўжайин ҳали келмадимми?

Унинг овозини эшитиб, ногоҳ сесканиб кетгандек бу томонга ялт этиб бир қараб қўйгач, ишчи миқ этмай яна ўгирилди-да, машғулотида давом эттираверди.

Абдусодиқ бир муддат серрайиб турди. Аммо ишчидан бошқа бир садо чикмагач, ноилж хонасига кириб кетди.

- Димоғидан эшакқурт ёғди-я, - тўнгиллади у совиб қолган чойни янгиларкан. - Нима, министрмидинг шунчалик... Агар қишлоқда бўлганимизда аввал саломлашардинг, кейин бир пиёла чойга қирардинг... Туравермасдинг гўддайиб, мен еб, сен куруқ қолгандай. Йўқ, кетаман дедим - кетаман...

Бирпасдан сўнг пайванд аппаратининг ишга тушиб кетгани эшитилди. Ичи кизиган Абдусодиқ яна кўзгучадан қаради. Ишчи атрофга чарс-чурс учқунлар сачратиб, юмушни эски эшикни ўрnidан олишдан бошлаб юборганди.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч ким эшик тақиллатиб келмади.

Совиб қолган мошкичиридан ўзини мажбурлаб уч-тўрт қошиқ еган Абдусодиқ бир-икки кур йўлакда тинмай ишлаётган ишчини дастурхонга чорламоққа ҳезланиб кўрди, бироқ, табиийки, Олимжон у заҳматқашнинг олдида тўкинрок дастурхон ёзишини мулоҳаза қилиб кўргач, бу ниятидан қайтди. Яна бир кўнгли йўлакка чиқиб, ишчи билан у ёқ-бу ёқдан гурунглашмоқчи, ўзининг қишлоққа қайтиб кетмоқчи бўлаётганини айтиб, дардлашмоқчиям бўлди. Ким билади, балки дастлаб одам иси ёқмасдек таассурот қолдирган пайвандчининг дилида не орзулар ботин... Бироқ бу тadbирга йигит ботинолмади. Тил-забони, муомаласи бор одам бўлганда боя, ўзи салом бергандаёқ дарров алиб олиб, бир-икки онгиз шакарғуфторлик қиларди. Туравермасди тўнкага ўхшаб. Эҳтимол, бечора гуноҳ-соқовдир.

Ушбу сўнги хулоса билан Абдусодиқ ўз-ўзини ишонтиргандай бўлди.

Фақат бир пайт йўлакда таниш киз боланинг товуши эшитилгандай бўлганда ҳеч чидаб туролмаган Абдусодиқ чопиб бора-сола яна пешонасини эшикка тираб, кўзгучадан мўраллади. Бироқ алақачон эски эшикни йиқитиб ултурган ишчи зўр бериб пайвандлашни давом эттирарди, Олимжоннинг хонаданидан эса ора-сира, пайвандлаш дириллаши сусайган пайтлар чинни идишларнинг шакирлаб синишига ўхшаш овозлар эшитилиб қоларди. Афтидан, бу Олимжон деганлари яна таъмирлашни бошлаб юборган шекилли.

Ёлгон бўлмасин, кўшнисининг кўнғирчоқдай безатилган уйига бир марта кирган. Ушанда Олимжон ифторлик қилганди шекилли. Абдусодиқ кўрдики, Олимжон ўзидан ҳам ёш, ҳам жусса жиҳатидан кичик йигитча. Бироқ ўзига ишончи, унча-мунчани оёқ учиде кўрсата олиши шундоқ юмалоққина юзиде акс этиб турибди. Дастурхонга-ку, гап йўқ... Хуллас, илимиккина гурун орасида Абдусодиқ кўшнисидан: «Биз-ку, шу уй текканидан ҳам бошимиз осмонда, ҳар қалай, етти йил заводда ишлаб, сарғайиб навбат кутганмиз. Сиз-чи, сиз нега энди келиб-келиб тўққизинчи қаватни тағладингиз?» деб сўрашга улгурди. Олимжон аввалига бу саволга «Ҳа, энди, Худога яқинроқ бўламиз-да», деб ҳазил билан кутулмоқчи бўлди, кейин нечукдир, андак жиддий тортиб, мулоҳазакорроқ оҳангда лутф қилдики, «ҳар қалай, одамлар устингда эмас, остингда гамирлаб юришини билиб туришининг ҳам ўз гашти бор»...

Фикр ҳам кишини чарчатади. Ётоқхонада ҳаёл-суриб ёта-ёта ахири Абдусодиқ кўзи илинганини билмай қолди.

Абдусодиқ алақандай шовқиндан уйғониб, кўрғошиндай оғирлашган бошини базўр кўтариганча ланж, қарахт тарзда

дерезадан ташқарига қарадио, аллақачон шом тушганини кўриб ажабланди. Бу орада йўлакдаги шовқин кучаймоқда эди.

Абдусодиқ юзини совуқ сувга юваётган маҳал эшик кўнғироғи жиринглади, сўнг, бунгаям қаноат қилмасдан, эшикни дупурлатиб уриб кетишди.

Абдусодиқ ошиғич бориб эшикни очди. Табиийки, аллақачон лампочкаси ўғирлаб кетилган йўлак қоронғу эди. Абдусодиқ ўз йўлакчасидаги чирокни ёқди. Унинг эшигидан тушган нур ёруғида кизик манзара намоён бўлди. Йўлакда, темир эшик тагида бир киши ётар ва жон аччиғида типирчилаб, тинмай сўқинар эди. Унинг атрофида гирдикапалак бўлаётган Олимжон темир эшикнинг гоҳ у еридан, гоҳ бу еридан кўтаришга уриниб кўрар, аммо, ҳаракатлари бесамара кетмоқда эди. Биринчи қаватда яшашига қарамай нечукдир бу ерда пайдо бўлиб қолган Саломат хола эса кўмак беришдан кўра кўпроқ ох-вой қилиб, шовқинни авжлатиш билан овора.

Ишқилиб, икки кишилашиб эшикни кўтаришди, унинг тагида қолган шўрлик банда бели эзилган чувалчанглай аранг судралиб ўзини четга олди.

Ўзим пўлатдан қилинганми, беҳад залворли эшикни ахлат ташланадиган қувур ёнига олиб қўйишгач, бели зиркираб кетган Абдусодиқ иккинчи - оддий ёғоч эшикка тирсагини тираганини билади, эшик баногоҳ очилиб, ичкарига мункиб кетди. Унинг ортидан ҳаллослаб отилиб кирган Олимжон жон алпозда чирок тугмачасига ёпишди.

Бу ерда йўлакдагидан-да ғаройиб манзара зуҳур бўлди.

Сиз «фалончининг уйини шилиб кетишибди», қабилидаги совуқ хабарни гоҳ-гоҳида бўлса ҳам эшитган чикарсиз. Олимжоннинг уйини эса, таъбир жой бўлса, чил-чил қилиб кетишганди. Ҳа, айнан чил-чил қилиб. Уйда синмаган нарса қолмаганди ҳисоб. Шундоқ кирган жойдаги одам бўйи кўзгудан тортиб кийим илгичгача; шифтдаги биллур қандиллардан тортиб телевизорлар экранигача... Айниқса, портлаган шекилли, телевизорларнинг ичи худди гордай қоп-қора бўлиб туришининг ўзи ҳунук эди. Шиша синиклари ҳамма ёқда олмосдай товланиб сочилиб ётар, қадам қўйишга жой йўқ эди. Босқинчилар эътиборидан ҳатто ошхона эшиги дерезалари ҳам қочиб қутулмаганди...

Саломат хола қувонаётганини ёхуд қайғураётганини билиб бўлмайдиган оҳангда бидирлаганча хонадан-хонага елиб-югуриб синган нарсаларни санашга, ора-орада эса кимларнидир оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан қарғашга тушиб кетди. Ушбу жунуваш ҳолати орасида хола Абдусодиққа баъзи маълумотларни бериб ўтишгаям улгурди.

Аён бўлдики, Олимжон ишдан бир ўртоғи билан қайтайти экан. Опа ундан қарзга бир ароқ сўрабди. Олимжон рози бўлибди. Сўнг учалови лифтва тезда кўтарилишибди. Қўлида қоғоз халта борлиги учун Олимжон калитни меҳмонга берибди. Меҳмон шундай тешикка калитни суқиб, бурашга ҳаракат қилган ҳам эканки, эшик устига гумбураб қўлаб тушибди... Яхшиям хола қаққонлик билан ўзини четга олибди, йўқса... Холодилникдан омон қолган битта ароқ топиб чиққан Саломат хола сездирмасдан кидирув олиб бораётган уста терговчидай, гап орасида Абдусодиқдан қачон юмушдан қайтганини сўраб қолди.

Шаҳар - ўз номи билан шаҳар. Бу ерда одам кундалик айёрликларга, ўзининг бил, ўзгани қўй ақидасига кўпроқ дуч келади ва уларни тезроқ ўрганайди ҳам. Хозир ҳам Абдусодиқ, унчалик имони қомил бўлмаса-да, «Билдим дедим - тутилдим, билмадим дедим - қутулдим», қондасига риоя қилинадиган ҳодисот юз берганини тусмоллади. Шу боис, холанинг қулоғини динг қилиб турганига жавобан, «энди келиб, ювиниб турибидим», деб қўяқолди.

Хуллас, бўлар иш бўлди.

Ранги ўчган, бармоқлари титрай бошлаган Олимжон Саломат холанинг шунча тавалло қилиб йўл-йўриқ кўрсатишларига қарамасдан нечукдир милицияга қўнғирок қилишга шошилмади, билъакс, маҳмадона текин маслаҳатчини ҳайдагудай бўлиб уйдан чиқараркан, очикдан-очик: «Сиз аралашмай қўяверинг», деб айтди-қўйди. Бироқ холага нақ бир ойлик ғийбатга эзбички мавзу бўладиган ушбу воқеадан четда қолавериш жуда оғир ботди шекилли, остона ҳатлаб йўлакка чиқаркан, ҳар эҳтимолга қарши нишини бир суқиб олди:

- Тушундим, йигит. Тушунмай ўлибманми. Сиз мафиянинг қўлига тушибсиз-да. Уларнинг айтганини қилмасангиз келаси сафар ўзингизни дабдала қилиб кетишадди. - Опа кўзларини ваҳимали олайтириб, кафтининг қиррасини бўйнига урди. - «Қих» қилиб кетишадди, укам, «қих» қилиб.

- Сиз бунақа нарсаларни қаердан биласиз, хола? - энсаси қотиб сўради Олимжон.

- Мен ҳамма нарсани биламан, опагинанг ўргулсин, ҳамма нарсани...

- Хўп, хайр, яхши боринг.

Ушбу мулоқотдан кейин Абдусодиқ ҳам бу ерда ортик қолиш ўнғайсиз эканини англаб, индамасдан чиқиб кетди.

Не бўлганда ҳам, Олимжон чиндан-да милицияга арз қилмади чоғи, Абдусодиқ «қизил шапка»лардан биронтаси бу хонадонга келганини кўрмади. Фақат Саломат холанинг кунни туғиб қолганига бир неча бор ўзи гувоҳ бўлди - кунда бўлмасаям, кунора нимадир сўраб чиқишга одатланиб қолган опа ишқилиб қуруқ қайтмайди шекилли, дарҳол уни ўчади.

Йўлакда тасодифан бир-икки кўришиб қолишганда Олимжон ўзини гўё ҳеч нарса бўлмагандай, уйини «чил-чил қилиб» кетишмагандай тутди. Ортиқча ижикилаб сўрайверишни Абдусодиқ ўзига эп кўрмади. Бунинг устига, ўзига тўқ одамга учтагина хонани қайта жиҳозлаб олиш не деган гап. Мабодо Абдусодиқ шу қўйга тушиб қолганида борми, худто кўрсатмасину, камида жинни бўлиб қоларди ё бўлмаса шартта гумон қилган кишининг ёқасидан оларди. Ахир, айтадилар-ку, мол аччиғи-жон аччиғи...

Орадан ойлар ўтади. Ҳали-ҳамон «кетсаммикин-қолсаммикан» дея мижговланиб, ишгаям қўли бормаи, уйга қарашгаям ҳафсаласи келмай аросатда юрган Абдусодиқни йўлакда учратиб қолган Олимжон шоша-пиша портфелидан бир газета олиб кўрсатаркан, кош-қўзи популеккина бир қизнинг суратига бармоғини ниқтаб «Мана шу менинг уйимни шимо қилиб кетган экан!» дейди. Абдусодиқ анграйиб қолади. Зеро, сурат ҳар қанча хира бўлса-да, у ҳўв ўшал «чил-чил қилиб» кетиш ҳодисоти юз бериш арафасида бир кучоқ гул кўтариб келган қизни эслайди... Қўшнисининг ажабтовур аҳволга тушиб қолганидан жўшиб кетган Олимжон эса оғиз кўпиртириб қизнинг уюшган жиноий гуруҳга бошчилик қилганини, қанчадан-қанчалаб бегуноҳ одамларни қон қақшатганини, охир-охибат, емоқнинг қусмоғи бор деганларидай, бетон йўл бўйида ўзининг қўл остидаги шериклари томонидан нақ манглайдиган ўқ еб, ўлими олтидан барча жиноятларига иқдор бўлганини гапиришга тушиб кетади. Анграйиб қолган Абдусодиқ шуурсиз ҳолатда газетга қўл чўзади. Бироқ анча-мунча қўшган суви фош бўлиб қолмасин дейдими, Олимжон газетани бермайди. Шўшиб турибман дейди-да, гапни бас қилиб йўлида давом этади. У эшикка етган маҳал Абдусодиқ миясига ўқдай урилган саволни беихтиёр овоз чиқариб айтиб юборади:

- Бу қизнинг сизда нима қасди бор экан, қўшни?

Олимжон ортига ўғирилади. Мисоли шу саволни аввал сира ўзига бериб кўрмагандай ҳайрон бўлиб қолади, сўнг, аниқ жавоб тополмасликдан бўлса керак, елка қикиб қўйиш билангина кифояланди-да, ошиғич чиқиб кетади.

Шу оқшом Абдусодиқ бир кучоқ оппоқ гулларни бағрига босганча, оппоқ гуллар қучоғида ширингина жилмайиб турган қизни кўп эслайди. Эсласан сайн қизнинг қандайдир жиноятчилар тўдаси билан алоқаси борлигига бўлган шубҳаси тумандай тарқайверади. Наҳот сурат бирлан сийрат шунчалар фарқланса? Наҳот фариштанани янглиғ бегубор нигоҳлар, бағоят самимий оҳанг ортида ёвз ниятлар яширинган бўлса? Ахир, ул қизнинг ўзи оппоққина бўлиб очилиб турган нозик-нихол гул эмасмиди? Шундай оймизқизнинг Олимжондай тараллабедод кун кечираётган бир йигитда қандай қасди бўлиши мумкин ахир? Ёки... Йўқ, йўқ, бўлмаган гап, улар орасида зигирча яқинлик бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмади. Ахир у қиз фаришта бўлса, Олимжон деганлари - шу ерга келганда Абдусодиқ муболагани жуда ошириб юборди - шайтоннинг ўзи-ку... Йўқ, йўқ, бўлмаган гап.

Наинки Абдусодиқ, ҳаттоки Олимжоннинг ўзи ҳам қизнинг не қасд боис бўлиб, уйни «чил-чил қилиб» кетганлигини бир умр билмай ўтиб кетадилар. Холбуки...

(Давоми келгуси сонда)



ҒАЗЗОЛИЙ

ДАҚОЙИК УЛ-АХБОР

КИРКИНЧИ БОБ ШАРОБХҲҮРЛАР ВА СОЗАНДАЛАР БАЁНИ

Ҳазрат Убай ибн Каъб розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Қисматда шаробхўрлар гарданларига кўзалари осилғон ва кўдларига танбурлари берилғон суратда бир дарахтдин чиккон чўпнинг устига жам бўлурлар. Андин сўнгра Худойи таоло тарафидин бир нидо келурки: «Эй халойиклар, кўрунлар, бул банда фалон шаҳарлик фалон ибни фалон шаробхўрдирки, анинг жазоси ушбундир». Аларнинг оғзиларидин ичган шаробларининг бўйи чунон бадбўй бўлиб келурки, Махшар аҳли алардин безор бўлурлар. Бадбўйликларига тоқат қилолмай, фарёд қилиб Худойи таолога арз этурлар. Худойи таоло аларнинг арзларини қабул қилиб, ул шаробхўрларни Махшардин чикориб дўзахга юборур. Алар дўзахда бир минг йилгача ташналикларига бетокат бўлиб, «Вой ташналикларимизга!» деб йиғлашиб этурлар. Андин сўнгра яна саксон йилгача Молики дўзахга арз қилиб йиғлашурлар. Молики дўзах ҳаргиз аларнинг арзларига қулоқ солмаслар ва аларнинг баданларидин чунон бир бадбўй тер чикарки, анинг бўйига аҳли дўзахлар тоқат қилолмаслар. Бас, ҳаммалари «Худоё, бизлардин ушбу бадбўйликни кўтаргил!» деб муножот қилурлар. Андин сўнгра дўзахнинг ўти келиб бул жамоаларни куйдуруб, жасадларини кул қилур. Яна Худойи таолонинг қудрати бирла қадимги суратига келиб яна дўзахнинг ўти куйдуруб кул қилур. Фаришталар келиб аларни занжир ва ғуллар бирла боғлашурлар. Икки оёғларидин боғлагон занжирларидин ушлаб дўзахнинг ўтига қараб тортурлар. Бас, иссиқликка тоқат қилолмай сув талаб қилиб фарёд қилсалар, қайноқ сув олиб келиб берурларки, ул сувни ичсалар ичаклари куйуб пора-пора бўлур. Агар таом деб фарёд қилсалар, заққумдин олиб келиб берурлар. Андин ичсалар анинг шиддатидин қоринларида ва димоғларида бор нимарсалар қайнаб, оғзиларидин ўтнинг шуъласи чиқиб турар. Ичаклари орка тараф авратларидин тушуб, ерга сурғалиб юрар.

Андин сўнгра фаришталар келиб, аларнинг ҳаммаларини ўтдин қилинган тобутга солиб бир минг йилгача сақлашурлар. Токи, азобу укубат бирла аларнинг ранги тағйир топиб, аҳволлари танг бўлур. Андин сўнгра тобутдин олиб, дўзахнинг Сижжийин деган жойга ташлашурлар. Бир йилгача ул чоҳда туруб, фарёд қилиб йиғлашурларки, аларнинг додларини ҳеч ким тингламас. Ҳеч ким аларга раҳм қилмас. Ул чоҳда йилон ва чаёнлари борки, ҳар бирларининг катталиклари теванинг гарданидекдур. Бас, ул йилон ва чаёнлар аларнинг оёғларидин тишлаб, жасадларини пора-пора қилурлар. Бошларига фаришталар дўзахнинг ўтидин тож кийгузурлар. Баданларининг ҳар бир аъзосини темир бирла боғлаб кўярлар ва гарданларига тавқ солиб, занжирлар бирла боғлашурлар.

Боз бир минг йил ўтгандин сўнгра ул чоҳдин чиқариб, жаҳаннамнинг Вайл номлик бир сахросига элтиб кўярларки, ул жойнинг иссиғи ниҳоятда шиддатликдур, таги ниҳоятда чуқурликдур. Анда занжирлар, ғуллар, йилонлар ва чаёнлар кўбдур. Бас, ул жойда бир минг йил туруб, андин сўнгра «Ё Муҳаммад» деб нидо қилиб йиғлашурлар. Буларнинг овозларини жаннатда Муҳаммад алайҳиссалом эшитиб Худойи таолога арз қилиб айтурларки: «Худоё, ман осий умматларимнинг овозларини эшитдим. «Ё Муҳаммад!» деб йиғлашурлар». Худойи таоло айтур: «Ё Муҳаммад, орий, ўшал овоз қилгувчилар сизнинг умматларингиздур. Лекин, алар дунёда ҳамр ичиб мастлик бирла тавба қилмай ўтганлардур. Алар Машҳарга ҳам маст бўлиб келгандурлар». Андин сўнгра Муҳаммад алайҳиссалом йиғлаб айтурлар: «Худоё, дунёда ман ғарибни пайғамбар қилиб юборганинг рост бўлса, пайғамбарлигининг хурматидин ушбу умматларимни дўзахдин чиқормасанг пайғамбарларнинг қаторида шармсор бўлурманки, алардин афзаллигим ёлғон бўлур».

Андин сўнгра Худойи таоло ҳамма гуноҳкор бандаларни дўзахдин чиқариб айтурки: «Ё Муҳаммад, сизнинг ушбу шарофатингиз хурматидин ҳамма гуноҳкор умматларингизнинг

гуноҳларини кечтим. Эмди ҳаммаларини шафоат қилиб жаннатга олиб қиринг».

ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ ГУНОҲКОР БАНДАЛАРНИНГ ДЎЗАХДИН ЧИҚМОҚЛАРИ БАЁНИ

Ҳазрат Абдуллох ибн Аббос розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, ҳамма осий умматлар дўзахдин чиқиб кетурлар. Лекин бир фирқа гуноҳкор умматлар кейин қолурлар. Алар дўзахда тўққиз минг йилгача этурлар. Андин сўнгра бир минг йилгача «Ё Аллох!», «Ё Аллох!» деб йиғлашиб этурлар. Андин сўнгра яна бир минг йилгача «Ё Ҳаннон!», «Ё Ҳаннон!» деб, яна бир минг йилгача «Ё Маннон!», «Ё Маннон!» деб йиғлашиб этурлар. Андин сўнгра яна бир минг йилгача «Ё Раҳмон!», «Ё Раҳмон!» деб йиғлашиб этурлар. Бас, тўққиз минг йил ўтгандин сўнгра Худойи таоло Жаброил алайҳиссаломга айтурки: «Ё Жаброил, Муҳаммад алайҳиссаломнинг осий умматларига дўзахнинг ўти на тарика азоб берди?» Жаброил алайҳиссалом айтурлар: «Худоё, аларнинг ҳолларига ҳаммадин ўзинг донорокдурсан». Бас, Худойи таоло айтурки: «Ё Жаброил, дўзахга бориб кўргил, қандоғ азобдадурлар». Бас, Жаброил алайҳиссалом дўзахга келиб кўрарларки, Молики дўзах жаҳаннамнинг ўртасида ўтдин яратилғон минбарнинг устида ўлтурубдур. Жаброил алайҳиссаломни кўруб, ўрнидин туруб, таъзим қилиб айтур: «Ё Жаброил, мундоғ номуносиб жойга нима учун келдингиз?!» Жаброил алайҳиссалом айтурлар: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг осий умматларига қандоғ азоб бердингиз?» Молики дўзах айтур: «Осий умматларнинг ҳоли шиддатлик ва аламликдур. Жасадларини дўзахнинг ўти куйдуруб, гўшларини кул қилур. Лекин юзлари ва диллари саломат қолғондурки, андин иймонлари шуъла бериб турубдур».

Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом айтурлар: «Ё Молики дўзах, Дўзахнинг эшикларини очгил, токи ман ўзум кўройин». Бас, Молики дўзах дўзах эшикларини очинлар деб забонияларига амр қилур. Забониялар дўзах эшикларини очурлар. Андин сўнгра дўзахдаги осий умматлар Жаброил алайҳиссаломни кўруб, бул кишини азоб фаришталарига ўхшатмай, Молики дўзахдин бул киши ким деб сўрашдилар. Молики дўзах айтур: «Бул киши Жаброил амин деган фариштадурки, Муҳаммад алайҳиссаломга Куръон олиб тушган фаришта шул кишидурлар». Андин сўнгра Муҳаммад алайҳиссаломнинг номи шарифларини эшитиб, ҳаммалари сайҳа тортиб йиғлашиб айтурларки: «Ё Жаброил, Муҳаммад алайҳиссаломга бизлардин салом еткуринг ва ул кишига бизларнинг ҳолларимизни баён қилингики, бизларнинг ҳолларимиз харобдур. Дўзахнинг азобидин кўзларимиз кўрдур. Муҳаммад алайҳиссалом бизларни хаёлларидин фаромуш қилдилар».

Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом қайтиб Худойи таолонинг наздига борурлар. Бас, Худойи таоло айтур: «Ё Жаброил, Муҳаммад алайҳиссаломнинг осий умматлари ҳолларини қандоғ кўрдунг?» Жаброил алайҳиссалом айтурлар: «Худоё, аларнинг ҳоллари хароб ва маконлари азоб сабабидин кўб тангдур». Худойи таоло айтур: «Ё Жаброил, алар сандин ҳеч нимарса илтимос қилдиларми?» Жаброил алайҳиссалом айтурлар: «Орий, аларнинг ҳолларини Муҳаммад алайҳиссаломга еткурмоғимни илтимос қилдилар». Андин сўнгра Худойи таоло айтур: «Андоғ бўлса бориб Муҳаммад алайҳиссаломга аларнинг хабарларини еткургил». Бас, Жаброил алайҳиссалом жаннатга бориб кўрардиларки, Муҳаммад алайҳиссалом жаннатда Тўбий деган дарахтнинг тагида бир дароз чодирнинг ичида ўлтурубдурларки, ҳаммаси оқ марвариддиндур. Икки тарафи қизил тиллодиндур ва анинг тўрт минг эшиги бордур. Бас, Жаброил алайҳиссалом ул чодирга йиғлаб кириб Муҳаммад алайҳиссаломга салом берурлар. Муҳаммад алайҳиссалом алик олгандин сўнгра айтурлар: «Ё биродар Жаброил, сизга нима мусибат тушти? Нима сабабдин йиғларсиз?» Жаброил алайҳиссалом айтурлар: «Ё Муҳаммад, агар ман кўрган мусибатни сиз кўрсангиз

эди, мандин ҳам каттигроқ йиғлар эдингиз. Чунки ман сизнинг осий умматларингиз олдиларидин келурман. Ҳаммалари дўзахда азоб чекиб ётибдурлар. Сизга салом айдилар ва ҳолларининг хароблигини, азобларининг каттиғлигини манинг сизга еткурмоғимни мандин илтимос килдилар. Бизларни Муҳаммад алайҳиссалом хаёларидин фаромуш килдилар деб гаминдурлар. Хар дамда «Ё Муҳаммад!» деб сайха тортиб йиғлашурлар. Бас, Худойи таоло аларнинг додларига етиб мани сизга юборди. Ман аларнинг ҳолларини кўруб йиғларман».

Бас, пайғамбар алайҳиссалом бу сўзни эшитиб, «Лаббайка ё умматий» деб йиғлаб ўрнларидин туруб Аршнинг тагига борурлар. Ҳамма пайғамбарлар ул ерга жам бўлиб турарлар. Пайғамбар алайҳиссалом бошларини саждага қўйиб, йиғлаб, чунон сано айтурларки, ҳеч киши ул жанобнинг айтган саноларидек санони айтган эмасдур. Андин сўнгра Худойи таолодин нидо келурки: «Ё Муҳаммад, бошингни кўтаргилки, сажданинг вақти эмас. Хар максудинг бўлса сўрагил, ани санга ато килурман». Бас, пайғамбар алайҳиссалом айтурлар: «Худоё, манинг осий умматларим дўзахда азоб тортиб ётибдурлар, магар санинг ИННАЛЛОҲА ЙАҒФИРУЗ - ЗУНУБА ЖАМИҒАН¹¹³ деган каломинг ёлғон эдумики, мундоғ азобда колдилар. Энди сандин умматларимнинг гуноҳларини сўрарманки, ҳамма гуноҳларини мағфират килгил. Манинг шафоатимни қабул килгил».

Бас, Худойи таоло айтур: «Ё Муҳаммад, сизнинг шафоатингизни қабул килдим ва сизнинг хурматингиздин умматларингизнинг ҳамма гуноҳларини мағфират килдим. Энди бориб умматларингизга мандин салом айтинг ва дунёдаги умри ичида бир мартаби ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲУ МУҲАММАДУР-РАСУЛУЛЛОҲ деганларнинг ҳаммаларини дўзахдин чикиб жаннатга олиб киринг».

Бас, пайғамбар алайҳиссалом жами пайғамбарлар бирла дўзахга келиб Молики дўзахни кўрушурларки, жаҳаннамнинг ўртасида ўтдин яратилгон минбарнинг устида ўлтурбдур. Муҳаммад алайҳиссаломни кўруб, ўрнидин туруб таъзим қилур ва пайғамбар алайҳиссалом айтурларки: «Ё Молики дўзах, манинг осий умматларимнинг ҳоллари қандоғдур?» Молики дўзах айтур: «Ё расулуллоҳ, аларнинг ҳоллари кўб шиддатлик ва азоблари кўб аламликдур». Пайғамбар алайҳиссалом айтурлар: «Ё Молик, дўзахнинг эшигини очгил!» Бас, ул дўзахнинг эшигини очур. Гуноҳқор бандалар Муҳаммад алайҳиссаломни кўруб, ҳаммалари сайха тортиб йиғлашиб айтурларки: «Ё расулуллоҳ, бизларнинг жасадларимизни дўзахнинг ўти қуйдурди ва гўшларимизни кул килди. Сиз бизларни фаромуш килдингиз».

Бас, пайғамбар алайҳиссалом аларнинг ҳолларидин беҳабарликларини баён қилиб, аларга узр айтиб, ҳаммаларини дўзахдин чиқорурлар. Аларнинг тамом баданлари дўзахда қуйиб кўмур бўлгон бўлур. Андин сўнгра ҳаммаларини олиб бориб жаннатнинг эшигини оқадургон Маул-ҳаёт деган дарёга чумултурарлар. Андин сўнгра ҳаммалари сувдин чиқарда кўзлари каро ва юзлари ўн тўрт кечалик тўлгон ойдек хушсурат бўлуб чиқарлар. Лекин, ҳаммаларининг пешоналарида бул жамоалар дўзахийлардурки, буларни Худойи таоло дўзахдин озод қилгондур, деган иборат ёзилган бўлур.

Андин сўнгра жаннатга кирарлар ва жаннатдаги одамлар буларнинг пешоналаридаги хатларни кўруб, булар дўзахий эканлар деб таъна қилурлар. Булар ул таънага номус қилиб: «Эй бор Худоё, пешонамиздаги бул хатни ўчиргил» деб дуо қилурлар. Худойи таоло буларнинг дуоларини қабул қилиб, хатларини ўчирар. Вақтики, буларнинг дўзахдин чикиб жаннатга кирганларини кофирлар кўруб, пушаймон қилиб айтурларки: «Эй кошки бизлар ҳам дунёда мусулмон бўлғай эдик, токи бизлар ҳам бул жамоалар бирла жаннатга кирар эрдик». Қавли Аллоҳ таолоки, РУБАМА ЙАВАДДУЛ-ЛАЗИЙНА КАФАРУ ЛАВ КАНУ МУСЛИМИЙНА¹¹⁴ ҳам шул мазмунга далолат қилур.

Ва яна ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Қиёмат куни фаришталар ўлумни бир кўк ранглик кўчқор суратида қилиб жаннат бирлан дўзахнинг ўртасига олиб келиб нидо қилурларки: «Эй аҳли жаннатлар, бу ўлумни билурсизларми?» Аҳли жаннатлар айтурлар: «Орий, билурмиз». Андин сўнгра дўзах тарафига қараб айтурлар: «Эй аҳли дўзахлар, бу ўлумни билурсизларми?» Аҳли дўзахлар айтурлар: «Орий билурмиз». Андин сўнгра ани ул жойда сўйуб ўлдуралар. Яна нидо қилиб айтурларки: «Эй аҳли жаннатлар ва эй аҳли дўзахлар, билинларки, бу кундин сўнгра сизларга ҳаргиз ўлум йўктур ва ҳаммаларингиз ўз жойларингизда холидурсизлар, яъни абадул-абад, доимийдурсизлар. Қавли Аллоҳ таолоки: «ВА АНЗИРҲУМ

ЙАВМАЛ-ҲАСРАТИ ИЗ КУЗИЙАЛ-АМР¹¹⁵нинг тафсири ҳам ушбу мазмунни тақозо қилур».

Ва яна хабарда келибдурки, қиёмат куни фаришталар дўзахни Махшарга олиб келсалар дўзахдин бир овоз келурки, анинг ваҳмидин барча халойиқ кўрқуб ўлтуруб бошларини ҳам қилиб тиззалари орасига беркитурлар. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА ТАРО КУЛЛА УММАТИН ЖОСИЯТАН КУЛЛА УММАТИН ТУДЪА ИЛА КИТАБИҲАЛ-ЙАВМА ТУЖЗАВНА МА КУНТУМ ТАЪМАЛУН¹¹⁶ ҳам шул маънога далилдур. Дўзахнинг овозини халойиқлар беш юз йиллиг йўлдин эшитурлар. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, САМИЪУ ЛАҲА ТАҒАЙЙУЗОН ВА ЗАФИРОН¹¹⁷ ҳам маънига далилдур. Ҳамма одамлар анинг овозини эшитгандин сўнгра «Вой нафсим» деб йиғлашурлар. Ҳаттоки, Иброҳим Халилуллоҳ ва Мусо Калимуллоҳ ҳам «Вой умматим» демаслар. Балки, «Вой нафсим» деб йиғлашурлар. Магар Муҳаммад алайҳиссалом «Вой умматим» деб йиғларлар. Вақтики, дўзах ўти шуъла бериб яқин келса Пайғамбар алайҳиссалом айтурларки: «Эй ўт, дунёда намоз ўқиган бандаларнинг намозлари хурматидин қайтгил!» Аммо ўт қайтмас. Андин сўнгра «Мусаддикларни берган садақаларининг хурматидин қайтгил» дерлар. Аммо ўт қайтмас. Андин сўнгра «Ожизларнинг шикасталиклари хурматидин қайтгил» дерлар. Аммо ўт қайтмас. Андин сўнгра «Рўздорларнинг тўтган рўзалари хурматидин қайтгил» дерлар. Аммо ўт қайтмас. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом келиб айтурларки: «Ё Муҳаммад, дунёда тоибларнинг қилгон тавбалари хурматидин ва гуноҳлари учун Худойи таолодин кўрқуб йиғлагонларнинг кўз ёши хурматидин қайтгил деб айтинг». Бас, пайғамбар алайҳиссалом бу сўзни айтурларким, дўзах ўти қайтур. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом дунёда гуноҳи учун Худойи таолодин кўрқиб йиғлагонларнинг кўз ёшларини олиб келиб ул ўтнинг устига тўқарлар. Гўё дунёнинг ўти ёмғур бирла ўчгандек дўзах ўти ҳам кўз ёшлар бирла ўчар.

Яна хабарда келибдурки, қиёмат куни бўлса Худойи таоло ҳамма халойиқни Махшаргоҳнинг бир даштига жам қилур. Андин сўнгра Дўзах буларнинг тарафига юғуриб келурки, анинг ҳамма эшиклари очилгон ва ўтларининг шуъласи фаввора уруб чикиб тургон бўлур ва шуъласи ҳамма халойиқни атрофидин ўраб олиб қуйдируб турар. Бас, халойиқлар бул ҳодисаларни кўруб Пайғамбар алайҳиссаломга арз қилурлар ва пайғамбар алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломга арз қилурлар. Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Ё Муҳаммад, кўркмангиз ва бошингизни гарду губорини силкиб тўкингиз.» Бас пайғамбар алайҳиссалом бошларини силкиб ҳамма гарбу губорини тўқарлар ва ул гарду губорлардин Худойи таоло бир булут яратурки, гўё ёмғурнинг булутидек аларнинг бошлари устига келиб турар. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Ё Муҳаммад, сақолингизнинг губорини ҳам тўкингиз». Бас, Пайғамбар алайҳиссалом сақолларининг губорини ҳам тўқарлар. Ул губордин Худойи таоло бир парда яратурки, халойиқ бирла дўзахнинг миёнасига банд бўлуб дўзахнинг иссигини қайтарадур. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом келиб айтурларки: «Ё Муҳаммад, тамоми жасадингизнинг губорларини ҳам силкиб тўкингиз». Бас, Пайғамбар алайҳиссалом тамоми жасадларининг губорини силкиб тўқарлар. Ул губордин Худойи таоло мўмин бандаларининг тагига фалос яратурки, ушбу қароматлар бирла аларнинг ҳамма атрофлари банд бўлур, дўзахнинг ўти таъсир қилмоғига йўл тополмас. Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак аъзоларига ўлтургон губорнинг хосиятидин умматларига ҳеч азоб бўлмас.

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

113. Албатта Оллоҳ (ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур.

114. Ҳали (қиёмат куни) кофир бўлган кимсалар мусулмон бўлишни истаб қолурлар. (15-2)

115. (Эй Муҳаммад), сиз уларни (яъни, Макка мушрикларини) барча иш битирилиб (яъни, жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга ҳукм қилиниб) улар ҳасрат-надоматда қоладиган кундан - Қиёматдан кўрқитинг. (19-39)

116. (У Кунда) барча умматни (даҳшат ва изтироб-ла) тиз чўккан ҳолда кўрарсиз. Хар бир уммат ўз номаи аъмолига чиқарилир, (сўнг уларга дейилур): «Бугун қилиб ўтган амаларингиз билан жазоланурсизлар!» (45-28)

117. (Дўзах) уларни узоқ жойдан кўрган вақтидаёқ унинг ҳайқириқ ва бўкиригини эшитурлар. (25-12)



Саҳобиддин ХҶЖАНОВ

Халқаро Киокушинкай Каратэ До ташкилотининг Президент Масутацу Ояма «Каратэ нима?» китобида шундай ҳикоя қилади:

«... 1953 йил қишида тайёргарликни тугатдим. Кинога олиш учун барча ашёлар ҳам тахт бўлди. Жой соҳилликдаги Чива префектурасидан танланди. Кинокамералар шайланган кун суратга олувчилар танлашган ҳўкизни кўриб чўчиб кетдим. Бу - оғирлиги 1250 фунт (бир фунт -), шохлари 10 дюймли (бир дюйм -), шохларининг асоси эса 3 дюймга етган ҳайбатли бука эди. Ростини айтиш керак, жангга журъат қилиб киришиш қанчалар қийин бўлмасин, ортга чекинмай, ўзимни ғалабага чотладим. Мухбирлар ва кинога олувчилар сокин балиқчилар қишлоғини эсдан айиргудай шовкин-суронга кўмишди. Айниқса: «У курук қўл билан ҳўкизнинг шохларини сўгуриб олармиди? Мумкин эмас... Хўши жойида эмас...» қабилидаги гап-сўзлар тез-тез эшитилиб қоларди. Улар мен жазм қилган ишнинг охири вой бўлади, деб ишониларди. Газеталардан бири бу ҳақда:

«20 аср даври! Олти кишидан тўрттасининг назарида ҳўкиз ютади!», деб ҳам ёзди. А ф с к и, е н г и л г и н а ё мғир туфайи ж а н г колдирилди. Мухбирлар:

«Омадинг бор экан! Умринг яна бир кунга чўзилаётган бўлди!», деб ҳазил қилишди. Лекин, мен кувоналган кайфиятда эмасдим, яққало ягона қизимдан келган: «Сизга омад ёр бўйсин, отажон!» деб ёзилган телеграммани қисимлаганча индамай турардим...

Эртасига кун чарақлаб кетди ва минглаб томошабинлар йиғилди. Мен фақат кенг чарм камар тортилган енгил, қалта иштиқ кийдим. Албатта, каратэчи номинга яраша кўлим бум-буш эди.

Томошабинлар гулдурас қарсақ чалиб, «Бардам бўл!» дея бақириб, далда беришарди. Мен юзимни денгизга буриб, кўзларимни юқорига кўтардим. Кўзларимни юшиб, миямдаги барча фикрларни қувишга тиришдим.

Кўзларимни очганимда тўртта кучли ёритгич, минглаб одамлар, кинокамералар ва важохатли бука қаршисидаги кўркув - ҳамма-ҳаммаси хира торгандай эди.

Ниҳоят баҳайбат буқани ечиб юборишди. У бошини эгганича, ўткир шохларини силтаб-силтаб ҳужумга ўтди. Мен зарбага чап бердим ва шохларидан тутиб, ҳўкизни ерга йикитишга ҳаракат қилдим. Бироқ кенг керилган оёқлари ва 1250 фунтлик вазни уни бировзгина бўлсин, қимирлатишимга ҳам имкон бермади. Аксинча, ҳўкизнинг залворидан менинг оёқларим қумга ботиб кетди. Шу алпозда тердан жикка ҳўл бўлган кўзларим тойиб кетиб, шохларни чиқариб юбордим. Кутуриб кетган ҳўкиз яна даҳшат билан менга ташланди. Суратга олиш бошланганга қадар филм директори жангни 10 дақиқа олиб боришни сўраган бўлса-да, бунинг иложи йўқ эди. Энг ёмони - бука шохларини қорнимга тикиб олганди.

Биз қонли жанг олиб борардик. Бирдан мен тойиб кетдим ва чалқанча йиқилдим. Хавфни ҳис қилдим-у, аммо туришга улгурмадим - бука бўғиқ ўкириб мени шохлади. Мен қорнимдан жароҳатланганим, жароҳатдан

қон оқарди, бироқ оғрикни ҳис қилмасдим. Аксинча, ҳўкизнинг шохларини ушлаб олиб, унинг бўйинини бор кучим билан гоҳ ўннга, гоҳ чапга бурардим. Кимдир: «Тўхтатинглари уни, бўлмаса ўлади!» деб бақириб юборди.. Оператор: «Балки дам оларсан. Бундай аҳволда жанг қилиш хавфли!» деб сўради.

- Ҳаммаси жойида! - дея жавоб бердим мен. - Бу жароҳатни деб ҳеч қачон таслим бўлмайман! Қандай бўлмасин мен юзимни керак! Суратга олишни давом эттиринглари!..

Ҳўкиз эса шохларини чапга, ўннга силқитганча кўзларимдан ҳалос бўлишга интиларди. Мен шунда рақибим кучдан қолаётганини сездим. Қулай пайт келганда бор кучимни тўлаб бирдан унинг бошини ерга босдим, шохларини маҳкам сикқанча дарров устига сакрадим-да, беғини осмонга қилиб ағдардим. Рақибим туришга ҳаракат қилган маҳал унинг қорнига ётиб олдим. Узимча: «Ё мен унинг шохини сўгуриб оламан, ё у менинг кўзларимни узиб олади», деган қарорга келдим. Сўнг шохни асосидан сўгуриб олдим.

Ҳўкиз ўкириб юборди. Илдизи билан сўгуриб олинган шох у н и н г пешанасида ш а л в и р а б турарди. Мен шохни узиб олдим ва шуурсиз равишда бошим узра кўтардим.

Бирдан кучли қарсақлар тўқини момақалдиқроқдай устимга ётирилди.

Мен ҳўкизни егдим! Ниҳоят менинг кўп йиллик орзуим ушланди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ҳўкиз билан ҳаёт-момот жанги 35 дақиқага чўзилди, бироқ ўтган бу вақт менга узок ҳам, қисқа ҳам туюлгани йўқ, чунки мен бор кучим билан жанг қилганим, холос...»

Киокушинкай Каратэ До асосчиси, муқаммал фалсафий тизим муаллифи, Устоз, Мураббий Сосай Масутацу Ояма 1994 йил 24 апрелда оғир қасалликдан сўнг вафот этди.

Биз сизга XX аср мутафаккирларидан бири ҳақида қисқачина маълумот бердик. Бу инсонни нима учун ҳали ҳаётлик давридаёқ Буюк деб аташганини тушуниб етишни истасангиз, журнализмнинг келгуси сонларида эълон қилинадиган мақолалар туркумини кузатиб боринг...

Тақдир фақат кучли руҳ ва улкан интилишлари бор одамгагина қулиб боқади. Мен ишонч билан таъкидлайманки, бундай одам яхши дўстлар ҳам орттиради.

... Интилишсиз одам интилиши бор одамлар билан дўстлаша олмайди...

Яхши китобларни мутоала қилмоқ инсон интилишлари учун тимсолларни тарбиялайди, шу интилишларни ривожлантиради, яхши дўстлар пайдо қилади.

(Масутацу Ояма).

ҲАЁТ ҚАДАР УЗУН ЙЎЛ (47 та ҳўкизни уриб ўлдирган инсон)



ЁШ ОЛИМЛАР -
ПРЕЗИДЕНТ
СТУПЕНДУАЛАРИ



"Ўзбекистон Президентининг 1997 йилги стипендиатлари" деган шарафли номга қуйидаги беш аспирант муносиб деб топилди:

Неъматулла КАРИМОВ - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидан;

Суннатилло ИСМАТОВ - Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидан;

Нормурод ФАЙЗУЛЛАЕВ - Самарқанд Давлат университетидан;

Буходиржон ОНОРБОЕВ - Кибернетика институтидан;

Шаҳноза УСМОНОВА - II Тошкент Давлат медицина институтидан.

Албатта, ушбу ёш олимларнинг ҳар бири ҳақида катта-катта мақолалар ёзиш мумкин. Фурсат келиб балки шундай қилармиз ҳам. Ҳозирча эса улардан бирини, яъни истеъдодли ёшлар сафида порлаб турган ягона олимани мухтасаргина таништириб ўтсак.

Шаҳноза Усмонова тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан битирган. Айни кунларда профессор Эркин Қосимов раҳбарлигида "Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини лазертерапия усуллари билан даволашда умумий ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичлари" мавзуида номзодлик иши қилмоқда.

Шаҳнозахон фикр доираси кенг, ҳавас қилса арзигулик денёқарашга эга оқила олима. Биз у киши билан бугунги тиббиёт муаммолари, ютуқлари, кўхна Шарқ табobati анъаналари, хусусан "совуқ" ва "иссик" мижозлар ҳақида узоқ гурунглашдик.

Мен ушбу суҳбат асносида бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: Шаҳнозахон сингарари фидойи, тиниб-тинчимас, изланувчан, истеъдодли ёш олимлари бор фаннинг келажаги порлоқ бўлади.

Абдул Фани ЖУМА.

Келгуси сонда:

- **Наби ЖАЛОЛИДДИН.** *Йиги. Қисса*
- **Ўлжас СУЛАЙМОН.** *Орзу дайрида. Достон*
- **Ясукари КАВАБАТА.** *Хол ҳақида қўшиқ. Ҳикоя*
- **Муҳаммад ЮСУФ.** *Янги шеърлар*



*"Жўра АСРАНОВ"
ижодидан:*

*"Афросиёб"
"Манзара"
"Буви"
"Натюрморт"*

